

Камолиддин Туғчи

КЎЧАДАН КЕЛГАН БОЛА

қисса

Туркчадан Муҳайё Алимова таржимаси

MAJBURIY
NUSXA



Тошкент – 2012

УБК: 821.512.161

КБК: 84(5Тук)

Т 94

- Турк араб.

Туғчи, Камолитдин.

Кўчадан келган бола: қисса / К.Туғчи; тарж. М.Алимова.

- Тошкент: YURIST-MEDIA MARKAZI, 2012. - 236 б.

ISBN 978-9943-387-55-3

УБК: 821.512.161

КБК: 84(5Тук)

Ҳаётда нималар бўлмайди, дейсиз. Атрофимиз турли кўнгилли-кўнгилсиз, яхши-ёмон воқеа-ҳодисаларга тўла. Аммо уддабурон инсонгина бундай «боши берк кўча»лардан чиқиб кета олади.

Ҳикоямиз қаҳрамони ҳам ёш бўлишига қарамай, виждонлилиги, ҳалоллиги сабабли ўз йўлини топиб, оила саодатини таъминлай олди. Муваффақиятга эришиш бўйича у ҳеч кимдан орқада қолмади, деб ўйлаймиз. Ўқинг ва ибрат олинг, дея уни эътиборингизга ҳавола этаётимиз.

Тақризчи ва масъул муҳаррир:

Абдумурод Тилавов,

филология фанлари номзоди

ISBN 978-9943-387-55-3

© Камолитдин Туғчи. «Кўчадан келган бола»

© «Yurist-media markazi» нашриёти, 2012

Alisher Navoiy

nomidagi

O'zbekiston Mk

2013/56
A4264

Кўчанинг икки четидаги кабоб ва шунга ўхшаш нарсалар билан савдо қилувчи дўконлар одамлар билан гавжум эди. Ўша атрофда ишдан қайтаётган одамлар «кока-кола» ёки бирор егулик еб-ичиш мақсадида ўзларига жой қидиришарди.

Кабобчининг дўкони ёнида турган хизматчилар харидор чақириш мақсадида «Келиб қолинглар!..», «Марҳамат қилинг, бейим!..», «Сихланган кабобу пиёзли қовурдоқлар ҳам бор!» деб тинмай бақиришарди.

Кўчани кабоб ва қовурдоқларнинг хушбўй иси тутиб кетган эди. Бу ҳолат эса қорни оч одамларга яхшигина таъсир ўтказиши тайин эди, албатта.

Полициячи Халил афанди ҳам ҳозиргина иш жойидан чиқиб кабобхонага кириб келди. Одатига кўра ойна олдида ўтириб олганча ўзи буюртирган кабобни келтиришларини кутарди.

Сал нарироқдаги кабоб пишириладиган жойда тахминан ўн ёшлар чамасидаги бир бола бурнини ойнага тираб олганча кабобчига тикилиб турарди. У кабобчининг усталик билан ишлаши ва идишдаги кабобларга назар ташлар, айниқса, ҳар замонда чархланиб турган қиличсимон пичоғидан кўзларини узмасди.

Остонада туриб олганча харидор чақираётган хизматчига кабобпаз тўсатдан гапириб қолди:

– Аҳмад, манави бетайинни бу ердан даф қилгин! Бўлмаса, орқа томонданми ё бошқа йўл биланми кабобларни олиб кетади...

Хизматчи йигит бола томонга юрар экан, узоқдан уни тепгудек оёқ кўтарди. Унинг олдида боргач эса,

болакай билан гап талаша бошлади. Йигит болага қўл кўтарар, ўз навбатида бола ҳам унга жавобан кўкрак керганча кўчани бошига кўтариб:

– Сенга нима, э... бу кўчалар отангнинг мулкими? – деб бақирарди.

Халил афанди ўрнидан туриб усти-боши афтодаҳол бўлган болакайга диққат билан қаради. Боланинг юзлари терлаб кетган бўлса-да, чанг-тупроқ ёпишиб кетган кўзларида ажиб бир нур порларди. Унинг қараши худди рақиби томон отилишга тайёр турган жаҳлдор мушукнинг қарашига ўхшаб кетарди. Шундан бўлса керакки, айни пайтда кўзлари адоватли йилтиллаб ҳам турарди.

Хизматчи йигит тишларини ғижирлатиб:

– Ҳозир бошингни ёраман, – деди.

– Ёриб кўргин-чи... – деди бола ҳам бўш келмай.

– Нимангга ишоняпсан, итвачча?!

– Аввал менинг бошимни ёргин-чи, бир кўрайлик. Бурчакка тошдек улоқтираман, тушундингми?! – деди.

Шу пайт дўкон ёнидан ўтиб бораётган бир ишчи унга қараб:

– Аҳмад, болани ўз ҳолига қўйсанг-чи! Қаерга борсанг, ўша жойга эгалик қиласан-а?! Бундан кўра ишингдан қолмасангчи-эй... – деди.

Халил афанди ҳам кўчага чиқди-да:

– Қўй энди, бор, мижозларингга қарагин, – деди. Кейин боланинг иягига қўлини олиб бориб:

– Кел, гаплашиб оламиз, – деди.

Боланинг кўзлари ҳамон ўша адоват билан қараб турарди.

– Гаплашаверамиз, нима қилмоқчисиз? – деди у астойдил ғазабланиб.

– Сен билан дўстларча гаплашмоқчиман, келишдикми? – деди Халил афанди.

Улар ўша ердаги кабобхоналардан бирига кириб, бурчакдаги бўш столга қараб юришди. Елиб-югуриб столлар устини артиб, ҳаммага бирдек хизмат қилаётган йигитга қараб:

– Иккита кабоб келтиринг, иккови ҳам пиёз ва тухумли бўлсин! – деди Халил афанди.

Болакай энди ўрнидан турмоқчи эди, полициячи дарҳол:

– Ўтир, ҳали гаплашмадик-ку... Қани, аввал менга айт-чи, отанг нима иш қилади? – деди.

– Усти ёпиқ бозор бор-ку, ўша ерда ишлайди.

– Сенинг исминг нима?

– Мурод...

– Чиройли исминг бор экан, менинг исмим эса Халил. Яхши, хўш, нега энди мактабга бормаяпсан-а?

Суҳбатдошининг бу саволидан қизишиб кетган болакай унга қараб:

– Буни бориб отамдан сўранг, хўпми?! Отам бошқага уйланган... – деди.

– Сен отанг билан яшамайсанми?

– Отам уйланган хотин мени ёқтирмагани учун у менга «Онангнинг ёнига бор!» деб кўчага чиқариб юборди.

– Хўш, нега унда онангнинг ёнига бормайсан?

– Онам ҳам бошқа кишига турмушга чиққан. У эса менинг отам билан бирга яшашимни истайди.

– Бошқа ҳеч киминг йўқми?

– Битта опам бор.

– У сенга қарамайдими?

– Қўлидан келса, қарарди, аммо эрининг феъли жуда оғир. Поччам унга «Ота-онаси бор-ку, мен уни бекордан-бекорга боқолмайман», деб гапиради. Демак, у ҳам мени истамайди, тўғрими?

Бола буларнинг ҳаммасини ўзини хотиржам тутганча, ниҳоятда бемалол тушунтирарди. Бу орада

иккита идишда кабоб, нон, пиёз ва тухумлар келтирилди. Халил афанди болага қараб:

– Қани ол, тушлик қиламиз! Бир кун келиб мен ҳам сенга меҳмон бўламан. Ҳа, охири узун бўлган бу дунёнинг ишлари шунақа...

Қорни очиб кетгани учун бола ҳар ҳолда ноз қилганча торганиб ўтирмади. Энди унинг кўзларидаги аввалги яшилсимон йилтираш сўнган эди. Унинг кўз қорачиқларида энди асабдан қизариш эмас, оромбахш нам бор эди.

– Раҳмат, амаки! – деди бола.

Халил афанди овқатни секин-секин еркан, сўради:

– Энди қаерда қоласан?

– Хиёбонда...

– Қоровул индамайдими?

– Хафа бўлишга-ку - бўлади-я, лекин мени ким тўғри тушунарди? Шунинг учун у ўтиб кетганидан кейин қаторлардан бирига кириб ётаман. Қоровул ўзи жуда яхши одам. Маҳаллани айланиб юради-да, хиёбонга кириб сигарет тутатиб ўтиради. У мени кўради, албатта, лекин ҳеч нарса деёлмайди.

– Сени ушлаб олиб кетиб қолишса-чи?

– Менинг бировга зарарим йўқ... Бундан ташқари, тиланчилик қилаётганим йўғ-у, тўғрими?

Кабоб ва пиёзлар тугаганидан кейин битта идишдан айрон ичишгач, Халил афанди сўради:

– Тўйдингми?

– Раҳмат, амаки, тўйдим...

– Сени мактабга ҳеч юбормадиларми?

– Фақат бошланғич мактабни тугатдим, холос...

– Мана бу жуда яхши бўлибди, демак, ўқиш ва ёзишни биласан, шундайми? Ҳозир неча ёшдасан?

– Ўн бирга тўлдим.

– Қачондан бери кўчадасан?

– Онам шу йилнинг баҳорида эрга тегди. Ўшанда

кўчага чиқариб юборган эди. Ҳозир август ойи бўлса, мен апрелдан бери кўчада эканман-да.

– Ҳеч иш қидириб кўрдингми?

– Қидирмасдан бўларканми? Ким менга иш беради? Қайси дўкон ё магазинга кирсам, эшикдан қайтарадилар. Ўша кезлари ҳатто тортмасидан майда пул топиб менга узатганлар ҳам бўлди, аммо мен садақага зор эмасман!..

– Хўп, майли, лекин одам бир кунда уч маҳал овқат ейиши зарур-ку. Сен нима қиласан?

– Буни Аллоҳ етказди! Кўчада бир-иккита дайди болалар бор. Агар ўшаларнинг олдига борсам, ўртоқларим у-бу егулик беришади.

– Бу юришинг яхши эмас! Энди сен бирор жойдан тирикчилик қилишинг керак...

– Гапларингиз тўғри, амаки... Менинг ёшимдаги болага ким ҳам иш беради? Ҳамма одам ҳам «Иши унумлими ё унумсизми, бундан нима фойда топаман?!» деб ўйлайди-да. Аввало ёш болага ҳеч ким ишонмайди, кейин мендек боладан бирор иш чиқмаслигини улар жуда яхши биладилар.

– Шундай-ку, аммо шогирдлик қила оласан-ку.

– Э... амаки, уни ҳам қидириб кўрдим. Хиёбондаги махсус хизмат гуруҳига ҳам учрашдим. Бироқ улар мени сафларидан чиқариб «Қаерга борсанг - бору, аммо бизнинг ҳудудимизда юрма!» деб ҳайдадилар. Ўша пайт ўзимни тутолмадим-да, мен ҳам бир қаторнинг тагида ётган итни кўрсатиб «Бу хиёбонда ётиш учун итга рухсат бору, аммо ҳеч кими йўқ бир одамга жой йўқ, шундайми?» дедим.

– Нима дейишди?

– Ҳеч нарса дейишмади-ю, аммо биттаси ҳамёнини кавлаб пул чиқарди-да, менга узатди. Мен ўша пулни олармидим?! Йўқ, албатта... Шунинг учун индамасдан бурилиб кетдим, улар эса ортимдан қараб қолаверишди. Шунақа гаплар...

Бола ниҳоятда зийрак ва ақлли эди. Иккови кабобхонадан чиқиб, кўчада секин-секин юриб борардилар. Халил афанди бирдан тўхтаб қолди. Деразаси кўча тарафга қилиб ўрнатилган, ён томонидан эса эшик қилинган жойнинг ичида чироқ ёниқ турарди. Халил афанди ён эшикдан ичкарига кирди. Дўкон ташқаридан тор кўринса-да, ичи кенг экан. Хонада бир уюм оёқ кийимлар бор эди. У ерда бир кекса косиб ишлаб ўтирарди. Лабига қистириб олган сигарети аллақачон ярмигача кулга айланиб ўчган эди.

– Ҳорманг, Яшар уста! – деди Халил афанди.

– Соғ бўл, Халил афанди, – жавоб қайтарди уста.

– Сиз бир шогирд қидириб юргандингиз-а?..

Яшар уста Муродга бир қараб олгач:

– Ҳа, шундай... мен шогирд излаб юрган эдим, аммо бошимга бало эмас! – деди кескин.

– Ие... ҳозирдан бундай деманг-да, уста. Бу бола жуда ақлли, қўлидан иш келади, деб ўйлайман. Сиз бир ҳафта синаб кўринг! Агар қўлидан иш келмай, сизга фойдаси тегмаса... унда ўзим бошқа жой топаман, – деди у.

Яшар уста қошларини чимирганча бироз ўйланиб қолди-да, ҳеч нарса демади. Шу тобда Халил афанди:

– Ўртамизда ҳақ-ҳуқуқ бор, албатта. Мен шу болага кафилман, – деди.

– Майли... қола қолсин, синаб кўрамиз.

– Ҳа, шундай бўлсин, бир-биримизга зарурлигимизни унутманг-да. Дўкон ёпилганидан кейин миршабхонага жўнатынг, хўпми?! Ўша ердан бирорта жой топамиз.

– Пул беролмайман, шуни билиб қўйинг!

– Ие, биз пул сўрамадик-ку...

Халил афанди Яшар устага шундай дегач, ёнидан ўн лира чиқариб Муродга узатди-да, деди:

– Бу пулни сен бир-икки кун ишлатиб тургин.

Менга кейин тўлайсан, қани ишлашингни биз ҳам бир кўрайлик-чи, – деди.

Яшар уста Муродга паст ва суянчиқсиз курсини кўрсатиб:

– Шу жойга ўтириб олгин-да, манави оёқ кийимлардаги чанг ва тупроқларни нам бўз билан тозалаб чиққин. Ишингни диққат билан қилгин, шошишга ҳеч ўрин йўқ, хўпми?! – деди.

Ҳаво жуда иссиқ бўлиб, дўкон ичи роса дим эди. Оёқ кийимлардан ёмон ҳид чиқар, устига-устак тери ва ямоқларнинг ўзига хос иси аралашиб кетган эди.

– Менга қара, ўғлим, зериккан пайтингда манави эшиқдан киргин-да, у ердаги жўмракли идишни олиб чиқ. Идишга сув тўлдиргин, чанқаганимда мен ҳам ичаман, хўпми?! – деди Яшар уста.

Мурод оёқ кийимларни чўткалаб, артар ва уларни бир чеккага жуфт-жуфт қилиб тахларди. Яшар уста эса боланинг ишлашига кўз қири билан қараб қўярди. Боланинг кийимлари қанчалик эски ва йиртиқ бўлса, юз-қўллари шунчалик юмшоқ ва пок эди.

Шимининг почалари ҳилвираб кетганидан тизза қисми кесилиб, калтагина шим қилинган эди. Унинг эғнида ҳатто костюми ҳам йўқ эди.

Яшар уста иш билан машғул бўлиш билан биргаликда унга бир неча саволлар берди. Натижада асли кимлиги, отаси нима иш қилишию қаерда яшаши ва Халил афанди билан қандай танишгани маълум бўлди. Бола ўз устаси билан ниҳоятда хотиржам гаплашиб ўтирарди.

Уста болага биров қараб турди-да:

– Бошқа кийиминг йўқми? – деб сўради.

– Бору, бошқа жойда... Бир танишим бор, ўшанинг уйида. У доим кўчадаги чиқиндилар ташланадиган жойдан қоғозларни ҳужрасига тўплаб

келади-да, кейин тегишли дўконга олиб бориб сотади. Баъзан ўша кулбага бориб ётардим. Иккита кўйлак ва битта костюмим ана ўша ерда туради.

Бола жуда ҳушёр ва қўли ишга қайишадиган эди. Беш-ўнта оёқ кийимларни тозалаганидан кейин уста шогирдига иккита оёқ кийимни сўктирди. Кейин ҳозиргина ўзи панжа қисмини тузатиб қўйган оёқ кийимларни бўяттирди.

Кечгача тўрт-беш киши дўконга келиб, тикилган оёқ кийимларини олиб кетдилар. Яшар устанинг ишлари жуда яхши борарди. У мижозига оёқ кийимини бераркан, «Янгисидан кўра чидамли, ўйнаб-кулиб тепкилаб кийгин!..» деб қўярди. Дўконга бирин-сирин ямаладиган, тикиладиган пойафзалларни олиб кела бошлашди. Яшар уста эса ҳаммасига бирдек қилиб: «Қўлимда иш кўп, келаси ҳафтага битириб бераман», деб жавоб берарди.

Ҳа, Яшар уста кўп ишлай олмас эди. Бунинг сабаби кексалиги ва узоқ ўтира олмаслигидан эди. Тез-тез курсини олиб эшик олдида чиқиб ўтирар ёки рўпарадаги қаҳвахонада анча пайтгача қолиб кетарди. Бундан ташқари, у ёлғончиरोқ одам эди. Оёқ кийимларни айтилган вақтга тайёрламагани учун мижозлар билан тез-тез жанжаллашарди. Уста топган пулига шукр қилмас, ярим соатда қилинадиган арзимаган ишни деб уч юз-тўрт юз лира талаб қиларди.

Ўша куни Мурод қош қорайгунча ишлади. Уста дўконни ёпаркан, эрталаб соат саккизда дўкон олдида бўлишини тайинлаб кетди. Мурод эса юраги бетламайгина ўша атрофдаги миршабхонага қараб юрди. Эшик олдида турган қоровул болани кўргач, унга нима кераклигини сўради.

Бола вазиятни тушунтиргач, қоровул унга қараб:

– Э-э, ҳа-я, эсимга тушди... Сени назоратхонага қўйиб, эрталаб чиқариб юборишим керак-ку.

Халил афанди сени менга тайинлаб, ўзи барвақт кетган эди... — деди.

Миршабхонанинг пастида ертўлага ўхшаш жой бор экан. Иккита кичкина деразасида бармоқсимон ингичка темирлар бўлиб, темирли эшиги ҳам ташқаридан қулфланар эди. Ичкаридаги чироқ эса кучсизгина нур сочиб турарди.

Қоровул Муродни ўша жойга олиб борди.

— Кун жуда иссиқ, мана шу жойлардан бирида ётарсан, — деди унга.

Ичкарида икки киши бор эди. Бирининг кўзлари қизариб кетган, юзида яра излари бўлса, бошқаси касалга ўхшаш одам эди. Улар тахта каравот устига газета ёзиб, пишлоқ, нон, узум ва шунга ўхшаш нарсаларни қўйиб еб ўтирардилар. Бу ҳам етмагандек, иккови ҳам сигаретани бурқситиб-бурқситиб чекарди. Қоровул миршаб кетиши билан бояги юзида яра излари бўлган киши Муродга қараб деди:

— Э-э, кичкина... сен чўнтаккесармисан?

— Йўқ, — деди бола уларнинг рўпарасидаги жойга келиб ўтираркан.

— Бўлмаса, тиланчимисан?

— Мен тиланчи эмасман!..

— Кимсан бўлмаса?

— Этикдўзнинг шогирдиман.

— Бирор нарсани ўғирладингми?

— Йўқ!..

— Ие, ахир бу ерга ҳеч кимни бекордан-бекорга олиб келишмайди-ку. Қани, бўлмаса, ўзинг тўғриси гапир-чи...

— Менинг ётадиган жойим йўқ. Шу ёққа келиб ётишимни менга Халил афанди айтган эди.

— Э, Халил афанди деганинг анави кекса миршаб эмасми? Агар ўша бўлса, жуда яхши одам, бу ерда анчадан бери ишлайди. У бошқаларга

ўхшамайдиган, ҳамма вақт одамни тўғри тушунувчи ҳалим киши, ҳа-а...

Мурод индамасдан ётаверди. Улар иккиси эса суд иши ва айблов ҳақида гаплаша бошлади. Касалга ўхшагани бир қўли устига ётиб олганча ухлагиси келар, наригиси эса ўрнидан турганча у ёқ-бу ёққа айланиб юрар ва ҳар замонда тишларини ғижирлатиб қўяр эди. Юриб-юриб чарчади, шекилли, бир пайт у ҳам ўрнига ётди. Орадан анча вақт ўтгач, у томондан хуррак овози эшитилди. Хона ичидан зах ҳиди келар, юқоридан эса тинмай қадам товушлари эшитилиб турарди.

Мурод ўша кечаси ухлаб-ухлолмаганини ҳам билмади. Бир пайт қараса, атроф ёришиб кетган, кўчадан шовқин-сурон товушлар эшитилаётганини билди. Анали икки гуноҳкор ҳам аллақачон уйғониб сигарета чекар ва тинмай йўталар эди.

Бироздан сўнг эшик очилди. Махсус ходим Муродга ишора қилган эди, у шошилиб ташқарига чиқди. Миршабдан соат сўраган эди, у беш дақиқа кам саккиз бўлганини айтди. Мурод унга қараб:

– Мен бораё, уста кутаётгандир... – деди.

Бола шошганча дўкон томонга қараб юрди. Йўлда кетатуриб баққол дўконидан бир сендвич сотиб олди. Дўконнинг олдида қўлидагини еб уста келишини кутиб турди. Бироздан сўнг қўлида тўрвасини кўтариб Яшар уста келди...

* * *

Бир ҳафта ўтгач, боладан хабар олиш учун келган Халил афанди Муродни иш устида кўрди. Бола уста тайёрлаган «панжа»нинг тагига мих қоқаётган эди. Яшар уста Халил афандига Муродни кўрсатиб:

– Бу боланг жуда зийрак экан, кўз тегмасин!.. – деди.

– Демак, ишга ярар экан-да, – деди Халил афанди жуда хурсанд бўлиб.

– Уста яхши бўлса, шогирд тез камолга етади-да.

– Олиб қоласанми?

– Мана ишляпти-ку...

– Ундай бўлса, энди масалани ҳал қилайлик!

– Илтимос, яна озгина ишласин, – деди уста.

– Ҳа, яхши... «Оч айиқ ўйнамас», дейдилар, ҳеч бўлмаса, еб-ичиши учун пул бергин! Бўлмаса, бошқа жойда ҳам танишларим бор...

Халил афандидан бу гапларни эшитган Яшар уста жой яхши эмаслиги учун пул ҳам шунга яраша кам бўлишини айтиб, кунига беш лира бера олишини тушунтирган эди, Халил афанди:

– Бир ойда ҳафтасига элликдан, бўладими? Бу бола шу ерда уч марта овқатланади, агар ишламаса, менга айт! Дўконга пул тушмайди, дейсан... Шундай бўлса, ўзинг бу ердан чиқиб, майхонада дам олармидинг? Сен ичкиликка сарфлаган пулга бир оила тирикчилигини ўтказад-я, эссиз... – деди миршаб.

Ўзаро яхшигина бир жанжалдан сўнг Яшар уста овқат учун болага ўн лира берадиган бўлди. Бундан ташқари, энди Мурод устахонада ётишига ҳам келишиб олишди. Шунинг учун қўлбола каравот ясаш мақсадида сабзавот сотувчидан беш-олтита ёғоч қути олишди. Натижада столга ўхшаш жой вужудга келди. Эртасига Яшар уста уйдан ёпинчиқ олиб келди.

Мурод шу тарзда ҳаёт кечири бошлади. Бола кечқурун егулигини олганидан сўнг уста эшикни ташқаридан қулфлаб кетарди. Бу ҳолат яхши эмасди-ю, аммо миршабхона ертўласидаги судланган гуноҳкорлар билан тонг оттиришдан кўра тузук эди, албатта.

Мурод ҳали оқ-қорани танимайдиган бола эди.

Кунлар шу тахлит ўтар, у ямоқчиликни, тўғрироғи, оёқ кийим тузатишни пухта ўрганиб борарди. Тез орада ўз ишини ниҳоятда пишиқ ўзлаштирди. Яшар уста келган мижозларни энди қайтармагани учун анча иш қўлидан чиқа бошлади. Ишида сезиларли ривожланишни сезган Яшар уста Муродга яхши муомала қилар, ҳатто унга овқат ҳам олиб қўярди. Устоз-шогирд дўконда тушлик қилиб, яна ишни давом эттираверарди.

Мурод очликни жуда кўп бошидан кечиргани учун бўлса керак, ямоқчилик қилиб топган пулининг қадрига етарди. Халил афанди ҳам баъзан тушликда келиб, Мурод билан овқатланишга кетарди.

Иш шу зайлда давом этиб борарди. Бир куни Яшар уста тортмани очиб ниманидир анча қидирди-да, кейин:

— Мурод, мана бу ерда юз эллик лира пул бор эди... — деди.

— Ҳа, уста, бор эди... Кеча сиз олиб кетдингиз, — деди у ишини тика туриб.

— Қачон олдим?

— Кеча кечқурун...

— Мен ҳеч қанақа пул олмадим!.. Кеча баққолдан олган тушум пулимнинг юз эллик лирасини бу ерда қолдириб, фақат юз лиранигина олиб кетдим... — деди уста зарда билан.

Мурод устанинг бу гапига жавобан хотиржамлик билан тушунтира бошлади:

— Яшар уста!.. Кетганингиздан кейин яна келдингиз-да, эшикни тақиллатдингиз. Мен эшикни очганимдан кейин кириб, тортмадаги пулни олиб кетдингиз-ку.

— Сен кимни алдаяпсан-а?! Қачон мен кетганимдан кейин яна қайтиб келдим?..

Бола ниҳоятда сабрли эди.

– Устажоним! Кеча кундуз куни бу ерга майхоначи келган эди, ундан қарзингиз бор экан-ку. У одам шароб оламан, деб сиздан ўз пулини сўради. Сиз эса кечқурун олишини айтдингиз, – деди у.

– Ҳа, шаробчи келди, аммо мен дўконга қайтиб келмадим. Сен... сен ўша юз эллик лирани қаерга яширганингни ҳозироқ айт, акс ҳолда ўзингга ёмон бўлади!.. – деди уста дағдаға билан.

Мурод уялганидан қизариб кетди, қўлидаги иши ҳам шундайлигича қолди. Яшар уста ўрнидан туриб эшикни ташқаридан ёпди-да, бироздан сўнг Халил афанди билан қайтиб келди. Халил афанди болага қараб:

– Ўша пулни ростдан ҳам сен олдингми ё йўқми? – деб сўради.

– Мен олмадим, амаки...

– Жуда яхши, лекин сен олмаганингни қандай исботлайсан? Қани гапир-чи...

– Кеча уста уч кишидан пул олди. Пешиндан кейин Ҳалима хола келганида уста унга минг лира берди. Охири бўлиб баққол келди-да, оёқ кийимини тикканимиз учун икки юз эллик лира пул берди. Яшар уста бу ердан чиқмасидан аввал ўша пулнинг юз лирасини олди. Орадан кўп вақт ўтмай, қайтиб келганида у анчагина маст эди. Оёғида зўрға турганча тортмадаги қолган пулни олди-да, туртилиб-суртилиб чиқиб кетди. Бундан бошқа ҳеч нарсани билмайман, бор гап шу... – деб изоҳлади Мурод.

– Сен бироз кут, қани кўрамиз!..

Халил афанди шундай деб Яшар уста билан дўкондан қаёққадир чиқиб кетишди. Улар қайтишгунича Мурод бироз кутиб турди.

Иккови келганида Халил афанди хотиржам, Яшар уста эса анча хижолатли кўринарди. У шогирдига қараб:

– Ҳа, кеча у келиб пул сўраган эди... Бу ердан

пулни олиб унга берган эканман... Шунинг учун дафтарида ёзилган юз эллик лира қарзимни ўчириб қўйибди, – деди музтарлик билан.

Уста гапини тугатгач, Халил афанди болага секин-секин гапира бошлади:

– Менга қара, ўғлим... Бундай тухматга учраш яхши эмас, албатта. Баъзан бошга шундай ташвишлар тушганида одамнинг ўзи ва сабри синалади-да, билдингми? Сен ҳалол боласан, шунинг учун ҳам устанг сени ноўрин айблагани учун гапларига пушаймон бўлди...

Яшар уста шогирдига қараб:

– Айбга буюрмайсан, ўғлим... Кексайиб қолганим ва кўп ичганимгами, билмадим, баъзан нима қилганимни ҳеч билолмай қоламан. Шунинг учун ҳам хотиним билан кўп жаъжаллашамиз-да... – деди синиқ овозда.

Бу ҳолат Муродни оғир аҳволга солиб қўйган эди. Қолай, деса, аҳвол бу, кетай, деса, қаёққа боради? Мурод агар Яшар устанинг ёнидан чиқиб кетса, аввалгидек кўчаларда тентирашига тўғри келарди, албатта.

– Зиёни йўқ, ўғлим... сен ишингни қилавергин! – деди Халил афанди боланинг бошини силаб.

Ўша кундан бошлаб Яшар уста пешин вақтида дўконни ёпиб, Мурод билан овқатланишга кетадиган бўлди. Улар иккови биргалашиб гўштли қовурдоқ ер, кетидан айрон ичишарди. Овқат учун пулни Яшар уста тўлар, лекин Муроднинг кундалик иш ҳақидан қийиб қолмас эди.

Орадан бир ой ўтмасиданоқ Мурод ҳамма ишни эплайдиган шогирд бўлиб етишди. Дўконга келган миждозларга Яшар уста шогирдини танитиб «Менинг дастёрим!..» деб қўярди. У Муродга эгаси қайтариб олмаган пойафзални, уйдан эса бир шим ва ёстиқни келтириб берган эди.

Мурод дўстининг уйидан олиб келган костюм ва кўйлақларини энди дўконда сақларди. Костюмининг чўнтагида бири мактабга, бошқаси эса шахсини тасдиқлашга тегishли ҳужжатлари бор эди.

Ўша воқеадан кейин Халил афанда тез-тез дўконга келиб хабар олиб турадиган бўлди. Маълум бўлишича, Яшар уста таниқли уста экан. Бир пайтлар каттагина магазини бўлган-у, аммо ҳеч ким билан чиқишмайдиган, кўнгли тор одам бўлгани учун кун ямоқчиликка қолган экан.

Мурод оз муддатда мумланган ип билан оёқ кийим тикишни, пошна кесиш ва кесилган пошнани ўрнига мослаб қўйишни устасидан ўрганиб олди. Вақт ўтгани сайин Яшар уста ўзгара бошлади. Энди у шаробчининг дўконига бориб, тик турганича бир нечта идишда шароб ичар, кейин маст ҳолда дўконга келиб мудраб ўтирарди.

Орадан бир ярим ой ўтганидан сўнг Мурод ҳафтасига икки юз эллик лира оладиган бўлди. Аслида эса бола ўша пулни ҳам ортиғи билан ишлаб оқларди. У ҳали жуда ёш ва тажрибасиз бўлса-да, уста ҳамма ишни унинг зиммасига аллақачон юклаб улгурган эди. Энди ўзи доим рўпарасидаги қаҳвахонада бўлар, ўша ерда қарта ўйнаганча тинмай чой ичиб, ўз тенглари билан гаплашиб ўтирарди. Қачонки дўконга биров келса, истамайгина келиб мижоз билан муомала қиларди. Пул олди-берди масаласида Муродга қаттиқ ишонарди-ю, иш учун харажатни ўзи қилганига пулларни Муродга бермас эди.

Баъзан Мурод дастгоҳ устидаги пулни кўрсатиб «Уста, биров келганди, оёқ кийимининг учи очилган экан. Тўртта мих қоқиб, йигирма беш лира олдим. Мана пул!..» дер, баъзан эса «Сиз йўқ пайтингизда бир ёш хоним оёқ кийимининг пошнасини қўлида кўтариб келган эди. Пошна тарафидан товон

қисмининг тагини сўқдим-да, юқоридан иккита мих қоқдим. Кейин астарини қайтадан ёпиштиргандим, аввалги ҳолидан тузук бўлди. Эллик лира олгандим, мана пул...» деб ҳисобот берарди.

Яшар уста бундай нарсаларни суриштирмас, келганларга эса бамайлихотир «Мен қилмаяпман...» деб тобора ишдан йироқлашиб борарди. Айтишларича, бир пайтлар унинг махсус дўкони бўлиб, у ерда беш-олтита раҳбарлар ўзгарганидан кейин тинчгина ямоқчиликни афзал кўрган экан.

Эски одатини ташлай олмаганидан бўлса керак, бир куни болага қараб:

– Жоним, бунақа ишларга овора бўлма, ахир қўлимизда шунча иш бор-ку! – деди.

Мурод эса бунга жавобан:

– Уста, топган пулингиз сизга етади, аммо менга етмайди. Иккита мих қоқсам, ҳеч нарса қилмас, берган ишларингиз қолмаяпти-ку, ахир... – деб қўйди.

Ниҳоятда ишчанлиги учун бола жуда яхши ишлар эди. Яшар уста кунига икки жуфт оёқ кийимни тикиш учун Муродга тайёрлаб берарди. Буларни охиригача бажариш Муроднинг зиммасида эди, албатта. Шогирд ўзига юклатилган ишни тугатганидан сўнг ҳар хил майда-чуйда ишларини битирарди.

Ўша арзимас деб айтилаётган ишлардан тушган пулнинг ярмини Яшар уста олар, ярмини эса шогирдига берарди. Шунинг учун пулни бераётганида уста «Бу дўконнинг ҳақи, қолгани эса сеники!» деб қўярди.

Бу тарзда пул топиш ҳам Мурод учун ниҳоятда завқли эди, албатта.

Устоз-шогирд бир маромда ишлаб кун кўришарди. Уста пойафзалга мос тагқисмни дағал андозада қалин терининг устки қисмидан аввал чиройли қилиб кесар, кейин иккита мих билан қотириб берарди. Муродга беришидан олдин эса:

– Майда михларни жуда кўп қоқмагин! Бўлмаса, ҳам оёқ кийимни, ҳам терини чиритасан. . . – деб тайинларди.

Баъзида келган мижоз қўлидаги ўз оёқ кийими тагига қараб: «Эй уста, дунёнинг пулини оласану, энди шу беш-унта майда михни қизғанмасанг-чи!» дерди. Яшар уста ҳам ўша заҳоти ҳозиржавоблик билан: «Пойафзални наридан-бери тузатмаяпман-ку. Агар кўп мих қоқсам, илма-тешик бўлиб, ўша қоқилган михлар икки кунда жойидан суғурилиб кетмайдими?» деб гапирганча унинг оғзига урарди.

Мижозларга ундай-бундай дерди-ю, аммо косибчиликда у ҳақиқатан ҳам уста эди!.. Дўкон очилиши билан уста ишини сўкилган оёқ кийимларни тикишдан бошлар, кейин кичик ямоқларни ўрнатарди. Баъзан у шундай ишлардики, бир ўтиришда битта оёқ кийимни тайёрлаш даражасида иши унумли бўларди. Икки-уч куннинг бирида эса Муродни бир соячи устага жўнатиб, ҳамма буюртма ишларнинг юзасини тиктириб келишини айтарди.

Барча ишларнинг юза қисми тикиб бўлингунича Мурод ўша ерда кутишга мажбур эди. Бир куни уста ишларни тикиб ўтираркан, болани саволга тутди:

– Иш бошлаганингга қанча бўлди?

– Икки ярим ой.

– Яхшилаб ўргандингми?

– Ҳа... Яшар уста бичиб менга беради, мен эса уларни тайёр ҳолга келтираман.

– Хўп... ундай бўлса, яхши, қанча ҳақ оласан?

– Ҳафтасига икки юз эллик лира.

– Яшар бироз зиқна одам. Шошма, бундай пул беришига қараганда, балки яхши ишламасанг керак-да!? Даромадингиз ўзи яхшими?

– Уста доим қаҳвахонада бўлгани учун кўпинча мен ишлайман. У эшикнинг олдида ўтириб олиб, мени кузатиб ўтиради.

– Менга қара, ўғлим! Шундай бўлса-да, Яшар жуда яхши уста. Сен топган пулингни кам демагин, ундан кўп нарсани ўрганасан. Кўзларингни каттароқ очгин, сенинг бу ишингда яхшигина пул бор. Ҳа, дарвоқе... агар... мабодо дейман-да, ишсиз қолсанг, менинг олдимга келгин. Сени пули тузукроқ жойга қўяман.

Мурод ўзича ўйланиб борарди. У Яшар устанинг дўконидан кетиш ниятида эмасди, албатта. Чунки иш орасида қилган майда ишларининг ўзидан уч-тўрт юз лирани бемалол топар эди-да.

Дўконга кириб келган шогирдини кўриб уста шубҳа аралаш сўради:

– Қаерда қолдинг?

– Соячининг қўлида ишлари жуда кўп экан, ўшаларни тугатишини кутдим...

– Пул бўлса, шу ерга бир машина олиб келиб қўярдим. Соячиликда ҳам жуда иш кўп-да. Ана ўшанда юзаси йиртилган оёқ кийимларни ҳам тикиб пулини олаверасан, тушундингми? Эҳ, бир пайтлар дўконимда иккита машина бўлса ҳам, ишлар жуда кўплицидан қўл-қўлга тегмасди-я...

– Уста, бу дўкондан кетиб, бошқа бир яхшироқ жой топсак бўлмайдими?

– Дўконга нима қилибди, оч қоляпмизми? – деди у бемалол.

Ҳа, бу дўконда Мурод бироз сиқилаётган эди. У тез-тез ишлаб, яна ҳам кўп пул топгиси келарди. Яшар уста эса уни ҳар кuni бирор жойга, албатта, жўнатарди. Қалин териларни олиш учун Яшар уста бозорга ўзи борар, ип, мих ва бошқа майда нарсаларга эса Муродни юборарди.

Мурод бозорда юрган пайтларида пойафзал учун зарур бўлган нарсаларнинг тури, нархини билар ва усталар билан секин-секин танишиб борарди. Ана шундай пайтларда у бозорда ишлаб ўтирган эс-ҳушли ва кекса усталарга учрашарди. Улар ҳам ўз

навбатида Муроддан қаерда ишлашини сўрашарди.

– Яшар устанинг ёнида, – жавоб берарди бола.

– Э-э, ўша ароқхўр Яшарми?! Унга ҳамма ҳам ҳадди сиғиб шогирдликка боролмайди-ку...

– Мен шогирд эмас, дастёрман.

– Йўғ-ей, шу ёшда дастёр бўлдингми?

– Ишларни доим ўзим қиламан-ку...

– Ие, дастёрликни онангнинг қорнида ўргандингми?

– Осон-ку, нимаси ўрганилади?

– Бу санъаткорона ҳунарнинг кўп нозик жиҳатлари бор-да! Қанча кўп ишласанг, шунча яхши тажриба йиғасан. Қўлига болға тутган ҳар бир одам уста бўлолмайди-ку ахир, тўғрими? Мен ҳам бу ишни сенинг ёшингда бошлаганман. Орадан мана йигирма йил ўтибдики, бу соҳада ҳамон мен билмаган нарсалар бор! Ўша пайтлари бир йил текинга ишладим. Орадан сал вақт ўтиб, ош-овқатимга етарли даражада пул топадиган бўлдим. Яшар устани мен ҳам биламан, жуда яхши уста. Мен унинг дўконида тўрт йил ишладим, шунақа гаплар, ўғлим...

* * *

Яшар уста касбидан тамоман зериккани учунми, негадир мижозлар билан ҳадеб жанжаллашаварди. Агар борадиган жойи бўлса, дарров дўконни ёпиб, қаҳвахона ёки шаробчининг ёнида бир тўхтаб оларди. Устани анчадан бери билганлар баъзида унга қараб: «Эҳ, уста... Агар сен ичкилик ичмаганингда эди, бугунгача қанча уйларнинг соҳиби бўлардинг-а... Сен учун борида ҳам, йўғида ҳам фақат шароб!.. Шунинг учун ҳам туппа-тузук дўкон қўлингдан чиқиб, кунинг энди мана шундай чордевор дўконга қолди-я...» дейишарди.

Топшириб кетилган оёқ кийимларни энди

айтилган вақтга етказиб бера олишмасди. Негаки, Мурод бир ўзи ишлаётганди-да. Бунинг устига Яшар устани сўраб келган мижозларга Мурод ҳадеб қаҳвахонани кўрсатаверарди.

Баъзан Халил афанди келиб дўкондаги тахта сандиқнинг устига ўтириб олар ва Мурод билан гаплашиб ўтирар эди. Боланинг қилган ишларини кўрган Халил афанди унга:

– Аҳвол бу даражада яхшиланишини мен сендан кутмагандим, ўғлим. Офарин!.. Сен яна озроқ ишлагин-да, мана шу ҳунарни маҳкам тут! Кейин яна бошқа тузукроқ жой топамиз, Худо хоҳласа, – дерди мамнун бўлиб.

Муроднинг бу ердан ҳеч айрилгиси йўқ эди. Аммо... дўкондаги қоронғилик, зах ва ҳавосизликдан у жуда сиқиларди. Шифтдан иш жойига тўғрилانган чайқалма нурсиз чироқ кечаю кундуз ёниқ турарди. Бундан ташқари, печка ўрнатиш учун жой ҳам йўқ эди. Бир куни у Яшар устадан сўради:

- Уста, қишда нима қилмоқчисиз?
- Нимага сўраяпсан?
- Бу ер қандай исийди?
- Агар ҳаво жуда совиб кетадиган бўлса, дўконни очмайман. Қаҳвахона иссиқ-ку, ўша ерда ўтиравераман.
- Мен-чи?! Мен нима қиламан?..
- Жоним, ишлаган одам совқотмайди ҳам, шамолламайди ҳам...
- Уста, бир жойда ўтириб ишлаган одам қандай қилиб шамолламайди? Бунинг устига дўкон зах бўлса...
- Энди дўкон ёқмай қолдими?
- Одам озроқ ўйлаши керак, менимча.
- Менга қара, сен бу ерга кўчадан келдинг.

Қорнинг тўқ, устинг бут, пулинг қўлингда бўлса... яна нимани истайсан?

– Мен сиздан ҳеч нарсa истамайман, уста. Ҳамон шундай экан, кўчадан келганимни ҳам жуда яхши биламан, – деди Мурод киноя аралаш.

Бу гапдан кейин Яшар уста болани ранжитиб қўйганини сизди. Шунинг учун хиёл юмшоқлик билан гапира бошлади:

– Сен қишни ўйлама, яхшими-ёмонми, битта иситгич топармиз. Агар кунига икки килограмм кўмир ёқсак, роса зўр исийди. Чойнакни ҳам ўшанинг устига қўйсак, иссиққина турган чойдан хоҳлаганингча ичаверасан, ҳа... Одатда қиш кунлари миждозлар жуда кўп бўлади-да, чунки ҳозирги оёқ кийимлар чидамсиз бўлгани учун икки кунда тешилади...

Бир куни Халил афанди ҳам устага «Бу бола зах дўконда олов-оташсиз ишлай олмайди, шуни ҳеч ўйладингми?» деб гапирган эди, уста: «Ўзи бу йил дўконни қишда ёпмоқчи эмасман, албатта, кўмир ёқамиз. Мурод ҳам ишидан қолмасин, кейин ўзимнинг ҳам пулга муҳтожлигим бор-ку. Ҳа-а, аввал қиш келсин-чи, кўрамиз...» деб жавоб берган эди.

Совуқ кунлар бошланди. Яшар устанинг дўконига ётиб юрган Мурод эса энди тез-тез шамоллай бошлади. Шундай бўлса ҳамки, уста ҳамон кўмир олмаган, қиш ғамини ўйламасдан доим қаҳвахонада ўтираверар эди.

Якшанба куни дўкон ёпиқ бўлар, аммо Мурод иш жойида ўтириб ишлайверарди. Боланинг борадиган жойи йўқ эди-да...

Шундай кунларнинг бирида у опасининг уйига боришга қарор қилди. Опаси Назмиянинг эри оддий темирчи бўлиб, унинг дўкони бор эди. У ниҳоятда

жоҳил ва қўрс эди. Эр-хотин шаҳардаги кичик ноҳияда яшарди.

Бир пайтлар ота-онаси яхшигина тирикчилик қилишган пайтда Назмия лицейгача бўлган босқични ўқиб улгурганди. Кейин уйдаги бесаранжомликдан бешиб кетди, шекилли, пешонасига тақдир қилинган Қодирбей билан турмуш қилиб кетди.

Ўша куни Мурод дўкондан фақатгина камзулини олганча опасининг уйига кетди.

Бола эшик қўнғироғини чалди. Бироздан сўнг эшикни очган Назмия остонада турган укасини кўриб, шошиб қолганидан «Нега келдинг, Мурод?!» деб юборганини ҳам ўзи сезмай қолди.

Қодир афанди ниҳоятда рашкчи бўлгани учун дарров Назмиянинг ортидан чиқиб келди. Ташқари жуда совуқ бўлиб, шивалаб ёмғир ёғарди.

Опа-ука гаплашиб турганини кўриб темирчи унга:

– Менга қара, эй дайди... Бор, йўқол, бўлмаса, ўзингга ёмон бўлади, – деб ўдағайлади.

– Почча, аввал... тушунтиришимга рухсат беринг!

– Нимани тушунтирмоқчисан-а?! Менинг кўча дайдисин билан гаплашадиган гапим ҳам, ишим ҳам йўқ!..

– Мен дайди эмасман, почча. Мен... беш ойдан бери ишляпман.

– Э-э, қўлингдан нима ҳам келарди-а?

– Бир этикдўзнинг дўконида ишляпман. Анави... сиз ҳар куни ёнидан ўтадиган қаҳвахона бор-ку, ўшанинг рўпарасидаги дўкондаман.

– Э, менинг сен билан гаплашишга вақтим йўқ, кейин... бу нарсалар мени қизиқтирмайди ҳам...

Эрининг қўпол муомаласидан Назмия укасининг олдида жуда уялган ва қаттиқ хафа бўлган эди. Муродга нисбатан совуқ муомаласи, юзига ургандек

қилиб эшикни қарсиллатиб ёпгани, айниқса, «Қўйсанг-чи шу дайдини!..» деб остонада қўлидан ушлаб қолгани аёлга роса алам қилган эди.

Шунинг учун Назмия Қодир афандига биринчи марта тик гапирди:

– Менинг укам дайди эмас!.. У мактабда жуда яхши ўқирди. Ота-она ўта ношукр одамлар бўлганидан кейин бола бечорада нима гуноҳ? Нима қилсин бечора?!..

– Ие, ота-отаси кўчага чиқарган болани мен ҳам бошимга бало қилолмайман.

– Сиз аввал нима учун келганини сўрадингизми?

– Сўрашнинг менга нима кераги бор?

– Сизга керак бўлмаса, мана менга кераги бор... Нима бўлганда ҳам у менинг укам! Шундай бўлганидан кейин сўраб-суриштиришга ҳаққим бор, чунки бу менинг вазифам, тушундингизми? – деди у қатъийлик билан.

– Суриштирмайсан!

– Сўраб-суриштираман-да, Қодир афанди.

– Ўзингга ёмон бўлади, Назмия!

– Менга қаранг, одам дунёга фақат бир марта келади. Мен сизга қул эмасман! Нима қила оласиз, ўлдирасизми? Агар ўлдирмоқчи бўлсангиз, мен тайёрман, ўлдираверинг! Аллоҳнинг олдига юзим ёруғ бораман, Худо хоҳласа...

Назмия шу сўзларни гапираркан, ўзини йиғидан тўхтата олмасди. Буни кўрган Қодирбей бирдан ўзгарди.

– Менга қара, Назмия! Мен ўша дўконни биламан. Ҳа, у ерда бир кекса косиб ишлайди. Ҳамма уни «ароқхўр Яшар» деб атайди. Майли, у билан бир учрашиб келаман. Сенга сўз бсраман, менга ишон, Назмия! – деди у.

– Сиз ўзингиздан бошқа ҳеч кимни танимайсиз.

Кўзларингиз кўрган нарсани борица тушунаврасиз. Шунинг учун ҳам ҳаётда ҳеч нарсага эриша олмайсиз...

– Бу нима деганинг, оч қоляпсанми?

– Одамлар фақат қорин тўйғизиш учун ишламайдилар. Сиз менга «Уй олиб, сенга суянч бўламан, кам-кўстсиз яшаймиз!» деб айтгандингиз-ку, қани олганингиз? Мени алдадингиз-да, мана шу товўқнинг катагидек кулбага тикдингиз. На бошу на оёғи бор! Бирорта қўшни билан гаплаштирмаганингиз ҳам майли, биттагина укамни ҳам сиғдирмаяпсиз-а? – деди аёл йиғлаганича.

Қодирбей Назмияни шу даражада қийнаса-да, уни жуда севарди. Аёл жуда гўзал, ақлли, ўқимишли, диди ҳам ўзига ўхшаган нозик эди. Шундай бўлса-да, ҳаётда у доим маҳзун ва ташвишли юрарди. Бун кўрган Қодирбей эса «Назмия ҳаммасига кўниб, жимгина яшайверади...» деб ўйлагани учун яшаш тарзини ҳеч ўзгартирмас эди. Агар аёли одамларга қўшилса, кўзи очилиб у ер-бу ерларга юришни бошлашидан Қодирбей қаттиқ қўрқарди. Шунинг учун у Назмияни бирорта қўшни билан учраштирмасди. У Назмиядаги қайсарлик ва ўжарликни ҳам билар, бугунгача ўзи истамаган ҳаётга сабр қилиб яшаб келаётганини ҳам жуда яхши тушунарди. Вақти келганда Назмия шу даражада қатъиятли эдики, ҳаётини гаровга қўйиб бўлса-да, ўз мақсадига эришадиган қизлардан эди.

– Назмия, – деди Қодирбей, – уканг яхши бўлганида эди, ота-онанг уни кўчага ташлаб қўймас эди...

– Шошмай туринг, ким қанақалигини вақти келиб кўрамиз. Муродни истамаган ўғай отам... онам эмас-ку! Кейин... уни яна... хоҳламаган отам эмас, ўғай онам-ку... Бири бошқасига жўнатишни иккови ҳам қўймайди, иккови ҳам болага шу юришини раво кўраверади.

Аҳволини сўраб-суриштириш эса уларнинг ҳатто хаёлига ҳам келмайди-я!.. Ҳамон вазият шундай бўлганидан кейин унга ён босаман, тўғрими? Агар Мурод ёмон йўлга юргудек бўлса, уни огоҳлантириб тўғри йўлга солиш менинг зиммамда эмасми?! Почча бўлиб сиз ҳеч нарса қилмасангиз, опа бўлиб мен қўлимдан келганини қиламан!.. – деди йиғлаб.

– Тўхта, йиғламагин... Эртага дўконга бориб учрашаман, деяпман-ку, шошмагин!.. – деди у.

Назмия жуда қаттиқ хафа бўлган эди. Шунинг учун овқатининг ҳам ярмини қолдирганича ошхонадан чиқиб кетди-ю, қайтиб кирмади ҳам. У анчагача йиғлаб ўтирди-да, кейин ухлашга ётди.

Эртаси куни Қодирбей ишга барвақт кетди. Унинг дўконидида ишлаётган шогирди ниҳоятда танбал бола эди. Болғани икки марта уриши билан дарров дам олгани бурчакка ўтириб оларди. Ҳафтада бир-икки кунлаб келмасдан, ишга эса жуда кеч келадиган ўша беғайрат болага Қодирбей бир ҳафта учун беш юз лира берарди.

Қодирбей ҳам ўз ишига меҳрсиз ва дангаса бўлиб, буни ҳам тақдирдан деб биларди. Унинг ёши ўттиз бешда эди. Назмия дилтортар, севимли аёл бўлгани учун Қодирбей унга ўзгача меҳр билан қарарди. Оғир меҳнат талаб қилувчи катта ишларга Қодир ҳадеб уринмас, аммо майда-чуйда ишлардан эса катта муваффақиятларга эришиб юраверарди.

У дўконидида тушликкача ишлади. Пешинда шогирдига дўконни очиқ қолдирмаслигини тайинлаб, ўзи овқатланишга кетди. Ямоқчининг дўкони олдидан ўтаётиб, болға уриляётган товушни эшитди. Қўлининг орқаси билан қия турган эшикни итариб очди.

Ичкарида чироқ ёниқ бўлиб, пойафзал ускунасида бир бола ишларди. Бу Мурод эди, албатта. Қодир

ичкарига кирган эди, Мурод қип-қизариб кетди. Бола бечора поччасининг хўмрайиб қарашидан худди уриш учун келган, деб ўйлаган эди-да.

– Ҳорма, Мурод! – деди у.

– Саломат бўлинг... – жавоб берди бола қўрқибгина.

– Уста йўқми?

– Дўконда жуда кам бўляпти...

– Қаерда у?

– Ё рўпарадаги қаҳвахонада қарта ўйнаяпти, ё шаробчининг дўконида ичиб ўтирибди.

– Сен бир ўзинг ишляапсанми?

– Кўриб турганингиздек, мана... қўлимдан келганча ишляапман.

– Қилган меҳнатингга пул оласанми?

– Ой бошидан бери бир ҳафта учун тўрт юз лирагина олдим, холос.

– Демак, ишга ярайсанки, сенга пул беради-а?

– Ҳа, кунига икки-уч «панжа» тайёрлайман.

Қодир чўккалаб ўтирди-да, ён тарафдаги Мурод тайёрлаган оёқ кийимлардан бирини олиб текшира бошлади. Пойафзалнинг асосий ишлари тугаган бўлиб, фақат четларига бўёқ бериш қолган эди. Унинг жуфтини эса Мурод майда мих билан ишлаб чиқмоқда эди. Бундан ташқари, яна бир жуфт тайёр оёқ кийимлар турарди.

– Шуларнинг ҳаммасини ўзинг қиласанми-а?! – сўради поччаси ҳайратини яширмай.

– Ҳа... Уста андоза асосида бичгач, пойафзалнинг устига қоплайди-да, қолганини менга беради...

– Ўзинг бича олмайсанми?

– Нега энди? Ўзим бича оламан, албатта.

– Неча ёшдасан?

– Ёш эмасман, ўн иккига тўлдим, – деди Мурод.

Қодирбей боланинг ишлашига қараб туриб, унинг қўллари жажжигиналигини кўрди.

Бармоқларидан бирига болғани уриб юборган, шекилли, тирноқларидан биттаси кўкариб кетганди.

Бола бигиз ёрдамида аввалдан тайёрлаб олган тешикларга поначаларни учи ясси болға билан бир уришда қотириб ўтирарди. У ўз ишини пишиқ ўрганиб олгани учун ҳам ишлар, ҳам бемалол гаплашарди. Шу пайт дўконга бошқа бир дўкондор келди-да, болага қараб:

– Мурод уста, менинг салапуря ишларим тайёрма?
– деб сўради.

Бола ўрнидан турди-да, дераза олдига қўйилган бир жуфт қирқ тўртинчи ўлчамдаги оёқ кийимни олди-да:

– Тайёр!.. – деди.

– Қанча бермоқчи эдим?

– Тўрт юз элликка гаплашгандик.

– Ундай қилма, ўғлим. Бир жуфт пойафзалга тўрт юз эллик бериладими?

– Аслида беш юз эди, лекин Яшар уста сизга «Сен бегона эмас, ўзимизникисан...» деб эллик лирадан кечди-ку...

– Хўп, шуни бирор нарсага ўраб берақол, мен қайтишда пулини бериб кетаман...

– Айбга буюрмайсиз, Ҳамди афанди! Мен... пулини олмасдан беролмайман. Яшар устанинг феълини ўзингиз биласиз-ку, тўғрими?

– Эй, бўлмаса, гап кўпайтирмасдан манави пулни ол!..

Ҳамди афанди тўрт юз лирани болага берди. Пулни олгач, Мурод ҳам газетага ўроғлиқ оёқ кийимни унга узатди-да, дона-дона қилиб:

– Ўйнаб-кулиб кийинг, Ҳамди афанди! Шу оёқ кийим билан қишни соғ-саломат ўтказинг. Тўпиқ қисми янгилигини ҳам унутманг... – деб қўйди.

Мижоз оёқ кийимларини олиб кетгач, Мурод қўлидаги пулни Яшар устанинг тортмасига солиб

қўйди. Кейин эса яна ишини давом эттиришга ўтирди. Шунда Қодир афанди боладан сўради:

– Бу... салапурия дегани нимаси? Оёқ кийимнинг ҳам шунақа номи борми?!

– Йўқ!.. Салапурия деб денгиз карамининг энг кичкинасини аташармиш. Ҳамди афандининг оёғи жуда катта ва тарвақайлаган бўлгани учун қўшни дўкондорлар унга шундай ҳазил қилишади, – деди кулимсираб.

Қодир афанди битта сигарет ёқди-да, кейин оҳиста гапира бошлади:

– Менга қара, кечқурун бизникига боргандинг... Юрагим сиқилиб тургани учун сенга ёмон муомала қилдим, опанг ҳам қаттиқ эзилди... Айт-чи, нима мақсадда боргандинг?

Поччасининг бундай юмшоқ муомала қилишидан жасоратланган Мурод унга қараб:

– Бировни бекорга безовта қилишни мен ҳам истамайман, албатта. Ўзим шундай... сизларни бир кўрай, дегандим-да, – деди.

– Мурод, мендан ранжима! Қачон истасанг, опангни бориб кўриб туравергин.

– Якшанба куни бораман.

– Тушлик пайтига боргин, кутамиз. Мен якшанба куни доим уйда бўламан...

Қодирбей Мурод билан қўл сиқишиб хайрлашди. Поччасининг ортидан бошини чайқаб қолган бола яна ишига шўнғиб кетди. Ишларини давом эттириб ўзича «Бу ерга ўзи нима учун келган эди? Балки опам танбеҳ бергани учун келгандир...» деб ўйларди.

* * *

Ҳаво кескин ўзгаргани учун кўп одамлар таги тешилган оёқ кийимларини қиш олдидан

таъмирлатишга олиб келишарди. Келтирилган оёқ кийимларни Мурод олар, у ер-бу ерини айлангириб кўргач, кескин оҳангда:

– Бир ҳафтада тайёр бўлади, пулини уста билан гаплашинг, – дерди.

– У қанча дейди?

– Камида тўрт юз.

– Ие, бу пулга бундан яхшисини оламан-ку.

– Бунинг хом ашёси қиммат-да...

– Уста учун шаробга лойиқ пул бўлса – бўлди эмасми?

– Ихтиёр ўзингизда, ахир у сиздан пулингизни зўрлаб олмайди-ку. Шундай экан, олганини ҳам хоҳласа – шаробга беради, хоҳласа – арабга...

– Араб деганинг ким?!

– Рўпарадаги қаҳвахонанинг эгаси араб-ку, ахир. Унинг исмини Башир дейдилар.

– Сен устага қилдиравергин, пулини кейин гаплашамиз...

– Тўрт юздан камига бўлмайди, бўлмаса, менинг кундалик ҳақимдан кесиши мумкин-да... тушуняпсизми?

– Хўп, майли, тўрт юзни бераман. Сен ҳам ишни тез битиргин, чунки ҳаво анча совиб қолди.

У гапириб турган пайтида ён томондан бир аёл юриб келарди. Фарзандининг оёқ кийимининг учи очилган экан. Мурод пойафзални бир кўриб олгач:

– Хола, бунга мих қоқиб бўлмайди. Агар тикадиган бўлсам, болангизнинг оёғига сиғмайдиган даражада торайиб бузилади... – деди-да, кейин яна, – майли, буни қолдираверинг-чи, ўзига зарур елим билан ёпиштириб кўраман. Эртагача турсин, келиб олиб кетасиз, – деди.

Аёл кетганидан кейин Мурод дарров оёқ кийимнинг остки ва устки қисмларини чамалаб елим сурди. Кейин уни қаттиқ сиқди-да, бир тарафга суриб

қўйди. Қўлида турган аввалги оёқ кийимнинг усти ва четларини бўяб ялтиратди-да, уни ҳам бир жойга ёнма-ён қилиб қўйди. Энди у яна бошқа бир жуфт пойафзални тузатишга киришиб кетди.

Мурод ғайрат билан ишлар, ҳар замонда қаддини ростлаб орқасидаги оғриқни кетказиш мақсадида қўлларини белига қўйиб бир керишиб оларди.

Ўша кеча ҳаво жуда совуқ бўлиб, ёмғир тонггача шивалаб ёғди. Яшар уста пешинга яқин кириб келди. У ҳамма ишни энди Муродга топширгани учун дўконни ташқаридан қулфламас, шогирдига астойдил ишонарди. Қаҳвахона ёки шаробчининг дўконида кимдир ундан нега ишламаётгани сабабини сўраса, қисқагина қилиб:

– Менинг ўрнимда анави... кўчадан келган бола бор-ку, ўша ишляпти, – дерди.

– Болага ҳам иш қилдириладими? – деди биров.

– Бундай болага қилдириш мумкин, – жавоб берди у хотиржамлик билан.

Яшар уста бошқаларга доим шундай дер, аслида эса ўзи Муродни дўконда чиқиштирмас эди. Буюриб кетган ишлари шундай турганини, миҳни кўп ишлатгани ва эътиборсизлигини айтиб уришаверарди.

Мурод бир-икки индамади-ю, кейин устага:

– Уста, иккимиз бирга ишлай олмасак керак... Энди сиз ҳам ўзингизга бошқа шогирд изланг, мен ҳам ўзимга бошқа жой қидирай... – деди.

Боладан бу гапларни эшитган уста бирдан ўзгариб қолди ва истехзо билан:

– Э-э, ўғлим, нималар деяпсан? Сен бу ерга қаердан келдинг-у, қаерга чиқиб кетасан-а? – деди.

– Яшар уста, кўчадан келдим, кўчадан!.. Келган жойимга кетавераман-да, – дерди у ҳам киноя аралаш.

– Мен сени ўз ўғлимдек кўраман-ку, Мурод. Қара, ҳамма ишларни сенга топшириб қўйиб, ўзим ҳеч

нарсага аралашмаяпман-ку, тўғрими?

– Бу сизнинг ишингиз, аммо менга нимаси яхши? Ишларнинг қиёматдек тўпланиб ётишини қаранг, сиз ҳам ўтириб бир жуфт иш қилинг-чи!..

– Эртага... эртага барвақт келаман, иншааллоҳ. Сен ҳадеб шайтоннинг сўзига кираверма, хўпми?! – деди Яшар уста болага қараб.

Улар шу билан жим бўлишди.

Кеча дўконга келиб, боласининг оёқ кийимларини қолдириб кетган аёл бу гал келишида орқаси ёпинчиқли, тирсаклари хиёл йиртилган бир свитер олиб келди.

– Ўғлим, менинг ҳам сен тенги ўғлим бор. Соғ бўлгур, кийим кийишга ҳеч диққат қилмайди-да. Шу десанг... сен мана шу свитерни олгин, ўғлим. Тирсакларига ямоқ қўйиб олсанг, ишлаган пайтингда кияверасан... – деди аёл.

Свитер топ-тоза эди. Аёл унинг ичига яна иккита қўйлакни ҳам қўшиб қўйган экан. Ҳаммаси ҳам кийса бўладиган даражада яроқли эди. Аёлнинг назокатли муомаласидан эриб кетган Мурод у берган нарсаларнинг ҳаммасини миннатдорчилик билдириб қўлига олди.

Аёл кетиш олдидан Муродга қараб тушунтира кетди:

– Мен йўлнинг нариги бетидаги кўп қаватли уйлардан бирида тураман. Шунинг учун кечалари чироғнинг ёниқлигини кўриб, ишлаётганингни билиб тураман. Бу ерда сув текинга ишлаётганингни кўриб эса... хафа бўламан, албатта.

– Хола, нима қилай? Мана шу нарса мени ҳам қийнайди-да. Кўряпсиз-у, ҳозир ҳам шамоллаганимдан титраб ўтирибман. Майли, кунлар ўтиб турсин-чи, бир гап бўлар... Агар қишнинг совуқ кунларида опамнинг уйига кетадиган бўлсам, балки ўша ерда озроқ роҳатланиб ухларман.

Опам бу ердан узоқда яшайди. Тўғри, бориб-келишга қийналаман, лекин иложим қанча?..

Муроднинг ёнига поччаси келиб-кетганидан кейин у ўзича опасиникида бир-икки кун бўлса ҳам қолиши мумкинлигини ўйлаётган эди-да. Бориб-келиши учун автобус ва минибуслар бор эди, албатта. Бундан ташқари, у ерда опаси кирларини ювиб бериши, ювинишига имкон бўлиши ҳақида ўйларди бечора.

Свитернинг тирсак қисмларига ямоқ қилиш мақсадида соячидан иккита ниҳоятда чиройли тери парчаси олди-да, қойиллатиб ўзи ямаб олди. Энди у анча иссиқ тутаётгани учун баъзан кечалари ўрнидан туриб, ўшани кийиб оларди.

Мурод бир ҳафта давомида топадиган тўрт юз лирасини режалаб ишлатгани учун иккита яхлит минглик қилиб қўйган эди. Бу пулни у бўйнида олиб юрар, ана шу пул худди унга бир олам ғайрат ва жасорат бахш этаётгандек эди назарида.

Яшар уста ёки Халил афанди уни овқатланишга олиб боргудек бўлишса, ўша кунги овқат пулини дарров бўйнидаги пулга қўшиб қўярди. Ошхонага борган пайтида эса ўзига анча қувватли, ниҳоятда тўқ тутувчи овқатлардан танларди.

Ёлғиз ўзи борганида эса ошпаз унга қалампир аралашган ловияли овқат ва яримта нон берарди. Овқатни еб тугатишига яқин устига яна бир капгирда ош солиб берарди.

* * *

Якшанба куни Мурод барвақт туриб, ўзи ва оёқ кийимини тартибга келтиргач, кеча олдирилган сочларини қайта кўздан кечирди. Кейин қўлидаги бир килограммлик паҳлавани кўтариб опасининг уйига йўл олди. У автобусга чиққанида соат ўн

бўлиб, ҳавонинг авзойи анча бузилган эди. Энди қиш кунлари бошланган, ҳавонинг яхшиланишидан эса умид қилмаса ҳам бўларди.

Мурод эшик қўнғироғини чалган пайтида ичкаридан поччасининг товуши эшитилди. «Буни қара... эрталаб бўлса-я... ҳали қарға қағилламасдан олдин эшик қоққан ким бўлдийкин-а?» дерди у ичкаридан туриб.

Эшикни Назмия очди-да, укасини кўрган заҳоти эрига «Мурод келди...» деб хабар берди. Ичкаридан эса Қодирбейнинг «Эй, эрталабдан унга нима керак экан? Кейин келсин!...» деб тўнғиллагани эшитилди.

– Ие, бугун меҳмон келадиган кун эмасмиди? Ҳамма соат олтида турадиган бўлса... Эрталаб қолибдим, соат ўн бир бўляпти-ку! – деди эрига.

Назмиянинг сочлари бетартиблигидан унинг ҳам ҳозиргина ётоғидан турганини билиш мумкин эди. Улар ижарада турган уйнинг хонаси иккита бўлиб, бирида овқат пишириб ейишар, бошқасида эса ухлашар эди. Агар биров келса, уни нариги хонага ўтказишарди.

Уйнинг ер қисми рандаланмаган тахталар билан қопланган, деворларнинг сувоғи эса аллақачон кўчиб кетган эди. Шифтга ўрнатилган тўсинлар ҳали ёпилмаган, деворларда илгич билан осилган кирлар, пиёз боғлари, сал наридаги токчада эса бириккита қовун ва бир идишда ҳолва турарди.

Назмия жуда хурсанд бўлиб кетгани учун укасини яна бир ўпди-да:

– Ҳозир чой қўяман, якшанба куни биз одатда кечроқ турамиз... поччанг дам олади-да, – деди у хижолат бўлиб. Кейин яна овозини пасайтирганича «Қўявер, бизникилар шунақа, худди бир ишни қойиллатиб чарчагандек дам олади, э...» деб қўйди.

– Йўқ, опа... чойга овора бўлманг! Ўша кетганимча хабар ололмадим, анча бўлиб кетди. Мен ҳозиргина бир сендвич еб, чой ичиб олгандим... – деди.

Шу орада Қодирбей эғнидаги ғижим пижамаси билан ялангоёқ келарди. Уйқудан кўзлари шишиб кетган, сочлари эса бетартиб эди.

– Хуш келдинг, Мурод! Барвақт юрасан-да, а? – деди у.

– Хушвақт бўлинг, почча... – жавоб қайтарди бола.

– Нима гаплар?

– Ҳеч гап йўқ, соғлигингиз яхшими?..

Қодир атрофга бир қараб олгач, стол устидаги пакетни кўрди-да:

– Назмия, бу нима? – деб сўради.

– Ширинлик-да, Мурод олиб келибди, – деди аёл.

– Очмайсанми бунини?!

Назмия қоғоз қутининг қопқоғини очиб, ичидан ширинликни олди-да, стол устига қўяркан, «Пахлава!..» деб қўйди.

Қодир бир қўзғалиб қутига яқинлашди-да, бир бўлак пахлавани оғзига солди. Ширинликни чайнаб еркан, минғирлай бошлади:

– Э-э, хандон пистали экан-ку... Ишлаб пул топаётган бўлсанг, жуда яхши, Мурод!

Опа-ука гаплашиб ўтиришганида у тез-тез пахлавага қўл узатиб турди.

Мурод уйнинг аҳволига жуда ачиниш билан қараб ўтирарди. Эшикдан кираверишда тор йўлак бўлиб, у ерда иккита одам ёнма-ён тура олмас эди. Иккита хонада ҳам одам айланиб бўлмас даражада кичкина йўл қолган эди, холос. Бола шу ерда қишни ўтказиш учун улардан жой сўрай олмаслигини яхши тушунди. Бундан ташқари, тажанг поччаси ҳам рухсат бермаслиги аниқ эди. Шунинг учун ҳам Мурод яна дўконда ётиб юришга мажбурлигини ҳис қилди. Энди у агар Яшар уста кўмир олмаса, ўзи олиши зарурлиги ҳақида ўйлаб ўтирарди...

Назмия ва Мурод гаплашаётган пайтда Қодирбей

жим турмасдан гапга қўшилаверди. Гапирганида ҳам фақат уларнинг ота-оналарини ёмонлайверди. Назмия бу одам билан қандай яшарди?! Ўқимишли, саводли, закий ва идрокли бу нозик қиз қандай қилиб бу бетайин билан тирикчилик қиларди-а?!

Ижара уйнинг атрофидаги кўчалар текисланмаган эди. Тупроқ йўл бўлгани учун ҳаддан ташқари лой ва балчиқ эди. У ердаги уйларнинг орасида икки, ҳатто уч қаватлилари ҳам бор эди.

Қодир паҳлавани еб идишни яримлатгач, хотинига қараб:

– Назмия, мен чой ичмасдан бозорга бориб келай. Уйда овқат бор-ку, ҳеч бўлмаса, нон олиб келаман, – деди.

– Яхши, кеч қолманг! Кейин... уйда меҳмон борлигини ҳам унутманг-а... – деди.

Қодир уйдан чиқиб кетиши биланоқ Назмия дардини тўкиб солишни бошлади. У ҳам гапириб, ҳам йиғларди. Назмиянинг эри ўта жоҳил, дид-назокатсизлиги етмаганидек, жуда бетарбия ҳам эди. У ҳеч қаерда ўқимагани учун темирчига шогирд тушган эди, холос. Агар ҳаракат қилса, ишлардию, аммо жуда дангаса эди. Эрталаб уйқудан барвақт туришни эса мутлақо ўйламас, аммо топганини еб-ичиб, бошини буркаб ухлашни эса қойиллатарди. Шунинг учун ҳам қаҳвахонада қарта ўйнаб ҳар томондан қарз бўлиб юраверарди.

Назмия ишлагиси келар, аммо эри Худонинг балоси эди. Агар аёл кўчага чиқиб қолса, эри ўта рашкчи бўлгани учун нақ қиёмат қиларди. Ўзи шусиз ҳам жанжалсиз кунлари йўқ эди.

– Укажон, уйимиздаги дилхираликдан безиб Қодирга тегдиму... аввалгидан баттар нотинчликка дуч келдим, – дерди Назмия, – отам бу даражада бемаъни эмасди-ку. Бир аҳмоқ хотиннинг домига

тушди-ю, тамом. Ҳа ўша аёл дейман-у, нима бўлганда ҳам... онамиз-ку, тўғрими? Э-э, сен нимани ҳам билардинг-эй...

Мурод бир пайтлар жуда сиқилиб юрган бўлса-да, энди иш жойи тайин бўлгани учун қўли пул кўраётган эди. Иш жойининг захлиги ва биттагина одеялда совқотиб ухлашга мажбур бўлаётганини опасига айтмади. Назмиянинг дарди ўзига етгулик бўлгани учун уни баттар азоблагиси келмади.

– Менинг ҳолимни кўриб бир кун ҳам чидай олмайсан. Майли, ўлмаганимизга ҳам шукр. Ишлайвер, укажон, вақти келганда менга ёрдам бериб турасан... – деб йиғларди.

Опа-ука анчагача гаплашиб ўтиришди. Соат икки бўлса ҳамки, Қодирдан ҳамон дарақ йўқ эди.

– Атала ва ловия шўрва бор, поччангни кутмасдан сенга олиб кела қолай, – деди Назмия.

– Ташвиш чекманг, опа. Ҳозир менга сизни кўрганимнинг ўзи етади, мен яна бир келаман. Кечга қолмасимдан аввал бора қолай. Ҳа, поччаннинг дўкони қаерда? – сўради у.

Назмия дўкон жойлашган ерни укасига тушунтирди. Мурод опасини ўпди-да, кечга қолмаслик учун қадамларини тезлатди. У йўлда кетатуриб қўлидаги ҳунарга тўрт қўллаб ёпишиши кераклигини ўйларди...

Эртаси куни Яшар уста пешинга яқин дўконга кириб келганида Мурод ишлаб ўтирарди.

– Кечқурун қаерда эдинг? – сўради уста.

– Опамнинг уйига боргандим... – деб жавоб берди у.

– Опанг яхши эканми?

– Э-э, нима қилсин бечора қиз... Тақдир экан, ношукр ва қўрс-қўпол одамга тушиб қолди.

– У ерда қоламан, дегандинг-ку...

– Уйлари жуда тор экан, у ерда менинг ётишим учун жой йўқ, уста.

– Менга қара, Мурод! Ишласанг, айт, бўлмаса, мен қишда дўконни ёпаман.

– Ёпсангиз – ёпаверинг, мен ҳам ўзимга иш топаман.

– Э, мен сени ўйлаганим учун шундай деяпман, кўчада қолмагин, дейман-да, жоним.

– Менга қаранг, уста! Майли, мен ишламасдан чиқиб кетдим, сиз ҳам дўконни ёпдингиз, дейлик. Сизга ким пул беради-ю, шаробни қайси пулингизга ичасиз-а? Ҳаммани аҳмоқ деб ўйламанг!..

– Аллоҳ улугдир, ўғлим... У ҳеч кимни оч қўймайди.

– Тўғри, лекин одамга шароб учун пул ҳам бермайди-ку, – деди Мурод чўрткесарлик билан.

Яшар уста бироз ўйланиб турганидан кейин боладан сўради:

– Хўш, сен энди қиш бўйи ишламоқчимисан?

– Дўкон очик бўлса, шу ерда ишлайвераман, бўлмаса, бошқа жойдан иш топаман-да...

– Кўрамиз, топа олармикинсан?!

– Бир пайтлар соячи «Ишсиз қолганингда келсанг, иш топиб бераман!» деб сўз берган эди.

– Ҳмм, сенга нақшдек қилиб жой тайёрлаб турибди-да...

– Жой тайёрлаб тургани йўғ-у, аммо... у одам сиз ҳақингизда «Яхши уста, ўшанинг ёнида ишлайвергин!» деган эди. Сиз-чи?.. Сиз шундай деб турганингиздан кейин ёрдам беради-да...

– Хўп, айтайлик, ишладинг, совуқда нима қиласан?

– Иситгич ва кўмир олмоқчи эдингиз-ку, уста, қани улар?

– Ўшаларга етадиган пулинг борми?

– Яна нима хоҳлайсиз? Одамлар қўлларидаги ишлари билан қайтиб кетишяпти, биз эса дўкондаги ишларнинг ўзи билан ҳам олға силжий олмаяпмиз-ку. Сиз қаҳвахона ва шаробчидан ортмасангиз, мен келиб қўлим болға тутганидан кейин ишни бутунлай йиғиштириб қўймадингизми?! – деди у алам билан.

Яшар уста боланинг юзига тикилиб туриб:

– Ўғлим, менинг ёшим етмишга қараб кетди. Ишлашдан жуда зерикдим, чунки ўн икки ёшимдан бери шу дастгоҳнинг бошидаман. Кўзларим аввалгидек кўрмайди, бундан ташқари, қўлларим титрагани учун болғани қўлимга уриб юбораман, – деди.

– Уста, энди нима қиласиз? Ҳамма одам ҳам бир ишнинг орқасидан нон ейди-ку...

– Ие, сен менга насиҳат қиладиган бўлибсанми?!

– Тўғри, сизга неварангиз тенги эканим рост, аммо мен ҳам ҳозирги вазиятга қараб гапиряпман-да.

– Майли, гапларинг тўғри. Мен сенга ҳафтасига беш юз лира бераман-у, аммо бошқа сарф-харажатингга аралашмайман, келишдикми? Қани, ишингга қарай қол...

Мурод астойдил ишларди. Сарф-харажати ва пули чиққанидан кейин дўкондаги даромад ҳам бир кунда беш-олти юз лирага етарди. Яшар уста қаҳвахонадан шаробчига, у ердан эса майхонага қатнайверишидан ўша пуллар ҳам дарров йўқ бўларди. Уста дўконга фақат кечқурун келар, орасирада баъзи ишларга кам ҳақ олганини баҳона қилиб боладан пул ундириб оларди.

Бир куни дўконда Мурод ишлаб ўтирган эди, Халил афанди кириб келди. Ўша ердаги жойлардан бирига ўтириб олди-да, гапира бошлади:

– Мурод, қиш келди-ку, бу ерга қандай бардош беряпсан?

– Амаки, энди нима қилай, ишни ташлайми?

– Йў-ўқ, ташламагин! Бу ерни иситиш керак, дейман-да...

– Бу ерда печка ўрнатиладиган жой йўқ. Шунинг учун иситгич ҳақида ўйлаётгандим, амаки.

– Кўмир... ҳа, у ҳам арзон эмас-ку. Кунига камида уч килограмм кўмир ёқиши керак бўлса, демак, у ҳам анчагина пул бўлади. Ие, топган-тутганингни кўмирга ишлатасанми?! Э-э, қўй-е, Яшар уста билан ўзим гаплашаман, – деди у қатъий оҳангда.

Халил афандидан Аллоҳ рози бўлсин, иложини қилиб Яшар устага бир қоп кўмир олдирди. Кейин баққолдан каттакон пишлоқ идишини олиб, ярмидан кесишди-да, юқоридан тутиш учун икки ёнидан қалин симни ўтказишди. Миршабхонадаги печкадан чўғ олиб тунуканинг тагига қўйдилар. Кейин Халил афанди Муродга тушунтирди:

– Ўғлим, менга қара! Одам кўмирдан заҳарланиши мўмкин. Шунинг учун яхши ёниб олов олгач, кул билан кўмиб қўйгин, хўпми?! Агар бор бўлса, устига лимон пўчоғини қўйиш керак. Аввал деразани очиб, кўмирни йўлакда ёки ташқарида ёққин, хона ичида мутлақо ёқмагин, келишдикми?! Мана шунга ниҳоятда эътиборли бўлгин...

Мурод бу ишни доим Халил афанди тушунтирганидек бажаришга ҳаракат қилди. У эрталаб барвақт турар, тунука иситгични кавлаганида ичидан чиққан чўғларни яна кўмирнинг устига қўярди. Бу ишни у одатдагидек йўлак ё ташқарида қилар, кейин ичкарига олар эди.

Халил афандидан Аллоҳ рози бўлсин, ўша ёрдами билан чекланиб қолмади. Қаердандир бир каравотни топиб, келтириб берди. Мурод ўзи ҳам яна бир одеял сотиб олди. Аввалгисини учга буклаб энди каравотнинг тагига ёзар, янгисини эса устига ёпар

эди. Свитерни кийиб ухлаганига энди у кечалари совқотиб қолмас, энг асосийси эса шамоллаб қолмайдиган шароит бор эди.

Мурод ниҳоятда рўзғорбоп бола эди. Шу сабабли у секин-секин чой қайнатишига чойгум, шакар идиши, қаҳва ичиши учун иккита финжон ва бошқа нарсалар сотиб олди. Энди у эрталаб нон дўкондан озгина нон олиб келиб, иш жойида нонушта қилиб олар, тушлик ва кечки овқат учун эса энг яқин ошхонага борар эди.

Яшар уста жағи очиқ ва эзма бўлгани учун Муродни ҳамма жойда гапириб юрарди. Шунинг учун бир-икки ошпаз ва хизматчилар ҳам Муродни «кўчадан келган бола» дейишарди. Ўша ердаги доимий мижозлар эса нима учун оёқ-қўли чаққон, ҳалол бу болани шундай дейишларини ҳеч тушунишмасди. Ошпаз хизматчисига қараб:

– Аҳмад, ўғлим, кўчадан келган болага ловияли овқат олиб бор! Дарров борақол, Мурод устани куттирмагин... – дерди.

Баъзан Халил афанди ҳам у ерга борарди. Мурод у ерда доим энг арзон овқатдан олиб қорнини тўйғизарди. Баъзан эса пулини тежаш мақсадида бир идиш айроннинг ичига нон тўғраб ейиш билан кифояланарди.

Энди учи очиқ пойафзал ва пошнаси синган туфли олиб келишса, у «панжа» ҳисобига кирмас, Мурод ўша ишларни тез-тез бажариб, пулларини ўзи олаверарди. Баъзан кечалари ишлаб мўлжалдан ортиқ даромад қилса ҳам, уста пулга қийишар, бола эса жанжаллашиб бўлса-да, ундан пулини оларди.

Бир куни эшик олдида турган мушукнинг миёвлашидан уйғониб кетди. Унинг овози ачинарли бўлгани учун уни дарров ичкарига олди. Ҳамма жойи ҳўл бўлиб кетган мушук тинмай титрарди.

Одамлар билан яшашга ўрганган бу бечорани қайси уйдан чиқариб юборишганини ким билсин?!

Мурод мушукнинг танасини артиб бироз қуритди-да, кейин олдига бир-икки бурда нон қўйди. Қўлбола печкани ёққанидан кейингина жониворнинг титраши тўхтади. Буни кўриб анча хотиржам бўлган бола иситгичнинг ёнига узала тушиб ётди-да, мушукка қараб ўзича деди:

– Мен кўчадан келган боламан, десам, сен ҳам кўчадан келган мушук бўлдингми? Яшар устадек кўнгли тор одам билан муомалангни яхши қилгин, хўпми? Бўлмаса, у икковимизни ҳам бу ердан чиқариб юборади-я...

Яшар уста ҳақиқатан ҳам ҳеч ким билан чиқишмайдиган одам эди. Шунинг учун мушукни кўрган заҳотиёқ бақириб-чақира бошлади. Мурод қаршилиқ кўрсатиб:

– Уста, сизга нима зарари бор? Бу ерда сичқон-каламушлар борлигини билмайсизми? Ахир, кечалари нималарнидир қиртиллатиб кемиришади-ку... – деди.

Мурод устасига гапираётганида мушук хириллаганича Яшар устанинг оёғига суркала бошлаган эди. Шундай қилиб, бир-икки кун ичида Яшар уста ҳам мушукка ўрганиб қолди.

Мурод софдил бўлгани учунми ё бошқа сабабми, секин-секин даромади орта бошлади. Энди унга нафақат йиртилган пойафзал, балки шиппак ва этикларни ҳам олиб келадиган бўлишди. У ҳамма ишларини кечалари тикиб, ямаб эрталабга ҳозирлаб қўярди.

У тонг саҳардан то кечгача ишлар, ишлари кўплигидан қўли-қўлига тегмасди. Муроднинг ишлари яхши, фақат бир нарсадан таъби хира эди. У ҳам бўлса шуки, Яшар устанинг аёли Ҳалима хоним ҳадеб дўконга келиб ўтириб олар ва бўлар-бўлмас нарсаларга аралашаварди.

Агар бола қалин теридан кесадиган бўлса, «Терини эътибор билан кесгин, ахир уни текинга беришмайди-ку», дер, пойафзалларнинг тагига михдан камроқ қоқиши ва қўлини янада чаққон қилишини талаб қиларди.

Мурод аввалига бир-икки индамади, аммо кейин:

– Хола, етар энди... Билиб қўйинг, агар ҳадеб менинг ишимга аралашаверсангиз, ташлаб кетаман! – деди қатъий қилиб. Вазият шу даражагача етдики, у ҳатто икки марта «Мен бу аҳволда ишлай олмайман!» деб фартугини отиб юборди. Бу ҳолни кўрган хотин қаҳвахонага бориб эрига айтган эди, уста Ҳалима хонимга қараб:

– Эй-й, сен косибчиликнинг нимасиниям тушунардиг? Болани ўз ҳолига қўй, у жуда яхши ишлайди. Ўшанинг орқасидан нон еяпмиз-ку, ахир, бошқа бундай деб келма... – деди.

Аёл ҳам ниҳоятда эзма ва бадфёъл эди. Шунинг учун орадан икки кун ўтиши биланоқ «Қалайсан, болам?» деб дўконга кирганча ўтириб оларди.

Бу ҳол қаттиқ совуқ бошлангунича давом этди. Тўғрироғи, ҳадеб совуқда ўтираверган аёл касал бўлиб келолмай қолган эди. Ўша кўчанинг бошидаги дўкон эгалари ҳаммаси ўзаро таниш бўлиб, баъзан ҳазиллашиб гаплашишар, баъзан эса бир-бирларига ёрдам беришарди.

Янги йилнинг бошларида Мурод поччасининг дўконига борди. У ерда Қодир йўғ-у, аммо дангаса шогирди печканинг тепасида сигарет чекиб турарди. Мурод у билан салом-алик қилиб, дарров қайтиб чиқди.

Февраль ойининг охирги кунларидан бири эди. Мурод вақт топиб яна поччасининг дўконига борди. Дўконнинг эшигига қулф осилган, устидан эса мумли муҳр босилган эди. Боланинг ҳайрон бўлганини кўрган ёнидаги баққоллик дўконининг сотувчиси ундан сўради:

– Эй бола, сенга нима керак эди?

– Бу ерда поччам ишларди...

Болани бошдан-оёқ бир кўздан кечириб олган баққол гапиришда давом этди:

– Қодир сенга почча бўладими? Ҳмм, демак, хабаринг йўқ экан-да... Ўша куни у жанжал қилган эди, шунинг учун уни «ичкари»га олишди. Мана, шунга ҳам бир ҳафта бўлди...

– «Ичкари» деганингиз қаер?!

– Э-э, содда ўғлим-а... Шуни ҳам билмайсанми?! «Ичкари» дегани ҳибсхона-ку.

– Поччам нима иш қилган эди?

– Э-э, унинг осмонда учган қушдан ҳам қарзи бўлса... Нима қиларди? Ҳамма одамлар аридай тинмасдан ишлайди, аммо у ён-атрофдан қарз бўлишдан бошқа ҳеч нарсани билмайди. У ҳатто шогирдидан ҳам қарздор-а... Бола бечора ҳар куни келиб, овора бўлганча қайтиб кетаверади. Ахир, устозининг ўзи бўлмагач, пулини кимдан ҳам оларди, тўғрими?

Мурод бу гапларни эшитганидан кейин бир жойда ўтиролмай қолди. Қош қорайиши билан мушуги Текирнинг олдига озроқ егулик қўйди-да, дарҳол опасининг уйига қараб кетди.

Муроднинг эғнида энди яхшими-ёмонми бир пальтоси, бошида шапкаси, оёғида эса сув ўтказмайдиган оёқ кийими бор эди. Охирги пайтларда еб-ичишига эътибор қилгани учун анчагина семириб қолган эди.

Уйга етиб борганида эшикни опаси очди. Юзлари сўлғин, кўзлари қизариб кетган эди. Мурод ичкарига кириши биланоқ Назмия яна йиғлашни бошлади.

– Мурод, бошимизга тушган воқеаларни эшитдингми? – сўради у.

– Ҳа, опа... йўқлаб келай, деб дўконга бир

боргандим. Қўшни дўкондаги баққол билан гаплашдим, ўзи нима бўлди?

Назмия ўзи билганича тушунтира бошлади:

– Охирги пайтларда мутлақо дангаса бўлиб қолган эди. Пешинга яқин иш бошлаганидан кейин ким ҳам унга иш олиб келсин? Ўша жойдаги одамларнинг ҳаммасидан «Ёзда бераман!» деб қарзга пул олган экан. Пул берган одамлардан бири ўша куни пулини сўраган, шекилли, жанжаллашиб қолибди. Жаҳл устида унинг бошига қаттиқ жисм, билмадим, болға биланми урган экан, ерга йиқилибди. Буни кўриб қўрқиб кетиб, у ердан қочибди. Қаерга ҳам борарди? Уни қидириб уйга келишди-да, шу ердан ушлаб олиб кетишди. Шунга ҳам бир ҳафтадан ошди. Қодирдан пулини сўраган одамнинг мияси чайқалган экан, шунинг учун поччанга икки йил қамоқ жазоси беришди. Бундан ташқари, даволаниши учун унга беш минг лира бериши ҳам тайин қилинган... Аллоҳ рози бўлсин, укажон! Бу маҳаллада ҳамма бизни муттаҳам, фирибгар сифатида билади. Шунинг учун ҳам биров на ҳолимни сўради, на аҳволимни...

Мурод дарҳол бозорга бориб, иккита нон, бир килограмм гўшт, озроқ пишлоқ, чой ва шакар олиб келди. Буни кўриб хурсанд бўлиб кетган Назмия укасининг бўйнидан қучоқлаб олганча:

– Сен топган нонни ейишимни насиб қилган Аллоҳга шукр, укажон! – деди.

У шундай деб шошганича овқат қилишга уриниб кетди. Шоша-пиша бир зумда тайёрланган гўштли қовурдоқни опа-ука хотиржам ейишди. Ўша кеча Мурод опасининг уйида қолди. Эрталаб ишга кетаётганида опасига озроқ пул қолдирди.

Кечқурун икки қўлини тўлдирганича яна уйга қайтди. Назмия энди бир нарсадан жуда қўрқарди. Шунинг учун укасига кўнглидаги гапларни айтди:

– Мурод!.. Бу ерда ёмон одамлар кўп, укажоним...

Қодир жуда бақувват одам эди. У қамалгани учун ҳозир ёлғизман. Эшикнинг аҳволини қара, бир мушт урса, йиқилади. Бу ерда энди ҳолим нима кечади?

— Мен кечқурунлари шу ерга келаман, ёлғиз қолмайсиз. Хўш, шундай қилиб, қадрдон қўшнингиз йўқми?

— Поччанг менга нафас олдирмасди-ку, қандай қилиб биров билан учрашай?! Ёнимиздаги уйда бир кекса аёл бор, баъзан ўша билан деразадан саломлашамиз, холос.

— Сиз ўша аёл билан гаплашаверинг, сиқилган пайтингизда дарддош бўлади, — деди бола.

Муродга ҳар томонлама оғир эди. Дўконни ёлғиз қолдиргани учун уни Яшар уста уришар, бола ҳам бўш келмасди.

— Опамнинг бошига мусибат тушган бўлса-ю, мен ўша ёш жувонни ёлғиз қолдираманми? Йўқ!.. Нега мени уришаверасиз, ишларингиз қолиб кетяптими?

Яшар устанинг танбеҳлари боланинг юрагини сиқарди, албатта. Бир томондан уста шогирдига қаттиқ гапира олмас эди. Бу ёшида энди у озгина пулга қаноат қилувчи, оёқ-қўли чаққон бошқа дастёр топа олмаслигини жуда яхши биларди-да. Энг яхши йўл — болани хафа қилмаслик эди. Мурод мушукнинг кириб-чиқиши учун йўлакдаги деразани қия қилиб, ўша ердан ейишига нарса қолдирадиган бўлди. Ҳамма ишларини битириб бўлган Мурод кун кеч бўлиши билан автобусга чиқиб опасининг уйига кетарди. У ердан тонг саҳарда йўлга чиқиб, биринчи автобусда ишга келарди.

Дам олиш куни Мурод уйда бўлиб, эшик-деразаларни қўлдан келганча тузатди. Уйни иситиш ва овқат қилиш учун электр иситгичдан фойдаланишди. Ўша куни эрталаб Назмия Муродга деди:

— Сендан бир илтимосим бор, Мурод.

Поччангнинг олдига бир бориб, йўқлаб келгин!..

Ҳа, ҳар нима бўлганда ҳам эри эди-да. Бошига ташвиш тушган пайтида уни ўз ҳолига ташлаб қўя олмасди. Аввалига унга яхши муомала қилса ҳам, вақти келиб бир куни «Нега хабар олмадинг?» деб кўз очирмаслиги тайин эди, албатта.

Мурод кўнглида гина сақлайдиган бола эмасди. Назмия маҳалла нозиридан Қодир қайси қамоқхонада эканини суриштириб билди. Якшанба куни кўришга рухсат беришларини эшитган Назмия дарров юпқа сомса пиширди-да, қоғозга ўраб, иккита ичкийимни ҳам ёнига қўшиб укасига берди. Мурод халтани кўтариб кетаркан, йўлдан поччасига икки қути сигаретни ҳам қўшиб олди.

Ўша куни Қодир тўсатдан рўпарасида Муродни кўрганида ҳайрон бўлиб қолди. Бир пайтлар ўзи бир кечага ҳам уйига қўймаган, ўша «дайди» деб ҳақоратланган бола бугун... ҳолидан хабар олгани келса-я?!.. Ҳа, бу болада одамгарчилик бор эди. У ҳам худди опасига ўхшаган нозик, чиройли, ақлли-қушли, кўнгли пок бола эди.

Ўша учрашувда Мурод поччасининг рўпарасига ўтириб олиб «Мени «кўча боласи», «дайди» деб айтардингиз-а, энди... ўзингиз айтинг-чи, қайси биримиз дайдимиз?!» деб айтса бўларди. Мурод эса одобу назокат билан секин гапирди:

– Эшитиб жуда хафа бўлдим, почча. Майли, кўрган-кечирганингиз шу бўлсин, илоҳим!..

Кичкинагина боладан шу гапларни эшитиб турган Қодирнинг кўзлари тўла ёш эди. У Назмияни жуда севар, шу сабабли ундан айрилишни ёки ёлғиз қолдиришни ҳеч истамасди. Ҳозир эса унинг қўлида на пул, на сигарет бор эди. Қамоқхонадан чиқишга эса куч-қуввати ҳам етмасди. Унинг Назмияси ўша чордеворгина уйида ёлғиз қолган эди. У шу қадар гўзал аёл эдики, ҳеч жойда уни мутлақо ёлғиз

қолдириб бўлмасди. Жиноий иш бўйича суд қилиниб қамалган Қодир ўзидан ҳам кўра кўпроқ Назмияни ўйлагани учун айни пайтда ҳеч кўзига уйқу келмасди. Шундан бўлса керакки, Муродни кўрган заҳоти биринчи иши «Опанг яхшими?» деб сўраш бўлди. Унинг саволларига бирма-бир жавоб берарди.

– Ҳа, опам яхши юрибди. Ўша куни мен сизга учрашиш мақсадида дўконга борган эдим. Қарасам, эшик қулф экан. Кейин... қўшни дўкондаги баққол менга ҳаммасини тушунтирди. Дарров уйга борсам, опам бечора нима қилишини билмай, хайрон бўлиб, оч-наҳор ўтирган экан. Ҳеч бир қўшниси йўқки, ундан ҳол сўрасин. Уйга яна майда-чуйда нарсалар олиб келдим. Ўшандан бери ишга у ердан қатнаяман. Ҳар куни ишдан кейин кечқурун мен у ерга боряман. Шунинг учун опам ёлғиз эмас, хотиржам бўлинг, – деди у.

– Барака топ, укам. Опангни ёлғиз қўйма, шундай қилгин, хўпми? У маҳаллада ёмон одамлар кўп. Ҳар нима бўлганда ҳам сен эркаксан-да... – деди Қодир хижолат бўлиб.

Мурод ёнидан эллик лира чиқариб поччасига берди-да:

– Айбга буюрманг, почча. Кейинги ҳафтада яна келишга ҳаракат қиламан, ҳозирча шуни олиб туринг, – деди андиша билан.

Мурод боргунича ўша ердаги маҳбуслардан сигаретни тиланиб сўраган Қодир бу эллик лирани қандай қилиб олмасин? Мурод кетаётганида Қодир унга ёлворди:

– Жон укам, опангга кўз-қулоқ бўлгин, хўпми?!

– Хавотир олманг, почча, – деб хайрлашди у.

Икки йилнинг ўтиши осон эмасди, албатта. Энди Мурод опасига қараш ва ҳар ҳафтада поччасига пул олиб бориш мажбуриятида эди. Кунда топган икки юз эллик лираси йил охирида уч юзга, йил бошида

тўрт юзга чиққан эди. Мурод шу қадар ғайрат билан ишлардики, қўлидан икки минг тўрт юз лира ўтган кунлар ҳам бўлди. Бу пулларнинг эса жойи тайин эди, албатта. Эндигина ўн беш ёшга тўлган Мурод ўзи бир чеккада қолиб, опаси ва поччасига қарашдан ҳеч ортмасди.

Вақти келиб муддати тугаган Қодир худди қаҳатчиликдан қутулгандек уйига қайтди. Энди унинг анча эси кирган эди. Шунинг учун ишлаб қарзларини узиш ва ўзи жабр етказган одамга ўша белгиланган беш минг лирани бериш ҳаракатига тушишни ўйлади. Агар пулларни бермаса, яна қамалиши тайин эди-да.

Қодир маҳалла-кўй ва қўни-қўшнилар олдида андиша қилар, иложи борица дўкони жойлашган кўчадан ўтмаслик ҳақида ўйларди. Шу ҳолатда икки кун уйда ётди-да, кейин ишлаш учун дўконга кетди. Бир пайтлар у бир нечта мижозларни хафа қилган эди. Қодирнинг дангасалигини билганлар унга ҳеч иш беришмасди. Ниҳоят, қўлига бир-иккита иш келди. У энди аввалгидек турли ошхоналарга бориб бўкиб овқатланмасди. Дастгоҳда ишлаб туриб уйдан олиб келган егуликни еб ўтирарди.

Қиш охирлаб, баҳорга чиқишди. Ўшанда Қодир бир ой эсанкираб юрганидан кейин ишлари анча юришиб кетганди. Шу давр мобайнида қўни-қўшнилар ва ҳар бир келувчига ўзининг ижобий томонга ўзгарганини кўрсатиб улгурди. Энди унинг ишлари жуда кўп эди. Бундан ташқари, дўкон ичида ҳамма темирлар икки йил давомида тураверган, нархлар эса тобора ортаверган эди. Бу эса Қодирга жуда қўл келганди, албатта.

Орадан кунлар ўтиб, Қодирнинг чўнтаги пулга тўлгач, эски одати яна қўзғади. Бир куни кечқурун овқат пайтида у Муродга тўсатдан:

– Мурод, биз сендан кўп ва хўб ёрдам кўрдик.

Қамоқдалигимда ҳам мени, ҳам опангни ёлғиз қўймадинг. Нима деб, қандай тушунтирсам экан-а?.. Кўряпсан-ку, уйимиз жуда тор. Овқат пиширишу еб-ичиш... ҳатто ётишимиз ҳам мана шу ҳовучдек уйнинг ичида, қарагин... — деб қолди. Эрининг бу гапларидан Назмия дув қизариб кетди. Опасидаги бу ҳолатни кўрган Мурод вазиятни англаб етди ва дарров:

— Опа, сиз хафа бўлманг! Мен ўз кунимни кўриб юрган боламан... — деди ва Қодирга қараб давом этди. — Тушунарли, энди менга эҳтиёжингиз йўқ экан...

— Қодирбей, ахир унинг бизга зиёни йўқ-ку... Мурод эрталаб кетганича кечқурун қайтиб келади-ку, — деди Назмия йиғлагудек бўлиб.

— Бу уйнинг эркаги менман, иккинчисига ўрин йўқ!.. — деди у қошларини чимириб.

— Ўша сиз эркак деганингиз менинг туғишган укам-ку. Икки йил сизга ҳам, менга ҳам шу қаради-ку, ахир. Ўзингиз бир ойдан бери ишламайсиз-у, қани уйга ҳеч пул бериб кетдингизми? Сиз уйдаги сарф-харажатга қарайсизми ёки қарзларни тўлашгами?

— У ёғини ўзим биламан, — деди тўнғиллаб.

Мурод ич-ичидан ёмон эзилди. Бир кун аввал поччаси нўхотли овқат егиси келганини айтгани учун қайтишида бозордан нўхот олиб келган эди. Опаси бир чиройли қилиб пиширган ўша нўхотли овқат устида шу гап бўлиб турса-я...

Қодир ўзи бир ёқдан қошиғини тўлдириб-тўлдириб еса, бошқа ёқдан ёнидагиларнинг идишидан асло кўзларини узмасди.

Мурод овқатни қолдириб, ўрнидан қўзғаларкан:

— Ош бўлсин, почча! Мен кундузи жуда яхши овқатлангандим... — деди-да, бир бурчакка ўтириб олди.

Назмиянинг ҳам овқати заҳар бўлган эди. Қодир тўйгунича овқатланди-да, кейин хонасига кириб кетди.

– Опа... сиз хафа бўлманг... Мени ўйлаб ҳеч сиқилманг, хўпми? Биз опа-укамиз-ку, ахир, шунинг учун мен сиздан ёрдамимни ҳеч аямайман, – деди.

Эртаси куни кечқурун кийимларини қўлига олганча опасини ўпди-да, кўнглига тасалли бериб ишга кетди.

Ўша кезлари Яшар уста енгил кўринишдаги фалажни бошидан кечирган эди. У шифокорларнинг гапига қулоқ солмасдан бир оёғини судраб келарди. Бу ҳам етмагандек кечга яқин озроқ шароб ичиб оларди. Энди унинг ишлашидан умид бўлмагани учун Мурод ўз ҳолича ишларди.

Яшар уста дўконни сотиш мақсадида бир-иккита мижозларни олиб келганида улар кулбасимон дўконни кўриб:

– Сен дўкон деганинг шуми?! – дейишарди ажабланиб.

– Йўқ, ойига беш минг лира олиш шарт билан ижарага берганман.

– Хўп, буни билдик... яхши, аммо дўконнинг нимасини сотмоқчисан? – деб сўрашар ва яна сўзларида давом этишарди. – Бу ерда фақат икки боғлам тери, бир уюм эски оёқ кийимлару болғалар ва... мих қоқиш ускунасидан бошқа ҳеч нарса йўқ-ку! Агар шуларни сотаман, десанг, уни ҳеч ким юз эллик лирадан ортиғига олмайди-ку, – дейишарди улар аччиқланиб.

Келганларнинг ҳаммаси Яшар устанинг гапларидан ғазабланганча кетаверишди. Буни кўрган Мурод ярим ҳазил билан:

– Уста, олтин тухум қўйган товуқ ҳақидаги эртакни эшитганмисиз? – деди.

– Эшитганман, нима эди?

– Ие, нима эди?!.. Ҳар ойда қўлингизга йигирма минг лира тушум келади. Жуда яхши тирикчилик қиялсиз, тўғрими? Хўп, майли, олганлар нари борса, ўн минг лира беришсин. Ўша ўн мингни ҳам бир ойда йўқ қилиб, кейин ҳеч нарсасиз кўчада ўтирасизми?

Бу гапларни қаҳвахонадагилар ҳам кўп бора устага айтишган эди. Қачон уста шу ҳақда гапирадиган бўлса, улар: «Тош отсанг, қўлинг толадими-а? Ахир, бола бечорани қарагин, астойдил ишляпти-ку. Пулларни эса жарақлатиб санаб оляпсан, тўғрими? Уста, ҳадеб ҳали у, ҳали бу мижозларни бу ерга олиб келавериб болани безовта қилмагин! Агар дўконни ташлаб кетса, ҳолингга итлар кулади-я...» деб гапиришарди.

Устанинг аёли Ҳалима хоним ҳам буни жуда яхши биларди. Шунинг учун ора-сира дўконга келиб ўтирар, аммо боланинг ишига ҳеч аралашмасди. Гапни узоқдан бошлаб туриб мақсадини тушунтирмоқчи бўларди. Шунинг учун Муродга:

– Оҳ, болам-а, сен у қариб қуюлмаган чолнинг гапларига ҳеч қулоқ солмагин. Бунақа дўкон учун у сўраган пулни аҳмоқ ҳам бермайди, сен ишлаганинг учун биз фойда кўряпмиз-да, – деб айтарди.

Астойдил ишлаётган Муродни кўрган мижозлар уни бир-бирларига мақташарди. Улардан бири бўлмаса, бошқаси Муродга доим ён босгандек бўлиб:

– Сен ёшингнинг кичиклигига қарамагин. Уч йиллик пойафзалчи бўлсанг ҳам, ишингга ниҳоятда устасан. «Ақл ёшда эмас, бошда», деб шуни айтишади-да, болам, – дерди.

Бир томонда эса Назмиянинг таъби хира эди. Мурод Назмиянинг уйидан чиқиб кетган куни Қодир уйқудан уйғониб, дарров уни сўради.

– Қаерда бўларди?! Ҳайдагандан баттар

қилдингиз-ку, шунинг учун саҳарлаб ишга кетди.

– Эй Назмия... мен бу уйимда ўзимдан бошқа эркак бўлишини хоҳламайман!..

У бир-икки марта чой ичиб, дастурхонда борини еди-да, кетиш тараддудига тушди. Қодир чиқиб кетаётган пайтда Назмия тўсатдан:

– Пул бериб кетмайсизми? – деб қолди.

– Қанақа пул? – сўради у ажабланиб.

– Қанақа пул бўларди?! Ош-овқатга зарур пул-да! Укам ҳар куни эрталаб юз лира бериб кетарди. Пулсиз рўзгор тебратиб бўларканми?..

– Ҳа... кечқурун у-бу нарсалар олиб келарман, – деди у истамайгина.

Қодир чиқиб кетганидан сўнг Назмия укаси берган пулдан қўшнининг қизига нон олиб келтирди-да, чой қайнатиб ичди.

Кечқурун эса Қодир яна одатдагидек қўллари қуруқ қайтди. Ҳорғин ҳолатда кийимларини алмаштириб, қўлларини ювиб келди.

– Нима овқат бор? – сўради у хотинидан.

– Овқат қаёқдан бўлсин?! – жавоб берди аёл.

– Мен кундуз куни ҳам ҳеч нарса емадим, ахир...

– Мен нима қилай?..

– Қўни-қўшнидан бирор нарса олсанг бўларди-ку.

– Ие, мен қайси қўшни билан гаплашибманки, улар менга пул ёки бирор нарса беришсин?! Ҳамма бизни фирибгар сифатида билади-ку, ахир...

– Ҳамма айб ўзингда-ку, айбсиз айбдор эса мен...

– Ҳушингизни йиғинг, Қодирбей!.. Жонимдан тўйиб кетдим, энди кетаман...

– Э-э, қаёққа ҳам борардинг-а?

– Бошим қаёққа оғса, ўша томонга...

– Ие, мен сени ҳеч қаёққа кетказмайман.

– Қўйиб юбормасанг ҳам... кетаман! Агар аҳволинг шу бўлаверса, чиққан жойингга яна кетасан-ку. Бу сафар эса сенга тутун пули берадиган

Муродни асло тополмайсан!.. – деди алам билан.

Қодир қамоқхонадан қўрқар, шу сабабли иложи борица у ерга қайта бормаслик ҳаракатида эди. У узоқ ўйланиб ўтирди-да, кейин секин гапирди:

– Менга қара, Назмия... бунақаси кетмайди. Қўлимда ишларим кўп, лекин шогирдим йўқлигига бир ўзим ишлаб қийналяпман. Озгина сабр қил, хўпми?!

– Мен-ку сабр қилавераман, аммо кўрайлик-чи, очликка одам неча кун чидаркин? Доим «Мен эркакман!..» дейсиз-у, лекин бир ойдан бери уйга ҳеч пул олиб келдингизми? Олиб келган бўлсангиз, мен ўн лирани ҳам кўрмадим-ку... – деди у хиёл аламдан тарқаб.

– Қарзга тўлаяпман-ку, Назмия... – деди у ялиниш оҳангида.

Кунлар анча исиб қолгани учун энди Мурод баъзи кунлари асбоб-ускуналарини олиб ташқарида ишлашни бошлади. У қуёшда ўтириб олиб ҳам ҳаво алмашар, ҳам ишини қиларди.

Бир куни эрталаб йўлдан Қодир ўтиб қолди. Тўхтаганча нималарнидир ўйлаб турди-да, кейин Муроднинг ёнига юриб келди.

– Ҳорма, йигит!.. Нега бу... ҳеч кўринмайсан-а?

– Ишларимдан ортмаяпман-да, қандоқ қилай, нон ейиш учун пул топиш керак-ку...

– Опанг сени кўргиси келяпти, ора-сира бориб тургин.

– Йўлим тушса, бораман, опамга салом айтинг!..

Қодир у ерда ўтиришга юзи чидамагани учун ўрнидан туриб кетди. Дўконга бориб ишларини қиларкан, ўзича «Мурод, тўғриси, яхши бола! Агар ундан бошқа биров бўлганида мени кўриш учун қамоқхонага бормас эди. Эй, болани мен бекорга хафа қилдим-да...» деб ўйларди.

Ишдан кейин уйга борганида хотинига деди:

– Муродни кўргандим, сенга салом айтди. «Боргин!» дегандим, тайинли жавоб бермади.

– Келмайди, чунки у андишали бола.

Пул топиш мақсадида ярим кечагача ишлаган Мурод энди якшанба кунларини ҳам бўш ўтказмаслик ҳақида ўйларди. Шунинг учун дўконни ёпиб, қўлидаги асбоблари билан очиқ жойларда ишлай бошлади.

Бир куни кечқурун дўконга Ҳалима хоним келиб Муродга:

– Болам, чолнинг аҳволи тамоман оғирлашди. Кеча уйдан чиқа олмади, бугун эса мен ўзим юбормадим. Оёғини судраб босади-да, кейин кўчаларда қолиб кетади, деб ўйладим... – деди.

Яхшими-ёмонми, барибир устаси эди. Уч йилдан бери унинг дўқонида ишлаб нон еяётганди. Бола дарров дўконни ёпиб, Ҳалима хонимнинг ортидан юрди. Иккови йўлда боришаркан, аксига олгандек аёл Муродни болалиги ўтган кўчадан олиб ўтса бўладими!..

Бола отасининг уйига нимқараш қилди. Очиқ турган деразанинг ёнида кексароқ бир эркак ўтирарди. Мурод отасини таниди! Ҳилми афанди ҳатто узоқдан ҳам сезиладиган даражада қадди букилиб, анча қариб қолган эди.

Мурод аёлнинг ортидан юриб борарди. Ўша атрофдаги уйлардан бирига кирдилар. Яшар устанинг уйи жуда тор ва хароб эди. Ҳа, уй ҳам устанинг ўзига ўхшаб анча нураб қолгандек эди гўё...

У шогирдини кўрган заҳоти йиғлай бошлади. Мурод устозининг қўлини ўпди-да, кейин:

– Уста, кеча нега кўринмадингиз? Хавотир олдим... – деди.

Яшар устанинг кўзлари ёш эди.

– Биладан, болам... Софдил боласан, биздан эса энди наф йўқ. Мен ўша дастгоҳнинг бошида олтмиш

йил болға урдим, энди эса қарилик ёқамга ёлишди...
– деди у оғир хўрсиниб.

Эрининг гапларини эшитиб турган Ҳалима хоним ачиниш оҳангида гапира бошлади:

– Эҳ, уста-ей... Агар ўша шаробдан воз кечганингда эди, аллақачон иккита ҳашаматли уй қулардинг-а... Қани ўша кўп ишчилар ишлаган катта дўконинг, қани?!.. Шароб ичиб, қарта ўйнадинг, ғайратни танбалликка тамоман алмаштирдинг-ку. Охири-чи, нима бўлди? Мана, адойи тамом бўлдик, тўғрими?

– Шунисига ҳам шукр қилинглар! Яхшими-ёмонми уйингиз бор, бировга муҳтожлик жойингиз йўқ-ку... – деди Мурод.

– Ҳа, сен ишлаб бизни боқяпсан... – деди уста.

Мурод икки кунлик пулни устозига бературиб деди:

– Дўконнинг кўриниши жуда хароб. Мен уй эгаси бўлган аёлга озроқ таъмир қилиш кераклигини гапиргандим, у менга «Нима қилсанг – қилавер, биз аралашмаймиз», деди.

Боладан бу гапни эшитгач, Яшар уста секин-секин гапирди:

– Ўғлим, менинг... бу дўконга харжлайдиган пулим йўқ. Сен ўзингдан пул сарфлаб, нима қилолсанг – қилгин! Мендан аммо пул сўрама, зўрға тирикчилик қиляпмиз.

Мурод устози билан яна бироз гаплашиб ўтирганидан сўнг уйдан чиқди. Ҳозир у юриб бораётган кўчадан бир пайтлар мактабга борарди. Кичкиналигида онаси унинг жажжи қўлларида ушлаб мактабга олиб борар, ўқиш тутагач, яна олиб қайтарди. Ўша пайтлар онаси жуда яхши аёл бўлган эканми?!

Мурод дарров йўлини ўзгартирди-да, энди онаси турмушга чиққан одамнинг уйи олдидан ўта

бошлади. Уйнинг деразалари ёпиқ эди. Ўша атрофда кичкина бозор ташкил қилинган, у ерда одамлар бир-бирларини итариб-туртиб юришар ва ўзаро бақариб гаплашишар эди.

Мурод қуруқ нарсалар сотиладиган дўкон олдида тўхтади. Сабзавотлар сотиладиган қўшни дўконда бир аёл тўрхалтасига олмалар солаётган эди. Озиб кетганидан қоқсуяк бўлиб қолган бу хотин ниҳоятда абгор аҳволда эди. Мурод унга қаради-ю, ҳайронлигидан жойида туриб қолди. Вужудида рангу руҳ қолмаган ўша хотин ҳам Муродга қараб карахтлигидан суратдек қотди. Кўзлар бир муддат тўқнашди. Шу пайт аёл синиқ овозда:

– Мурод! – деди.

– Она!.. – деди у ҳам ўзини тутолмай.

Аёлнинг кучсиз кўринган қўллари бақувват эканми, бир қўлида халтасини маҳкам тутганча Муродни дарров йўл четига олиб ўтди. Бола онасининг қўлини истамайгина ўпди. Аёлнинг қоқсуяк қўллари алланечук совуқ эди.

Хотин аччиқланиб боласидан сўради:

– Онадан бир марта ҳам хабар олиш йўқ экан-да, а?

– Она?! Кимни қидираман-у, қандай қилиб хабар оламан? Мени эшикдан кўчага ҳайдаган сиз эмасмидингиз?..

– Отанг нима қиляпти?

– Ие, мен қаёқдан билай? Уни ҳеч кўрмасам...

– Демак, отанг билан эмассан, шундайми?

– Ҳа...

– Нега шу ҳақда ҳеч бўлмаса бир марта ҳам менга айтмадинг-а?

– Ёмғир ёғаётган оқшом қоронғусида «Отангга бор!» деб мени кўчага чиқариб юборгандингиз-ку. Ўша куни отамга борсам, ургандан баттар қилиб эшикни юзимга ёпди. Икковингизда ҳам фарзандга бўлган меҳр йўқ!.. Сизлар уйдаги

вазиятни шу даражага етказдингизки, опам бечора уйдан қочиб қутулди. Гулдек қизнинг нобоп жойга келин бўлишига икковингиз сабабчисиз, ҳа... сизлар!..

– Сен... менинг болам бўлатуриб дилимни оғритяпсан-а...

– Ҳа... дуч келган маст-аласт билан ади-бади айтишга менда вақт йўқ. Мени уриб-тепганларингиз эсингиздами? Итни ҳам шунчалик қилишмайди, мен болангиз эдим-ку. Қандай қилиб сизга мен меҳрибон бўлай-а, қандай қилиб?!.. Аслида сиз отамга қасд қилиб ўша одамга тегдингиз...

– Эҳ, унга тегмасам бўларкан... Ўзи ўлгур қаҳвахонадан бери келмайди, мен эса ҳар кимларнинг уйида турли юмушларни бажариб юрибман. Нима еб-ичаётганим билан эса мутлақо иши йўқ, унга фақат пул топиб берсам бўлди... Шошма, отангнинг олдида ҳеч бордингми?

– Ҳайдалган жойимга мен бормайман! Бугун ўша кўчадан ўтаётгандим, дераза олдида ўтирган экан. Анча қуввати кетиб, қадди букилиб қолибди...

– Баттар бўлсин, илоҳим!.. Кундуз кунлари сен менга учрашгин, хўпми?

– Боролмайман, этикдўзга шогирд бўлганман. Шунинг учун ишламасам бўлмайди, оч қоламан-да.

– Ие, одам дегани онасидан хабар олиш учун ҳам вақт тополмайдими?!

– Сиз аввал менга фарзандларини севувчи она эканингизни кўрсатинг-чи, кейин сизга жоним қурбон бўлсин!

– Э, нобакор бола... бор, кўзимдан йўқол!

Мурод шартта орқасини ўгирганича индамай йўлида давом этаркан, ортига бир марта ҳам қайрилиб қарамади. Аслида унинг таъби жуда хира эди. Кўнгли нотинчлигидан эса нуқул ўзига-ўзи гапириб борарди. «Онам бизни боқиб катта қилган-

ку! Менга жуда яхши қарарди, мактабга ҳам ўзи олиб борарди... Кейин-чи? Кейин худди отамга ўхшаб ҳамма нарсани ўз ҳолига ташлаб қўйди, эҳ...» дея ўйларди бола.

Мурод кўнглидаги хираликни қандай қилиб кетказишни билолмасди. Дўкон ва расталар жойлашган ерга етиб келганида эса кун анча кеч бўлиб қолганди. Бола сал нарида тирикчилик қиладиган дурадгорнинг устахонасига борди. Уста дурадгор анча кекса бўлиб, ўз ҳолига қараб ишлаб юарди. Мурод устани олиб келиб, дўконни кўрсатди-да, «Шу ерга бир тузукроқ нарса қилиб беринг!» деди.

Ҳабиб уста бир ҳафта ичида дўконнинг олд қисмига бўй баравар дераза ромни дарров ясаб берди. Якшанба куни дўконнинг кўчага қараган деворини бузиб, дарҳол у ерга ўша ойнаванд ромни ўрнатишди. Кейин пишитилган лой билан ром атрофини суваб чиқишди.

Ҳа, дўконни тузатиш Муродга анчагина қимматга тушди. Шундай бўлса-да, илгари кулбага ўхшаган жой энди қараган одамнинг кўзига тузукроқ бўлиб кўринар эди.

Чоклари пишиқ тикилиб кийишга тайёрланган пойафзаллар ром ортидаги тоқчага қўйиладиган бўлди. Мурод у ерга ҳатто гулдонда гул ҳам қўйиб қўйган эди. Энди у сотиш учун оёқ кийим боғичлари, бўёқ ва ялтиратувчи ишқачи келтириб қўйгани учун дўкон ичида қизғин савдо ҳам қила бошлади. У ер энди аввалги устахонага сира ўхшамасди.

Мурод ўзи тўплаб юрган пуллардан анчасини таъмир ишларига сарфлаб дўконни чиройли ҳолатга келтириб олган эди. Шогирд ҳар бир олган ишини айтилган вақтида қайтаргани, ҳалол ва лафзи бут бўлгани учун ҳам унинг мижозлари жуда кўп эди. Кунлар ўтиб боргани сайин дераза томонга, яъни Яшар устанинг ўрнига жойлашишга мажбур бўлди.

Дераза роми ўрнатилгани учун энди ташқаридан тушиб турадиган ёруғликда ишлаш янада қулай эди. Шу сабабли кундуз кунлари ҳам чироқ ёқиб ишлашга мутлақо ҳожат йўқ эди.

Мурод дўкон рўпарасидаги девор тагига мижозлари учун бир-иккита курси ҳам қўйиб қўйган эди.

Дўконга ким қайси пайтда келса ҳам, ишини битириб берар, суҳбатдоши билан гаплашганча ишини ҳам давом эттираверарди. Хонани дўкон сифатида ижарага берган одам устахона юқорисидаги икки хонали уйда яшарди. У бирор кунимизга ярар, дегандек, қуйи қаватдаги ертўлани дўкон қилган эди.

Ўша пайтда икки юз эллик лира билан ижарага олган Яшар уста вақти келиб беш минг лирагача фойда кўрса-да, бир неча ойлаб ижара ҳақини беролмасди. Уй эгалари эса ниҳоятда яхши одамлар бўлиб, эр-хотин нафақа пули билан тирикчилик қилишарди.

Оила бошлиғи ўқитувчи эди. У ҳар замонда пастга тушиб, Мурод билан гаплашиб ўтирарди. Шундай суҳбатларнинг бирида у ижара ҳақи тўғрисида гапириб қолди.

– Ҳа, сизнинг сўрашга ҳаққингиз бор. Мен ҳам дераза роми, янги эшик ва пардаларни қилгунча анча харажат қилдим. Бундан ташқари, Яшар уста ва хотинини ҳам боқишга мажбурман, чунки уларга бошқа жойдан кирим-тушум йўқ-ку...

– Тушундим, ўғлим, тушундим... Мен сендан миннатдорман, албатта. Ўзим юқоридаги уйда ётсам-да, ярим кечада ҳам болганинг овози эшитилиб тургани учун ҳеч ухлолмайман. Астойдил ишлашингни жуда яхши биламан, болам... – деди у.

Бир пайтлар Мурод Яшар устадан қўнжли оёқ кийим тикишни ўрганиб олган эди. Бу ишни биринчи марта қаҳвачи араб Баширга тикиб бергани ёдида эди, албатта.

Яшар уста бир йилга яқин вақтгача уйида ярим фалаж бўлиб ётди-да, ёзга чиқиб вафот этди. Бу қора хабарни Мурод саҳарлаб дўконга кириб келган Ҳалима хонимдан эшитди. Ўз навбатида Мурод ҳам бу гапни аввал қаҳвахонадагилар ва кўча юзида жойлашган ҳамма дўкондорларга етказиб дўконни ёпди-да, тез-тез юриб устанинг уйига кетди. Гарчи ҳамма хабар топган ва пешин пайти бўлса ҳам, устанинг жанозасига фақатгина араб Башир келди, холос...

Жаноза пайтида Яшар устанинг қўшилари «Ўлиб қутулди!..» дейишди. Ҳалима хоним ҳам негадир жуда хафа кўринмасди. Бундан икки кун аввал Мурод келиб устага ҳафталик пулни бериб кетган эди. Жанозадан кейин Мурод Ҳалима хонимга яна озроқ пул бериб, боши омон бўлишини тилади.

Араб Башир билан йўлда кетаётиб, у туғилиб ўсган уйи ва мактабга қатнаган кўчасини кўрсатди.

– Ана, отамнинг уйи...

– Ёмон эмас, ёнида кичикроқ боғи ҳам бор экан. Менга қара, ҳозир бу уйда ким яшайди? – деди уйга бир қараб олгач.

– Отам ва ўгай онам... – деди у хижолатлик билан.

– Пардалари йўқ-ку, уй бўм-бўш бўлса керак, менимча.

– Ким билади, дейсиз, орқа тарафда боққа қараган яна бир уй бор...

– Отанг қандай қилиб тирикчилик қилади?

– Билмайман, ҳа... у суғурта қилдирган эди, балки унга нафақа пули тайин қилингандир. Э-э, бошпанаси бўлгандан кейин тирикчиликни ҳам қила олади-да, албатта... – деди у ярим киноя билан.

Улар уй олдида бироз тўхтаб туришди. Шу пайт

Мурод туғилиб ўсган уйдан ўн беш-ўн олти ёшлардаги бир қиз чиқиб келди. Унинг қўлида бўш идиш бор эди.

– Бу қиз сенинг синглингми? – сўради Башир афанди.

– Йўқ, қўшнимизнинг қизи, – жавоб берди бола.

Қиз уй эшигини яримочиқ қолдирганича йўлдан ўтаркан, Башир афанди ва Муродга бир қараб қўйди. Шунда Мурод қизни «Шукран!..» деб чақирди. Қиз тўхтади-да, қўлидаги ювилмаган косани орқасига яширди. Жудаям озода кийиниб олган қиз қошларини чимириб аввал Муродга, кейин Башир афандига бир қаради-ю, уятдан бўлса керак, юзлари қизариб кетди.

– Мурод?! – деди у ажабланиб.

– Ҳа, менман... Қалайсан, ўқияпсанми?

– Ҳа, лицейда ўқияпман, бу йил тугатаман. Ўзингчи, қаерда, нима иш билан шуғулланыпсан?

– Менми?! Мен... кўчага ҳайдалган бола бўлсам, ким ҳам мени қўлимдан ушлаб мактабга берарди-а, ким?! Уст-бошимга ким қарайди-ю ким қорнимни тўйдиради, тушуняпсанми?

– Ҳа, биламан, сени кўчага ҳайдаб юборганидан кейин бутун маҳалла аҳли Ҳилмибейдан хафа бўлган эди. Ўшанда унга ким гапирса ҳам, ҳаммасига бирдек «Мен болани онасининг олдига жўнатдим...» деб совуққина жавоб берганди... - деди қиз хафа бўлиб.

– Отам мени уйдан ҳайдади-да, онамнинг олдига жўнатди. Онам ҳам мени кўчага чиқариб, отамнинг олдига боришимни айтди. Қара-я, ҳеч бири менинг қайси аҳволдалигимни ўйламади ҳам... Ўтган йили кузда шу атрофда яшайдиган Яшар афандининг уйига келгандим. Қайтишда онамга дуч келдим. Ҳар кимларнинг уйида турли юмушларни бажариб юргани учун ўша ёққа кетаётган экан, – деди бола алам билан тишларини ғижирлатиб.

– Майли, қўй энди... у ҳақда бундай ёмон нарсаларни гапирмагин, хўпми?!

– Нега?

– Ўлганларнинг гуноҳлари кечирилади-ку, ахир...

– Онам... ўлдимми?!.

– Ҳа, бир уйда ишлаётган пайтида тўсатдан вафот этибди. Ўша ердаги ёгоқ чойшабига ўраб уйга олиб келишди. Эҳ, аёлнинг охири бахайр бўлмади-да... – деди у оҳиста.

Мурод кўнглида ҳеч бир ачиниш ҳис қилмади, аммо кўз ўнгида кўчада кўргани ўша – қуруқ суратигина қолган, тажанг, аллақачон ҳолдан тойган аёлнинг маҳзун кўзлари гавдаланди. Ҳа, ўшанда онаси унга шундай қараган эди. Аёлда оналикдан фақат қарашлар қолган эди, холос. Бола шуларни ўйлаб турган эди, қиз гапириб қолди:

– Сен нима қиялпсан?

– Мен косибчилик қиялпман, Аллоҳ раҳмат қилгур Яшар устанинг ёнида эдим. Уста бечора ҳам бугун вафот этди. Ҳозир устозимнинг жанозасидан қайтаётиб, мана бу танишимга уйимизни кўрсатаётгандим.

– Шу келганингда... отангга бир учрашиб кетсанг, яхши бўларди, менимча... – деди қиз.

– Мени кўчага ҳайдаган одамнинг олдига нима деб бораман? – деди бола.

Қиз ақллилик билан оҳиста гапира бошлади:

– Менга қара, Мурод! Сен Ҳилми афандининг ўғлисан. У сени жуда севарди, қўлингдан ушлаганча мактабга етаклаб борарди-ку, эсингдами? Аввал бизникида тўхтаб ўтардингиз, яъни мени ҳам бирга олиб кетардинглар. Амаким ўша пайтлари жуда яхши эди. Сен бир нарсани тушунишингни истайман. У ҳам бўлса шуки, ота-оналар ҳар қанча ёмон бўлсалар-да, уларга қараш – болаларнинг бурчи! Отанг бугун жуда ёмон аҳволда, ахир...

– Отамга нима бўлди? – деб сўради у бироз ўйланиб олгач.

– Кексалик-да, амакимнинг бир оёғи ишламай қолган. Кейин... анави бирга яшаган Заҳро хоним бор-ку, ўша...

– Ҳа-ҳа, хўш, кейин-чи?..

– Отанг касал бўлиб юқориги қаватда ётганида у... уйдаги яроқли нарсаларнинг ҳаммасини ҳеч кимга билдирмасдан олиб кетиб қолди...

– Қаерга?!

– Билмадим, бирор ерга олиб кетгандир-да. Гилам, палос, шолча, идиш-товоқ ва бошқа нарсаларнинг биттасиям йўқ. Ҳали бу ҳаммаси эмас, у отангнинг уч ойлик нафақа пулини ҳам ўғирлаб кетган... – деди Шукран.

Мурод бу гапларни эшитиб ҳайронлигидан қотиб қолган эди. Ҳеч бир гапга мажоли қолмаган Муродни кўриб Башир афанди қиздан сўради:

– Ие, ахир ўша хотинга уйланмаганмиди?..

– Йўқ, никоҳлари йўқ эди. Агар никоҳли бўлганларида бу уйни ҳам қўлга киритиб оларди. Яхшиямки, уддасидан чиқа олмади, – деди қиз уялиб.

– Энди отам нима қиляпти? – сўради Мурод ҳайрон бўлиб.

– Нима қиларди, қўл-ҳовучида ҳеч нарса бўлмаса?! Яхшики, раҳмдил қўшнилари бор экан, ҳар замонда бўлса ҳам, у-бу егулик бериб туришибди, – жавоб берди у.

Мурод ўйланиб турган эди, қиз яна савол берди:

– Опанг... Назмия опанг қаерда?

– Қаерда бўларди, бетайин бировга турмушга чиқиб, ижарама-ижара яшаб юрибди...

Шу пайт нарироқдаги эшик очилди-да, бир аёл қизни чақирди:

– Шукран, қаерда қолдинг-а?

– Кетяпман, она... – у шундай деб Башир афанди

ва Муродга «Сизларни Аллоҳга топширдим!» деб уйига кириб кетди.

Шукран уй эшигини ёпгач, икковлари йўлда давом этди. Башир афанди қаҳвахонага, Мурод эса дўконга кириб кетди.

У эшикни очиб, махсус мосламани юқорига кўтарди-да, нариги жойига ўтди. Текир дўконда қолган эди, шунинг учун аввал мушукка бироз егулик берди.

Муроднинг ишлаб ўтирганини кўрган қўшнилар ва бошқа танишлари эшикдан бирма-бир кириб «Бошинг омон бўлсин, Мурод!» деб кетишарди. Яшар уста тириклигида уларнинг ҳаммаси билан гарчи ака-укадек бўлиб юрган бўлса-да, устанинг жанозасига ўшалардан ҳеч бири бормади. Уларнинг ҳаммаси бирор нарсани баҳона қилишарди-ю, аслида эса бечора уста аввалги қишдан бери бутунлай унутилган эди...

Мурод устанинг уйига кетган пайтида дўконга келган мижозлар пойафзалларини қўшни савдогарларга қолдириб кетишган экан. Бола ўша ишларни таъмирлаб туриб устани охирги марта кўрганини эслади. Ўшанда Яшар уста шогирдига «Мурод, ўғлим, мана ёз ҳам келяпти. Мен ҳам анча жонланиб қолдим... Негадир ўша кўча, ўша қаҳвахона кўз ўнгимда гавдаланиб тураверади-я...» деган эди.

Ёз келиб, кунлар анча исиб қолган эди. Ҳа, бу кунларни кўришга уста бечоранинг умри етмади. Шунинг учун Мурод анча хафа бўлиб ўтирарди.

Орадан икки кун ўтгач, у чой ичиш учун қаҳвахонага борди. У ерда ҳали ҳеч ким бўлмаса-да, Башир афанди идишга чой қуйиб қўйган эди. Улардан иккитасини олди-да, Муроднинг ёнига келиб ўтирди.

– Хўш... Мурод, энди нима қилмоқчисан?.. – сўради у.

– Нима қилардим? Ишлаяпман, иш-ла-яп-ман... – деди у оғир хўрсиниб.

– Эй... мен сендан отанг ҳақида сўраётган эдим.

– Ҳа, у ҳақдами?! Ҳеч нарса...

Боладан бундай жавобни эшитган араб Башир насиҳатомуз гапирди:

– Менга қара, ўғлим! У сенга нисбатан оталик вазифасини гарчи бажармаган бўлса-да, аммо сен... фарзандлик бурчингни бажаришга мажбурсан! Бечора бировнинг қўлига қараб қолибди-ку! Аллоҳ ҳеч қачон ҳеч кимни эшикка термултириб ётқизмасин, илоҳим!

– Мен нима қилай?

– Ҳеч нарса қилмайсан, фақат бир мартагина бориб ҳолини сўра! Агар сени энди ҳам хоҳламаса, бурчинг гарданингдан соқит бўлиб, гуноҳсиз бўлаверасан, тамом... – деди Башир афанди қатъий оҳангда.

– Шундай қилайми?

– Ҳа, бу инсонийлик бурчинг! Ўзинг виждонли боласан-ку, кел, шундай қилгин! Эй болам-а, кейинчалик юрагингга дард бўлмасин, дейман-да... – деди у.

Бу суҳбатдан кейин Муроднинг кўнглига алланечук гулгула тушди. Икки кун ўтганидан кейин эрталабданоқ ҳамма ишларини битирди-да, мушукни ташқарига чиқариб, дўконни ёпди. Ҳа, у ўзининг маҳалласи томонга кетиб борарди.

Мурод у ерга етиб борганида атрофда ҳеч ким йўқ, фақатгина бир-иккита бола ўзаро ўйнаб ўтирарди. У кирмоқчи бўлган уйнинг эшиги ёпиқ бўлиб, калит тешигидан бир ип ташқарига чиқариб қўйилганди. Мурод ипни чиқариб секин итарган эди, очилиб кетди.

Иккинчи қаватга чиқаётган одамнинг оёқ товушларини отаси эшитди, шекилли, дардманд оҳангда «Ким у?! Аллоҳнинг розилиги учун менга қарагин!..» деди. Мурод овоз келган хонага қаради. Хонадаги ерга солинган ўринда соч-соқоли ўсиб

кетганидан бир-бирига қоришиб кетган, ярим ифлос ва қувватсиз биров ётарди. У бир тирсагининг устига таянганича нуқул турмоқчи бўлар ва ҳадеб «Ким у?!» деб сўрайверарди.

– Мен... кўчадан келган боламан... – деди Мурод шошилиб.

Қандай қилиб бу гап оғзидан чиқиб кетганини Муроднинг ўзи ҳам сезмай қолди. У эшик олдида бироз тўхтаб турди-да, кейин отасига қараб:

– Ота!.. – деб юборди.

Ҳилми афанди оғзини очди-ю, аммо овози чиқмади. У индамасдан ҳолсизгина қараб турарди. Хонада парда бўлмагани учун ташқаридан тушаётган ёруғлик Муроднинг юзини аниқ кўрсатиб турарди. Уйдан ҳайдалган пайтида у қандай бўлса, ҳозир ҳам худди шундай эди. У мутлақо ўзгармаган, фақатгина ёшига яраша бўйи хиёл чўзилган эди. Ҳилми афанди қашшоқлигу азоблардан нурсизланган кўзлари билан болага синчиклаб қаради-да:

– Сен кимсан? – деди хаста овозда.

– Мен... сизнинг ўғлингизман! Ўша сиз... кўчага ҳайдаган ўғлингиз Муродман!.. – деди.

Боладан бу гапларни эшитган ота саросимада ўзини орқага олди-да, қўллари билан кўз устини ёруғликдан пана қилди. Ўлар ҳолатда ётгани учун лаблари зўрға қимирлади:

– Ким бор? Менга бир қултум сув беринг!..

Отаси ётган жойнинг яқинида бўш озиқ-овқат халталари, бир сув идиш ва ифлос бўлиб кетган пиёла бор эди. Мурод идишдаги сувдан пиёлага қуйиб чайқади-да, хонанинг ўртасига сепди. Кейин яна ўша идишга сув қуйиб отасига «Ичинг!..» деб узатди.

Ҳилми афанди қайтадан кўзларини очди. Бир ҳаракат қилди-ю, аммо ўрнидан туролмади. Мурод бир қўлини отасининг орқасига қўйиб ўзини тутиб олиши учун унга ёрдам бераркан, ниҳоятда ачиниб кетди.

Отаси қоқсуяк бўлиб қолган ва жуда мадорсиз эди.

Ҳилми афанди ияклари титрагани учун сувни чайқатиб, ифлос бўлиб кетган кўксига тўкиб-сочганча ичди. Кейин ўғлига яна бир разм солди ва:

– Мурод, сенмисан?! – деди.

– Ҳа, менман ота... – жавоб берди бола.

Ҳилми афанди ўзини йўқотиб қўйгани учун ҳўнграб-ҳўнграб йиғлай бошлади. Унинг юз-кўзлари буришиб-қисилиб кетар, йиғлаганда ҳам фақат:

– У хотин мени урди, Мурод!.. Роса урди у мени... Пулларимни олиб қочди, мен оч қолдим... Мурод! Мен очман, болам, ҳамма жойим оғрияпти... – деганча тинмай қичқириб йиғларди.

У узоқ йиғлаб тўсатдан жим бўлди-да, ниманидир эслагандек сўради:

– Сенинг опанг... Назмия опанг қаерда? Ҳозир нима қияпти, ўзи қанақа? – деб сўради.

– Назмия опам Қодир деган одамга турмушга чиқиб кетган-ку, улар бирга яшашади, ота... – деди Мурод.

У бу ерга отаси билан гаплашиб ўтириш учун келмаган эди, албатта. Шунинг учун атрофга бир назар солгач, нариги хонага ўтди. Ўша жойни болалигида «курсили хона» дейишарди, чунки опа-ука икковлари у ердаги курсининг ичига тушиб ўтиришарди. Бу пардасиз хонадаги дорларга бир талай кирлар осиглиқ эди. Ювилганига анча бўлгани учун улар аллақачон қуриб бўлганди. Бундан ташқари, йиртиқ ва доғлари кетмаган ётоқхона чойшаблари ҳам бор эди.

Мурод у ердаги кийимлардан бир сидра олди-да, отасининг олдига чиқди.

– Ота, манавиларни кийиб олинг! – деди отасига.

Ҳилми афанди кийимларни кийиб олиши учун боласи ёрдам бериб турди. Бемор ота шу даражада озиб кетгандики, кийимларни кийган тақдирда ҳам

худди тупроқдан чиқарилган скелетга ўхшаб турарди.

Мурод дардмандликдан кичрайиб қолган отасини бемалол кўтариб дераза олдидаги титилиб кетган оромкурсига ўтқазди.

Кейин отаси ётган тўшакни пастки қаватга олиб тушди. Уни ўша ердаги каравотнинг устига қўйиб, қаердандир топган бир чойшаб ва аврасиз кўрпа билан тузукроқ жой қилди. Юқорига чиқиб отасини маҳкам қучоқлаганича пастга олиб тушди-да, ўзи ҳозиргина тайёрлаган жойга ётқизди. Каравотнинг ёнида турганича яна нималар қилиши кераклиги ҳақида ўйлаб турган эди, отаси «Ўғлим!..» деб қолди.

– Ҳа, эшитаман, ота... – деди бола.

– Бугун... менга қўшнилар ҳеч нарса... олиб келишмади. Шунинг учун... мен очман, болам...

– Нималар еб-ичгингиз келяпти? – сўради бола.

– Қанийди қатиқ бўлса, қошиқлаб-қошиқлаб ичсам... дегандим, болам... – деди ота.

Мурод хонадаги ҳавони ўзгартириш мақсадида деразани очди. Юқорига чиқиб озиқ-овқат халталаридан бирини олди-да, кўчага чиқиб кетди.

Баққоллик дўконидан бир литр қатиқ, озроқдан шакар, чой, пишлоқ олди. Уйига етиб келганида отаси дераза олдидаги жойида уни кутиб турарди. Ўғли хонага кирар-кормасидан қатиққа қўл узатган эди, Мурод одоб билан «Шошманг, ота!..» деди. У аввал ошхонага ўтиб ёғочдан ясалган кичкина столни олиб келди. Эски оромкурсини ҳам ўша стол ёнига келтирди. Аввал қошиқни топиб олгач, отасини ўша жойга ўтқазди. Ҳилмибей қўллари ва ияги титраганча қатиқни тўкиб-сочиб ича бошлади. У шу қадар ҳовлиқардики, юз-кўзлари қатиққа тамоман беланган эди.

Орадан бироз ўтгач, Мурод андиша билан секин-секин гапира бошлади:

- Ота!.. Менинг ишим бор эди, кетишим керак. Сиз бошқача тушунманг, мен яна келаман... Мана бу ерда пишлоқ ва нон бор. Йўлакка махсус жой қилиб қўйдим, зарурат сезсангиз, ўша ерга чиқинг. Чироқни эса асло ёқа кўрманг, акс ҳолда ёнғин чиқиб, ловуллаб ёниб кетишингиз мумкин, Худо асрасин!.. Кўчадан тушиб турган чироқнинг ёруғлиги бу хонага етади, тушунтира олдимми? – сўради у. Отаси бош ишораси билан «Ҳа, тушундим...» деганидан сўнг қўлидаги ҳўл латта билан отасининг юз-қўлларидаги қатиқ юқларини беозоргина артиб қўйди. Хонадаги нарсаларнинг орасидан эски пижама ва шим, бир пойафзални топиб кийгизди. Ёғоч ҳасса ва бошқа ҳамма нарсаларни отаси ётган жойга қўйди-да, хайрлашиб чиқиб кетди.

Ўша кеча Муроднинг кўзларига уйқу келмади. Шундан бўлса керак, ярим кечадан сўнг астойдил иш бошлаб юборди. Ишларини бажариб туриб у фақат болалигини ўйларди. Отасининг бундай ғариб ҳолатга тушишини у мутлақо истамасди, албатта. Энди Мурод ўзида отасига нисбатан фарзандлик меҳрини ҳис қилаётган эди. Ҳа, оқшом қоронғусида ўзини кўчага ҳайдагани етмагандек, яна қаттиқ ҳақорат қилганини аллақачон унутгандек эди. Аслида ҳамма ёмонликларни қилган ўша хотин эди, чунки Ҳилмибей Муродни жуда севарди-да...

Зотан, Мурод ҳам барчага ўхшаб меҳрга зор эди. У ҳам кимнидир севиб-ҳурмат қилишни ва кимнингдир хизматини астойдил бажаришни жуда-жуда истарди. Ўз отасини абгор ҳолатда ёлғиз қолдиришни хоҳламас ва дарддан инграниб ётишларига асло кўз юмиб кета олмас эди. Шунинг учун ҳам у ярим кечада тайёрлаган ишларини қўшни

дўконга топширди-да, саҳарлаб бозорга кетди. Бозордан бир темир каравот, биттадан кўрпа-тушак, иккитадан чойшаб ва кийимлар, пардалик газламаларни сотиб олди.

Маҳалласига кичик юк машинасида кириб борганида отаси деразадан қараб турганча Муродни кутиб ўтирарди. Отаси учун олган нарсаларнинг ҳаммасини бирма-бир уйга ташиди. Юқори қаватдаги хонани пешингача артиб тозалагач, янги каравотни ўша ерга жойлаштирди. Устига керакли нарсаларни тушаб чиройли жой қилди. Аввал отасини овқатлантирди-да, кейин маҳалладаги сартарошни чақириб отасининг соч-соқолини олди. Ҳилми афанди индамай ўтирар, аммо тез-тез «Аллоҳ рози бўлсин!» деб қўярди. У касал эмасди-ю, аммо қашшоқлик ва очликдан силласи қуриган эди. Очлик нима эканини жуда яхши билган Мурод эса отасини аста-секин парвариш қила бошлади.

Бир неча кунлардан бери ичига иссиқ кириб қорни тўйган отанинг юзларига қон югуриб, қадди анча ростланган эди. Мурод бозордан келтирган пардалик газламаларни деразаларга осиб, уйни қайтадан саранжом-саришта қилди. Кейин отасининг ёнига келди-да, секин гапира бошлади:

— Ота, мен косибчилик қиляпман. Ишлашим зарурлиги учун мен бу ерда қололмайман... Шундай-ку, аммо кечқурунлари келаман. Опамнинг уйига бориб, поччамга бир карра тушунтирай. Агар улар бу ерга келишса, сиз ёлғиз қолмайсиз, ҳам кўнглингиз хотиржам бўлади. Назмия опам ҳам доим ҳолингиздан хабардор бўладилар.

— Келмасалар-чи?..

— Келишмаса — келишмасин, ўзлари билишади. Унда кечқурунлари келиб сизга ўзим қарайман. Сиз ҳам ҳоли-қурбингизга қараб ҳаракатда бўласиз.

Худога шукрки, касал эмассиз... тўғрими? Кўча билан боғлиқ ишларни эса ўзим битиравераман, хўпми?

– Мурод, сенинг олдингда юзим шувут...

– Ҳаётда бундай нарсалар бўлиб туради, парво қилманг! Энди буёғини ўйлашимиз керак, ота.

Яхши парвариш натижа бериб Ҳилмибей энди ҳассасига таяниб уй ичида юра бошлаган эди. Бу эса унинг анча дармонга кирганидан далолат эди, албатта.

Учинчи кун и эрталаб Мурод поччасининг дўконига кетди. Эшикнинг қулфланганини кўрган Мурод ўша атрофдаги бир одамдан сўраган эди, у одам:

– Э-э, Қодирми? У дўкон эгасидан қарздор эди. Пулни ўз вақтида бера олмагани учун дўконни ёпиб қўйди. Ҳозир поччанг Маржонда бир темирчи билан ишляпти, – деди.

Мурод дам олиш кунини кутишга мажбур эди. Ўша кун и турли мевалар ва егуликлардан олиб опасининг уйига йўл олди. Уйга кирганда поччаси синиқ курсига ўтириб олганча сигарет чекарди. Қодирнинг кўзлари Муроддан ҳам кўра қўлидаги пакетларга кўпроқ тикилиб турарди. Шу ҳолатда у Назмияни чақириб, укаси келганини билдирди.

Назмия дарров укасининг юзидан ўпиб кутиб олди. Бу пайтда Қодир аллақачон халтадаги гилосдан бир ҳовуч олиб иккита-учтадан оғзига тиқиштира бошлаган эди. Назмия дарҳол бир стул олиб ўтириши учун Муродга қўйди-да, ўзи ичкаридан олиб чиқилган ёғоч қути устига ўрнашди. Ўртадаги сукунатни бузиб Мурод гап бошлади:

– Менга қаранг, почча, сизга бир таклифим бор. Аввал айтинг-чи, мана шу товукхонага ўхшаган кулба учун ойига қанча ҳақ тўлайсиз?

– Ие, нима, сенингча, минг бўлармиди, олти юзда... – деди у ғалати оҳангда.

– Мен... энди бу ерда яшаманглар, демоқчи эдим. Аввало иш жойингизга узоқлигидан қийналасиз, кейин қишни ўтказадиган даражада ишонарли эмас. Шунга энди... аввалги маҳаллага бориб яшасанглар, қандай бўларкин? – сўради бола.

– Қайси маҳаллага?!... – деди Қодир ажабланиб.

– Ўзингиз туғилиб ўсган маҳаллангизни айтяпман-да. У ер менинг ҳам, сизнинг ҳам иш жойимизга яқин-ку, ахир.

– Бир мўлжалинг бордир-да, шундай деяпсан...

– Ҳа, албатта... Бизнинг уйни биласиз-ку, тўғрими?

– Эшикнинг ёнида анжир дарахти бор уйни айтяпсан-да.

– Ҳа, шу десангиз, ўша уйда отам ёлғиз яшаётган экан. У кишига бир ҳамроҳ керак, албатта. Анча қариб қолибди, қадди чўкибди. Дарвоқе, отам уйланган анави... хотин бор-ку...

– Қайси хотин, Заҳроми?

– Ҳа, ўша хотин отамнинг уйдаги ҳамма нарсаларини йўқ қилибди. Ҳатто уч ойлик нафақа пулларини ўғирлаб кетгани етмагандек, ўзини ҳам оч-наҳор ташлаб кетибди.

– Баттар бўлсин!

– Ундай деманг, почча!.. Отам сизга ҳеч бир ёмонлик қилмади-ку. Аҳмоқлиги ортидан келган жазони ўзи тортяпти-ку. Энди ҳамма аҳволни тушундингизми?

– Қайси аҳволни?

– Сизлар опам билан у ерга кўчинглар!

– Мен у одамнинг уйида яшамайман...

– Бўлмаса... опам ҳам бу ярим-ёрти товуқхонада яшолмайди! У ёқда икки қаватли уч хона уй турсин-да, сиз бу ерга олти юз лира берасизми? Отамнинг бировга оғирлиги тушмайди, ўзига етгулик нафақа

пули бор. Бу ерда сиз опамни ёлғиз қолдирасиз, ахир атроф тўла ҳар хил одамлар бўлса... У маҳалла эса тинч, одамлари ҳам инсоф-тавфиқли, албатта.

Шунда Назмия сўради:

– Сен маҳаллада бирорта одамни кўрдингми?

– Фақат Шукранни кўрдим, ҳалиги... рўпарамиздаги қўшнимизнинг қизи бор-ку. Отам мени мактабга олиб кетаётганида йўлдан бир қизни олардик-ку, эсингиздами? Ана ўша қиз ҳозир отамга егуликларини келтириб турган экан. У билан ҳам наридан-бери гаплашдим, шунинг учун бошқа ҳеч кимни кўрмадим.

– Уйнинг аҳволи қанақа?

– Бир-иккита дераза синган, хўш... уй ўша-ўша аҳволда-ку, аммо ҳеч нарса қолмаган. Мен бир каравот ва тўшак олдим. Уларни юқорига ўрнаштириб, отамни пастдаги хонага олиб тушдим.

– Анжир дарахти турибдими?

– Ҳа, у ерга арғимчоқ қилардик, эсингиздами?

Мурод гап мавзусини ўзгартирди:

– Почча, сизнинг дўконингиз ёпиқлигини кўрганимдан кейин бу ёққа келдим. Дўконингизга қўшни бўлган дўкондор айтди.

– Ҳа, шунақа бўлиб қолди... Дўконда иш бўлмаётгани етмагандек, ҳақини бекорга тўлаб ётибман-да. Ишларимдан ортган темирлар бор эди. Шундан хабардор бўлган бир уста ёнимга келган эди, иккимиз келишиб олдик. Келишувга кўра, темирларнинг ҳаммасини унга сотдим ва ўзим шерикчиликда ишляпман. Ҳозирча ишларим ёмон эмас, Худога шукр, астойдил ишлаб турибман. Ҳозир қўлимда озроқ бўлса ҳам, пулим бор. Ўзингга маълумки, ҳали қарзимни тўлаб бўлмаганман, унга ҳам етказишим керак...

– Энди яхшилаб ўйланг, почча. У ерга кўчсангиз, дўкон ва ижара ҳақи тўламайсиз, бундан ташқари

яхши шароитда яшайсиз. Мен айтяпман-ку, отамнинг бировга зарари тегмайди, деб...

– Отанг ўлганидан кейин уй кимга қолади? – сўради у безбетлик билан.

– Опам билан менга-да... Сизга бир нарсани айтадиган бўлсам, маҳалламизда баланд уйларни қуриш бошланибди. Бизнинг уйимизда эса, агар боғни ҳам қўшиб ҳисоблайдиган бўлсак, тахминан ўн икки метрдан ошиқроқ бўш жой бор. Кейинчалик у ерга қанча хоҳласак, шунча хонали уй қуриб олишимиз мумкин.

– Э, кейинни қўйиб тур, ҳозирни ўйласанг-чи! Яхши жойда яшасак, ўзимизга осон-ку, тўғрими? Бу ерда ўзимни худди мазордагидек ҳис қилганим учун жуда сиқиламан. Ерлардан турли ҳашаротлар чиққани ҳам майли, уйнинг деворида чаёнлар бемалол юришади. Эшик ёпиқ бўлишига қарамай, ҳатто кундузлари ҳам қўрқавераман... – деди Назмия.

– Кўрамиз-да, ўзи... бизни хоҳлармикин? – сўради Қодир.

– У ёғини менга қўйиб беринг, агар эр-хотин бир қарорга келиб, ўша уйга борсангиз, жуда яхши бўларди. Яна бир гап борки, бу ерда иккита одамнинг олдига чиқолмайсиз, у ерда эса сизнинг қамалганингизни ҳеч ким билмайди. Ҳамма учун бирдек Қодир афанди бўлиб юраверасиз, – деди Мурод.

Бола ортиқча гаплашмасдан тушлик қилди-да, кетиш олдидан эр-хотинга қараб:

– Мен энди отамнинг олдига борай, кечқурун ўша ерда қоламан. Эрталаб уйдан чиқаётганимда менга товух егиси келаётганини айтганди. Шунинг учун ҳозир дўкондан бир товух оламан-да, гўштини қайнатиб бераман. Унга яримта лимоннинг сувини қўшсам, отамга роса дармон бўлади-да, – деди бола кўзлари қувнаб.

– Уйда сув борми? – сўради Қодир.

– Сув ҳам, чироқ ҳам бор. Кейин анави Заҳро деганлари кестириб қўйган чироқни ҳам тўғрилаймиз. Қарзлари жуда кўпайиб кетган экан, мен бориб ҳаммасини тўладим. Агар у ёққа борадиган бўлсангиз, ҳаммамиз бир дастурхонда жам бўламиз. Жойни айвонга қилсак, ошхона ва отам ётадиган ўринларига ҳам яқин бўлади. Юкларингиз у қадар кўп эмас-ку, биттагина машинага сиғади-да. Почча, сиз дўконга бориб менга учрашарсиз. Майли, сизларни Аллоҳга топширдим!.. – деб чиқиб кетди.

Ҳа, Мурод отаси учун анчагина харажат қилган эди. Негаки, ўша қочиб кетган Заҳро уйда ҳеч нарсани қолдирмаганди.

Мурод уйга борганидан кейин қизил ғиштдан қурилган каттагина ошхонани кўздан кечири туриб қилиниши керак бўлган кам-кўстларни бир қоғозга ёзиб борарди. Бундан ташқари, отасининг ҳамма оёқ кийимларини қўлидан келганча бирма-бир таъмирдан чиқариб берди.

Ҳилми афанди гўёки қайтадан дунёга келгандек эди. Энди у ўғли тузатиб берган оромкурсида ўтириб олганча ўтган-кетган билан салом-алик қилиб гаплашар, ҳатто қатиқчидан ҳар куни бир косада ўзи қатиқ оладиган бўлган эди.

Ўқув таътилида бўлган болалар дераза олдида тоштепар ўйини билан овора бўлишар, ҳар замонда «Амаки, ўзингиз айтинг-чи, энди кимнинг навбати?» деб чуғурлашарди. Ҳилми афандининг кўнглида болаларга нисбатан яна меҳр уйғонаётган эди. У болалар ўйинидан завқланар, ҳар бирини астойдил кузатаркан, дилида ажиб бир фараҳликни ҳис қиларди. Орадан бир-икки кун ўтгач, дўконга Қодир афанди келди. Бола астойдил ишлаётганди. Шунинг

учун поччасига ўтириши учун жой кўрсатди-да, ишлашда давом этаверди. Қодир бироз тараддудланиб тургач, гап бошлади:

– Мурод, эртага ой боши-ку, шунга... биз яшаб турган уйнинг эгаси келган эди. У бизга «Уч ой учун минг лирадан берасан ёки уйни бўшатиб қўйинглар!» деяпти. Ҳалиги... анави масала нима бўлди?

– Қайси масала? – деди бола худди ҳеч нимани тушунмаётгандек.

– Ҳалиги... Ҳилми афандининг уйи масаласи-да...

– Ҳеч гап йўқ, мен сизлардан жавоб кутяпман-ку. Отам ёлғиз қолишга қўрқаётгани учун кечқурун мен у ерда қоляпман. Бу ердаги Такир мушугимни ҳам у ерга олиб кетганман. Жонивор ҳар куни отам қараб турадиган деразага чиқиб олиб мени кутиб ўтиради.

– Назмия ҳам жуда хоҳлаяпти-да, кўчсакмикин-а?..

– Ие, менга қолса, жуда яхши бўлар эди. Чунки опам у ерда жуда қўрқадилар ва сиқиладилар ҳам...

– Эртага дам олиш куни-ку, сен ишламайсанми?

– Ҳа!

– Унда бир машина топиб, ўша уйга боргин, хўпми? Энди... овқатланишга борамизми? – деди у сурбетлик билан.

Мурод Қодирни Шабан афандининг ресторанига олиб борди. Битта суюқ-қуюқ овқат еб, кетидан ширинлик буюришди. Иккови хайрлашаётган пайтда болага қараб «Мурод, инсофлисан-да...» деб қўйди.

Эртаси куни Мурод отасига улар кўчиб келишини айтди-да, опасининг уйига қараб йўл олди. Олиб борилган автомобилга ҳамма нарсаларни ярим соат ичидаёқ жойлаб бўлишди. Қодир қўлидаги калитни уй эгасига топшириб энди кетаётган эди, рўпарада яшовчи қўшни Назмияга қараб баланд овозда «Қизим, сендан жуда миннатдормиз, бизларни нутмагин!» деб қолди.

Мурод опаси билан алоҳида машинада аввалроқ,
Қодир эса юк машинада кейинроқ борадиган бўлишди.

* * *

Ҳилми афанди ҳозиргина қўлини ўпган қизини
қучоқлаб йиғлади:

— Болам, Назмиягинам!.. Ўлмасимдан аввал Худо
менга сени кўрсатди-я... Бошимга фалокат бир
келди-да, мени айбга буюрманглар! Биттагина
хатоимнинг азоби... ўзимни гирён, сизларни сарсон
қилди-ей, қанчалик қийналдим-а... — дерди у ўзини
тутолмай йиғлаб.

Назмия отаси билан бироз гаплашиб ўтирганидан
кейин уйни бирма-бир кўздан кечира бошлади.
Болалик дамларини эсларкан, онаси ҳам албатта,
хаёлига келди.

Эрига хиёнат қилиб Ҳусни афандига турмушга
чиққан аёл сифатида эслади-ю, қизини соғиниб
изламаган она бўлгани учун ундан ўкинди. Назмия
онасининг турли таъна-дашномларидан нари бўлиш
мақсадидагина Қодирга турмушга чиққан эди. Акс
ҳолда ҳаёти бутунлай бошқача бўларди, назарида.

Орадан анча вақт ўтиб, юк машинаси етиб келди.
Ҳамма юкларни ҳовлига туширишди. Тахтадан
ясалган сандиқ, майда-чуйдалар солинадиган жавон,
битта темир каравот, ётоқхона жиҳозлари ва бир
неча курсичалар бор юкни ташкил қиларди, холос.
Қодир ва Мурод кўчага яқин жойдаги хонага
каравотни қуришди. Мурод эса «курсили хона»га
кўчиб ўтди. Уйдан йўқ қилинган ҳамма ошхона
жиҳозлари қайтадан жам қилинди.

Шоша-пиша тайёрланган овқатни айвондаги
столда ҳаммалари биргалашиб ейишди. Ҳилми
афанди бундан жуда мамнун эди, албатта. Энди у
анча ўзига келиб қолган, хурсандчиликдан ранг-

рўйлари жойида эди. Учта эркак уйнинг кам-кўстлари ҳақида гаплашиб ўтиришарди. Ҳар бир хонага стол, кийим жавони ва қишда исиниш учун печка, дазмол олиш ҳақида гап борарди. Хуллас, печка доим ўтириладиган пастки қаватдаги уйга қуриладиган, иккинчи деразанинг олдига эса бир диван ўрнаштириладиган бўлди. Негаки, эшик очиб-ёпилган пайтда айвонга ҳам анчагина иссиқ киришини ҳисобга олишган эди-да.

Қодир омадсизлигидан жони ҳалқумига келган одам сифатида сиқилиб кетган эди. Шунинг учун хотинига:

— Мен ҳам энди қаттиқ ишлайман. Агар Ҳайдар устани рози қилсам, ҳафталигимни, албатта, беради. Назмия, сен кам-кўстларни ёзиб олгин, секин-секин оламиз, хўпми? — деди.

Икки кун ичидаёқ уйга аллақачон кўникиб бўлишган эди. Кундуз куни қўшнилар Назмиянинг олдига чиқа бошлашди. Ҳилми афанди бир оёғини судраганича ошхонадан боққа чиқар ва қўшнилардан бири бериб кетган гулларни ерга экарди. У ерда анча йиллар аввал экилган Гулхатми деган ажойиб бир гул бор эди. Унинг гуллари шу қадар нозик эдики, ҳатто атрофида биров йўталса ҳам, сўлиб қолгудек эди. Қаровсизликдан қуриб қолган шохларини кесиб-бутаб, атрофини чопиб юмшатди. Қоқилиб-суқилиб бўлса ҳам, энди Ҳилмибей фақат ўша гулни парвариш қила бошлади.

* * *

Ўшанда август ойи эди. Мурод уйнинг ҳамма кам-кўстларини қўлдан келганча тўлдириб, кўнгли анча хотиржам тортган кезлар эди. Шундай кунларнинг бирида раҳматли устанинг аёли Ҳалима хоним ёнида ўрта ёшли бир одам билан дўконга кириб келди.

Мурод икки кун аввал беш минг лира бериб келгани учун бу ташрифдан жуда ҳайрон бўлиб қолди. Келганлар жойлашиб ўтирганларидан кейин Мурод сўради:

– Хола, тинчликми, нима хизмат?..

– Мен дўконни мана бу афандига сотдим... – деди у шошилиб.

– Қайси дўконни?

– Ие, раҳматли устанинг мана шу дўконини-да...

Бола қўлидаги ишни бир чеккага қўйди-да, деди:

– Хола, бу дўкон Яшар устаники эмас эди-ку. Бу ерда у ижара ҳақини тўлаб ишлаганини биласиз, албатта. У касал бўлиб ётган пайтида ва ўлиmidан кейин ҳам дўконга тегишли пулларнинг ҳаммасини мен бердим, тўғрими? Агар ишонмасангиз, бу дўконнинг эгалари юқоридаги уйда туришади, бемалол сўрайверишингиз мумкин. Мана шартнома, бунинг бир нусхаси эса, албатта, уларнинг қўлларида...

Ҳалима хоним билан бирга келган одам бола узатган шартномани кўриб чиққанидан кейин аёлга деди:

– Хўш... дўкон-ку ижарага берилган экан, ичидаги нарсалар-чи?

– Ие, бу ерда қандай жиҳозлар бор? Манави иккита суянчиқсиз стул, пошна қоқилувчи ускуна, болғалар... Яна анави қатор қилиб тахланган қолиплар, чарх ва михлар солинган идиш, албатта, устамники. Бундан бошқа ҳамма нарсаларни ўзим кейин олганман. Дўконга дераза-ром ва эшикни эса яқинда ўрнатганман. Устамнинг вафотидан кейин ҳам унинг ҳурмати ҳаққи мен сиздан юз ўгирганим йўқ, тўғрими? Бугунгача беш минг лирадан бериб келганим ҳам рост-а? – сўради у аёлдан.

Муроддан бу гапларни кутмагани учун Ҳалима хоним жуда шошиб қолди. Унга қараб турган кўйи Мурод савол берди:

– Бу дўконни нима учун сотмоқчи бўлдингиз? Бу

ердаги эски нарсаларнинг ҳаммасини жам қилсангиз, беш минг қуруш бўлармикин?! Агар буларни сотадиган бўлсангиз, мендан ҳеч қанақа пул ололмайсиз-ку. Бу йиғма каравот, одеяллар, электр иситгич ва иккита идишлар меники, холос.

– Ие, бу дўконда устанинг ҳеч бир ҳаққи йўқми?

– Холажон, бу ишхона, баққоллик дўкони эмас!

Бу ерда мижозлар томонидан олиб келинган ёки қолдирилган пойафзаллар таъмирланади-ку. Ишласак – пул келади-да, ишламасак – йўқ!.. Раҳматли устамнинг давридаги нарсалардан бу ерда ҳеч нарса қолмади. Агар истасангиз, анави пойафзал қолипларнинг ҳаммасини бир тўрвага солиб берай, олиб кетинг!.. – деди у ўзини босишга ҳаракат қилиб.

Ўзаро суҳбатни жимгина кузатиб турган бояги одам гапга қўшилди:

– Ука, бу аёл бор-йўғининг ҳаммасини ғариблар уйига бағишлади. Мен мол-мулкни ўрганиб чиққани келган эдим. Аёлнинг ўзи ҳам энди ўша ерга жойлашади ва умрининг охиригача у ерда боқилади, тушундингизми?

– Ҳа, тушундим... – деди бола.

– Уйни кўрдик, дўкон ҳақида гапиргани учун мен бу ерга келган эдим, – деди у.

– Мана, дўконни ҳам кўрдингиз - қуп-қуруқ!..

– Ие, манави қалин чармлар, михлар нима бўлади? Пойафзал қолиплари, пошна қоқиш ускунаси ва иплар-чи, қолиб кетаверадими?!

– Бу чармларнинг ҳаммасини ўзим олганман, устадан қолган нарсаларни бирма-бир олаверинг!

Бола шундай дегач, нарсаларни битталаб ажрата бошлади. Пошна қоққич, турли қолиплар, чарм кесувчи пичоқ, иккита болға ва стулларни хона ўртасига йиғди-да, уста-шогирд иккови «дастгоҳ» аташган тортмали шкафчани кўрсатиб:

– Марҳамат! – деди тантанавор оҳангда.

Ғариблар уйидан вакил қилинган одам дарров бориб бир этикдўзни топиб келди. У одам жамланган нарсаларни бир қур кўздан кечирди-да, лабини буриб гапира бошлади:

– Болғалар ва пошна ускунаси учун юз бераман, холос. Манави қолиплар мих урилавергани учун ейилиб кетибди, бирор ишга ярамайди-ку... – деди.

У кетганидан сал ўтгач, яна бошқаси келди. Ҳаммасини бирма-бир кўриб чиқишганидан кейин икки юз лира бериб олиб кетишди. Ҳалима хоним ҳам индамасдан ўша одам билан бирга қайтиб кетди.

Атрофдаги қаҳвачи, қўшни дўкондорлар бу ишга ниҳоятда ҳайрон бўлишди. Шунда Мурод:

– Ўтган кун икки минг лира бергандим. Нон топаётган асбоб-ускуналаримни сувтекинга сотишди-я. Майли, ўзларининг ҳақлари-ку, аммо энди мен мижозларим берган ишларни вақтида қилолмайман-да... – дерди афсусланиб.

Бола дўконни ёпди-да, пойафзаллар учун зарур нарсалар сотиладиган бозорга кетди. Ҳозиргина беш-ўн лирага сотилган ускуна у ерда икки юз лирага савдо қилаётган эдилар. Болғаларнинг нархи ҳам одамни олов-оташдек куйдирарди. Мурод ўзига энг зарур бўлган нарсалар ва беш жуфт қолипни олган ҳам эдики, қўлида мутлақо пули қолмади. Шундай бўлса-да, у энди янги дастгоҳ ва болғалар, пошна қоқиш ускунаси ва қолиплар билан ишлаётган эди. Дўконни қайтадан тартибга келтириб олди.

Бўлиб ўтган воқеадан хабардор бўлган танишлари эшикдан бирма-бир кириб:

– Мурод, кўрган-кечирганинг шу бўлсин! Агар пулга заруратинг сезилса, менга айтарсан, – деб чиқиб кетишарди. Бунга жавобан бола ҳам миннатдорчилик билдириб қўярди. Айниқса, Башир афанди ниҳоятда асабийлашди. Шунда Мурод унга қараб:

– Бу ерда нима бўлса, арзимаган юз лирага сотдилар.

Мен эса яна қайтадан тиклаб олишга ҳам улгурдим, мана бундоқ бўлибди! Гапларимга Аллоҳ гувоҳ, мен нақд беш минг лирани унга берган эдим-а... Устамнинг ҳамма нарсасини сотишди, қолгани ўзимники! – дерди у кўзлари жавдираб.

Ўша куни Мурод уйга жуда кеч қайтди. Назмия укасини бир кўришдаёқ ниҳоятда чарчаганини ва негадир таъби хиралигини ҳам сизди. Мурод овқат пайтида бошқаларнинг иштаҳасини бўғгиси келмади. Шунинг учун ҳамма овқатланиб бўлганидан кейин бўлган воқеани бирма-бир айтиб берди.

– Қишда керак бўладиган кўмир ҳақида ўйлаб ҳозирдан пул йиғиб юргандим. Аксига олиб, ҳаммасини асбоб-ускуна олиш учун ишлатиб қўйдим... – деди у хўрсиниб. Муроддан бу гапларни эшитган Қодир ғайратланиб кетди, шекилли, негадир:

– Жаҳлинг чиқмасин, ука, ўлим бўлмасин – қолгани бўлаверади. Ҳали вақтимиз бор-ку, мен ҳам ҳаракат қиламан, – деди у.

Бу тасаллидан кейин Мурод ҳам ўзгача ғайрат билан иш бошлади. У иш пайтида кийиши учун бир жомакор олган эди. Дўконга келган заҳоти кийимини алмаштириб оларди.

Дўкон энди янги ва топ-тоза эди. Бурчақда турган гулдондаги гуллар кўнгилга ажиб бир ҳузур бағишларди. Мурод дераза олдидаги оёқ кийимлар тахланадиган токчаларга бир неча хил этик мойлари, туфли ва ботинка боғичларини қўйиб қўйган эди. Дастгоҳи ёнидаги янги жавонларга михлар билан тўлдирилган идишларни чиройли қилиб тахлаганди. Дўкон ичидан чарм ёки тери ҳиди эмас, хушбўй лимон иси уфуриб турарди.

Мурод ҳар куни барвақт ўрнидан туриб, ўзини тартибга келтирар, баъзан шошиб нонушта қилганча Қодир билан бирга йўлга чиқарди.

Мурод ўша йили ўн етти ёшга тўлди. Ўзидан саккиз ёш катта опаси яқинда она бўладиган эди. Бу янгилик, ўз-ўзидан маълумки, Қодирга янада куч-қувват бағишларди, албатта.

Якшанба улар учун дам олиш куни эди. Ўша куни ҳаммомга боришар, иш кийимларини ювиб бўлгач, яхшилаб дам олишар эди.

Опа-ука уйга қайтишганидан кейин эски қўшнилар бирма-бир чиқа бошлашган эди. Улар Назмиyani жуда севганлари учун у билан анча вақтгача гаплашиб ўтиришарди. Ҳаммалари Назмиyага тенгқур эдилар, албатта. Айримлари оилали ва бир неча фарзандларнинг онаси эдилар.

Муроднинг ҳам дўстлари кўп эди. Кўпчилиги лицейни тугатган ёки тугатаётганлар бўлиб, уларнинг орасида санъаткорлари ҳам, завод-фабрика ва наشريётда ишлайдиганлари ҳам бор эди. Бир-бирларини жуда яхши кўрадиган бу маҳалладош тенгқурлар тез-тез тўпланиб туришарди.

Мурод негадир уларнинг орасига қўшилгиси келмасди. Радио ва магнитофон эшитиб, ўзларича қўшиқ куйлайдиган бу болалар бир пайтлар Муродни масхара қилиб кулганлари учун у қаттиқ ранжиган эди-да.

Бир куни Шукраннинг туғилган куни бўлишини эшитди. Қиз уйдаги зиёфатга Муродни алоҳида таклиф қилиб кетди.

— Биз эски дўстлармиз-ку, шунинг учун бормасанг, мен хафа бўламан, — деди қиз.

— Мени эслаганинг учун катта раҳмат! Мен... ахир мен... сенга маҳалладош бўлсам ҳам, ўқимаган, этикдўзнинг шогирдиман... Сен ва менинг йўлларимиз бошқа-бошқа, тушуняпсанми?! Сизларнинг орангизда менга ўрин йўқ!.. — деди у қатъийлик ва ярим хижолат билан.

Қиз Муродни кўндира олмагани учун қаттиқ хафа

бўлиб уйига кетди. Эшик олдида гаплашиб турган икки тенгқурнинг суҳбатини Ҳилмибей очиқ деразанинг ёнида тургани учун эшитиб қолганди. Шунинг учун кечки овқат пайтида ота ўғлига қараб оҳиста гапира бошлади:

– Ўғлим, Шукранга айтган гапларинг менга жуда таъсир қилди. Сенинг... мактабдан қолишинг ва кўчаларда тентираб юришингга мен сабабчиман, албатта. Мен оталик бурчимни бажара олмадим. Сен эса кўнглингда инсонийлик бўлгани учун менга ғариб ҳолимда ҳам қарадинг ва оғир аҳволдан қутқариб олдинг. Бугунги роҳатга етишишимнинг сабабчиси эса фақат сенсан, ҳа, сен!..

– Ота, бундай деманг! Бугунимизни ўйлайлик, ҳаммаси ўтиб кетади-ку, ахир.

– Ҳа, шундай, ўғлим. Сен... мен қилган ёмонликларни унутолмайсан. Сен Шукранга йўлларимиз бошқа-бошқа, дединг. Сени йўлдан айириб, кўчага қўйиб қўйган мен-ку, тўғрими? Ўғлим, ўтган куни Шукраннинг отаси менинг олдимга келди. Ўзиям иягимизни бир-бирига тирагудек бўлиб роса гаплашиб ўтирдик. Шунда у сен ҳақингда «Одамгарчилиги бор бола экан. Агар унинг ўрнида бошқаси бўлса, ё қамалиб кетарди, ё дайди бўларди. Бу бола руҳи тоза бўлганидан ўзини қўлга ола билди. Қўлида гулдек ҳунари бор, ҳа... кураги ерга тегмайди, Худо хоҳласа. Аллоҳ соғлик берсин! Бола ўқий олмади, ўзи истаган мартабага эришмади-ю, аммо ишончли, яхши инсон бўлиб етишди. Ҳа-а, Ҳилмибей, инсонийлик ўқиб-ёзиш билан бўлмайди, албатта...» деб гапирди, – деди ота кўзлари ёшланиб.

– Мен бурчимни бажардим, холос. Ҳеч нарсани сиздан талаб қилмаяпман-ку, ахир.

– Ҳа... сен-ку ҳеч нарсани талаб қилмайсан-а, чунки одамларнинг ўзи сенга тегишли баҳони бериб бўлишган. Сен ақлли, инсоф-диёнатли ва ҳақиқатгўй

боласан. Сенинг маънавий-руҳий бойлигинг қўшниларимизни ҳам ҳайрон қолдирди. Ҳаётим охирида оиламни жамлаб, бошимга фараҳли кунларни насиб қилган ҳам сен-ку. Сен билан овунаман-у, аммо юзингга қарашга уяламан-да...

– Ота!.. Бунақа гапларнинг кераги йўқ... келинг, кайфиятимизни бузмайлик... – деди бола.

Улар овқат пайтида шундай гаплашиб ўтиришган эди, эшик жиринглаб қолди. Остонада усти ўралган идиш кўтариб олган Шукран турарди. У ота-бола ўтирган жойга келди-да:

– Ёқимли иштаҳа, ош бўлсин! – деб идишни стол устига қўйди-да, яна давом этди. – Мурод, сен менинг энг яқин дўстимсан. Бизникига бормаганинг учун менга ҳеч нарса татимади. Шунинг учун ўзим олиб келдим... – деди.

Кўзлари жиққа ёшга тўлган Мурод ўзини базўр қўлга олди-да, қизга қараб:

– Тангрим сени ҳўлласин, илоҳим! Кўп йиллар ўйнаб-кулиб яшагин... – деди.

Шукран мамнун бўлиб уйига чиқиб кетди. Бироздан сўнг ҳаммалари бирга ўтириб ўроғлиқ идишни очишганида унда тўрт бўлак торт турарди. Шунда Ҳилми афанди бехосдан гапириб юборди:

– Жуда ақлли ва зийрак қиз... Мен ўрнимда бир қултум сувга зор бўлиб ётганимда у келиб менга шўрва ичиради.

Мурод Назмияга юзланиб:

– Опа, мен эртага ишдан қайтишимда бир даста гул олсам-да, кейин Шукранларникига бориб, уни табрикласак, нима дейсиз? – деди.

– Бўлади, жуда яхши-да... – жавоб берди Назмия мамнунлик билан.

Эртаси куни Мурод каттакон гулдаста олиб келди-да, икковлари Шукран яшайдиган уйга боришди. Қодир Назмияни бирор жойга юбормас-

ди-ю, аммо Муроднинг истаги билан боғлиқ бўлгани учун ҳеч нарсa деёлмади.

Хонадон эгалари жуда мамнун бўлдилар. Мурод меҳмон бўлиб боргани учун қизнинг отаси фақат у билан гаплашиб ўтирди. Суҳбат орасида у Муродга қараб:

– Болам! Кеча оқшом бизникига келган маҳалла болаларининг ҳеч бири сенчалик эмас экан. Уларнинг феъллари ва келажаги қандай бўлади, бизга қоронғу, албатта, аммо сен етуклик даражасига аллақачон етиб улгурибсан. Бу билан сени самимий табриклайман! – деди астойдил хурсанд бўлиб.

Опа-ука меҳмондорчиликдан жуда хурсанд қайтишди...

Дам олиш кунларининг бирида қайнота-куёв салқингина айвонда ўтиришарди. Шунда Қодир афанди Ҳилмибейга савол берди:

– Ота, биз Мурод билан бир нарсани гаплашган эдик. Ўша ҳақида у сизга гапирдими?

– Қанақа масала экан?

– Ҳалиги... бу уйнинг боғчасини бирор пудратчига топширсак-да, қурилган уйдан уч-тўрт хонасини... мўлжаллагандик...

Ҳилми афанди бошини эгган кўйи бироз ўйланиб олганидан сўнг куёвга қараб:

– Қодир ўғлим, биз ҳозир бировга «Ол!» десак, еримизда ишлайверади, аммо бировнинг ўзи эшигимизни тақиллатиб келса, фойдаси кўпроқ бўлиши мумкин. Аввал олдимизда турган қишни эсон-омон ўтказиб олайлик, у ёғи бир гап бўлар, - деди.

Маҳалладаги ёш-яланглар ўқишга бора бошлаган пайт. Шукран ҳам лицейнинг охирги йилини бошлаб юборди. У Муроддан бир ёш кичик, яъни ўн олтида эди.

Мурод бир ой мобайнида астойдил ишлади. Дўконнинг орқа-олдига қараш билан биргаликда ўзини ҳам анча тутиб олди. Дўкон жойлашган уйнинг ён-атрофида марказлашган иситиш системасининг катта-катта қозонлари қурилган эди. Бир куни катта хўжайин ўзи буюртирган ишини олиб кетиш учун дўконга келиб қолди. Кўп қаватли уйдаги учта хонадон шу одамники бўлиб, қолганларини сотган эди. Гап орасида Мурод қиш ҳақида гапириб:

– Бу жойда кўмир ёқиб ҳам исиниш қийин, ҳар куни бош оғриғиман-да... – деган эди, хўжайин:

– Бунинг осон йўли бор, ўғлим. Сен уй эгаларини сарф-харажатга кўндиргин-да, анави қозонларнинг биридан бу ерга қувур орқали бир радиатор қўйдирайлик, – деди.

– Э-э, у бечоралар ўзлари нафақа пули билан кун кўришади-ку. Мен ҳам ойига беш минг лира бериб тураман, улар ҳозир жуда қийналишяпти-да... – деди ўйчанлик билан. Кейин:

– Бундай радиаторнинг қўйилиши қанча харажат талаб қилади? – деб сўради.

– Ие, от билан туя бўлармиди?.. Мана шу орқа тарафингдаги деворнинг икки жойидан тешиб радиаторга улашади. Нар и борса, йигирма минг лира бўлар, менимча, – деди у хотиржамлик билан.

Ундан бу гапларни эшитган Мурод ҳаяжонланиб ишдан тўхтаб қолди:

– Ёқилги учун йил давомида тўланадиган пулнинг бир қисми бўлар экан-да, а?

– Ҳа, қиш давомида ойига беш юз берсанг бўлади-да, тўғрими?

– Менга ёрдамлашиб юборасизми?

– Албатта, аввал мен бошқарувчи билан гаплашиб кўрай, – деди ва дўкондан чиқиб кетди.

Ҳа, Мурод учун яна бир катта сарф-харажатли иш топилган эди. Шундай бўлса ҳам, у бу ишга астойдил киришди, чунки иссиқ хонада ишлаш кишига алоҳида ҳузур бағишларди-да. Ишлари эса қолдириб бўлмайдиган даражада жуда кўп эди. Энди у дам олиш кунларида ҳам эшикни ичкаридан ёпиб олганча ишлайверарди.

* * *

Ўша куни дўконга бир ёш уста келиб, туташ девордан иккита тешик очди. Кейин у ерга бир радиаторни ўрнаштириб, қувурларни бирма-бир улаб чиқди. Мурод дўконигаги нарсаларни қайтадан жойлаб, бир сидра тозалаб олди. Энди у бутунлай бошқа кайфият билан ишга киришган эди.

Мурод поччаси Қодирга анчагина ижобий таъсир ўтказган эди. Бир пайтлар бор пулини ҳар тарафга сочиб, қарзларини бера олмаган Қодир маҳаллага кўчиб келган кунлариданоқ эски танишлари олдида ўзини анча ўнглаб олганди. У уйга оз муддат ёрдам бера олмаган бўлса-да, қарзларидан батамом қутулган эди.

Мурод бир пайтлар қаровсиз бола ҳисобланарди. Одамийлиги, тарбияси ва ҳурмати, меҳнаткашлиги уни юзага чиқарди. Мактабда ўқиб юрганида у шифокор бўлишни ҳавас қилган эди. Буни ҳамма ўқитувчилари ҳам билишар, синфдошлари уни ҳатто «Доктор!» деб чақиришар эди. Болалигининг ўша бахтли онларида отаси ҳам уни «Кел, шифокор ўғлим!..» деб тиззасига олиб эркаларди. Афсуски,

шифокор бўлиш Мурод учун орзулигича қолиб кетди. Тақдир тақозоси билан бошқа ишлар билан шуғулланди, кейинчалик эса... ҳаммасидан хафсаласи пир бўлган эди.

Йигит ва қиз ўша пайтларни эслашаркан, Шукран Муродга ўша орзусини эслатди.

– Ҳа, шифокор бўладиган эдим, аммо кўчадан келган бола бўлдим... – деди Мурод хўрсиниб.

– Ундай демагин, Мурод... Сен қурол-аслаҳасиз жангга кириб, жангдан мардонавор ғолиб қайтган инсонсан! Сенинг қурол-яроғинг – ҳалоллик, инсонийлик, меҳнаткашлик! Сени бу ерда энди ҳеч ким бармоғи билан кўрсатмайди. Сенга нисбатан одамлар энди «кўчадан келган бола» деган номни ишлатишмайди, балки ҳақиқий маънода кўчадан келаётган қаҳрамон аскар деб гапиришади... – деди Шукран жилмайиб.

МАРЖОН ШОДАСИ

қисса

* * *

Отамиз ишдан қайтадиган пайт яқинлашганда Жолибахоним пардозини дарров янгилаб, онамдан қолган чиройли кўйлаклардан бирини кийиб олганча отамга пешвоз чиқарди.

Отам Аҳмадбей ичкарига кирар-кирмас, Жолибахоним отамнинг чўнтакларидан писта ўроғлиқ қоғозни олиб ётоқхонага югурарди.

Бу хонадан неча ойлар давомида онамизнинг дарддан чеккан ноалари эшитилиб турганди. Кўп қаватли уйга кираётганимизда ҳам зиналардан чиқарканмиз, ўша инграш ва ноалар қулоғимизда жаранглаётгандек бўларди. Энди эса бу ердан бошқа бир аёл куйлаётган халқ қўшиғи янграрди...

Жолибахоним беш-ўнта пистани чақиб, пўчоқларини кулдонга ташлаганидан кейин ошхонага кирарди. Ҳозиргина ишдан келган отамга биринчи бўлиб:

— Аҳмад, сен мана шу нонни кес! Фатош билан иккимиз бугун жуда чарчадик. Уйнинг иши ҳеч битмас экан-да... — деб айтарди.

Отам қўлларини ювиб нонни кесаркан, Жолибахоним дастурхоннинг икки томонига иккита тарелкаларни қўярди.

Ҳа, улар эр-хотин, рўпарама-рўпара жойлашардилар. Столнинг остидан икковлари бир-

бирларининг оёқларини излаб, кулишиб ўтирардилар.

Онам Мабрурахоним ўринда ётиб қолмасидан аввал отам ишдан келган пайтида кийимларини алмаштиришга ёрдам берар, ювиниш хонасида юз-қўлларини юваётган отамга сочиқ тутар, шундан кейингина ошхонага чақирарди.

Онамиз ўлмасидан аввал соғ кунларида тўртовимиз, яъни отам, онам, мен ва синглим стол атрофига йиғилиб овқатланардик. Отам Насринни гапиртирар, мендан эса мактабда нималар қилганимни сўрар эди. Бу орада бизнинг дастурхонимизга кекса аёл – Дилбар халфа хизмат қиларди.

Дилбар халфа Жолибахонимнинг хатти-ҳаракатларига чидай олмасдан, кексайиб қолганини баҳона қилиб уйимиздан кетган эди. Қўлларини ҳеч бир ишга урмаган Жолибахоним эса кейинчалик Фатош исмли эшикма-эшик юриб хизмат қилувчи сатанг бир аёлни топганди. Бизнинг уйда хизмат қилиб кўп пул топишига ишонган Фатош синглимни ҳеч чиқиштирмасди.

Насрин эса аччиқлангани етмаганидек, онамни унутолмасдан тез-тез йиғлар, Фатош эса уни турткилайверарди.

НАСРИН

Дилбар халфа кетганидан кейин Насрин бутунлай ғамгин бўлиб, кўзларидан ёш аримай қолди.

Мен бошланғич синфга борар эдим. Хаёлим уйдаги синглимда қолар эди. Отамга бир-икки марта Фатош

синглимни турткилаганини айтиб берган эдим. Аммо Жолибахоним отам билан бизни ҳеч ёлғиз қолдирмас, дарҳол бизни уйга киритиб юборарди.

– Отангиз бироз дам олсин, озмунча жабр кўргани йўқ. Ойлаб касал боққанидан кейин бу зумрашаларни ҳам талтайтирмаслик керак.

Мен жим бўлардим. Отам бир сўз деёлмасди-ю, аммо қаттиқ сиқиларди. Чунки онам Мабрурахоним икки кун соғ бўлса, икки кун бемор эди. Отам:

– Яхши ётибсанми, Мабрура? – дерди.

Онам ортиқ чидолмади. Тўшакка михланганидан кейин ойлар давомида инграб ётди-да, кейин... вафот этди. Кейин уни сўнгги йўлга кузатдилар. Уни олиб кетган яшил автомобиль ортидан «Ойижоним, ойижоним!..» деб югурганича машинага етолмаган беш ёшли синглимни Дилбар халфа қандай қучоқлаб уйга олиб кирганини ҳеч унута олмайман.

Энди онамиз йўқ эди... Унинг ўрнига бошқа бир хотин келган эди. Биз энди аввалгидек отам билан овқатланмасдик. Отам Аҳмадбей ҳам аввалгидек эмас, бутунлай бошқача бўлиб қолган эди.

Дилбар халфа кетмасидан аввал аёлни йўлга солмоқчи бўлганида унга жавобан:

– Энди замон ўзгарди, ҳозир эр-хотин бир-бирларининг исмини айтиб чақирадилар. Бу одам жабр кўрганига яраша энди кўнгли бироз таскин топсин, – деди.

Онамнинг бетоблиги ва қийналганини Дилбар халфа ҳам жуда яхши биларди, албатта. Начора, улар энди эр-хотин бўлганлари учун бир сўз деёлмасди. Яхши-ёмон кунларида бир-бирларини суяшлари кераклигини биларди.

Энди Жолибахоним отамнинг яхши ҳаёт

кечириши учун ҳаракат қиларди. Бу қандай эди?

У етоқхонада кийинаётган пайтда Дилбар халфа ошхонада туриб ўзига-ўзи:

– Мабрура хоним эрининг бу ҳолини кўрганида борми?! – дерди.

Жолиба хонимнинг овози ошхонага эшитилиб турарди:

– Аҳмад, пайпоқларимни кийгизиб юборсанг-чи, қанақа эркаксан ўзи?

Отам ўз пайпоқларини топа олмас, кўйлагини қидирар, бўйинбоғини эса тўшакнинг орасидан топарди. Ишга кеч қолмаслик учун қўлида қолган ярим бурдани ҳам емасдан эшикка қараб юаркан, Жолибахонимнинг овози эшитиларди:

– Пул ташлаб кетмайсанми?..

Эҳ, онамиз бор пайтларида отам рўзғор харажатларини яхлит берарди. Онам отамдан пул сўраганини ҳеч эсполмайман. Баъзан отам:

– Сенга бирор нарса зарурми? – деб сўрарди.

Онам эса:

– Зарур эмас, Аҳмадбей. Керак бўлса, ўзим айтаман, – дерди.

Энди эса Жолибахонимнинг пул сўрамаган куни йўқ. Ҳали сочларини бўятиш, педикюр қилдириш ёки тикувчидан бўлган қарзини бериш учун пул сўрар, баъзан эса бозорга арзимаган майда-чуйда олишга борарди.

Отамнинг банкдаги иши жуда яхши эди. Ойлик маош ва мукофот пулларининг ҳаммасини ҳам ишлатмасдик. Банкка ҳар ойда пул қўяр, кейин қанча миқдорда бўлганини онамга билдириб турарди.

Энди эса ойлик ҳам етмаётган эди. Негаки,

пулларни отамнинг қўлидан Жолибахоним дарров олар, устига-устак банкдаги пулдан ҳам келтиришини истарди.

Еб-ичишимиз яхши бўлишига отам талабчанлик билан ёндошарди. Вақти келганида ўзи ҳеч нарса емасди. Уйда тайёрланадиган овқатга ўрганган эди. Дилбар халфа отамнинг оғзига ёқадиган таомларни жуда яхши биларди. Нафақат таом, балки қайси идиш-товоқ, ликобча, қошиқ ва санчқиларни яхши кўришигача биларди.

Улар ошхонада овқатланишаётган пайтдаги суҳбатларини хонамиздан туриб эшитиб турардик.

– Аҳмад, нега шўрвани аралаштириб ўтирибсан?

– Ҳайронман, менга ичида бир нарса бордай туюлди...

– Шўрваннинг ичида нима бўларди?

– Э-э, мана узун соч толаси.

– Соч толаси?! Фатошнинг бошидан тушган бўлса керак.

Овқат еркан, соч толаси билан биргаликда энди лак сурилган тирноқ ҳам қўшилиб чиқди.

Отам буларни баъзан Жолибахонимга кўрсатмасдан идиш четига қўяр, шу билан хизматкор аёлни кўнгилсизликдан муҳофаза қиларди.

– Уйнинг ҳамма ишларини қилиб, бозордан келтирган нарсаларни режалаб ишлатсанг ҳам, яна... эрталабдан кечгача ошхонадан чиқмасанг ҳам, қадр топмас экансан-да-а?

Бечора онам... Касал бўлса ҳам, уй ишларини ўзи қилар, оғриқ-азобларини ҳеч кимга сездирмасдан отамнинг кўнглини олишга ҳаракат қиларди.

Энди бўлса, отам у тайёрлаган овқатни ейишдан

ҳазар қилгани учун кўнгли беҳузур бўлиб:

– Майли, кўчадан бир нарсалар ермиз, – дерди.

Иккови уйдан чиқиб кетганича ярим тунда қайтиб келарди. Эртасига тонгда отам ишга кетар, Жолибахоним эса тушликкача ухлаб ётар эди.

Мен бошланғич синфга бормасимдан аввал хонадонимизга бир кекса аёл келганди. Онам ҳамма қўшнилар билан жуда кўп гаплашмасди. Унга фақат уйининг ишлари, эри ва болалари бўлса – бўлди эди.

Онам ўз одатига кўра келган ҳар бир одамга хуш муомалада бўларди. Улар меҳмонхонада ўтирганларида аёл онамга жуда кўп илтифот кўрсатиб, безовта қилгани учун узр сўради. Кейин:

– Мабрура хоним! Сизга бир илтимос билан келгандим. Аҳмадбей биз томондаги банкда бошлиқ бўлиб ишлайди-ку. Агар мумкин бўлса, шу... жияним Жолибани ишга олармикин?.. – деди.

Онам аёлнинг ёниб-куйиб гапиришига жавобан:

– Нима десам экан, мен у кишининг ишларига аралаша олмайман! Аммо бир айтиб кўраман. Жиянингизнинг ёзув-чизув билан боғлиқ бирор маълумоти борми? – деди.

Аёл куйиниб:

– Билмайди, хоним. Ўрта мактабни тугатган, холос. Лекин жуда ақлли. Мендан бошқа ҳеч кими йўқ. Қўшнимизда ёзув машинкаси бор эди. Жолиба ўша ерда ёзишни жуда кўп машқ қилиб ўрганиб олди, – деди.

Онам суҳбат якунида аёлнинг истагини отамга етказишини айтди. Шу орада қаҳва тайёрлаб келтирган Дилбар халфа аёлни кўрганидан кейин:

– Э-э, сизмисиз? Кечирасиз, танимабман, – деди.

Аёл кетганидан кейин Дилбар халфа:

– Бу ёққа қаердан келди бу хотин? Бизнинг маҳаллада яшайди. Жияни суюқоёқларнинг биттаси. Қанча одам билан унаштирилса ҳам, ҳеч бири билан келиша олмади. У ёқдан-бу ёққа тентираб юради. Декабр ойида қоғоз қути фабрикасига ишга жойлашган эди. Қанақа гуноҳ иш қилганини билмайману, аммо маҳаллада назардан қолган, – деди.

Онам эса аёлга ваъда берган эди. Бу ишининг ортидан нималар бўлишини у қаердан ҳам билсин? Онам отамга аёлнинг гапларини етказгач, Жолиба хоним банкка ишга борган. Отамнинг ёрдами билан котиба лавозимига қабул қилинган эди. Ҳатто ўшанда отам:

– Ҳеч нарсани билмайди. Тўғриси, ачиндим, ўттиз беш-қирқ ёшга кириб энди ишляпти... – деганди.

Онам касал бўлган кунларининг бирида бир куни Жолибахоним кўнгил сўраш мақсадида келган эди. Ўшанда синглим Насринни қучоқлаб эркалаганди. Бу ўша - онамнинг ўртага тушиши натижасида ишга олинган Жолибахоним, яъни доя Басимахонимнинг жияни эди...

Дилбар халфа аёлни кўрган заҳоти юзларини буриштирар, унинг уйга келишидан хурсанд эмаслиги кўриниб турарди. Ҳатто бир марта буни отамга:

– Бей афанди ўғлим. Буни маҳалламизда «қариқиз» дейдилар. Шу ёшга чиқиб на бирор тайинли иш бошини тутди, на бирортасига турмушга чиқди. Мендан эшитган бўлмангу, аммо бундайлардан узоқроқ юрган маъқуллигини унутманг, – деганди.

У Дилбар халфанинг айтганича, устомон экан. Жолиба хоним бир неча йил ишлаб ўзини кўрсатгач, банкда мустаҳкам ўрнашиб олди.

Илож қанча?.. Онам вафот этганидан кейин отам биз – етимлар кўнглини олиш мақсадида Жолибахонимни уйга чақирди. Натижада худди банкдаги каби уйда ҳам ўзини шу даражада эркин тутардики, ҳатто Дилбар халфанинг ҳам кўзларини ўйгудек эди...

Қисқа кунлар мобайнида отам бутунлай ўзгариб қолган эди. Дилбар халфа ҳам ақлли-фаросатли ва тарбияли аёл эди. Шунинг учун ҳам у Жолибахонимнинг одатларига, яъни онам бирор марта ҳам киймаган кийимларни эгнига кийганича отамга пешвоз чиқишига ва отамни (худди шофёрини чақирган хўжайиндек) беписанд чақиришига чидай олмади. Кейин... у икки кўзидан чашмадек кўз ёшларини оқизганча уйимиздан чиқиб кетди...

ЎЗГАРИБ ҚОЛГАН ОТА

Дилбар халфанинг уйимиздан кетиб қолиши бизни қайта етим қилган эди.

Отам Жолибахоним билан меҳмонхонадан чиқиб, хоналарига кириб кетишларини биз хонамиздан чиқмай кутиб ўтирардик. Тунлари Насрин билан ёлғиз қолганимизда ўзимизни енгил ҳис қилар, уйдагиларнинг қарашлари ва озорларидан қутулгандек бўлардик.

Аввал отамнинг ишдан уйга қайтиши негадир бизга байрам бўларди. Энди эса уни фақат

Жолибахоним кутиб оларди. Биз эса то чақирмагунларича ташқарига чиқмасдик. Кун ва ойлар ўтиб боргани сайин отам худди бекатдан қўзғалган поезд сингари биздан узоқлашиб борарди.

Отамнинг уйга келиб-кетганини биз узоқдан эшитилган овози ёки Жолибахонимнинг бирор қўшиқни баланд овозда хиргойи қилишидан билардик, холос.

Онам бор пайтларида отам Насринни қучоқлар ёки ёнига ўтириб, унинг болаларга хос гапларидан қувонар ва сочларини беозор силарди. Онам вафот этмасидан аввал синглим худди етим қолмасликни истагандек отамга интилар, уни қучоқлар ва маъюс кўзларини унга кўрсатмасдан гаплашарди.

Энди эса Насрин отамнинг костюмидаги ташқи чўнтакка қўлини теккизмақчи ёки бўйинбоғини пайпасламақчи бўлса, бақириб берарди:

— Жим турсанг-чи, кўзимга кўринмай, нари тур!

...Бу одамга нима бўлди? Буни тушуниш жуда қийин эди. Кўп қаватли уйимизда яшовчи бошқа эркаклар ҳам бизга ундан кўра яхши муомала қилардилар.

Қачон биз отамнинг ёнига борсак, кўнглимизга озор етказишга бир баҳонани, албатта, топарди. Кўйлакларимизнинг ёқаси қайрилганми ёки устки кийимимизда бирорта сув томчиси кўринса ҳам, дарров:

— Бу нима аҳвол?! Озгина эътиборли бўлсанг-чи...
— деб вайсарди.

Биз ўзимиздан бирор айб топа олмасдик. Шундай бўлса ҳам, Насриннинг кўнгли бузилиб йиғлашини баҳона қилиб:

— Бас қил! Қачонгача сенларнинг жабрингни тортаман-а? — деб ўдағайларди.

У ёқдан Жолибахоним:

– Аҳмад, асабингни бузма! Болаларда гуноҳ йўқ, чунки онаси буларни шунга одатлантириб тарбиялагани аниқ, – дерди.

Биз энди улар билан овқатланмасдик. Вазият шу даражада эдики, агар бирор санчқи тикирласа ҳам, отам:

– Икки луқма овқатни ҳам заҳар қилмасаларингчи, – деб бақирарди.

Биз Фатош билан овқатлана бошлаган пайтимизда улар фақат бир қўшиқни қўйганча ошхонада ярим кечагача қолиб кетишарди.

Фатош Жолибахоним айтсагина, бизга муомала қиларди. Ўшанда ҳам еганимиз бўғзимизга тиқиларди. Фатош тинмасдан сўзлар, бизни аралаштирмасдан ҳар бир ишни ўзи қиларди.

Уйда отам севган тансиқ таом – қовурдоқ ёки котлет пиширилганда Жолибахоним билан Фатош иккиси зўр иштаҳа билан қўлида ер, Насринни эса санчқини чап қўлида ушлаб ейишга мажбурларди. Ўзи юмшоқ гўштни қўшқўллаб еяётган пайтда синглим бечора гўштни пичоқ билан кесишга ҳаракат қилаётган бўларди.

У кўзи оч, ниҳоятда очкўз эди. Овқатнинг энг сархил, яхши қисмини ўзига олиб қўярди. Еб-ичишга алоҳида эътибор берадиган отам кўргудек бўлса:

– Болаларга олиб қўйдим, – дерди.

Ўша гўдаклар эса ҳатто гўшт юзини ҳам кўрмасди. Мен уйдаги бу икки хотинга синглимни қолдириб, мактабга кетарканман, жуда эзилардим. Уйга қайтган пайтимда унинг йиғидан қизариб кетган юз-кўзларини кўриб жуда ёмон бўлиб кетардим.

Биз аввал Дилбар халфа билан катта хонада ётардик. У кетиб, ўрнига Фатош келганидан кейин кичкина хона ёнидаги ҳужрада доимий яшашга мажбур бўлдик.

Бир куни овқатланаётган пайтимизда нимадир бўлиб, отам ошхонага кириб қолди. Насрин ва менинг идишимизда паловнинг ўзигина бор эди. Фатошнинг овқати устидаги каттакон лаҳм гўшти кўриб сўради:

– Болаларга гўшт бермаяпсанми?

Очкўз Фатош эса ҳозиржавоблик билан:

– Улар гўштлирини еб бўлдилар, – деди.

Ўшанда бошланғич синфни тугатаётган ўн бир ёшли бола эдим.

Онам вафоти билан боғлиқ қайғудан ва парваришсиз бўлганимданми, жуда заиф ва асабий бўлиб қолгандим.

Аср намози пайтига яқин уйга келганим учун одатда менга тушлик бўлмасди.

Бизга туҳмат қилувчи хизматчига ҳар замонда ташлангим келар, аммо ўзимни зўрға босиб турардим. Отам эса мени гапиргани қўймасди. Бирор нарсга сўраганда тушунтирмоқчи бўлсам, дарров:

– Жим, гапирма! – деб бақирарди.

Қочиб кетгим келар, аммо синглимни ўйлар эдим, холос.

Мана шундай изтиробу дилозорликлар билан бошланғич синфни тугатдим. Шунча пайтгача мендан на аҳволимни, на бирор нарсани сўрамаган, умуман иши бўлмаган отам Жолибахоним берган хабардан кейин мактабдан олган ҳужжатимни сўради. Уни хонамдан олиб чиқиб, отамга келтириб бердим.

Ҳали ҳужжатни қўлига олмасиданоқ қошларини

чимирди. У ёқ-бу ёғини айлантириб кўраркан, кўзлари баҳоларнинг бирида тўхтади.

– Бу нима учун тўрт? Гапир, деяпман сенга, нимага тўрт бўлди? Нон қўлдан, сув қўлдан келади, дейишадик-ку! Ниманг камки, ҳаракат қилмайсан? Қайси юз билан бу ҳужжатни менга кўрсатяпсан-а? – деди.

Мен ҳам лабларим титраганча:

– Ота, бошқа синфдош ўртоқларим ҳайъат аъзолари қарори билан ўтадиган бўлиб туришибди-ку, – дедим.

Шунда отам одатдагидек:

– Гап қайтарма менга! Гап сенда эмас, сенга тўланган катта-катта пулларда. Эсиз пуллар... Йўқол кўзимдан! – деди-да, ҳужжатни отиб юборди.

Отам улоқтирган ҳужжатни ердан олиб кетаётгандим, Насрин йиғлаб қолди.

– Нега йиғлаяпсан, зумраша? Ҳар куни кечқурун одамнинг кайфиятини бузмасаларинг бўлмайди-а? Йўқол сен ҳам, йўқол... Овозларингни эшитмайин, – деб бақирди.

Синглим бечора овоз чиқариб йиғламаса ҳам, гўё кўз ёшлари ичига оқаётгандек эди.

Ён қўшнимиз табиб эди. Онам касал ётган пайтларида баъзан кунда бир ё икки марталаб кириб турарди. Ўша табиб қўшнимизнинг невараси менга синфдош эди. У қўлида ўртоғимнинг ҳужжатини ушлаб олганча уйимизга кириб келди. Мени ҳам чақирдилар. Бекиниб ўтирадиган хонамдан чиқдим. Кекса табиб орқамни силаб:

– Сен нима қилдинг, арслоним? – деди.

Кейин неварасининг ҳужжати иловасидаги баҳоларни кўрсатди. Тўртдан юқори баҳо йўқ эди.

Бироздан сўнг унинг ўзи ҳам кириб келди. Катталарнинг қўлларини бирма-бир ўпиб чиқди. Отам унга қоғоз пул узатди. Буваси менинг кундалигимни сўрагани, хонамга бориб олиб келдим.

Отам улоқтирган ҳужжат ва кундаликдаги биттагина тўртни (у ҳам расм дарсидан эди) кўргач, доктор Хайрибей мени қучоқлади-да:

– Офарин, ўғлим!.. – деди.

Отам унинг ёнида:

– Жолибахонимни дуо қилгин, бу билан фақат у шуғулланди-ку, – деди.

Аслида эса... Жолибахоним тузукроқ таҳсил ҳам кўрмаган эди. Хизматкор Фатош ҳам газетани ундан кўра тузукроқ ўқирди. Ўқиб-ёзишни ҳам банкда ишлаб ўрганган бу хотин анчадан бери дарс билан боғлиқ ишларни тўхтатган эди. Энди рўзғор учун зарур нарсалардан орттирган пуллар билан гўзаллик салонларига борар ва сочларини бўятарди.

Ўзининг пардозини учун кўп пул ажратиб, айрим нарсалар келтиришни отамнинг зиммасига юклаган бўлиб:

– Тирикчилик қилиб кун кечиришга ҳеч нарс қолмади, – дерди.

Ваҳоланки, онам касал пайтида дўхтир ва дориларга кўп пул кетса ҳам, бирор марта пулга эҳтиёж сезмаган эдик. Отам мен ва Насриннинг келажагимиз учун банкдаги ҳисоб рақамимизга пул қўярди.

Агар қўлида пули йўқлигини айтса, Жолибахоним дарров «Банкда ҳам пул йўқми?» деб сўрарди. Ёлғиз

ўзининг эмас, Фатошнинг ҳам сочини сартарошхонада турмаклатар, тирноқлари ҳам доим пардозли юарди.

Ўшанда Дилбар халфа уйимиздан кетаётиб: «Сизларга Аллоҳнинг раҳми келсин!» деганини негадир тушунмаган эканман.

Хонадонимиздаги ҳар иш юзасидан Дилбар халфага мурожаат қилардик. Бир куни отам аёлга шундай деди:

– Халфа, сенга нима бўлди? Ҳеч бундай эмасдинг?

...Мен аввал бўлиб ўтган воқеаларни қаердан билай? Менга ҳаммасини Дилбар халфа тушунтирарди. Аҳмадбей бу уйга ичкуёв бўлиб келган экан. Онамнинг отаси ҳурмат-эътиборли одам бўлган экан. Отамни кичик хизматчи бўлгани учун ишдан бўшатиб, банкда ишлашига ёрдам берган экан...

Дилбар халфа:

– Отанг бу ерга куёв бўлиб келганида эгнидаги кийимидан бошқа нарсаси йўқ эди. Аммо тўғри гапни гапирадиган бўлсак, ғайрат билан ишлаб ҳамма нарсага эришди. Буванг ва бувинг ота-онангни мана шу уйда қолдириб, ўзлари бошқа жойга кетишди. Уларни Аллоҳ раҳмат қилсин, яхши одамлар эди. Менинг бу гапларимни унутмагин! Бу уйни онангга отаси берган, Аҳмадбейнинг ҳеч ҳаққи йўқ эди. Аммо бечора Мабруранинг ўлиmidан кейин энди бу уйнинг учдан бири отангнинг ҳаққи, албатта.

Хуллас... бизники, яъни онамдан бизга қолган уйда худди сиғинди текинхўрларга қилинадиган муносабатни кўриб яшардик.

Бир куни уйнинг айвонида гаплашаётганларини эшитиб қолдим:

– Аҳмад, уйни менинг номимга ўтказмоқчи эдинг, қани? – деди Жолибахоним.

Отам унга:

– Уй меники эмаски, сенга берсам. Бу уй Мабруранинг номида, – деди.

– У энди йўқ-ку, – деди аёл.

– Мабрура бўлмаса, болалар бор, Жолиба. Учдан бири эса меники, – деди отам.

– Бу зумрашаларингдан нима яхшилик кўрасан? Бир амаллаб уйни менинг номимга ўтказгин.

– Яна озгина сабр қилиб, тежаб-тергасак, сенга бир хонали уй оламан, – деди отам.

• – Бир хонали деганинг нимаси? Ие, мен кунда миллионлаб лира харжламаяпман-ку, пулларни режалаб тежасам, ахир. Бундан ташқари, фақат сен ёки мен эмас, биздан бошқа иккита бола бор, тўғрими?

– Уларга қилинган харажатлар жуда қанча эди?! Мен уларнинг устида янги нарсга кўрмаяпман. Катта ўғлимнинг шими қисқариб, костюмидан қўлларининг тирсак қисмигача кўриниб турибди. Бор кийими шу... – деди отам.

Бунга жавобан Жолибахоним деди:

– Ҳар куни дасталаб пул бераман. Энди эғнидаги кийимини ҳам ўйламайман. Негаки, улар бетайин, тарбиясиз бўлиб улғайишган, – деди.

«Дасталаб пул кимга берилган экан?» дея ўйлардим.

Мен неча ойлардан бери ақалли дафтар, ручкага ҳам пул ололмасдим-ку! Уйга келган пайтимда ҳам

қорнимнинг оч ёки тўқлиги билан ҳеч кимнинг иши йўқ эди. Ҳали мактабни тугатганимдан кейин нима бўлади? Буни мен ҳозирдан қаттиқ ўйлаб эзилардим. Ўқишим, ўзимни бу аҳволдан қутқаришим керак эди, албатта.

СИНГЛИМ

Синглим Насрин доим ўзимизга тегишли хонага кирганча жим ўтирарди. Мен эса Фатош ва Жолибахонимни кўрмаслик мақсадида уйимиздан чиқиб, юрагим сиқилганча кўча кезардим.

Бир куни кечқурун отам ишдан қайтишига яқин уйга кирдим. Жолибахоним кўзгу олдида пардозини кўздан кечирар, Фатош эса ошхонада нимадир қилаётганди. Кичик хонамизга кирдим. У ерда синглим йўқ эди. Фақат бир пой пайпоғи ётарди, холос. У ҳар доим ўтирадиган бурчакда бўздан тикилган қўғирчоғи бор эди. Бу қўғирчоқни унга Дилбар халфа қўлидан келганча тикиб берганди.

Икковимиз бирга ётадиган каравот ёнидаги деворда эса онамнинг рамкага солинган каттагина расми осибдиқ турарди.

Бесаранжом бўлган ётоқхонанинг ўртасида ўша расмдан тушган шиша синиқлари ётарди. Дарров ташқарига чиқиб, синглимни қидирдим. Топа олмаганимдан кейин ошхонага бориб Фатошдан сўрадим.

– Мен сенинг синглингга энага эмасман, – деб бақирди.

Бу орада отам аллақачон келиб, ёнимиздаги хонага овқатланишга кириб улгурганди. Жолиба

хоним жимгина пардозини тартибга келтириб бўлиб, овқатланиш столини тузарди. Отам мени чақирганидан кейин ичкарига кирдим.

– Нима қиляпсан? – деди

– Ота, Насрин уйда йўқ, – дедим.

– Нега йўқ бўлади? Фатошдан сўрадингми?

– Сўрадим, аммо у менга «Мен синглингга энага эмасман», деди.

Отам ҳозиргина ўтирган стулидан туриб ташқарига чиқди-да, деразадан кўча томонга қараб баланд овозда чақирди. Насриндан жавоб бўлмагач, менга қараб:

– Ҳожатхона, ҳаммомни қарадингми? – деди.

– Қарадим...

Жолибахоним ошхонадан туриб гапирди:

– Аҳмад, кайфиятингни бузмасанг-чи! Бирор жойга кириб ухлагандир-да, зумраша... – деди.

Отам индамади. Менга қараб:

– Хонасида йўқми? – деди.

– Йўқ.

Отам энди асабийлашиб:

– Сен доим менинг асабимни бузиш учун бир ғалва топиб турасан, – деди.

У ошхона эшигига яқинлашиб:

– Фотима, Насрин қўшниларникига чиқиб кетмаганмикин? – деб сўради.

– Билмайман, – деди Фотима.

Отам менга қараб:

– Сен уйда эмасмидинг? – деди.

– Менга «Оёқ остида ўралашма, бор кўчага чиқ», дедилар. Мен кўчада эдим, – деб жавоб бердим мен ҳам.

Жолибахоним отамни яна чақирди:

– Аҳмад, овқатингни совутяпсан, келсанг-чи, – деди.

Отам биз ётадиган хонага кирди. Чироқни ёқиб бетартиб ётоқхона ўртасида сочилиб ётган шиша синиқларини кўрди. Деворга бир қараб олгандан кейин мендан сўради:

– Бу рамкани ким синдирди?

– Мен ҳам синглимни қидириб кирганимда кўрдим, – деб жавоб бердим.

Онам Мабрурахоним девордаги расмидан бизга маҳзун нигоҳ билан қараб тургандек эди гўё. Расмнинг бир томони бошидан охиригача чизилган эди. Отам бу расм олдида ўзини айбдордек ҳис қилаётгани учунми, бу жойда ортиқ туролмади. Ташқарига чиқиб, меҳмонхонага кирди. Чироқларни ёқиб атрофга саросима билан боқди-да, кейин бирданига бақирди:

– Насрин, у ерда нима қиляпсан?

Синглим жавоб бермади. Уйга кириб хонадаги катта диван тагидан ёш боланинг пайпоқсиз оёғи чиқиб турганини кўрдик.

– Мана бу ахлоқсизни бу ёққа чиқар! – деб бақирди менга.

Уни тортиб олмоқчи бўлиб ҳаммамиз урина бошладик.

Уни чиқариб олганимизда оёғининг у ер-бу ери кўкарганини кўрдик. У нозик гавдасини гилам устига ташлаганича ётиб олди. Бир пайтлар Жолибахоним «Битлаб кетса, қараш қийин бўлади», деб синглимнинг сочини Фатошга кестирган эди. Ўша сочлар қонга булғанган, ярим очиқ оғзидан эса ҳамон қон оқиб турарди.

Отам меҳмонхона эшигидан ошхонага ўтаркан,
бақирди:

– Жолиба, бу ёққа кел!

У эса ичкаридан туриб:

– Вой Худойим-ей... Бу қандай чақирдиш бўлди-а?!
– деди.

Аёл шундай деб жавраганича етиб келди.

Насриннинг ҳеч нарсага ҳоли йўқ эди. Азоб ва
оғриқлар ичида бўлган қизнинг қонаётган оғзидан
инграш эшитилиб турарди, холос. Онам ҳам
бетоблигида худди шундай ингради.

– Бир жойдан йиқилиб тушгандир-да, бу ҳеч тинч
турармиди? – деди Жолибахоним.

Отам эса бу пайтда анчагина асабийлашган эди.

– Ҳа, айнан диваннинг олдида йиқилиб
тушибдими? Балки ўша жойга қочгандир-а?.. – деди
кесатиб.

– Сенинг ҳаромзоданг билан менинг ишим йўқ.
Эй, Худонинг ишларини қара-я, – деди.

Отам ҳолдан тойган болани ердан олиб диван
устига ётқизди. Кейин менга қараб:

– Юқорига чиқиб қарагин-чи, Хайрибей
келганмикин? – деди.

Тепага чиқиб, кекса ҳакимни чақирдим. У
уйимизга келиб, синглимни кўрар-кўрмас:

– Болани уришибди-ку, вой бечора-ей... – деди.

Отам эса тик турган жойидан деди:

– Йиқилиб тушган бўлса керак...

Хайрибейнинг эса астойдил жаҳли чиқиб:

– Йиқилишига бало борми? Оғзига уришган,
шунинг учун мана боланинг тишлари синибди, –
деди.

– Ким уради?!

– Аҳмадбей ўғлим, менга қара! Мен бугун диспансердан барвақт келдим. Ўшанда уйингда қиёмат бўлаётганди. Бола бечоранинг эса «Ойижоним! Акажоним!» деб бақираётганини эшитмаган ҳеч ким қолмади, менимча. Кейин хотинингнинг бор овози билан «Фатош! Шунинг овозини ўчир, юрагим сиқилиб кетяпти», деганини эшитдим.

Шифокорнинг бу гапларини эшитиб турган Жолибахоним меҳмонхона эшигидан унга ўқрайиб қараб турарди.

Буни кўрган Хайрибей аёлнинг қарашига бепарво бўлиб, портфелидан шприц ва бир ампулани олиб синдирди-да, қизнинг этагини кўтарди. Ёнбошини кўрган заҳоти алам билан:

– Худо жазоларингни ўзи билиб берсин-а... – деди.

Қизнинг ёнбоши қизариб шишган, оёқларида таёқ изларидан қолган бўртиқлар бор эди.

– Келинг, кўрамиз, манавилар нима-а? Нима, бу кичкина болаларнинг шу уйда яшашга ҳақлари йўқми?!.. – деди у дарғазаблик билан.

Қўшимиз ўзи ҳозиргина портфелидан олган пахтасини мен келтирган сув билан ҳўллади-да, синглимнинг юзларидаги қонларини арта бошлади. Ерга ташланаётган пахталар қонга беланган эди. Хайрибей қўлидан келган ҳамма ишни қилгач, синглимнинг кийимларини алмаштирдик. Зеро, унинг эғнида биттагина кўйлаги бор эди, холос... Мен худди шкаф ортидан ҳозиргина чиққандек жуда гижим кўйлаки келтириб бердим. Насринга кийгизганимизда у анча тинчиб, аллақачон ухлаб қолган эди.

– Қизни ёлғиз қолдирманглар, жуда қўрқиб кетган

кўринади... Ана энди жойига ётқизаверинглар! – деди Хайрибей.

Шифокор қўшнимиз гапира-гапира чиқиб кетди. Отам синглимни қўзгатгиси келмагани учун биз кичкина хонага ўтдик.

Шундан кейин отам Фатошни чақирди. Эшик олдига ўша, яъни Жолибахоним ўзи олиб келган хизматчи аёл етиб келди. Унинг оғзидаги ёғ юқларидан овқатланаётгани маълум эди.

– Ойнаванд расми ким синдирди? – сўради отам.

– Мен қаердан билай?

– Бу уйда сен нима қиласан?

– Нима қилардим?! Овқат тайёрлаш, тозалаш, кир ювиш, умуман олганда... ҳамма ишларни қиламан.

– Ундай бўлса, мана бу шиша синиқларини йиғиштириб ол! – деди отам.

– Нега сен одамни овқатдан қолдириб, атрофни тозалатасан-а? Мен уйингга бундай хўрлик учун келмаганман!.. – деди у.

Отам аёлдан бу гапларни эшитган заҳоти овозини борича бақирди:

– Кет, йўқол! Кетмасанг, мен сенга кўрсатиб қўяман. Кимнинг ёнида турганингни унутдингми, нега безраясан?! Йўқол!..

Отам болани бағрига босганича аёлнинг чиқиб кетишини кутиб турарди. Мен синглим ётадиган жойдаги чойшабни тартибга келтириб, шиша синиқларини дарров йиғиштириб олдим. Шундан кейингина синглимни ўз ётоғига ётқиздик.

Уколнинг таъсири билан ухлаётган синглимнинг оёқ-қўллари шалвираб қолган эди.

Отам уни ўрнига ётқизгач, ҳаммомга бориб қон юқи қолган қўлларини ювди. Орадан бироз вақт

ўтгач, отамнинг ошхонада туриб олганча бақириб гапирганини, Жолибахоним ҳам у билан баб-баравар гап қайтариб жанжаллашганини эшитдим.

– Жолиба! Мабрурахонимнинг расмини ким синдирди? – дерди у.

– Ие, мен қаердан билай? Нима, мен расмга қоровулманми?

– Насринни ким урди?

– Хабарим йўқ, мен сартарошхонада эдим.

– Одамлар сенинг овозингни эшитишибди. «Шунинг овозини ўчир!» деб бақирибсан-ку...

– Ўша ҳаромзодангнинг ҳадеб «Ойи, ойи!» деб бақирishi жонимга тегиб кетди.

– Мен сендан расмни сўраяпман, уни ким синдирди?

– Мен синдирдим, мен! Нима қила оласан?!

– Жолиба! Сенда виждон борми? Шу кичкина қиз билан баравар бўлиб нимага эришасан?

– Нимага эришардим? Ҳеч нарсага эришмайман, фақат ҳаммаси жонимга тегиб кетди, холос! Сен ҳам ҳушингни бир жойга йиғиб, мен билан тўғрилиқча гаплашгин, хўпми!? Мен сенга аввалги хотининг Мабрура эмасман, тушундингми?

– Бўлмайсан-да, бўлолмайсан ҳам! Сен ҳам тушундингми, Жолиба!..

ДИЛБАР ХАЛФА

Синглим бир ҳафта касал бўлиб ётди. Отам ишга кетмасиданоқ Хайрибей барвақт етиб келар, ҳар куни синглимнинг ҳароратини билиб, лабидаги яраларни кўздан кечирарди ва парвариш қилиш усулларини тушунтирарди.

Бу воқеанинг эртаси куни отам мени Дилбар халфанинг уйига жўнатди. Фатош уйимиздан ҳайдалгач, ҳамма жойлар остин-устун бўлиб кетган эди.

Дилбар халфа энди синглимни меҳр билан парваришлар, уйдаги ҳамма ишларни ҳам эпларди. Шундан кейин мен ҳам оч қолмайдиган бўлдим.

Жолибахоним эса бақириб-чақирганча:

– Аҳмад, сен қандай қилиб менинг оёқ-қўлим ҳисобланган хизматчимни ҳайдадинг-а? – деб атрофга жар соларди. Шунда отам унга қараб:

– Сен ҳам шу уйда яшайсан-ку, ўзинг бирорта ишни эплагин-да, ахир! – дерди.

– Мен хизматчи эмасман!

– Ҳа, сен ҳатто хизматчиликни ҳам қилолмайсан-да. Сенинг миянг фақат ёмонликка, нонкўрликка ишлайди. Фарзандларимнинг онасига тегишли биттагина расмни ҳам сиғдирмаган сен бу уйда яшашга лойиқ эмассан!

– Кўрамиз, ҳали шу уйни ҳам сендан тортиб олмасамми? Шу ҳаромзодаларингни бу уйда яшатмайман, тушундингми?! Шунини миянгга қуйиб ол!

Жолибахоним ниҳоятда жоҳил хотин эди. Отамга доим ўзимиз яшаб турган уйимизни ваъда қилганини, ёш қизга муносиб тўй қилиб бермаганини пеш қилаётган эди. У отамнинг барча хотиралари ва ўтмишини ёдидан чиқариб, ўзини эса қулга айлантириб олмоқчи эди.

Энди меҳмонхонада фақатгина расм бор эди, холос. У ҳам онамиз Мабрурахонимнинг расми бўлиб, қайтадан гардишланиб деворга осиб қўйилган эди.

Насриннинг тушунтиришича, Жолибахоним ўша

куни хонага кириб, оёғидаги пошнаи туфлисини ечганча расмга қаратиб отган экан. Энди эса расм бизга худди нималарнидир тушунтираётгандек кўринарди.

Орадан икки ҳафта ўтгач, меҳмонхонага кириб келган Жолибахоним туфлисини ечиб яна расмга қаратиб отди. Туфли нишонга тегмаганидан жаҳли чиқиб, отамга бақирди:

– Аҳмад, туфлигимни олиб кел!

Отам эса хона ўртасида туриб олганча унга қаттиқ тикилиб турарди. Шунда хотин ўдағайлади:

– Сенга туфлигимни олиб кел, деяпман, эшитмаяпсанми?!

– Эс-ҳушингни жойига қўй! – деди отам вазминлик билан.

– Аҳмад, аввал ўзинг ҳушингни йиғгин-да, рўпарангдаги одамга яхшилаб қара!

– Ўзингни ким деб биласан? Мен учун Басима холанинг дипломсиз оддий бир жиянисан, холос. Сени банкка ишга олган ким эди? Ўшанда оёғингга қўшнингдан олинган пойафзални кийиб келмаганмидинг?! Сенинг бефаросатлигинг ва баджаҳллигингни яширган мен эмасмидим?! Бу ерга аввал Мабрурадан кўнгил сўрашга келиб, кейин Насриннинг кўз ёшларини артган сен эмасмидинг?!..

Отам ниҳоятда вазминлик билан оҳиста гапирарди.

– Бошида кўнгилли хизматчи бўлиб болаларимга, ҳа, Мабруранинг фарзандларига қарашни гапирган ҳам сен эдинг-ку, тўғрими? Бу ерга қандай шартлар билан келганингни унутдингми? Гўзаллик салонига бормаган бирор ҳафтанг борми ўзи? Қачон сен ҳам хотин бўлиб бирор марта сочларингни ўзинг

турмаклайсан? Нега доим сартарошга ювдирасан-а?..

– Жим бўл, ҳа, мен ёмонман! – деб бақирарди у.

Отам эса яна хотиржамлик билан гапиришда давом этди:

– Сен илон ва чаён каби чаққанинг учун ҳам мен сендан ҳеч нарсани умид қилмайман. Жоҳиллигингни йўқотиш мақсадида сени котиба сифатида ёнимга олмадимми? Сен менинг хотираларимни қандай қилиб ва нима била ўчира оласан?! Аввал ўзингнинг ўтган кунларингни аёллигинг, тарбия ва хулқ-атворинг билан менга унуттиргин! Қоровул Содик афандининг ўғлига унаштирилмаганмидинг? Уни ҳам ёқтирмасдан қаҳвачи билан дон олишиб юрдинг-ку, тўғрими?

Ўтган икки йил ичида пулларни қаердан топдинг? Қариндошинг Басима холанинг номига қандай қилиб пул ўтказдинг? Вақти келиб, бир куни бу ерда қололмаслигингга кўзинг етгач, ейиш-ичишдан қисиб бўлса-да, банкка икки миллион сармояни қандай йиғдинг-а, гапир?!..

Жолибахоним қалтираганича тишларини гижирлатиб:

– Мен сенинг хотинингман! Шундай бўлса ҳам, энди сенга қиладиган вазифам қолмади, Аҳмад!.. – деди

Отам жаҳл билан овозини кўтариб:

– Аҳмад эмас!!! Мен сенинг оғзингдаги қошиқ эмасманки, беписанд бўлсанг. Фарзандларимнинг онаси бир кун, ҳатто бирор марта ҳам исмим билан чақирмаган!..

– Мен унга ўхшаган қолоқ эмасман.

– Бўлолмайсан ҳам!!! Мабрура лоақал бирор марта бўлса ҳам, сартарошхонада сочини

бўятмади. У ҳеч қачон ҳеч бир қўшнининг дилини оғритмаган, муҳтож бўлиб келганларнинг қўлини эса ҳеч қачон қуруқ қайтармаган, қўли очиқ аёл эди, тушуняпсанми? Ҳа, аёл назокати сотиб олинмайди, манманлик билан эса эришиб бўлмайди. Буни ҳам Аллоҳ юқтирганлар қилади. Афсуски, мен сени ўзгартира олмадим. Шунинг учун энди мендан ўзингга лойиқ муомалани кўраверасан, ётоқхонамнинг эшигида бекорга турмагин. Мен сендан нафратланаман, тушундингми? – деди отам зарда билан.

Мен хонадан ташқарига чиқдим. Отам меҳмонхонамиздаги катта диваннинг устида ётарди. Жолибахоним эса ётоқхонага кириб, эшикни ичкаридан қулфлаб олди.

Бир куни эрталаб ётоқхонага кўйлагини алмаштириш учун борган отам хонадаги шифонердан кўйлак ва дастрўмолни олмоқчи бўлди. Шунда Жолибахоним отамнинг кўйлак ва пайпоқларию бўйинбоғ ва дастрўмоллари, хуллас, унга тегишли нима бўлса, ҳаммасини қучоғида тўлдирганича эшикдан ташқарига улоқтирди. Кейин эшикни яна ичкаридан қулфлаб қўйди. Отам эса ҳамма оладиган нарсасини олди-да, Дилбар халфага юзланди:

– Халфа, буларни болаларнинг шкафига жойлаштиринг!

Энди Дилбар халфа бизнинг аввалги ҳужрамизда ёта бошлади. Фатошга берилган хонага эса отам ўзи ва бизга мос иккита каравот қурдирди.

Отамиз худди узоқ айрилиқдан сўнг уйимизга қайтиб келгандек эди. Синглим онамни унута олмаса-да, энди бироз ўзини ўнглаб олган эди. Халфа магазиндан синглим учун каттакон қўғирчоқ олиб берди. Лекин

Насрин бу қўғирчоқни ўйнай олмади, чунки ўзининг бўздан ясалган қўғирчоғи бор эди-да. Ўша юзи япалоқ бўлган қўғирчоққа Дилбар халфа қўлидан келганича қош-кўз қилиб берган эди. Насрин ўша қўғирчоғига бевафолик қила олмас эди, назаримда. Шунинг учун ҳам доимо у билан банд бўлар эди.

Жолибахоним ўзи а қилинган муносабатдан кейин бир неча кун қаергадир бориб, кимлар биландир фикр алмашди, шекилли, яна уйга қайтиб келди.

Отам ишдан келганида – агар уйда Жолибахоним бўлмаса – индамас, келганидан кейин ҳам ундан қаерда бўлганини суриштирмас эди. Фақатгина Дилбар халфа у қамалиб олган хонага бориб: «Овқатга юринг!» деб айтарди, холос. Аёл эса ҳар овқат пайтида бунга жавобан: «Емайман!..» дерди, холос.

Аёл учун энг яхши таомлар бўлган даври энди очликка айланган эди. У энди секин-секин ташқарига чиқиб, дастурхон тузаш баҳонасида кўрина бошлади. Аёл энди отамни кутиб олмас, аммо кетаётганда ўзи «Сартарошга бораман...» дерди.

Отам эса у сўраган пулни бир чеккага қўйиб кетарди. Уйнинг сарф-харажатларини халфа бошқарар, озиқ-овқатларни олиб келиш ва пишириб-едириш ҳам унинг зиммасида эди.

Дилбар халфа келган куниданоқ отам аёлга дастурхонда биз билан бирга ўтиришини уқтирган эди. Отам овқат пайтида баъзан Фатош ҳақида худди маҳзун ҳикоя айтаётгандек гапириб берар, Дилбар халфа эса жим ўтирганча эшитарди.

– У доим товуқнинг яхши қовурилган оёқ қисмларини ўзи ейдиган ош устига қўяр, болаларга

эса ҳеч едирмасди. Неча марталаб менга «Улар ҳозиргина еб бўлишганди-я...» деса ҳам, тушунмабман. Бу ҳам майли, ҳали бошқаси ҳам бор. Бир куни ошхонада туриб эшитиб қолдим. Ўзининг чойига беш дона қанд солиб ичар, идиши тубидаги қанд қолдиғини эса Насринга ичиришини мароқ билан гапирарди. Кейин... доим ишидан шикоят қилар, аслида эса ойига икки юз минг лира маош оларди. Менинг бу гапларимни бошқалар ҳам тасдиқлашади, албатта. Кундалик ишга агар бир аёл келса, ўн минг лирадан камига ишламас эмиш. Икки юз минг лира ойлик, қўша-қўша кийимлар, пойафзалу шиппаклар, соч турмаги учун сартарошхонага боришлар... Ҳисоб-китобини мен қиламан-ку, шунинг учун дафтарни бир кўздан кечирсам... Фатошхоним ойида икки марта сочларини ювиб бўятгани ёзилган экан.

Отам бу гапларнинг ҳаммасини оғир кайфиятда аёлга гапириб берди.

Бир куни отам уйимизга ишхонасидан телефон қилди. Мен билан гаплашган пайтида бир машина билан келишини ва онамга тегишли ҳамма нарсаларни олиб кетишини айтди.

Жолибахоним ўша куни уйда эмасди. Отам уйга келгач, шофёр билан биргаликда онамдан қолган нима нарса бўлса, ҳаммасини пастдаги машинага ташидик. Олти тугун кийим, икки патнис пардоз буюмлари, иккита пижама, тўртта шиппак, иккита соябон, қўлқоплару ич кийимлар, узун-қисқа пўстинлар...

Отам мени ҳам машинага чиқариб олди-да, тўппа-тўғри Доруложизага кетдик.

Онамдан қолган нарсаларнинг ҳаммасини у

ердаги фақирларга бердик. Нафақат пардоз буюмлари ёки кийимларни олганлар, балки иккита пўстинни олган хизматчилар ҳам ҳайрон бўлдилар.

Биз тарқатган кийимларнинг бир қисми онам томонидан бор-йўғи бир ё икки марта кийилган эди, холос. Онам бошқа аёлларга ўхшаб ҳадеб кўчага чиқавермас, аксинча, қўшни уйларда яшовчи аёллар онам олдига кўп киришарди.

Биз уйга келган пайтимизда отам:

– Халфа, ҳаммасини Доруложизага бердим. Шкаф бўшади, энди кийимларимни у ерга жойлаштиринг, – деди.

Шундай деганидан сўнг яна:

– Халфа, менга ишонинг! Алдандим... Болаларимга қарайди, деб у хотинни бу уйга олиб келган эдим. У ерда... Мабрура учун мавлуд ўқитдик. Буюрилган исломий вожиб амалларнинг барчасини қилдим, – деб қўшиб қўйди.

– Аллоҳ сиздан рози бўлсин, бей афандим. Шу пайт хаёлимга яна бир нарсга келди-я...

– Нима?..

– Мозорни айтмоқчиман-да, ўтган ҳайит у ерга борган эдим. Қабр атрофида тупроқ уюми бўлиб, қаровсиз қабрнинг чўккан жойларини қоровул бир амаллаб тўлдириб қўйибди. Аввало... у ер сизнинг оилавий қабристонингиз, яъни хилхонангиз. Шунинг учун Мабрурани ўша аҳволда қолдирманг, илтимос! Мен шуни айтмоқчи эдим, холос, – деди у.

Отам қип-қизариб кетди.

– Бу... хаёлимга келмабди. Раҳмат, халфа. Биринчи ишим Мабрурахонимнинг қабрини тузатиш бўлади, албатта... – деди у ерга қараб.

Онамнинг кийимлари Доруложизага кетган

куннинг эртасига бир қарич бўлиб келган Жолибахоним дарҳол бизнинг хонага важоҳат билан кириб келди. Гардероб эшикларини очган заҳотиёқ бақириб юборди:

– Халфа, бу ердаги кийимлар қаёққа кетди?!

– Мабрурахонимга тегишли нимаики бўлса, ҳаммасини бей афанди тўплаб Доруложизага олиб кетди.

Жолибахоним энди телбаларча қичқирарди:

– Аҳмоқ, иззатини билмаган-ей... Одам дегани хотини билан бир марта бўлса ҳам, маслаҳатлашмайдими, ахир... – дерди у титраб.

ОТАМ ТУЗАЛМОҚДА

Бир куни кечқурун овқатланаётган пайтимизда отам у қадар юмшоқ бўлмаган овозда:

– Жамил, нималар қиялпсан? – деди.

Менинг индамай ўтирганимни кўриб, у яна сўради:

– Мен сендан гап сўраяпман, эшитмадингми?

– Эшитдим... -- дедим секингина.

– Нега бўлмаса жавоб бермайсан?

– Ахир, сиз гапирган пайтингизда мен гапиришимни истамайсиз-ку... – дедим қўрқибгина.

Отам биров ўйланиб турганидан сўнг:

– Жаҳлим чиққан пайтида шундай қиламан. Лекин сен ҳам мен отанг эканимни унутмагин-да, хўпми! – деди у. Кейин яна гапиришда давом этди:

– Кўп савдоларни бошдан кечирдим. Онангнинг дарди ва ўлими мени жуда гангитиб қўйди. Ўлганнинг кетидан ўлиб бўлмайди, ҳаёт давом этаверар экан. Ўзи кўчада сен ҳадеб нима ишлар қиласан-а?

– Мен ҳам уйда бўлгим келади, аммо улар мени оёқ остида ўралашишимни ишташмайди. Доим «Оёқ остида ўралашавермасанг-чи!..» деб койийверишадими-ку...

– Бу ҳол ҳамон давом этиптими?

– Йўқ, лекин шунга ўрганиб қолибман. Кўчадаги дўкон ва расталарни айланиб юраман, худди чироқ қидирган борми, деганларидек...

Отам қошларини чимириб «Ўқимаяпсанми?!» деди.

– Ие, мактабга берсангиз, ўқийман-да! – дедим мен ҳам бўш келмай.

Дастурхон атрофида ўтирган Жолибахоним эса дарров:

– Ҳозирги пайтда иккита болани ўқитиш осон эканми? – деди.

Отам унга қараб:

– Қоровулимизнинг иккита ўғли – бири мактаб, бири лицейда ўқийди-ку, ахир. Халфа кекса аёл бўлатуриб болаларга, ош-овқатга қараса. Фотима борлигида уй қандай эди? Шундай тозамиди, сен ҳам атрофга тузукроқ қарасанг-чи!

– Мен хизматкор эмасман!..

– Шу иккита етимни астойдил парваришлайдиган хизматчи бўлиб келган сен эмасмидинг!?

– Ҳа, айтган бўлишим мумкин, Аҳмад...

– Мени исмим билан чақирма, дедим-ку сенга.

– Жуда яхши, Аҳмадбей афанди. Сиз ҳам икки луқма овқатни заҳар қилиб едирманг! Ахир, биз ривожланган мамлакатда яшаяпмиз, тўғрими?

– Ҳа, шундай, лекин маданиятли хотинлар «Онажон!» деб йиғлаган боланинг оғзига шиппак билан урмайдилар!..

Жолибахоним жим бўлди. Отам менга юзланиб:
– Синглинг олти ёшга тўлди, у бу йил мактабга бориши керак. Сен ҳам ўқишингни давом эттирасан, – деди.

Суҳбатимиз шу билан тугади. Отам кўчадаги дўконларни айланиб келган бўлса керакки, бир куни ишдан барвақт келиб, мен билан харажатга борадиган бўлди.

Бош-оёқ янги кийим кийдим. Кейин мактабга бордик, у ерда отам мени рўйхатга киритганидан кейин уйга қайтдик. Отам халфага:

– Халфа, сиздан илтимос! Насринни олинг-да, дўконларни айланиб, нима зарур бўлса, олиб беринг! Ана ундан кейин мактабга олиб бориб, рўйхатга ёздиринг, хўпми?! – деди.

– Умрингизга барака берсин, бей афанди... Эртагаёқ айланамиз-да... – жавоб берди у.

– Вақт оз қолди-ку, бугуноқ боринглар!

– Жолибахоним уйда йўқ...

– Нима бўлибди, унга қараб қолган жойимиз ҳам йўқ!

– Бошқа калит йўқлиги учун ҳалиги... келганида кўчада қоладими, деб ўйлаяпман.

– Кўчама-кўча тентирашни билган одам бир эшик олдида ҳам кутиб кўрсин! Бунинг устига Жамил ҳам уйда...

Отамнинг истаги билан Дилбар халфа синглимни олганича кўчага чиқиб кетди. Қизнинг на эгнида, на бошида бор эди. Халфа унга бозордан мактаб фартуги, пойафзал, ич кийим, ўқув портфели, хуллас, нима ками бўлса, ҳаммасини олиб берди.

Насриннинг унча узун бўлмаган, аммо тутамлаб кесилган сочларини сартарошхонада мумкин қадар тузаттирибди. Ўша оқшом отамдан бирозгина аввал

келган ва биринчи иши юз-кўзини бўяш бўлган Жолибахоним овқат пайтида бирданига:

– Бу қанақаси?! Биз бу уйнинг хоними бўлатуриб кам-кўстли бўлайлигу, болаларга эса ҳовучлаб пул сарфланадиган бўлдимиз-а?! – деди.

– Ниманг кам? Банкка қўшнидан олинган оёқ кийимида келгандинг, шекилли. Ўша пайтлар эсингдан чиқиб кетдимиз?

– Бу ерда Аҳмадбейнинг хотини эканимни ҳам унутганим йўқ, албатта. Бу оилада доим ўзимни ёлғиз ҳис қиламан.

– Эрталаб чиқиб кетганингча кечгача қаерларда тентирайсан?

– Қаерда бўларди? Гўзаллик институтидаги олий табақага мансуб хонимлар даврасида бўламан ёки боришим ноўринми?

– Сени ҳатто банкда ҳам ўз ўрнинг бўлмади-ку, дарҳол менга кўз тикдинг. Ҳа, фақат менгина сенинг айбингни ёпиш мақсадида ишга олдим. Сенга шу яхшиликни раво кўрдим. Сен нима қилдинг? Чоратрофга «Мен банк ходимиман», деб жар солганча гердайдинг, шундайми?

– Етар, икки луқма овқатимни ҳам заҳар қилмасанг-чи!..

– Ие, шошмай тур, бу ҳали бошланиши бўлса...

– Халфа келиши биланоқ бутунлай ўзгардингиз, бей афанди.

– Халфанинг келишига сен сабаб бўлдинг, чунки сенга ҳеч бир нарсани ишониб бўлмайди.

– Банкдаги менинг ўрнимга бошқа аёлни ишга олибсизми?

– Албатта, оламан-да, чунки қобилиятсиз аёл эплай олмаган ишни у қойиллатиб бажаради!.. Агар

гапларимга ишонмасанг, бир куни банкка боргинда, котиба қандай бўлишини ўз кўзларинг билан кўриб кел!..

Отамнинг бу гапларидан кейин Жолибахоним овозини ҳам чиқармади. Агар энди давом эттирадиган бўлса, эга бўлган нарсаларидан ҳам айрилишини у аниқ биларди.

Отам бутунлай ўзгариб бораётганди. Уйда Жолибахонимнинг бор-йўқлиги энди уни ҳеч қизиқтирмас эди. Агар бирор зарурати бўлса, дарров халфага айтар ёки қидирган нарсаларини тоза ва дазмолланган ҳолда ўз жойидан топарди. Бундан ташқари, ҳар куни эрталаб дуо қилиб кузатаётган халфага «Худога топширдим!» деб қўярди. Энди отамни кечқурун Жолибахоним кутиб олмас ёки қўлларини отамнинг чўнтагига тиққанича писталарни олмас эди. Аёлнинг катта-кичик уринишлари фойда бермади. Энди у ҳар бир гапига аччиқ ва қўрс жавоб оларди. Асабийлашиб жазавага тушган тақдирда ҳам хонасида фақатгина ўзи бўларди, холос.

Мен мактабда ўқишимни давом эттира бошладим. Халфа синглимни ҳар куни ўқишга олиб борар, кейин бориб олиб келарди. Мен мактабда пул сарфлашга одатланмаган эдим. Асрга яқин қорним оч келсам, халфа дарров мени дастурхонга таклиф қиларди. Биргина мен овқатланадиган бўлсам ҳам, халфа дастурхонни ниҳоятда мукамал тузарди.

Бир ой ичида синглимнинг озғин юзлари дарров тўлишиб, ранги ҳам анча ўзига келиб қолди. Энди у хавотир-ҳадиксиз овқатланар, шунинг учун бўлса керак, уйқусидан йиғлаганча уйғониши ҳам йўқолганди. Оғзидаги синган олд тишларининг ўрнига энди иккита бақувват тиш чиқа бошлаган

эди. Кун сайин узайиб бораётган сочларига ҳар куни қарар, қачондан бошлаб ўриши мумкинлигини билишга қизиқарди.

Ҳамма нарса ўз ўрнида бўлса ҳам, негадир Мабрура онамизнинг меҳмонхонадаги ойнаванд расми худди йиғлаётгандек қараб турарди.

Жолибахонимнинг бир-икки таниши бўлиб, ҳафтанинг маълум кунида улар келиб, бир неча соат ўтиришарди.

Бир куни улардан бири девордаги расмга қараб:

– Бу хотин ким? – деб сўради.

– Ким бўларди?! Аҳмаднинг биринчи хотинининг расми... Болалар ухлайдиган хонада яна биттаси осифлиқ. Яна қаерларга қўйганини эса ҳисобламаганман, – деди Жолибахоним.

Шунда меҳмонлардан бири:

– Сенинг ўрнингда мен бўлсам, бунга асло рухсат бермасдим, – деди.

Шу гапнинг орасида хонага қаҳва келтирган халфа:

– Хоним афанди Сарвар Пошшонинг қизи ва мана шу уйнинг соҳибаси эдилар. Аҳмадбей афанди бу уйга ичкуёв бўлиб келганлар, – деб изоҳ берди.

– Чиройли аёл экан... – деди меҳмонлардан бири.

Мен бу суҳбатни эшиги очиқ турган хонамизда синглимга дарс ўргатиб эшитаётгандим. Бизнинг меҳмонхонадаги қимматбаҳо буюмлар орасида бир пианино ҳам бор эди. Онамиз ётиб қолганидан сўнг отам пианинонинг қопқоғини ёпиб қўйган эди.

Бир куни ўша аёллардан яна бири:

– Жолибахоним, сиз пианинони чаляпсизми? – деб сўради.

– Йўқ, ахир бу пианино унинг хотинидан қолган-

ку. Мен эса консерваторияда бундан зўрларини чалиб юрганман, – деб жавоб берди у.

Ҳолбуки, Жолибахонимда овоз мутлақо йўқ эди. Агар у ҳар замонда ашула айтгудек бўлса, отам унинг овозини эшитиб роса куларди. Шунда ҳам у бу уйга кириб, пианинони чалиб ўрганмоқчи бўлаверарди.

Жолибахоним ўз дугоналарига доим:

– Банк ходими бўлиб ишлаётганимда Аҳмадбей менга кўнгил берди. Хотини ўлар-ўлмас, у менинг ҳоли-жонимга қўймади. У иккита боласи борлигини ҳам мендан яширди. Номимга уй олиб, банкда менинг ҳисоб рақамимга пул ўтказмоқчи эди. Бўлмаса, мен шу жойга муносибмидим? Устига-устак отам тенги бўлса... – деб кериларди.

Жолибахоним отамга турмушга чиққанида қирқ ёшда бўлиб, отам эса ундан ўн ёш катта эди. У кўркам бўлгани учун Жолибахоним унинг ёнида қари хотиндек кўринарди. Турмушга чиққанидан кейин ажинларни кетказаман, деб у турли кремларни билар-билмас суравергани учун юзларини тамоман қорайтириб юборган эди. Бўятган сочларининг тагидан эса икки кунда яна оппоқ соч толалари кўриниб тураверарди.

Отам Аҳмадбейнинг ҳам сочларида оқ толалар бор эди, албатта. Улар отамнинг фақат чеккаларида кўриниб турса ҳам, унга ажиб бир улугворлик бахш этиб турарди.

Одати бўйича ҳар куни эрта туриб соқол олаётган отамни кўрган Жолибахоним нонуштада қитмирлик қилгандек:

– Аҳмадбей, ҳар куни соқол олишга ҳеч эринмайсизми? – деб сўрарди.

Отам эса еб-ичишда давом этиб:

— Мен атрофимда ишлаётганларга ўртак бўла оладиган раҳбар бўлишим керак. Бу одатимни сен анчадан бери биласан-ку. Мен сенга ўхшаб кўзларимни очар-очмас пардозга бурканмаяпман-ку, тўғрими?!

— Хотинларнинг пардоз қилиши ҳам бир завқ ва санъатдир...

— Мен учун эса фақат сохтакорлик!.. — жавоб берди отам кескин оҳангда.

АҚЛДАН ОЗИШ

Жолибахоним осонликча таслим бўладиганлардан эмасди. Энди у ўз ҳужумларини бошқа йўл билан амалга оширмоқчи бўларди.

Ўшанда қиш кунларининг бири эди. Халфанинг қўлида яман тоши билан безалган узуги бўларди. У қўлларини юваётган пайтида бармоқларидаги ҳамма узукларини чиқариб юз-қўл ювиладиган мрамор мосламанинг четига қўяр эди. Ўша пайтда бир ишга чалғиган бўлса керакки, Жолибахоним ўша узугини олиб овқатга солибди.

Ўша куни ҳам халфа шундай қилган ва узукни тополмасдан мен ва Насриндан сўраган эди. Овқат пайтида ўша узук Жолибахонимнинг чуқур ликобчасидан чиқди. Хотин ўкирганича дастурхондан қўзғалди-да, қўлидаги узукли қошиқни стол устига қўйиб ўрнидан турди.

Аввал юз-қўлини ювгач, таъбхиралигини кетказиш мақсадида лимон ҳидлаб яна стол ёнига келди.

Отам бўлиб ўтган воқеадан ташвишланиб Дилбар халфадан сўради:

– Халфа, бу узук сизники эмасми?

– Меники, бей афанди...

– Шўрвага тушиб кетганини билмай қолдингизми?

– Мен шўрвани пиширмасимдан аввал қўлларимни ювиб, узукларни мосламанинг устига қўйгандим. Кейин сўрасам, ҳеч ким кўрмабди, жуда сиқилдим. Узукнинг шўрвага тушиб кетишига ҳеч ақлим бовар қилмайди, афандим. Негаки... узук доим чап қўлимда, овқатни эса ўнг қўлимда пиширганман.

Отам гап бошламасидан аввал Жолибахоним:

– Бу кексаликнинг таъсири бўлса керак, халфа. Одам қаригандан кейин бундай нарсаларнинг фарқига бормай қолади... – деди.

Отам эса ниҳоятда хотиржамлик билан:

– Халфа, ҳаммаси аён бўлди, ҳеч хавотирланманг!... – деб қўйди.

Ўйланиб қолдим... Қизиқ, нима аён бўлганин кин? Отам бу ўйиннинг Жолибахоним томонидан қилинганини назарда тутганмикин? Кекса халфа йиғлаб узр сўради. Ноинсоф Жолибахоним эса буни «айбни тан олиш» сифатида қабул қилган эди.

Орадан кунлар ўтди. Бир куни мактабга кетаётиб, қўлим шимимнинг чўнтагидаги бир нарсага тегди. Қарасам... бир даста пуллар! Мактабга етай деб қолганим учун орқага қайтгим келмади. Ўша куни ҳафта боши бўлгани учун халфа анча нарсаларни харид қилиши керак эди. Ҳар душанба куни баққоллик ва сабзавот дўконидан харажат қилиб қайтарди. Мен энди яхшилаб ўйлай бошладим.

Халфа синглимни мактабга олиб бориш учун

мендан аввал йўлга чиққан, мен кетаётганимда эса Жолибахоним ҳали хонасида эди...

Кечқурун уйга келган пайтимда пулларни Дилбар халфага бердим. Бечора аёл менга қараб:

– Менда ўзи пул бор эди, Жамилбей. Эрталаб тортмани очиб, отангиз ойлигидан қолдирган ўша пулларни жойидан тополмай ҳайрон бўлдим-а... – дерди у хижолатлик билан.

Бизни кўриб турган Жолибахоним:

– Узукни шўрвага солганимдек, балки бу пулларни ҳам сенинг чўнтагингга мен солгандирман-а? – деди.

Бу воқеани отамга билдирмадик. Фақат ора-сира бизни кўрган қўшнилари баъзан «Халфа, буларнинг ишига кўп аралашасиз, эр-хотин ўртасига тушилмайди, ахир...» дерди. Бунга жавобан эса аёл:

– Ким кимнинг ишига аралашини номаълум. Унинг тўғриси эса, албатта, Аллоҳ билади, – деб жавоб берарди.

Отам бадавлат ва топармон одам бўлгани учун айрим кўролмас қўшнилари қасади келарди. Халфанинг эса яхши аёллигию тарбиясини кўп қаватли уйдагиларнинг ҳаммаси жудаям яхши билишарди. Чунки у келганидан кейингина бизнинг аҳволимиз ўзгарган эди. Айниқса, доктор Хайрибей бизнинг энг қадрли дўстимиз бўлиб, у барча қўшнилари дардига чора излар, ҳамма билан жуда яхши муомалада бўларди.

Синглимнинг оғзига оёқ кийими билан уриб тишлари синдирилганини эса ҳамма биларди. Гарчи Жолибахоним худди идорага кетаётгандек барвақт кетиб, кун кеч бўлганда қайтса-да, уйда унинг ҳеч бир фойдаси тегмаслиги кундай равшан эди.

Онамизнинг ўрнини эгаллаб олган бу хотин тўрт

йил давомида нима ишлар қилмади?! Менинг доим калта костюм-шимда мактабга бориб келишим, қиш пайтида эса эгнимга киядиган бирор иссиқ кийим топилмаганига ҳамма гувоҳ эди ўшанда.

Танг аҳволдан чиққан отамнинг кўзлари бирдан очилган эди. Мен расм дарсидан тўрт баҳо олганимда отам мени қандай азоблаганиниям ҳамма жуда яхши биларди. Мен мактабни аъло баҳоларга битирганимни ҳамма қўшниларга Хайрибей айтган экан. Ҳар бир отанинг кўнглини хуш қилувчи ўша кундалигим негадир Аҳмадбейнинг дилини ёза олмаган эди.

Отам бизга Жолибахонимни яхши кўрсатиш мақсадида мактаб харажатимга зарур пулни унга берарди. Табиийки, бу пулларни Жолибахоним менга бермас, шунинг учун мактабда кўпинча оч қолардим.

Расм дарсидан баҳоим паст бўлишига сабаб ҳам аслида расм дафтаримнинг йўқлиги эди. Буни эса отамга тушунтира олмасдим, чунки у менинг гапиришимга имкон ҳам бермасди.

Мен бу Жолибахонимни қандай қилиб яхши кўрай?!

Энди ўн икки ёшга тўлган эдим. Мактаб бошлангандан бери бўйим ўсиб, ёшимга кўра анча тўлишиб ҳам қолган эдим. Ҳамма нарса энди бизни халфа жуда яхши парвариш қилаётгани, ака-сингилни турли азиятлардан қутқаришга ҳаракат қилиши билан боғлиқ эди, назаримда.

Бир куни дастурхон атрофида ўтирганимизда отам Дилбар халфага қараб:

– Халфа, жуда чарчаб қоляпсиз, сиз ҳам худди мендек ёш эмассиз. Шунинг учун... банкда бир ошпаз бор эди. У ерда кўпчиликнинг кўнглидагидек

овқат тайёрлай олмади, шекилли, негадир ўрнига бошқасини олдилар. Мен эса энди ўша Ҳусайн афандини бу ерга олиб келмоқчиман. У бизнинг овқатларимизнинг ҳам таъмини тезда тушуниб олади, албатта, — деди.

Жолибахоним эса нариги томондан:

— Офарин, Аҳмадбей афанди! Ҳаттоки тўйда битта ёпинчиқ ҳам ҳада қилинмаган хотинингизнинг чўнтагида пули, эгнида пўстини йўғу, сиз уйга ошпаз келтиришга уриняпсиз... — деб товушини кўтарди

— Қизиқ, ҳар ойда юз минг лирани кундалик харажат учун олмаяпсанми? Чекишинг уй харажатининг ичида, сартарош ва тикувчиники эса мендан бўлса...

— Мендек аёлга шуни ҳам кўп кўряпсанми?

— Басима холанинг дипломсиз жияни, яъни сени ким зўр қилди? Қани, шуни айтгин менга!

— Пўстин-чи?!

— Ие, пўстинингга нима қилди? Йилига олиб беряпману, ахир!

— Анави иккита пўстинни нима учун Доруложизага бердинг?

— Сен уларни кийишга, албатта, нолойиқсан! Оз фурсат ичида ҳамма нарсага эришиш учун интиласан. Мана шуларни бироз ўйлаб, қадамингни тенг боссанг бўларди, менимча.

— Кўраминг! — деди Жолибахоним овозини баралла қилиб.

Эртаси куни кечқурун Жолибахоним дастурхон атрофида йўқ эди. Ўзича бир аёлнинг уйига меҳмон бўлиб бормоқчи эди. Отам у йўқлиги сабабини суриштиради ҳам. Бу аҳвол эртаси куни ҳам такрорланди. Отам аёлни бирор марта ҳам

суриштирмасдан бемалол юрарди. Учинчи кун
кечқурун отам уйга қўлида бир қоғоз билан кириб
келди. Овқатланишга ўтирганида унинг бироз
асабийлашгани кўриниб турарди. Бироздан сўнг гап
бошлади:

– Халфа, Жолиба мени судга берибди, бугун бир
адвокат келди. Уни ишга олаётганимда мен бир
тузукроқ уй олиб беришни ваъда қилгандим.
Уйимизнинг барча ишлари ва болалар
парваришининг эвазига-да, албатта.

– Асабийлашманг, бей... Жолибахоним ҳозир
нима қилаётганини ўзи ҳам билмаяпти. Одам
бировни озорласа, унга ҳам озор етади-ку... – деди
паст овозда.

Шу пайт эшикдан ошпаз Ҳусайн кириб келди.
Махсус жой ажратилиб, у учун каравот қурилди ва
кийим шкафи жойлаштирилди. Ошхона ва
овқатланиш хонасига бир-икки токча ясаиб, у ерга
озиқ-овқат маҳсулотлари ва шиша банкалар
қўйилди.

Отам ҳамиятли бўлгани учун Жолибахоним у суд
маҳкамасидан қочади, деб ўйлагани аниқ эди. Бошқа
кун адвокат яна келди. Бу сафар отам гўзаллик
институтини ва тикувчилик учун бўлган ҳисоб-
китобларни кўрсатди. Бундан ташқари, банкда
холасининг номига ўтказган пулларини ҳам
таъкидлаганича деди:

– Мени қайта безовта қилманг, ўзингиз нима
хоҳласангиз, қилаверинг!..

Бир ҳафта ўтганидан кейин нотариусдан
норозилик хати келди. Маълум бўлишича, отамга
келишишни таклиф қилганмиш. Қанақадир бадал
тўлаш, узун-қисқа пўстинлар, Мабрурахонимдан

қолган қимматбаҳо ашёлар ва алоҳида тузукроқ уй ҳақида гаплашишди.

Тикувчи хотин ишлайдиган ательедан адрес беришибди. Отам у ёққа нотариус ёрдамида норозилик хати ёзди. Нима деб ёзган билмаймизу, аммо икки кун ўтгач, Жолибахоним кириб келди. Унинг сочлари ёйилган, юз-кўзлари эса йиғидан шишган, худди шамоллаганга ўхшар эди. Шу қадар аҳволи хароб эдики, келган заҳоти ётиб олганча йиғлай бошлади. У ётган хонанинг эшигига халфа бориб, бирор ҳожати бор-йўқлигини сўради. Шунда у ичкаридан:

– Ҳаммасига сен сабабчисан, Худо ҳаммангни жазоласин!.. – деб бақирди.

Ўша куни ҳам отам уйга келдию, аммо у ҳақида қизиқиб сўрамади. Очлик жонига тегди, шекилли, икки кун ётган хотин бирдан ўрнидан қўзғалди ва:

– Э, барака топ, Аҳмадбей! Сен ҳам ўзингни замонавий эркак деб ўйлайсанми? – деди кесатиб.

Отам индамади, аммо унга қараб:

– Кўрамир, бу аҳмоқлигининг охири нима бўларкин? – деди.

МАРЖОН ШОДАСИ

Жолибахонимнинг холаси вафот этган эди. Басима холасига у жуда қаттиқ боғланмаган-да, ҳаттоки кўзларидан икки томчи ёш ҳам тўкмади. У фақат отамни ўз таъсирига олиш учун қўлидан келганича ҳаракат қилиш билан овора эди. Отам эса ундан хафа бўлгани учун бизнинг хонада ётар, нима иши бўлса, фақат халфага айтарди. Бундан ташқари,

отам ўзини худди Жолибахоним борлигини билмаётгандек тутарди.

Мактабдан таътилга чиқдик. Синглим саккиз ёшида иккинчи синфга боришни бошлаган эди. Уйда унинг кичкина сандиқчаси бор бўлиб, унда ҳеч қачон ҳеч кимга бермайдиган нарсасини сақларди.

Якшанба куни халфа бир иш қилди. Уйда яшовчиларни бир-бирига яқинлаштириш мақсадида синглимни Жолибахонимнинг хонасига юборди. У эшикни тақиллатиб аёлни овқатга чақирди. Шунинг баробарида негадир синглимнинг қаттиқ чинқирганини эшитиб қолдик. Шу пайт хонадан аёлнинг у билан бўғишаётгандек овози ҳам эшитиларди.

Хонага кирган пайтимизда синглим Жолибахонимнинг бўйнидаги маржонга ёпишиб олганини кўрдик. Биз бориб ажратгунимизча эса аёл қизнинг юзига бир неча марта шапалоқ уриб улгурди...

– Ўлдираман сени, ҳаромзода! – деганича бор овози билан бақирарди.

Ҳар қанча калтак еса ҳам, синглимнинг жажжи қўллари хотиннинг бўйнидаги маржонга қаттиқ ёпишиб турарди. У ҳеч ортга тисарилмас, нуқул аёлдан устун келмоқчи бўларди.

Отам Насриннинг бурни қонаётганини кўриб Жолибахонимга бақирди:

– Нима қиляпсан?!

Қизни ундан ажратиб олмоқчи эди, аммо у аёлнинг бўйнига маҳкам ёпишгани учун маржон шодаси узилиб кетди. Насрин фақатгина «Ойимнинг... ойимнинг маржони-ку!..» деганича бақириб йиғларди. Тақинчоқ узилиб кетганидан маржон доналари уйнинг ҳар томонига сочилиб

кетди. Жолибахоним эса ҳамон «Ҳароми, сени ўлдираман! Ҳеч ким қўлимдан қутқара олмайди...» деб қичқирарди.

У қизга яна отилмоқчи бўлиб ўрнидан турган эди, бирдан додлаганча ерга ўтириб олди. Оёқяланг бўлгани учун маржон доналаридан бири оёғига кириб кетган эди. Унинг оёғидан энди қон оқа бошлаганди.

Отам қизни Дилбар халфага берганидан кейин менга қараб: «Буларни йиғиштириб ол!» деди. Жолибахоним эса қаердандир қўлига тушиб қолган сочиқни оёғидаги яраланган жойига босар ва тинмасдан:

– Аҳмад, сенга Худо кўрсатсин! – дерди.

– Сенга ҳам кўрсатсин! Сен кичкина бола билан жанжаллашгани уялмадингми? – деди.

– Ўзи менга отилди-ку, бўғиб қўйишига сал қолди-я.

– Аҳвол шундай давом этаверса, сени мен ўзим бўғаман. Насрин яшириб қўйган нарсани олиш сенга нима керак эди? Сен ҳам ҳеч бир инсоний туйғуларни қадрлайсанми ўзи?.. – дерди отам асабийлашиб.

Халфа Насриннинг бурнидан оқаётган қонни тўхтатди. Синглим эса ҳамон «Онамнинг маржон шодаси-ку!..» деганча бақириб йиғларди.

Маржон шодаси!.. Онам уни ҳатто бир марта ҳам бўйнига тақмаган эди. У ҳар доим қачондир ўзининг ҳам маржонли тақинчоғи бўлишини орзу қилар эди. Касал бўлиб ётган пайтида Насрин икковимиз битта маржон, иккита кўзмунчоқ қилиб ипга тизиб чиққан эдик. Онам эса уни менга бериб, тузалганидан кейин албатта тақинчини айтган эди.

Шундай қилиб, дам олиш кундаги тушлик ҳаммамиз учун заҳар бўлди. Уйимиздаги шовқин-

суронга юқори қаватда яшовчи Хайрибей етиб келди. У Жолибахонимнинг оёғига кириб кетган маржонни чиқариб олди. Кейин унинг оёғига бир нарсалар суриб, бинт билан боғлаб қўйди.

Аёлнинг бўйнида тақинчоқдан қолган излар бор эди. Хонасига қамалиб олган хотинга халфа насиҳат оҳангида:

– Келинхоним, менга қара... Ҳушингни бир жойга қўйгин-да, етимларга кўп зулм қилмагин! Ўша сен тақиб олган маржонни Насрин онасидан эсталик сифатида асраб келарди. Уларнинг хонасига ўзи нега кирдинг? Агар тозалагани кирган бўлсанг, аввал ўз ётоғингни саранжомламайсанми? – деди.

Отам Жолибахонимга бир-икки марта дур тақинчоқ олиб берган, у эса шунга ҳам ҳеч шукр қилмас эди. Ҳар доим шу кичкина қизнинг жиғига тегар, ҳадеб унга «Оёғимнинг тагида ўралашавермасанг-чи!..» деб силтарди.

Отамдан бу гал бошқача озорли гап эшитган Жолибахоним қилган ишларидан биринчи марта уялган бўлса керакки, тарбиясизлигини бироз камайтирди. Бошқаларга бас келиш учун кўп ҳам уринмади. Зотан, энди у ишонадиган ҳеч ким йўқ эди. Одамгарчиликдан чиққани учун ундан ҳатто қариндошлари ҳам юз ўгирдилар. Улар бир неча марта отамга телефон қилиб, Жолибахоним уларнинг уйида қолиб анча бетинч қилганини ва ҳатто қарзга пул ҳам олганини айтишибди. Устига-устак Жолибахоним гўзаллик институтидан ҳам қарздор бўлгани учун институт раҳбарига отам:

– Зиғирча ҳам пул тўламайман, шунга қараб ҳаракат қилаверинг, – деди.

Энди гўзаллик институтининг эшиклари ҳам Жолибахоним учун берк эди. Отам эса қасдма-қасдига аёлнинг сартарошдан бўлган қарзларини ҳам тўламаётган эди. Ҳар куни тентираб бориб юрган эшикларининг ҳаммаси юзига ёпилавергани учун энди унинг борадиган жойи ҳам қолмаган эди. Оёғидаги яра унинг бир неча кун қадам босишига йўл қўймади. Бир куни эса «Мени очликдан ўлдирмоқчимисизлар, ноинсофлар?!» деб жанжал қилди.

— Оёғингнинг учида юриб бўлса-да, овқатга келсанг-чи! Энди сенинг хизматингни ошхона қолиб, ётоғингда ҳам қилишимни хоҳлайсанми? Уйнинг ҳамма ишларига мен қарайман-ку, ахир... — дерди Дилбар халфа.

Жолибахоним бўйнидаги шилинган жойларни яшириш учун бир неча кун ўша жойига шарф боғлаб юрди. Оёғидаги яра билан эса ҳеч кимнинг иши бўлмади. У ётган жойида баъзи жойларга тез-тез телефон қиларди. Отам буни билиб қолганидан кейин хонадаги ҳамма телефон симларини узиб ташлади.

Ҳар овқат пайтида Дилбар халфа ўзи истамаган ҳолда Жолибахоним ётган хонанинг эшигини тақиллатиб овқатга чақирарди. Дарвоқе, отам Жолибахонимга қилинадиган харажатни бутунлай тўхтатган эди. Ҳар ойнинг биринчи кунида халфа юз минг лира олиб, аёлнинг хонасига олиб борар ва «Бей афанди қолдирган эди...» деб бериб чиқарди.

Бир-икки ойдан бери эса Жолибахоним негадир «Менга унинг пуллари керакмас!» дер, халфа эса совуққонлик билан «Йўғ-е, шундайми? Пул ташлаб кетса ҳам, олмайди-я...» деб қўярди.

Бу аҳвол уч ой давом этди. Шундан сўнг Жолибахоним:

– Халфа, Аҳмадбей менинг пулимни қолдирмадими? – деб сўрайдиган бўлди.

Уша пулларга у пардоз буюмларини олар, кундалик чекадиган сигаретаси эса уйга қилинадиган харажатдан бўлар эди.

Бир куни кечқурун овқатдан кейин дам олиш хонасида ўтирсак, Жолибахоним хонасидан чиқиб:

– Аҳмадбей, бу аҳволга чек қўйишимиз керак! Ортиқ чидашга асабларим дош бера олмайди, – деди.

– Ажрашмоқчимисан, бемалол?! – деди отам хотиржамлик билан.

– Сен ажрашишни хоҳлайсан, шундайми? Мендан фойдаланиб бўлдинг, энди Айлахонимнинг навбати-а?..

– Агар Айлахонимни кўзлаганимда эди, сени бу уйдан аллақачон ҳайдаган бўлардим, билдингми? Сен ҳаммани ўзингдек ўйламагин! Айлахоним аллақачон турмушга чиқиб, ишдан ҳам бўшаб кетган...

– Ие, мен қаердан билай? Ўшанда у мени совуққина кутиб олганига ўзимча бошқа маъно берибман-да...

– Ўша совуқликни сен яратдинг! Ўзингга ўхшаган ивирсиқ хизматчига қизим Насринни сен урдирдинг. Қизимнинг оғзи-бурнини қонатиб урган ўша кундан бошлаб борлигингдан жирканаман, жирканаман!..

Отамнинг ичи тўлиб кетган экан. Шунинг учунми, Жолибахоним энди гапни ортиқча эшитмаслик учун нариги хонага ўтди.

Бир куни Дилбар халфа Жолибахонимга насиҳатомуз оҳангда гапираётганини эшитиб қолдим. У ҳар бир гапини босиқлик билан дона-дона

қилиб гапирар, зарур жойларда овозини хиёл кўтариб қўярди:

– Жолибахоним!.. Одам борки, ҳаммаси учун энг севимли инсон унинг ОТА-ОНАСИ! Одам ҳатто жони оғриганида ҳам «Онажон!..» дейди-ку, тўғрими? Сиз ўз онасини бир нафас ҳам унутолмайдиган қизча «онам» деб йиғласа, оғзига шиппак билан уриб тинчитаман, деб ўйладингизми?! Одамлардаги ОНАга бўлган МЕҲРни ҳеч ким юракдан чиқариб ташлашга қодир эмас!!! Мабруранинг орқасида қолган фарзандларини сиз бекорга озорладингиз. Сиз дунёдаги энг яхши аёл бўлсангиз ҳам, болалар учун Мабрурахонимнинг ўрнини боса олмайсиз! Эшитишимча, болаларни бағримга оламан, деб бу ерга келган экансиз, шундайми?! Билмайману, лекин сиз ўша аёл бу уй ва кўнгилларда қолдирган изларини йўқотмоқчи бўлдингиз. Эсингиздами, ҳатто бир марта Аҳмадбейга «Менгача бўлган яхши ҳаётингни бурнингдан чиқараман!» деб дағдаға қилишгача бордингиз. Бу тутаётган йўлингиз тўғри эмас, албатта. Бунга Аллоҳ асло рози бўлмайди, Жолиба қизим...

Бу гапларнинг ҳаммаси тўғри эди. Шунинг учун бўлса керак, Жолибахоним энди отамдан ранжимас, унга мутлақо оғиз очмас эди. Уйда омонат одамдек бўлиб қолган Жолибахоним ақли кирганидан эмас, ҳар ҳолда безовталиқдан бўлса керак, ўз хатти-ҳаракатларини ўзгартира бошлади.

Бир пайтлар отамга нон кестириб, салат қилдирган Жолибахоним энди овқатдан олдин ошхонага ўзи кирарди. Қўлларини яхшилаб ювганидан сўнг дастурхон тузар, Дилбар халфанинг

майда-чуйда ишларига яқиндан ёрдам берарди.

Маржон туфайли бўлган оёғидаги яра эса бир ойда тузалиб кетди. Аввалги жоҳил пайтларида уйга қилинадиган сарф-харажатдан чегириб, банкка ўтказган пулларини ҳам батамом тугатиб бўлган экан.

Унга энди аслида пулнинг кераги ҳам йўқ эди. Отам қизиқмаганига яраша Дилбар халфа:

– Жолибахоним, ўзи ҳар замонда кўчага чиқасиз. Бу юпқа кийимда яна касал бўлиб қолманг, деб қўрқаман. Пўстинингизни қаерга қўйгансиз, олиб чиқайми? – деб сўради.

Жолибахоним эса қип-қизариб:

– Сотдим... Бир қариндошимга сотиб юборгандим... – деди.

Ҳа, у ниҳоятда чиройли сумкаси, соябони, свитер ва кофтасини у ер-бу ерда «унутиб қолдирган» ёки сотган эди.

Жолибахоним энди меҳмонхонага киришни истамасди. Негаки, уйнинг деворидаги ойнаванд расмда онамиз унга йиғлагудек қараб турарди.

НАДОМАТ

Мен синфдан синфга кўчган пайтимда отам каттагина бир бўлимнинг бошлиғи бўлиб, обрўси янада ортган эди. Энди чарчаб қолмаслик учун отам уйга машинасида келиб-кетарди.

Синглим эса бошланғич мактабнинг учинчи синфида ўқирди. Насрин жуда нозик, ақлли ва ҳаракатчан қиз бўлганди. Уйимизнинг ичида Жолибахонимга ҳеч бир иш ё зарурат сезилмагани

учун аёл жуда ёмон аҳволда қолган эди. Бизни ёқтирмагани учун ҳеч биримиз билан гаплашмасди. Зеро, отамиздан айрим маънода айрилишига у фақат бизнигина айбларди-да.

Дилбар халфа эса одобу назокатни бузмасдан ҳар замонда ўзига ёрдамлашмоқчи бўлган Жолибахонимга ўринли насиҳат қиларди. Бош ошпаз доим ҳўмрайиб юрадиган кекса киши бўлгани учун Жолибахоним билан гаплашадиган одам фақатгина халфа эди, холос.

Аёл ора-сира хонасига кириб олганича узоқ йиғлар, отам эса ундан кўзлари нима учун қизарганини ҳеч сўрамасди.

Дам олиш кунларида ҳам отам қандайдир мажлис ё иш деб чиқиб кетар эди. Шундай пайтларда овқатланиш хонасида ўтириб олган халфа ва Жолибахоним икковининг суҳбати эшитилиб қоларди. Жолибахоним кўзларидан дув-дув ёш оқизиб йиғлаганча:

– Халфахоним, жонимдан тўйиб кетдим. Ўлиб қутула қолсам дейман... – дерди у.

– Жолибахоним!.. Қизим, агар сизнинг ўрнингизда бошқа аёл бўлса, шу ҳаётга ақалли бир мартагина бўлса ҳам, шукр қиларди, – деб уни йўлга соларди.

– Ҳаётимда изтиробу азобдан бошқа нима бор?

– Сизга шундай туюлади-да, нимангиз кам?!

– Бир бурчакдаги ташландиқдек қолдим, назаримда...

– Жолибахоним, сиз одамларда бор бўлган туйғуларни унутяпсиз. Ҳамма одам ҳурмат қилиб «бей афанди» деб чақирадиган эрингизни сиз шофёрларга бўладиган оҳангда чақирдингиз.

Сиздан ўн ёш катта бўлган эркакка бундай муомала қилиш фақатгина кеккайиш, холос. Оддийгина чақиришни ҳам самимият билан қилишингиз керак, албатта. Сиз нима қилдингиз? Сиз эса оёғингиздаги туфлини чиқариб девордаги расмга отдингиз, кейин эса... Кейин эрингизга, ҳа, эрингизга «Аҳмад, туфлигимни олиб кел!» деб қичқиришингиз нимаси?

– Биламан, халфа, ўша жойда хато қилдим.

– Бу ҳам етмагандек, болаларни тор хонага тиқиб қўйганингиз, онасининг деворда осиглиқ турган расмини синдиришингиз тўғрими? Ҳамон «онам» деб фарёд қилаётган етим қизни овутишни эси паст хизматчингиздан истаманг эди... Боланинг оғзи-бурнини қонатишингиз, сизнингча, тўғри бўлдими?

– Халфа, бу уйга мен келин бўлиб келдим.

– Шундай-ку, аммо қилган ишингиз яхши бўлмади, Жолибахоним. Онасини йўқотган қизни қучоғингизга олиб, бошини силашингиз керак эди. Аҳмадбей куйган одам, у ҳам қизига етимлик азобини ҳис қилдирмасликни истарди. Сиз эса бу ишни бир муддат, тўғрироғи, унга турмушга чиққунингизча қилдингиз, шундайми?

– Халфа, энди менинг ҳеч бир ҳаққим йўқми?

– Ҳаққингизни сиз ё мен эмас, Аллоҳ билади, Жолибахоним... Ўшанда Мабрурахонимнинг ёнига Басима холангизни жўнатганингизда у ҳам илтимос қилган эди. Шундай қилиб, Аҳмадбей сизни банкқа ишга олди. Ҳа... сиз банкда иш учун эмас, Аҳмадбейни қўлга олиш учун ишладингиз!

– Ахир, мен ҳам бошқа одамлардек яшашни истайман, халфахоним.

– Ҳа, бунга ҳамманинг ҳақи бор, албатта. Аммо

инсон баъзида ҳақи бўлмаган айрим нарсалар учун ҳаракат қилмаслиги ҳам керак-да. Хўш, нима учун икки марта унаштирилдингизу, улардан бири билан турмуш қилмадингиз? Негаки, сизнинг ичингизда бойликка бўлган ҳирс кучли эди-да. Бунга эса Аҳмадбей орқали эришиб, шоҳона ҳаёт кечирмоқчи бўлдингиз. Сиз камбағалгина оиланинг қизи бўлганингиз учун бундай ҳашаматли, тўкис ҳаётни ҳам ҳазм эта олмадингиз. Бу орада эса Аҳмадбейни ўзингизга бўйсундирмоқчи бўлдингиз. Авваллари Аҳмадбей эшикдан кириб келган пайтларида Мабрурахоннинг инграшларини эшитар, мен эса уни очик юз билан кутиб олардим.

– Ҳа, шунақа, буни биламан.

– Лекин... сизнинг ўша кулгингиз - ҳаммаси юзаки эди. Ота-болаларни гаплаштирмай қўйдингиз ва ҳатто уларга дастурхондан жой бермадингиз-а?! Ақлли-ҳушли Аҳмадбейдек одамни болаларидан айирдингиз. Қизариб пишган ноннинг устига хизматчингиз сариёғ ва мураббо суриб ерди, болалар-чи? Улар отаси ўтирган дастурхонда ўтирмаганлари учун нима еганларини ҳам ҳеч ким билмасди. Хизматчингиз эса ўзининг идишига беш-олти дона қанд солиб чой ичар, кейин ўша идишга чой қуйиб ака-сингилга узатар ва «Сенларга шу ҳам бўлаверади...» дерди. Мана шуларни сиз билмасмидингиз?! Сиздан ибрат олган, сиз қўллаб-қувватлаган ўша тарбиясиз Фатош болаларнинг кўзини ўйгудек бўлиб, қўлидан келган ҳамма нарсани қилар эди. Шунинг орасида уйга қилинадиган сарф-харажатлардан орттирган пулингизни банкка, яъни холагизнинг номига ўтказганингизни ҳам унутманг! Мабрурахонимда

озодалик ва талабчанлик бор эди. Мен унинг бирор марта ҳам соч турмаклаш учун сартарошхонага борганини ёки тирноқ ўстирганини кўрмаганман.

– Халфа, ҳозир дунё ўзгарди-ку...

– Дунё ўзгараверади, аммо тарбия ва озодалик доим бирдай тураверади. Инсонда ўзи лойиқ бўлган мавқе мавжуд, албатта. Шунинг учун ҳамма ўзига муносиб ишни қилиши керак, менимча.

– Сиз мени Аҳмадбейга муносиб кўрмайсизми?

– Аҳмадбей сизни никоҳлаб олганига кўра, демак, у сизни ўзига муносиб билган. Лекин сиз уни фарзандлари орасидан чиқариш ва уччовининг кўнглидаги сизгача бўлган бахтли хотираларни ҳам йўқотиш пайида бўлдингиз...

– Халфахоним, энди айтинг... у мени бу уйдан чиқариб юборсин!

– Мен бундай ниятда эмасман, Жолибахоним. Сизнинг аҳволингиз ночорлигини мен ҳеч кўрмаяпман. Сигаретингиз олиняпти, сарф-харажатингиз бор. Худога шукрки, ҳамма тансиқ таомлар олдингизга келиб турибди.

– Эгнимда киядиган пўстиним йўқ-ку...

– Ие, йўқ бўлади-да, чунки Мабрурахонимнинг ҳамма кийимларига қўл уриб бўлдингиз-ку. Ҳар куни улардан бирини кийиб Аҳмадбейнинг қаршисига чиқдингиз. Шошманг, нега, сизга ҳам бир пўстин олганди-ку, уни нима қилдингиз? Аслида болаларнинг кўз ўнгида онасига тегишли кийимларни кийишингиз ўринлимиди? Болалар ҳам бундан, албатта, хафа бўлишарди, сиз эса буни кўролмасликдан деб ўйлардингиз.

– Шундай денг...

– Жолибахоним, мен бир нарсага ҳеч тушуна

олмайман. Эрингиз бир нарсa сўраса, ўзингиз тузукроқ жавоб бермайсизу, аммо ундан илтифот кутасиз! Агар аҳвол шундай давом этаверса, Аҳмадбей ҳам фарзандларининг келажагини ўйлашга мажбур бўлади, менимча...

– Яъни... мендан кечиб, бошқасига уйланадими?

– Билмайман, Жолибахоним.

Мен бундай суҳбатларга бир-икки гувоҳ бўлгандим. Кейинги пайтларда Жолибахонимни чуқур надомат ичида кўрардим. Негаки, бундай яхши даражада яшашга лойиқ хотин бўлмагани учун ҳар нарсадан хавфсираётгандек юрарди.

Отам дам олиш кунлари агар бирор жойга бормаса, қўлига бир китоб ёки газетани олганча соатлаб ўқиб ўтирарди. Баъзан эса икки соат ухлаб оларди. Ҳа, у касал хотинининг тузалиши учун қўлидан келган ҳамма ишларни қилди, неча-неча ойларни бесаранжом ўтказган эди... Шунинг учун энди сал ўз жонига ором бериши, аввалги ҳаётига қайтиши айбга буюрилмайдиган нарсa эди, албатта.

Энди батамом ёлғиз қолган Жолибахоним ҳамон отамдан илтифот кутар, шунинг учун эшикдан киришига рухсат беришини жудаям орзу қиларди.

– Болам, нега емаяпсан? Қарагин, отанг хафа бўляпти, – дерди у бизга.

Аммо Жолибахонимнинг орзусидаги нарсалар амалга ошмади. Хотин кута-кута афсус-надомат билан ўзини кераксиз буюмдек ҳис қилди. Овқат пайтида Жолибахоним Насринни бир-икки марта ейишга ундади. Қиз эса бу ҳолатга кўникмагани учун фақатгина «Еяпман...» дерди, холос.

Жолибахоним ҳатто бир куни Ҳусайн оғиназга «Туморга ўхшаган кичкина-кичкина сомсаларни

қизартириб пиширинг! Шунақасини Аҳмадбей афанди жудаям яхши кўради-да...» деб илтимос қилибди. Аёлдаги ўзгаришни ҳаммамиз кўриб турардик. Ошпазимиз Ҳусайн афанди узоқ вақт ресторанлар ва банкда ишлаб, бир қанча шогирдлар етиштиргани учун овқат пиширишга ниҳоятда уста эди.

Баъзан отам дастурхондан туриб, ошхона эшигини очарди-да:

– Уста, сомсалар жуда ширин бўлибди, қўлингиз дард кўрмасин! – деб ҳар бир овқати учун миннатдорчилик билдирарди. Кекса ошпаз эса бундан жуда ҳузурланарди. У масаллиқлар танлаш борасида ҳам уста бўлиб, кимда қандай нарсa яхши бўлишини халфага тайинларди. Дилбар халфа ҳам у тайинлаган одамлардан ҳамма озиқ-овқатларни олиб келарди.

Ошпаз Ҳусайн бир куни сабзавот сотувчи ҳамшаҳрининг ёнига бориб, ундан анчагина узум сотиб олибди. Жуда хушбўй ва ширин узум олиб келгани учун отам ошпазга раҳмат айтди. Шунда халфа:

– Бу узумни Мабрурахоним ҳам жуда севарди, – деди.

Шу пайт кутилмаганда Жолибахоним негадир:

– Нур ичида ётсин, илоҳим!.. Доим мен уни шу уйнинг ичида ҳис қиламан, – деб юборди.

– Отасидан Мабрурага мерос қолган уй эди бу... Агар деворлари кўчса ёки бирор ери бузилиб қолса, жуда хафа бўлар эди.

Халфа баъзан Қуръон ўқир, жойнамоz устидан турмасидан аввал бизни дуо қиларди. Дуо орасида у: «Ё Раббий, Мабрура қўлингнинг ҳам руҳини шод қилгин!» деб қўярди.

Баъзан эшикбон йўқлигидан фойдаланиб, эшик тақиллатган тиланчи ёрдам сўрарди. Агар юқори қаватдагилардан кимдир уни бақариб ҳайдагани эшитилса, қувилган тиланчини халфа дарров тўхтатиб: «Шошмай тур, мана буни ол! Шу уйнинг хоними ҳаққига дуо қилгин...» дерди. Агар қўшниларимиздан айримлари пул берса ҳам, эски ва жуда ҳилвираб кетганидан беришар, халфахоним эса тиланчига яп-янги пул берарди.

Энди дастурхон атрофида Дилбар халфа ҳам биз билан бирга овқатланарди. Баъзан ўрнидан туриб зарурат сезилган нарсани олар, кейин яна қайтиб жойига ўтирарди.

АЙРИЛИҚ

Ўша куни арафа бўлиб, отам барвақт турган эди. Нонушта пайтида у бизга бирма-бир қараб олгач, сиполик билан:

– Болалар!.. Ҳайит байраמידан аввал мазорга бориб, ўтганларни зиёрат қилиш лозим. Бугунгача сиз онангизнинг қабрига бирор марта бора олмадингиз, – деди.

Биз бундан хафамидик ё хурсандмидик, билмадиму, аммо дарҳол ҳозирландик. Отам эса халфага «Сиз ҳам боринг!..» деди.

– Аллоҳ сиздан рози бўлсин, бей афанди. Мен ҳам сиздан шуни илтимос қилмоқчи эдим. Мабрурахонимни тез-тез тушимда кўраман, – деди аёл бечора.

Бирданига Жолибахоним ҳам тайёргарлик кўра бошлади ва:

– Аҳмадбей, агар сизга ноқулай бўлмаса... майлими, мен ҳам борсам... – деди у.

Отам ҳайит куни бўлгани учун унинг бу истагига «йўқ» дея олмади.

Ёз мавсуми бўлгани учун ҳаво жуда иссиқ эди. Отам Ҳусайн ошпазга овқатлар ҳақида тушунтирганидан сўнг кечга қолиб кетмаслигини ҳам уқтирди.

Беш киши йўлга чиқдик. Зиналардан пастга тушиб, ҳаммамиз машинага миндик. Мен дарров отамнинг ёнига ўтирдим. Орқа тарафда эса Дилбар халфа бир ёнига Насринни, бир ёнига эса Жолибахонимни олиб ўтирарди.

Шунча пайтгача синглим ва мен ҳеч мазорга бормаган эдик. Шундан бўлса керак, жудаям ҳаяжонда эдим. Орқа тарафимиздагиларнинг бирортаси ҳам ҳеч гапирмасди. Фақатгина халфахонимнинг сезилар-сезилмас овозда «Бисмилло» айтиб, пичирлаб дуолар қилаётгани эшитиларди.

Қабристон жуда узоқда экан. Атрофи деворлар билан ўралган бу жойга машина кирмас эди. Каттакон дарвозанинг икки ёнида гул сотувчи аёллар бор эди.

Отам ҳамёнидан пул олиб, турли рангдаги чиннигуллар олди. Ҳаммамизга биттадан кичкина гулдасталар бериб чиқди. Жолибахоним ҳам сумкасидаги пулни олиб қирмизи, сариқ ва қизғиш-сариқ гуллардан олди. Кейин ҳаммамиз отамнинг ортидан тартиб билан юриб кетдик. Қабрлар орасидан юриб борарканмиз, ҳамма жойда ердан кўтарилган мрамар ёдгорликларни кўриб ўтардик. Ўша мрамартошларнинг юқори ва пастки қисмларида ўйма ёзувлар бор эди. Отам юратуриб:

– Бу ерда онангиз ва бобо-бувингизнинг қабрлари бор. Менинг ҳам ота-онам ва бобом вафот этганлар, у ёққа ҳам бир куни сизларни олиб бораман, – деди.

Усти ва атрофлари ҳам оқ мрамар билан қопланган бир-бирига ўхшаш қабрларнинг ўртасида ям-яшил чим бор эди. Бу худди майитларнинг устига ёпилган кўрпадек эди...

Отам қабрнинг бош томонидаги, яъни онамнинг исми ёзилган мрамартошга ўзи олган гуллардан бир нечтасини қўйди ва:

– Мабрура, мен келдим... Фарзандларимиз, Дилбар халфа ҳам шу ерда... – деди.

У шундай дегач, нарироқдаги иккита мрамартошнинг устига ҳам гуллардан қўйди-да, қўлларини очганча дуолар ўқий бошлади.

Биз ҳам қўлимиздаги гуллардан ҳар бир қабртошга алоҳида қўйиб чиқдик. Дуолар ўқиганимиздан сўнг онамизнинг қабри бошига келдик. Атрофда ўтганларни зиёрат қилишга келган одамлар жуда кўп эди. Нарироқдаги қабр ёнида эса бир домла баланд овоз билан Қуръон ўқир эди. Халфа ҳам икки қўлини кўкси баробарида тутиб дуо қилгач, у ҳам бизнинг ёнимизга келди.

Ёнида турган аёлга қараб секингина:

– Жолиба қизим, бошингизга ўраб олинг!.. – деди.

Уйдан чиқаётган пайтимизда шуни ўйлаган, шекилли, дарров сумкасидан бир рўмол олиб, халфанинг айтганини қилди. Кейин қўлидаги гулларни қабрнинг бош қисмига қўйди-да, Дилбар халфанинг ёнига келиб турди.

Дилбар халфа бизга қараб:

– Сизлар дуо ўқишни ҳали билмаганингиз учун

мен тез-тез ўқийман, сизлар эса сўзма-сўз такрорлайсиз, – деб уқтирди.

Ака-сингил ва Жолибахоним қўлларимизни очдик. Халфа сўзма-сўз ўқиб бизнинг такрорлашимизни кутар, кейин яна ўқишда давом этарди. Жолибахоним ҳам бу дуоларни билмагани учун биз билан бирга такрорларди. Бу пайтда эса отам биздан нарироқда қабристон қоровули билан нималарнидир гаплашиб, қўлига пул бераётганди. У Жолибахонимнинг бошида рўмол ўроғлиқ эканини ва қўлларини осмонга кўтариб халфа ўқиётган дуоларни такрорлаётганини кўрди.

Жолибахоним дуо ўқиб, юзига фотиҳа тортганидан кейин:

– Мабрурахоним, қабрингиз нурга тўлсин! Мен... жоҳиллик билан қилган хатоларимни авф этинг! – деди.

Бу хотинга нима бўлган эди, билмайман. У негадир ҳўнграб йиғлаганича бошидаги рўмолининг учи билан ҳадеб кўз ёшларини артарди.

Қабристонга бўлган зиёратимиз шу тахлитда яқунланди. Синглимнинг кўзлари йиғидан қизариб кетган эди. Отам қабр томонга қараб:

– Мабрура, сени Худога топширдим! Қачондир биз ҳам шу ерга келамиз, сени ҳечам унутганимиз йўқ... – деди.

Отамнинг сўзларини эшитган Насрин:

– Аллоҳга топширдик, ойижон! Биз сизнинг ёнингизга яна келамиз, – деб қўйди.

Бу зиёратни тугатганимиздан кейин яна одатдагидек отамнинг ортидан юрганча қабристонни тарк этдик. Аввал отам, орқасида синглим билан мен, биздан кейин эса халфа билан Жолибахоним келардик.

Бир-икки марта орқа тарафга бошимни ўгириб қарадим. Пастки қисмлари яшилликка бурканган ёдгорликларнинг қад ростлаб туриши худди яшил қийган дарвешларга ўхшаб кетарди.

Жолибахоним ҳалиям бошидаги рўмолини ечмаган эди. Мен яна аввалгидек отамнинг ёнига ўтирдим, улар эса орқага жойлашишди. Йўлда кетиб борарканмиз, халфа Жолибахонимга айрим нарсаларни тушунтира кетди:

– Мабрурахонимнинг ота-онаси жуда яхши одамлар эди. Аҳмадбейнинг оиласи билан аввалдан таниш эдилар. Улар биз ҳозир яшаб турган кўп қаватли уйдаги ўша хонадонда умр кечиришди. Мен уларнинг ёнига борганимда ҳали тажрибасиз, оддий бир хизматчи эдим. Уларга овқат тайёрлаб, хизматларининг барчасини қилардим.

Улар мени бир кичкинагина уйи бор одамга турмушга бердилар. У одам жуда яхши бей афанди эди, аммо умри қисқа экан. У вафот қилганидан кейин яна ўша кўп қаватли уйга қайтиб бордим.

Уйни Мабрурахонимга мерос қилиб қолдиришган, Аҳмадбей эса ичкуёв бўлиб келган эди. Улар умрларининг охиригача куёвларидан миннатдор бўлиб ўтишди.

Суҳбат шу ерга етганида отам:

– Уй ёлғиз эмас-ку, ошпаз бор. Шунинг учун йўлни ўзгартириб, биров дам олайлик. Кейин... келадиганлар билан овора бўлиб, уйда қолиб кетишимиз мумкин, тўғрими? – деб қолди.

Унинг истаги билан Бўғознинг орқа тарафига қараб юрдик. Баъзи жойларда машинани тўхтатган отам бизни мавжлари ўзгача гўзаллик кашф этган кўм-кўк денгиз соҳилида айлантирди.

Бир пайтлар отам уйимиз остидаги дўконни сотиб олиб, зарур ерларини тузатган ва машинаси учун гараж қилиб олган эди. Уйга келганимиздан сўнг отам машинасини ўша жойга қўйди. Кейин икковимиз секин-секин юқорига чиқдик. Халфа эса Жолибахоним билан биргаликда дарров дастурхон тузадилар.

Вақт алламаҳал бўлиб қолган эди. Биз ҳаммамиз қўлларимизни ювганимиздан сўнг дастурхонга ўтирдик. Ошпаз Ҳусайн жуда мазали қилиб қовурдоқ қилган экан. Бундан ташқари, зайтун ёғига қовурилиб, ловия солинган хушхўр палов ҳам тайёрлаганди. Овқатни бир оғиз ҳам гап гапирмасдан ҳаммамиз жим ўтириб едик.

Отам ошпазга ҳайит кунлари келадиган меҳмонларга қилинадиган айрим овқатларни буюрганидан кейин биз умумий хонамизга чиқиб кетдик. Бир-икки кун аввал халфа бизни бозорга олиб борганди. Насрин билан мен у ердан турли кийим-кечак ва пойафзаллар олган эдик. Уйга келганимиздан кейин халфа Жолибахонимга «Қизим, сиз ҳам ўзингизга бирор нарсалар олинг!» деса, аёл унга жавобан «Соғ бўлинг, халфахоним. Камчилигим йўқ...» деди. Ўша кечаси биз барвақт ётдик...

Ёз таътили бўлгани учун ўқишимиз ҳали бошланмаган эди. Биз иккимиз синфдан синфга кўчганимиз учун ўқув йилига яхшилаб тайёргарлик кўрардик.

Ҳайит кунларида уйимизга отамнинг банкдаги дўстлари ва бошқа банк бошлиқлари келишди. Биринчи кун улар кечгача ўтиришса-да, Жолибахоним уларнинг олдига ҳеч чиқмади.

Кечки овқатни еб бўлганимиздан кейин Жолибахоним отамга:

– Аҳмадбей, илтимос, хонангизда ётинг! Бу диваннинг устида ноқулай бўляпсиз... – деди.

Отам хотинининг таклифни рад қилмади. Иккови бараварига бизга хайрли тун тилаганча хоналарига кириб кетди.

Эрталаб биз ўрнимиздан турганимизда отам аллақачон ишга кетган эди. Жолибахоним эса одатдагидек халфага у-бу ишларида ёрдам бераётганди. Кейин у ўзининг хонасига кириб кетди.

Ўша оқшом отам дам олиш хонасида ўтирган пайтида Жолибахоним унга қараб:

– Аҳмадбей, сиздан бир илтимосим бор, – деди.

Отам ўқиётган газетасини юзидан тушириб:

– Марҳамат! – деди.

– Аҳмадбей, мен... ажрашмоқчиман... – деди.

– Нима мажбур қилди, қийналяпсанми?

– Йўқ, Аҳмадбей... қийналаётганим йўғ-у, аммо кўнглим азобда. Насрин доим менга шубҳали қарайди, Жамил ҳам синглисига қилганларимни ҳеч унута олмаяпти. Агар ажрашсак... ҳаммамиз учун ҳам яхши бўлади...

– Нима шарт билан ажрашишни истайсан?

– Ҳеч қандай шартим йўқ!

– Бошқа жойга кетмоқчимисан?

– Аҳмадбей... холамнинг уйи бўш турибди-ку, ўша ерга кўчиб ўтаман.

Жолибахонимнинг бу таклифи ҳаммамизни ҳайрон қилиб қўйган эди. Отам аёлнинг истагини бажаришга кўнди...

ЖОЛИБАХОНИМНИНГ ҚАРОРИ

Бир куни уйдан икковлари бирга чиқишди. Орадан анча вақт ўтиб, негадир Жолибахонимнинг ўзи қайтди. Тушлик овқат пайтида у:

– Халфахоним, биз ажрашдик... – деди халфага.

Биринчи марта бундай воқеага дуч келганимиз учунми, биз бунинг нима эканини билолмасдик.

Ўша куни оқшомда отам уйга келди. Кечки овқат пайтида Жолибахонимга:

– Қарорнинг узил-кесил ҳал бўлишига ўн беш кунлик муддат бор. Агар томонлардан бири қарорга рози бўлмаса, қайтадан иш кўриларкан, – деди.

– Мен ҳеч нарсага қаршилиқ қилмайман... – жавоб берди аёл.

Шундай қилиб, орадан кунлар ўтди. Айтилган икки ҳафта тугаганидан сўнг бир куни кечқурун отам уйга қўлида қоғоз билан кириб келди. Овқатланиб бўлганимиздан сўнг дам олиш хонасида ўтирсак, отам ўша қоғозни Жолибахонимга берди.

– Суд қарори тайин бўлди, мана ўқи! – деди у аёлга.

Жолибахоним қоғоздаги ёзувларни ўқиди, кейин бирданига:

– Мен сиздан пул талаб қилмадим-ку, бу беш миллионлик бадални нега беряпсиз?! – деди.

– Яхшими-ёмонми, ҳар ҳолда турмуш қилдик. Борадиган жойинг тайин бўлса ҳам, нима билан тирикчилик қиласан?

– Бу... менинг муаммоим, сизга айтяпман-ку, пала-партиш бўлса ҳам, холамнинг уйи бор. Ўша

жойга борганимдан кейин тирикчилик қилишим учун бирор иш топарман. Ҳозирча қўлимда дастмоя бўлмагани учун бу сахийлигингиздан фойдаланаман, албатта.

Эртаси куни отам барвақт ишга кетди. Жолибахоним эса нонуштага келиб ўтирди. Аёл негадир ҳорғин ва хафа кўринарди. Нонушта қилиб бўлганидан кейин у халфага қараб:

– Халфaxonим, кийимларим солинган жомадонни олмоқчи эдим, – деди.

– Ўзингизники-ку, ахир, олаверинг! – жавоб берди у.

Аёл хонасига кириб кетди-да, бироздан сўнг қўлида жомадони билан қайтиб чиқди. Унинг кўзлари йиғидан жуда қизариб кетган эди. Буни кўриб ўзича тушунган халфа ялинганнамо гапирди:

– Шу ерда яшайверсангиз ҳам бўлади-ку!

Лекин Жолибахоним қолмади, қололмас эди... У аввал халфанинг, кейин синглимнинг қўлларини ушлаб ўпиб қўйди.

– Насрин, мени кечиргин! Мен... кўп нотўғри ишлар қилдим! Шундай ҳаёт ва сизларнинг қадрингизга етмадим... – деди у кўз ёшларини артиб.

У энди мен билан қўл сиқишди.

– Аллоҳ сизларга хотиржамлик берсин! – деди.

Шу пайт Насрин хонасига кириб кетиб, дастрўмолга ўроғлиқ бир нарсани келтирди-да, уни Жолибахонимга берди. Аёл ҳам синглим берган нарсани очмасдан дарров чўнтагига солиб қўйди. Шунинг учун биз унинг нима эканини билолмасдан қолавердик.

Биз уйимиздан ҳозиргина чиқиб, ҳув анави ерда машина кутаётган Жолибахонимга деразадан қараб

турардик. У жомадонини ерга қўйиб қўйган, биз томонга эса мутлақо қарамас эди. У бироздан сўнг ёнига келиб тўхтаган машинага минганча биздан узоқлашди.

Ўша куни кечқурун одатдагидек отам уйга кириб келди. Овқатланаётган пайтимизда Жолибахонимнинг ўрни бўш қолди. Дилбар халфа отамга Жолибахонимнинг салом айтганини ҳисобга олмаганда, ҳаммамиз гапирмасдан овқатландик.

Ҳар куни кечқурун доимгидек дам олиш хонамизда телевизор кўриб ўтирдик. Ўқиш бошланишига эса ҳали вақт бор эди. Орадан кунлар ва ҳафталар ўтди. Жолибахоним келмади, биз ҳам ундан ҳеч хабар олмадик.

Мактаб бошланмасидан аввал Қурбон ҳайити келди. Отам ошпазга пул бериб, жонлиқ келтирганди. Арафа куни ўша қўй Мабрурахоним учун қурбонлик қилинди. Гўштлар ошхонага келтирилгач, отам:

– Халфа, сиз манави гўштлардан қўшниларга тарқатинг! Мен эса болалар билан қабристонга бориб келаман... – деди.

– Бош устига, Аҳмадбей, – жавоб берди у.

Биз отам билан машинага ўтириб қабристонга кетдик. Насрин халфадан бир рўмол олган экан, дарров ўшани бошига ўраб олди. У бошланғич мактабнинг охирги синфида ўқирди. Энди у анча катта бўлиб қолган, қадди нозик, хушмуомалали бир қиз бўлганди.

Қабристон дарвозаси олдидан сотиб олинган гулларни олганча отамнинг ортидан эргашдик. Қабристон қоровули ҳар тарафни тозалаб, бегона ўтларни юлиб юарди.

Онамизнинг қабри олдига борганимизда

ёдгорлик устига қўйилган саватдаги сариқ, сарғимзир-қизғиш ва қирмизи гулларни кўрдик. Ёнимизга келган қоровулдан отам дарҳол «Бу гулларни у ерга ким қўйди?!» деб сўраган эди, у «Ўтган ҳайитда сизлар билан бирга келган аёл келтирган эди...» деб жавоб берди.

Синглим биздан аввалроқ гулларнинг ёнига бориб, қўлидаги гулдастасини қўйди-да, бирданига «Дадажон, бу ёққа қаранг!» деб қичқириб юборди. Унинг қўлидаги гуллар остида... маржон шодаси кўриниб турарди!

Буни Жолибахоним қолдиргани аниқ эди, албатта. Демак, Насрин унга берган маржон шодасини Жолибахоним асл эгасига олиб келган эди.

Синглим қўлидаги оралари дуру марварид билан безатилган маржон шодасини бизга кўрсатиб турар, юзларига эса марвариддек мусаффо кўз ёшлари оқиб тушарди...

ҚҰЛСИЗ ҚҰҒИРЧОҚ

Детектив қисса

ЗИЁРАТ

Тонг отди. Шунга қарамасдан кенг меҳмонхонанинг қалин пардалари зич ёпилгани учун хонадаги чироқ уйга қоронғулик солиб турарди.

Дори-дармон ҳиди келиб турган уйнинг бир бурчагида қувватсиз кўринган Ведатбей ўтирар, олдида турган стакандаги сутга истамайгина қараб қўярди.

Ташқаридан тез-тез ташланаётган қадам товушлари эшитилди. Эшик тақиллаганидан кейин очилди-да, ичкарига чамаси йигирма беш ёшлардаги ҳамшира кирди. Унинг эғнида оқ халати ва бошида махсус шапкаси, бўйнида эса осиялиқ асбоби бор эди.

Салма хоним асабийлашиб ўрнидан турди. Ташқарида Мужгон гуноҳкор одамдек қўлларини қовуштириб турарди.

Ведатбей бошини оғир кўтарди. Ҳамширага қараркан, неча ойлардан бери бу хонага биринчи марта бегона одам кириб келгани ёдига тушди.

– Кимсиз, нима истайсиз? – деди.

Унинг аҳволи оғир бўлгани учун яхши гапиролмасди. Ҳамшира унга қараб юраркан:

– Ведатбей сизмисиз? – деди.

Салма хоним:

– Ҳамшира! – деди-ю қизга "Биз сизни чақирмаган эдик. Отам юборган бўлса, бироз одоб билан келишингиз керакмиди?" маъносида қараб қўйди.

Ҳамшира:

– Менинг исмим Вадиа. Ҳокимият касалхонасидаги ҳамшираларданман. Ўлим тўшагида ётган беморнинг

сўнгги орзусини бажо қилиш учун келдим. Бировдан рухсат олишга улгурмадим, бунга эҳтиёжим ҳам йўқ.

Салма хоним:

– Амаким бетоблар, – деб ҳамширага қараб қўйди. Унинг бу қарашидан "Унга бундай сўзларни айтиш мумкин эмас!" маъносини уқиб олса бўларди...

Вадиа хоним:

– Амакингиздан ҳам баттарроқ аҳволда касал бўлиб ётган аёлнинг илтимоси билан келдим. Дарди оғир бўлган бу аёл ўз қизи Гулчинни сўнгги марта кўргиси келяпти, – деди.

Ведатбей:

– Гулчин онасининг ёнида-ку, ҳамшира, – деди.

Унинг бу гапини эшитиб ҳамшира сумкасидан қороз чиқарди-да, Ведатбейнинг олдидаги столга қўйди:

– Марҳамат қилиб ўқисангиз.

Шундан кейин ўзини бемалол тутганча юриб борди-да, пардаларни тортиб ойнани очди.

Салма хоним ўрнидан туриб:

– Эсингизни еганмисиз? Нима қиялпсиз, амаким касаллар-ку, – деди.

Вадиа хоним:

– Дори-дармон ҳиди уфуриб ётган бу ҳавосиз қоронғуликда ҳамма касал бўлади-да, – деди.

– Ҳамшира, бизга шифокор айтганди...

– Ҳеч бир табиб ва шифокор касални қоронғуликда яшашга мажбур этолмайди.

Ичкарига ёқимли куз ҳавоси урилди. Парда майин чайқалиб турарди.

Ведатбей:

– Салма хоним, шуни ўқигин! – деди.

Салма хоним қорозга қўл узатаёганда ҳамшира:

– Сизни кутишга вақтим йўқ, – деди-да, қоғозни олиб дона-дона қилиб ўқий бошлади: "Ведатбей! Бу... ажал қўлида турган дардманд аёлнинг сўнгги орзусидир. Гулчин – сизнинг қизингиз. Уни Ускудардаги уйда қолдирибсиз. Мен ўзимга қилинган ноҳақликларни кечираман. Аммо шу билан бирга Гулчинга яхши қарашингизни ҳам истайман. Уни сўнгги марта кўргим келяпти..."

Ведатбей ва Салма хоним жим турардилар. Ҳамшира:

– Қизингизнинг Гузин хоним ёнида эканини айтган экансиз. Лекин Фаросат халфанинг олдида қолганига нега бепарво бўлдингиз?... – деди.

Ведатбей:

– Шундайми, Салма хоним? – деб сўради.

– Йўқ, менинг бундан хабарим йўқ...

Вадиа хоним:

– Фаросат халфа қўлининг устки қисмида юрак устига урилган ханжар расми бор бир одам келиб, таксида олиб кетганини айтган экан, – деди.

Ведатбей:

– Холид бўлиши керак, – деди.

Ҳамшира:

– Гузин хоним ҳокимият касалхонасидаги онкология бўлимида ётибди. Навбатчилик кунимда у менга ўзига нисбатан бўлган ноҳақликларнинг ҳаммасини айтиб берди. Унинг илтимосини ерда қолдиролмай, бу ерга келдим. Бу бечора аёлни балки сақлаб қолиш мумкиндир, – деб гапирди.

Шу орада Ведатбей стол ўртасида турган кичкина қоғоз қутидаги ўроғлиқ нарсани олди. Унинг ичида оқ кукун бор эди. У бармоғини ўша кукунга ботириб ҳидларди. Ҳамшира Ведатбейга кескин яқинлашиб, шиддат билан унинг қўлидан қутини тортиб олди-да, ичидагини кўриб:

– Буни сизга ким берди?! – деди.

Ведатбей титроқ овозда:

– Табиб айтган эди... – деди-да, – буни ҳидлаган пай-тимда миям ҳузур қилиб, уйқум келгандек ўзимни енгил ҳис қиламан, – деб қўшиб қўйди.

Вадиа хоним:

– Қайси шифокор экан ўша? – деб сўради.

– Хулуси Мармарада... асаб ва руҳий касалликлари бўйича мутахассис шифокор экан.

– Бунақа табибнинг исмини биринчи марта эшитишим. Ҳамма шифокорларнинг исмларини биламан-ку, ахир.

У шундай деб қўлидаги асбобини қўйиб, стол устидаги телефон томонга қараб юрди. Телефонни қўлига олгач эса, Салма хонимга қараб:

– Телефон ишламаяпти-ку! – деди.

– Ҳа, амакимни безовта қилмасликлари учун телефонни уздирган эдим.

Унинг бу сўзларини эшитганидан кейин Вадиа хоним:

– Бунга кокаин аралаштирилган. Шу йўл билан амакингизни секин-секин "оқ оғу"га ўргатмоқчилар, менимча. Буни билдингиз, энди шунга яраша ҳаракат қилинглар. Мен вазифамни бажардим, энди борай... – деди.

Ҳамшира чиқиб кетгач, хизматкор уй эшигини ташқаридан ёпди. Дераза очиқ бўлгани учун ичкарига ёқимли, мусаффо ҳаво кирар, ҳарир парда ўйноқлаб турар эди. Салма хоним уни ёпмоқчи эди, Ведатбей:

– Қўй, очиқ тураверсин. Менга акамни чақиртир, – деди.

Салма хоним меҳмонхонадан чиқиб кетгандан кейин бироз ўтиб қайтиб кирди ва:

– Отам кечқурун келмабди, – деди.

– Унда Сабри афандини чақиринг, бу ёққа келсин!

Кекса ёшли одам Сабри афанди ичкарига кирди. Табиатан уятчан ва тортинчоқ бўлгани учун безовталаниб турарди.

– Каминани чақиртирибсиз, бей афанди.

– Седатбей тунда келмабди, биласизми? – деб сўради.

– Ҳа, афандим.

– Яхши... Ҳалиги... анави аввал қамалган боғбон ҳалиям ўша уйдаими?

– Седатбей унга икки кун аввал рухсат берган эдилар.

– Гулчиннинг ўша жойда қолдирилганини айтишяпти. Мен эса хабарсизман.

– Мен ҳам ҳозир эшитдим.

– Шофёримиз олиб келганмикин?

– Билмайман-у, лекин бола келмади.

– Бўлмаса қаёққа кетди, Эренкўйгами?

– Билмадим, бей афанди.

– Акам қаердайкин?

– Келиб қолсалар керак...

Ведатбей олдидаги қоғозга бир қараб олганидан кейин:

– Шофёр Аҳмад афандини менга жўнатынг, – деди.

Сабрибей чиқаркан, Салма хоним:

– Амакижон, ўзингизни қийнаманг! – деди.

Ведатбей:

– Бундан кўра тиришиб ўлган тузук эди, – деди у жаҳл билан. Кейин қўллари титраганча махсус токча устидаги дори шишасини олиб, айлантириб кўрди-да:

– Салма! Мен сенинг амакингман... Шунинг учун илтимос қиламан, менга тўғриси айт! Гузин хоним менга хиёнат қилганига ишонасанми? – деди.

– Амакижон, сиз акангиз билан оилавий масаладаги келишмовчилик сабабли касал бўлдингиз. Доим шубҳа ичи-

да яшардингиз. Ахир, янгам шу қаватда сиз билан яшарди-ку. Икки йил мобайнида бу жойдан на у чиқди, на сиз! Мана шу икки йилда Гулчин дунёга келди-ку, ахир...

Ведатбей:

– Яъни... бу бола меники эканига ишонасан, шундайми? – деди.

– Ҳа, афандим. Уйланганингиздан кейин бу ердан чиқмадингиз. Мен янгамнинг ҳатто бир кун бўлса ҳам, бу қаватдан пастга тушганини кўрмаганман. Негаки, унга фақат Фаросат халфа қарарди...

– Хўп, яхши. Унда акам Седатбейнинг менга кўрсатган мактубига нима дейсан?

– Билмайман, амакижон. Фақат Гулчин сизнинг қизингиз эканини биламан, холос.

– Хўп, яхши. Лекин... мактубда Эренкўйдаги уйга кетиши ҳақидаги гап-чи? Нега бундай қилди?

– Янгамнинг Эренкўйдаги уйга кетишни истаганига ишонмайман. Чунки у сизга дармон бўлишга ҳаракат қиладиган садоқатли аёл.

– Аммо... кейин у Эренкўйдаги уйга кетиб, ўша ерда холасининг ўғли Бурҳонбей билан топишди-ку.

– Янгамнинг Эренкўйдаги уйга кетиши ҳақида отам айтганди. Янгамнинг у ерга боришни истаганига мутлақо ишонмайман, чунки уйдан кетаётганда у роса ҳўнграб йиғлаганди.

– Седатбей нима учун уни бу ердан кетказди?

– Гузин хоним ва Гулчин сизни безовта қилмасликларини истаб шундай қилганини айтганди.

Суҳбат шу ерга етганида шофёр келиб қолди. Шунда Ведатбей:

– Аҳмад афанди! Фаросат халфанинг Ускудардаги уйини биласизми? – деб сўради.

– Ҳа, биламан. У ерга бир-икки марта боргандим. Эсингиздами, бу ёққа сиз чақиртирганингизда олиб келган эдим...

– Боринг-да, халфани бу ерга олиб келинг.

У шундай деди-да, ўрнидан турди. Тиззалари дармонсизлиги учун зўрға қадам ташларди. Дераза ёнигача бориб, у ердан эсаётган шамолга юзини тутди. Кўп қаватли уйнинг деразасидан денгиз бўйидаги қирғоқлар, мавжланаётган тўлқинларгача кўриниб турарди. Кўм-кўк денгиз билан мусаффо осмон бир-бирига уйғун эди. Ўзига ўйчан қараб турган Салма хонимни кўргач:

– Салма хоним, бу қандай даволаш бўлдийкин-а? Шифокор касаллигимни текшириб кўрмаса ҳам, акам бир талай дорилар олиб келди. Тўғри, уйқусизлигим кетди, аммо барибир ўзимни уйқудагидек ҳис қиламан. Кўзларим юмилиб кетаверади. Таҳлилларга кўра, қонимда қандайдир ёғ ва қанд моддаси бормиш. Бу таҳлил қоғозларини мен кўролмадим. Юрагим ёмонлигининг устига яна оилавий ташвиш ҳам сабаб бўлаётганмиш. Аслида мендан иш сўраб келган Гузин хонимга уйланганимда акам хоним менинг мол-мулкимга ошиқ бўлганига ўзича ишонганди. У пайтлар холаси соғ эди. Мен қизнинг тарбияси ва илмига ҳайрон қолган эдим. У ниҳоятда чиройли эди. Ҳатто акам уни идорага ишга қабул қилишимга рози бўлмаганди. Шундан кейин бу ҳақда жуда кўп тортишдик. Мени даволашга киришган акам аҳволимни бугунги касал бўлишимгача олиб келган бўлса... Ахир, соғлом фикрли, ақллимани-ку. Ўзи ҳақида гапирадиган бўлсам... у мендан ҳам бой бўлса-да, бойлигининг катта қисмини қиморга ютқазди. Бир оғиз сўз билан айтадиган бўлсам, мен уни ҳаётда ҳамма нарсани кўрган одам ҳисоблайман. Шунинг учун ҳам одамларни, айниқ-

са, аёлларни яхши танийди-да, — деди. У шундай деб юриб келганча ҳар доимги жойи — оромкурсига ўтириб:

— Қизим, хизматкор аёлга айт, менга чой олиб келсин, — деди.

Салма хоним чиқиб кетди. Бироз ўтганидан сўнг қўлида патнис билан кириб келди. Патнисдаги бир стакан чойни олиб Вадатбейга узатди.

— Соғ бўл, Салма, — деб чойдан бир ҳўплам ичганча оҳиста сўзида давом этди:

— Салма хоним! Акам келтирган қутидаги модда ҳақида қандай фикрдасан? Уни ҳидлаганимда бошим музлагандек бўлади. Ўзимни жуда ажойиб ҳис қиламан-да, уйқум келади. Маданиятли ва ақлли одам бўла туриб ичида кокаин борлигини мен эмас, ўша ҳамшира қаердан билдийкин-а?

— Кокаиннинг маълум миқдори дори сифатида қўлланилишини биламиз... — деди Салма.

— Яхши, лекин агар менинг даволанишим учун зарур бўлса, шифокор тайин қилмасмиди? Нима учун отанг мени бу ерда даволаб, еб-ичишимни ҳам назоратлайди? Бу қоронғулик ва диққинафаслик у истаган нарсалар эмасмикин? Ё мен пунчалик онгсизманми, Салма?

— Амакижон, ундай эмассиз, алҳамдулиллаҳ.

— Илтимос, менга Сабрибейни яна чақир.

ФАРОСАТ ХАЛФА

Фаросат халфа хонадондаги ишлар билан шуғулланувчи аёл бўлиб, Ускудардаги уйдан Гузин хонимнинг парвариши учун бу ерга келтирилган эди. Шофёр Аҳмад афанди ярим соат ичида аёлни уйдан олиб, бу ерга кел-

тирди. Аёл меҳмонхонага кирган заҳоти Ведатбейнинг этагини ўпишга тутинди. У аёлнинг елкасига қўлини қўйиб, рўпарасидаги жойни кўрсатди.

– Фаросат хоним! Оилам катта фалокат ичида. Шундай бўлгани учун Гузин хонимни сизнинг уйингизга олиб кетишганини эшитдим. Менга шу ҳақда гапирсангиз, илтимос! – деди.

– Бей афандим, сиз хастасиз-ку!

– Майли... Мен бошқаларнинг гуноҳини олишни истамайман-у, аммо бир нарсани билишим керак. Ёзда Эренкўйга борганингизда Бурҳонбейни кўрганмидингиз?

Фаросат хоним терлаб кетган эди:

– Гувоҳим Аллоҳки, мен ҳеч қанақа Бурҳонбей исмли кишини кўрмаганман. Бу Халил афандининг туҳмати...

– Бўлмаса мактубдаги Гузин хонимнинг Эренкўйга бориши ҳақидаги гапга нима дейсиз?

– Гузин хонимнинг бундай мақсади йўқ эди. Акангиз унга "Сизни кўрса, асабийлашяпти", деб ўзи шуни хоҳлади, албатта. Кетиши олдидан Гузин хонимга Седатбей сизни ҳатто бир марта кўришига ҳам рухсат бермади.

– Яхши, унда хат қутисидagi мактуб-чи?

– Бу мактубнинг ичу ташини ҳам билолмай ҳайронман, афандим. Ёзув машинкасида ёзилган мактубда ҳатто имзо ҳам йўқ-ку. Фақатгина Бурҳон исми бор, холос. Гузин хоним ўша пайтда холаваччасининг Эрзинжонда ҳарбий хизмат ўтаётганини айтганда ҳеч ким қулоқ солмади. Бундан ташқари, биз у ерда кўп бўлмадик. Гузин хонимга кузатувчилик қилганим учун у ердан аввал мени қувиб солишди. Орадан бир неча кун ўтгач, боласини бағрига босганча хоним афанди уйимга кириб келди...

Ведатбей ўрнидан туриб бир оз у ёқдан-бу ёққа юрди. Бу пайтда эса уни меҳмонхонадаги уч аёл – Фаросат хал-

фа, хизматчи аёл ва Салма хоним нигоҳлари билан таъқиб этиб турардилар.

У қайтадан жойига келиб ўтирди-да:

– Фаросат хоним, Гузин хоним қандай касал бўлди? – деб сўради.

– Бу ҳақорату туҳматларга чидаш унга жуда оғир кечди. Неча кунлаб емай-ичмай, кўз ўнгимизда адойи тамом бўлди. Диспансерга олиб борганимизда оғир дардга алоқадор ташхис қўйдилар. Бунинг устига хоним афанди ётиб қолди. Кейин врачлар бошқаларга тарқалиб кетмаслиги учун касалхонага олиб кетишди. Ўшанда Гулчин онасининг кетишини кўриб роса йиғлаганди. Етиб олишни хоҳлаб машинанинг кетидан "Ойижоним! Ойижоним!" деб чопиб борарди. Бола ерга йиқилиб тушди. Мен уни қучоқлаб овутишга ҳаракат қилдим. Икки-уч кун аввал Холид афанди бир таксида келиб, болани кўргингиз келганини айтди-да, олиб кетди...

Фаросат халфа рўмолининг учи билан кўз ёшларини артиб давом этди:

– Гузин хоним Ускударда икки ой бўлган бўлса, йиғламаган бирор кун бўлмади. Сиз тўйда совға қилган узукни мен бозорга олиб бориб сотдим, тирикчилик қилишга пулимиз йўқ эди-да. Тез-тез врач чақирар эдим, чунки аёлингиз ўзининг дарди ҳақида эшитганидан кейин анча чўкиб қолган эди. Касалхонага уни зиёрат қилгани борганимда хоним афанди ўзини эмас, фақат қизини ўйларди. Шифокорлар билан гаплашганимизда махсус парваришда бўлса, тузалиб кетиши мумкин, дейишди. Қўлимизда ҳеч бир имконият бўлмагани учун уни бошқа жойга ётқиза олмадик. Касалхонанинг ўн кишилиқ бўлмасида ётарди. Оз муддат ичида аввалги гўзал хонимдан асар ҳам қолмаган эди.

Ўша куни Холид афандидан сиз қизингизни сўраганингизни эшитиб қувондим. Чунки бу нозик қизчанинг кўнглини топа олмаётгандек эдим, назаримда...

Ведатбей чуқур нафас олиб деди:

— Гулчин бу ерга келмади, мен уни чақирмаган эдим... Акам менинг номимдан ҳаракат қилган бўлса керак. Агар акам болага душман бўлса, нега боғбон орқали уйдан олиб кетган?

Фаросат халфа:

— Жуда ёмон фикрлар хаёлимга келади, — деди паст овозда.

— Қандай?

— Седатбей бу болани йўқотмаса, деб қўрқаман.

Унинг бу сўзларини эшитган Салма хоним:

— Нималар деяпсиз, Фаросат хоним?! Отам шундай иш қилиши мумкинми? — деди.

Ведатбей:

— Болани қаерга олиб бориши мумкин? — деб сўради.

— Балки Рум хотиннинг уйига олиб боргандир.

— Ким у Рум хотин?

— Бей афанди бу аёлни кимга ҳар замонда бориб турарди...

— Қаердан биласиз?

— Мен Аҳмад афандидан эшитгандим. У қаттиқ маст бўлиб қолганда ўша аёлни уйига олиб бориб қўйган экан.

Хонада чуқур жимлик ҳукм суларди. Бир оздан сўнг Ведатбей Сабрибейни чақиришни сўради.

У келганидан кейин зудлик билан Гузин хонимни махсус хонага кўчириш кераклигини, барча зарур тиббий чоралар қўллашни ва алоҳида ҳамшира тайин қилишни айтди.

Сабрибей кетганидан кейин Аҳмад афанди телефонни ишлатди.

Ведатбей:

– Фаросат хоним, боланинг аҳволи қанақа эди? – деди.

Фаросат хоним:

– Холид афанди болани уйдан олиб кетаётганида унга касалхонадаги онасига олиб боришини айтган эди. Хоним афандининг касалхонага ётганини қаердан эшитган, билмайман-у, аммо мен ҳам ишондим. Энди онаси бечора боласининг йўқолганини эшитса, ўлиб қолиши шубҳасиз, – деди.

Ведатбей:

– Салма, милицияга телефон қилиб боланинг йўқолганини хабар қил! – деб буюрди.

Ведатбей неча кунлардан бери бир бурчакдан қимирламаган, аммо ҳозир эса меҳмонхонанинг у бошидан бу бошига юрар эди. Унинг озиб кетганини кўйлагининг ёқасидан кўриниб турган озғин бўйни ва ўсиб кетган сочлари сездириб турарди.

У нималарнидир ўйлади, шекилли, бирданига:

– Фаросат хоним, боланинг эғнида қандай кийим бор эди? – деб сўради.

– Онаси ётган пайтида тикиб берилган оч ҳаворанг кўйлак, бошида қирмизи дуррача бор эди. Таксига чиқишидан олдин қўғирчоғини ҳам олган эди...

– Қанақа қўғирчоқ?

– Қўлсиз қўғирчоқ?

– Қўллари йўқми?

– Ҳа, бей афанди. Чап қўли синиб кетгани учун қўлсиз бўлса ҳам, ўйнаб юрарди.

– У қайси қўғирчоғи экан?

– Онаси кераксиз нарсалар ичидан олиб рўмолга ўраганча уйга олиб келган эди. Хоним афанди қўғирчоқни ташлаб юборишни айтганида у йиғлаб: "Менинг

қўғирчоғим! Мен унинг онаси бўлдим-ку. Унинг қўли оғрияпти, ахир. Мен унинг онасиман..." деди.

Халфа сўзлашда давом этди:

– Қўғирчоқни қўлидан ололмадик, чунки йиғлаб қаршилиқ қилаверди. Ҳатто мен Гулчинга бошқа қўғирчоқ олиб келсам ҳам, у олмади. Доим ўша қўлсиз қўғирчоғини қучоғидан қўймай, бирга олиб юрарди. Мен олиб келган қўғирчоққа бир марта ҳам қарамади. "Агар ёқтирмаган бўлсанг, биз бошқасини олиб келамиз", десак, кўнмади. У ўз қўғирчоғини ҳеч нарсага алмаштирмаслигини айтарди. Доим ўша қўғирчоғи билан ухлаб, ўша қўғирчоғи билан уйғонарди.

Шунда Салма хоним:

– Амакижон, бир нечта газеталарга эълон беришимиз керак, – деди.

– Майли, шу... сендан илтимос...

Салма хоним газета муҳарририятларига кетаётганда Сабрибей касалхонадан қайтди. Ведатбейга қараб деди:

– Бей афанди, Гузин хонимни махсус хонага ётқиздик ва алоҳида ҳамшира тайин қилдик. Иситмаси баландлиги учун аҳволи жуда оғир, аммо мени таниди. Мен кўнгилларини кўтаришга ҳаракат қилдим, лекин хоним фақат "Қизимни олиб келинглар, мен уни узоқдан бўлса ҳам, бир кўрай", деяптилар...

– Ҳаммангиз мени девона қилмоқчимисиз?! – деди Ведатбей.

У очиқ турган дераза олдида туриб олганча ора-сира узоқлардан эсанг шамолга юзини тутиб турарди.

Шу пайт хонада телефоннинг биринчи қўнғироғи жиринглаб қолди. Дастакни олган Ведатбей тез тиббий ёрдам кўрсатиш касалхонасидан телефон қилишаётганини билгач, уйдагиларга бақариб юборди:

– Акамни машина уриб кетибди. Тез тиббий ёрдам касалхонасига олиб кетишаётганида вафот этибди...

Хонага Салма хоним кириб келганда Сабрибей бир бурчакда турарди. Саросималанган Ведатбей дерди:

– Адойи тамом бўлдикми? Бир-икки соат ичида қизимни йўқотсам, онаси эса уни сўнгги марта кўргиси келса, акам автоҳалокат қурбони бўлса...

Сабрибей ва Салма хоним дарҳол тез тиббий ёрдам кўрсатиш касалхонасига югурдилар. Шофёр Аҳмад афанди эса яқин касалхонадан шифокор олиб келди. Ниҳоятда ҳолдан тойган Ведатбей креслода ўтирар, Фаросат хоним эса унинг атрофида парвона эди.

Ведатбейнинг аҳволини текширган шифокор унинг заифлиги, қувватсизлиги ва руҳан чарчагани учун алоҳида парвариш зарурлигини уқтирди.

Седатбей укасини алоҳида хонада сақлагани, ёнига эса ҳеч кимни киритмагани Ведатбейни аста-секин ўлимга томон етаклаб борар эди.

Чаққонгина бўлган Фаросат халфа бир зумда пиширган шўрваси билан Ведатбейнинг кўнглига таскин беришга интиларди. Катта боғ ичида жойлашган уч қаватли уй бир лаҳзада остин-устун бўлиб кетди.

Уйга Сабрибей билан Салма хоним қайтиб келишди. Уларни кўрган Ведатбей:

– Мендан сир яширишингизнинг ҳожати йўқ. Нима бўлибди, гапиринг?! – деди.

Салма хоним унга жавобан деди:

– Сиздан яширадиган гапимиз йўқ. Отам Қуртулушда автоҳалокатга учрабди. Кўчада йўлни кесиш мақсадида чопиб ўтаётган экан, қарама-қарши йўлдан келаётган автомобил уриб юборибди. Шофёр уни дарров касалхонага олиб борибди. У ерда отамнинг яхшигина маст эканини аниқлашибди-да, кейин ўликхонага қўйишибди...

Уйда аввалги асабийлик ўрнини энди чуқур сукунат эгаллаган эди. Ведатбей юқоридан иккинчи қаватга тушди. Гузин хоним Эренкўйга кетгунича бу ердаги битта хонада бўлган эди. Унинг ёнидаги хоналардан бири эса Седатбейнинг хонаси бўлиб, калитини доим ёнида олиб юрар ва ҳеч кимни киритмас эди. Бу хонада у оилавий ва идоравий ишларни бошқарарди.

Уй билан боғлиқ ҳамма алоқалар узилиб, столи устидаги телефонга боғланганини кўрган Ведатбей ўйланиб туриб, ёнида пайдо бўлган Сабрибейдан сўради:

— Седатбейдан сиз қанча пул олардингиз?

— У ойлик сифатида қулингизга бир миллион лира берарди. Шундайку-я, лекин... икки ҳафта олдин сизга Овруподан дори келтирилишини айтиб, бир миллион лирани яна қайтариб олган эди.

— Қанақа дори экан?

— Билмадим, сизнинг ҳисобингизга ёздирган эди.

Бу суҳбат устига Салма хоним ҳам отасининг хонасига кириб улгурганди. Унинг қўлларида касалхонадан берилган, яъни мурданинг ёнидан чиққан майда-чуйда пуллар, дорилар рўйхати ёзилган қоғоз ҳамда хоналарга тегишли бўлган калитлар шодаси бор эди.

— Амакижон, отам қаттиқ маст бўлган экан. Устбошларидан ичкилик ҳиди уфуриб турганди. Унинг вафоти тасодифий экани аниқланибди. Чунки отамни кўрганлар автомобиль урганидан кейин чайқалиб-чайқалиб юрганча машиналар орасидан чиқиб, кейин йиқилганини айтишибди.

Уйнинг бир бурчагида ярим миллион пулга ёзилган ҳисоб чеки турарди. Тамоман ҳушини йўқотган муҳандис ука ўз акаси томонидан шу қадар пасткашлик қилинишини тушуна олмасди. Ўзининг жиннихонага кетиши учун қилинган ҳаракат сабабларини ахтариб топа олмасди.

Оғир хўрсиниш билан:

– Мен шу аҳволга тушиб қолдимми? Нега бундай бўлди-а, Салма? – дея сўради.

– Амакижон, сизни бу асаб дорилари ва оқ кукун билан шу ҳолга келтирганини тушунса бўлади. Унинг нияти ва қасди нима эканини билиш қийин эмас...

Ведатбей тишларини ғижирлатиб:

– Қасди нима экан? – деди.

– Ўзи пулларини еб-ичиб тугатганидан кейин сизнинг мол-мулкингизга эга бўлишни истаган. Уйланишингизга қарши чиқишининг сабаби ҳам шундан эди, менимча. Шунинг учун ҳам бегуноҳ янгамни сиздан узоқлаштириб юборган. Ҳа, у менинг отам эди. Шундай бўлса ҳам айтаманки, Худо унга жазосини берди. Ачинмайман, амакижон, мутлақо ачинмайман.

Хонадагилар ҳаммаси ҳангу манг бўлиб қолганди. Ҳовлида хизмат қилувчи барча хизматчилар худди хаёлот дарёсида кезгандек эди.

Ведатбей жаҳл устида:

– Қизимни нима қилганийкин? – деб бақирди. Акс ҳолда Қуртулушда нима иши бор эди? Ёки Гулчинни унинг уйида ушлаб турганмикин-а?

Бир оздан кейин неча ойлару йиллардан бери кўчага чиқмаган Ведатбей Сабрибей ва шофёр Аҳмад афандилар ҳамроҳлигида Рум хотиннинг манзилига кетиб борарди.

Рум хотин ўзининг беайблигини тушунтиришга ҳаракат қиларди. Шу билан бирга бир-икки кун аввал Седатбей безовта ҳолда келганини ва ювиш учун ҳаммомга ташлаган бўз кирларининг орасида мовий рангли қиз боланинг кийими ҳам борлигини эслади...

ҚЎЛИ РАСМЛИ АМАКИ

Холид Гулчинни таксига ўтқиза туриб шофёрга:

– Эҳсон, Ғози Усмонпошшога ҳайда, – деди.

Ўзи эса қиз билан машинанинг орқа тарафига ўтирди. Қизча ҳамон қўғирчоғини қучоғига маҳкам босиб ўтирганини кўрган Холид:

– Бу кир қўғирчоқни мунча қучоқламасанг-а? – деди.

Қиз унга юзини қаратиб деди:

– Менинг қўғирчоғим касал, ҳечам кир эмас, амаки.

– Нима касал?

– Қўли оғрияпти...

– Ревматизми бормикин?

– Йўқ, амаки, фақат қўли оғрияпти...

– Бундан бошқа қўғирчоқ олиб беришолмадими?

– Нега? Олиб бердилар, аммо мен ўз қўғирчоғимни яхши кўрганим учун ўша чиройли қўғирчоқларни ёқтирмадим. Бу менинг қизим-ку...

Холид қизнинг шаҳло кўзларига қараб, бошини ачиниш билан чайқаб қўйди. Кейин сигарет тутатиб туриб сўради:

– Седатбей сенга ким бўлади?

– Амаким! Ҳммм... отамнинг акаси...

У бир оз ўйланиб туриб яна сўзида давом этди:

– У мени ҳеч ёқтирмайди-да. Менга доим жуда ёмон қарагани етмагандек, онамга ёмон хотин эканини айтиб кўп йиғлатди. Ҳозир сиз мени олиб кетаётган касалхонада ётган аёл менинг онам бўлади. Уни оқ машинада олиб кетдилар. Уларнинг орқасидан югурсам ҳам, етолмадим...

– Нега югурдинг?

– Онам билан бирга кетаман, дедим-да. У касал бўлса, тузалади-ку, тўғрими?

– Ким тузалади?

– Касалхонада ётган онам-да!

– Яхши бўлади, Худо хоҳласа...

Шунда қизча кичкина бармоқларидан бирига тақилган мовий кўзли узукни Холидга кўрсатиб деди:

– Қаранг, амаки, буни менга ойим кўз тегмасин, деб тақиб қўйгандилар...

– Кўп гапирмасанг-чи, хаёлимни бузма!

Холиднинг бу гапини эшитган қизча хўмрайганча "Хўп, энди гапирмайман", деб қўйди...

Бир оздан кейин машина қандайдир кўприкдан ўтиб, баландликка кўтарила бошлаган эди:

– Амаки, касалхонага ҳали борми? – деб сўради қизча.

Унинг бу саволига Холид бир қараб бош чайқаганча жавоб берди. Машина ҳеч ким йўқ йўлда тўхтагач, Холид йўл бошидаги кулбанинг омонат эшигини итариб ичкарига кирди. Бу ер кимсасиз, хароба кулбага ўхшарди. Кичкина деразасида осийлиқ турган бир қоп парда вазифасини ўтаётган эди. Дераза ёнидаги каравотнинг ўртасида нимадир бор эди. Ўрин ёнидаги ёғоч столнинг ўртасида эса газ баллони, унинг ёнида эса гугурт қутиси турарди. Бундан ташқари, у ерда бир шиша ароқ бор эди.

Холид Гулчинни ёнига ўтқизди-да, шишани қўлига олди. Қоғоздан ясалган қопқоғини очиб бир-икки култум ичгач, оғзини қўли билан артди. Кейин сигарет қути-сидаги сигаретдан олиб тутатди. Хонани бир пасда ароқ ҳиди тутиб кетди. Кейин ўзича гапирди:

– Одам бўлмай кет-э, амакиси эмиш. Эс-хушим жойида, Худога шукр... Ҳа, мен бугунгача ҳеч кимни ўлдирмаганман. Ҳар қанча ғазабимни қўзғасалар, ҳар қанча

хўрласалар ҳам, чидаганман. Ўша пайтлардаки бировга зиён етказмаган бўлсам-у, бу қиз менга нима қилди?!

Гулчин Холидни секин туртиб:

– Ким билан гаплашяпсиз, амаки? – деб сўрагани хаёлини тарқатди. Холид унга ёнқараш қилиб: "Сенга нима?" деб қўйди. Қўлларини секин тортиб олган қизча эса бунга жавобан:

– Ҳеч нима, сиқилиб кетдим-да, – деди.

– Ўзим ҳам сиқилиб кетдим!.. Сенинг ўша амакинг менинг бошимни дарду балога қўйди. Аслида Вадатбей мени Эренкўйдаги уйга боғбон сифатида ишга олганди. У доим пулларимни бериб келган эди. Аммо у ёққа борганимдан бери хаёлим бошқа нарсада.

Холид шундай деб шишадан яна икки қултум ичди. Бир оздан кейин Гулчин ундан сўради:

– Холид амаки, қачон кетамиз?

– Қаерга?

– Касалхонага, ойимнинг ёнларига-да! Онам касал бўлганларида халфа хола кўргани борган эканлар, мени кўргилари келиб роса йиғлабдилар. Энди мени кўрсалар, роса хурсанд бўладилар-а?

Холид бошини қўллари орасида ушлаганча, тирсакларини тиззасига қўйиб, бир муддат беҳол ўтириб қолди. Қанча ўтирганини билмасдан бир пайт ёнига қараган эди... қўлсиз қўғирчоғини маҳкам бағрига босганча ухлаб қолган қизчани кўрди. Лаблари ярим очик қолган қизчанинг жингалак сочлари юзлари узра паришон эди...

Холид қиз уйғониб кетмасин, деб шовқинсиз ўрнидан турди. Эшикдан ташқарига чиқиб, ён томондаги ошхонага ўхшатиб қурилган кичик ҳужрага кирди. У ерда қазиш ишларига яроқли белкурак ва шунга ўхшаш баъзи нарсалар бор эди.

Холид қўлига болтани олганидан кейин яна секин-се-

кин юриб хонага кирди. Қизча ҳалиям ухлаб ётарди. У болта сопини маҳкам ушлаганча хаёлан "Бошига бир марта урилса, етади!" деб ўйлади. Ҳолсизланиб ўрнига ўтирди-да, костюмини ечиб, чалқанчасига ётди. Кейин пишани олиб, ароқнинг ҳаммасини ичди. Қўлининг орқаси билан оғзини арта туриб ухлаб ётган қизалоққа яна бир қараб қўйди. У ўзи билан ўзи гаплашарди. "Бошига бир урсанг, етади. Кейин пулларни қўлга киритасан, ахир. Бир миллион пул қўлингда ҳозир у нозир. Ўлдириб қудуқнинг ичига ташлаб кет! Бу ишнинг бу ерда бўлганини ким билиб ўтирибди-ю, ким суриштириб қидиради?! Бир марта ургин-да, қашшоқликдан қутул!..."

Холиднинг кайфи ошиб, бўйни ва пешоналари терлаб кетганди...

"Бир марта аралашдик бу ишга. Мўмай пулларни олиб, қочишдан бошқа чора йўқ. Аёл мени танигани учун қиёфамни ўзгартирсам ҳам, қўлимдаги расмдан таниб қолади. Эҳ, нима бўлса ҳам, бошим балодан чиқмайди..."

У яна қизчага қаради. Қизча бир оз кўзғалди-да, ёнбошига авдарилиб ётди. У ҳамон кўғирчоғини маҳкам қучоқлаганча ухларди.

Холид ўрнидан туриб қоп билан тўсилган деразанинг тирқишидан ташқарига қаради. У ерда бир нечта уйлардан бошқа ҳеч нарса кўринмасди. Кўчада на бирорта инсон, на бирор бошқа жонзот бор эди.

Қуёш аста-секин уфққа ботиб оқшом тушмоқда эди. Холид кулбадан ташқарига чиқди. Ён томондан унча узоқ бўлмаган жойда катта харсанг тош бўлиб, унинг ёнида бир қудуқ бор эди. Кўнглидан "Ҳеч зор йўғ-а, ҳатто инсу жинс ҳам..." деган ўйни ўтказди-да, хонага қайтди. Унинг миёси ғошлаб кетганди. "Онаси жон талвасасида ётган бўлса-ю, қизини бир кўришга зор бўлса. Қизи эса бу

ерда онасига олиб боришимдан умидвор бўлиб кутаётган бўлса..." деб ўйларди у.

Ҳа, Холид ниҳоятда оғир аҳволда эди! У икки йўл бошида туриб, қайси бирини танлолмай гаранг эди. У яна сигарета тутатиш билан бирга нафасини ичига ютиб атрофга қулоқ солди. Жуда узоқдан автомобиль сигнали элас-элас эшитилди, холос. Яна ўша жимлик ҳукмрон эди.

...Болтани қўлига олиб, сопини маҳкам ушлаганча қизча томонга қараб юра бошлаган ҳам эдики, Гулчиннинг уйқу аралаш "Ойижон, ойижоним!" деб алаҳсирагани эшитилди.

Холид қўлини туширди, қизча эса бирдан қўзғалиб уйғонди. Унинг бўйни ва пешонасида реза-реза терлар ялтирарди. Атрофига бир қараб олганидан кейин қўлидаги қўғирчоғини маҳкам қучоқлаганча:

– Амаки, Холид амаки!.. – деди.

Холид тишларини ғижирлатиб:

– Жим бўл-е, сен ҳам бошимга бало бўлдинг... – деди.

Қизча юзлари қизарган кўйи бошини эгиб "Хўп, Холид амаки", деди-да, жим бўлди. Холид эса унга ёнқараш қилиб қизнинг гулдек нозик ёноқларига кўз ёшлари марварид шодасидек тизилиб оқиб тушаётганини кўрди...

Бир оз ўтганидан сўнг Холид ўзича "Худонинг ғазабига учрагур! Э, одам бўлмай кет-э..." деб қўйди.

Атрофга ғира-шира қоронғулик чўкиб борар эди. Холид ўрнидан туриб костюминини кийди. Қизнинг ғижим бўлган кийимларини тузатди-да, қўлидан ушлаганча аввал хонадан, кейин хароба уйдан ташқарига чиқди. Эшикни эса ташқаридан ёпди...

Холид худди ёв қувгандек тез-тез юриб, қизни суд-

рагудек қилиб олиб борарди. Қизча бир-икки қоқилиб йиқилишига озгина қолгани учун Холид уни кўтариб олди. Улар кўримсиз паст-баланд уйлар орасидан кетиб борардилар. Гулчин бир қўлида қўғирчоғини маҳкам бағрига босиб олган, бир қўли билан эса Холиднинг бўйнидан қучоқлаб олган эди.

Атрофдаги уйларнинг бирида кичкина боғнинг икки томонига ўтказилган арқонларда ювилган кирлар осиглиқ турган бир ҳовли кўринди. Улар ўша ерга етиб келганларидан сўнг Холид эшикни муштлади.

Тахтали эшик очилди-да, ичкаридан чиқиб келган ўрта ёшлардаги аёл Холидни кўриб дув қизарди.

– Бу ерда нима бор, нега келдинг? – деди у.

Холид безовталаниб:

– Шу қизни олгин-да, кўп гапирмасдан ичкарига киргин... – деганча ўзи ҳам остонадан ўтди. Қизни ерга қўйиб, аёлга гапира кетди.

– Менга қара, Зайнаб. Финг-минг демасдан шу қизни уйга олиб киргин. Қўй энди, мени қийнаб дину иймонимдан айирмасанг-чи, хўп дегин...

Унинг гапларини эшитиб тушунмаган аёл шошганча:

– Кимнинг боласи?! Нега олиб келдинг? Гапирсанг-чи... - деди.

– Сўрама...

– Мен олиб қололмайман бу болани, ахир. Эл-юртга нима дейман?

– Ол болани, деяпман! Ёки қотил бўлишимни истайсанми?

– Ахир, шу кунларда поччанг келадиган бўлса...

– Мен олиб кетаман уни, кейин... олиб кетаман! Сен фақат ҳеч кимга кўрсатмасдан яхшилаб қарасанг бўлди.

– Ахир, қандай қилиб бировнинг боласини ўғирлаб

келдинг?

— Э-э, жим бўлсанг-чи! Асабимни бузмагин, нима... ўлдирайми? Шуни хоҳлайсанми? Олсанг-чи қўлимдан болани...

— Бу ишингга Худо нима дейди, Унга хуш келмайди-ку?! Поччанг келса-чи, унга нима дейман?!

— Нима десанг - деявер...

Уларнинг бу гапларини Гулчин қўғирчовини маҳкам бағрига босганча ҳайрон бўлиб кузатиб турарди.

Шундан кейин Холид қоронғи кўчага чиқди-ю, осмонга учгандек ғойиб бўлди. Зайнаб ёнида турган қизни қўлидан ушлаб уйга олиб кирди. Ёруғ хонага киришганидан кейин аёл қизнинг юзларига қараганча:

— Қизим, исминг нима? — деб сўради.

— Гулчин, — деди қизча.

— Қаерда яшайсан?

— Фаросат холамнинг уйида.

— Ота-онанг борми?

— Онам касалхонада.

— Онангга нима бўлди?

— Онам оғир бетоб бўлдилар. Уларни касалхонага олиб кетишди. Мен уларнинг орқаларидан югуриб ҳам ета олмадим.

— Отангга нима қилган?

— Отам ҳам касал бўлдилар.

— Қаерда яшайсизлар?

— Уйда яшаймиз.

— Онанг қайси касалхонада?

— Ҳокимият касалхонасида.

— Жуда оғир касалми?

— Ҳа, жуда оғир... Фаросат хола уни кўргани борган экан, мени кўргиси келаётганини айтибди. Шунинг учун Холид амаким мени олиб, онамга олиб кетаётганди.

— Сенга шундай дедими?

– Ҳа.

– Худодан топгур-ей!.. Қизим, сизларнинг уйингиз қаерда?

– Дала ҳовлида.

– Қаерда у дала ҳовли?

– Мен билмайман, ўша ерда яшардик. Амаким бизни ёқтирмаганидан кейин Фаросат холанинг уйига кетдик.

– Энагангнинг исми нима?

– Фаросат хоним.

– Қаерда туради?

– Ўзининг уйида.

– Ўша ўзининг уйи қаерда?

– Кўчада.

Эшик тақиллади. Зайнаб хоним бориб эшикни очди. Келган одам Холид экан. Унинг қўлида бир халта бор эди.

– Менга қара, Зайнаб. Қизнинг уст-бошидаги кийимларни ечгин-да, мана буларни кийгизгин. Ҳаммасини менга қайтариб бергин, тушундингми?! – деди у аёлга қараб.

Унинг гапларини эшитган Зайнаб хоним:

– Худодан қўрқмаган банда, нималар қилипсан?! – деди.

– Мени чалғитмай тургин. Айтганларимни қилгин-у, ҳеч кимга ҳеч нарса айтмагин.

Зайнаб хоним ичкарига кирди. Гулчиннинг зангори кийимини ечиб, Холид келтирган кўйлакни кийгизди.

Холид аёл берган кийимларни олганча чиқиб кетди...

ҲАММОЛ ЯШАР

Ака-укалар яшайдиган уйдаги телефонлар икки кундан бери тинмай жиринглаб, Седатбей афандининг вафоти учун таъзия билдиришарди.

Ўша жаноза бўлган куни Шишли масжидининг ҳов-

лиси гулларга тўлиб кетди. Седатбейни қабристонга кузатувчилар эса унча кўп бўлмади. Жанозада фақатгина Сабрибей иштирок этди, холос. Ведатбей ҳолдан тойгани учун хонадан чиқмасди. Емай-ичмай, ҳеч кимни ёқтирмасдан бир ўзи фақатгина ўша ерда ўтирарди.

Шу орада Вадиа хоним касалхонадан қўнғироқ қилиб, нима учун Гузин хонимнинг аҳволини тўғри тушунмасдан Гулчинни олиб боришни бепарволик билан пайсалга солаётганликлари сабабини сўради.

Бошқа бир шифокор эса Ведатбейнинг аҳволини текшириб, унга бошқа кучлироқ дорилар ёзиб берган эди. Салма хоним эса амакисининг ёнидан жилмасди.

Седатбейнинг ўлимини эълон қилган газеталар айна пайтда қидирув билан боғлиқ эълонни ҳам беришган эди...

Эълонда зангори кўйлак, қирмизи дуррачада бўлган тўрт ёшли қизнинг бир ҳафтадан бери топилмаётгани билдирилиб, у ҳақда маълумот билганлар муҳандис Алижи Ведатбейга телефон қилишлари илтимос қилинганди.

Ниҳоят, Салма хоним Вадиа ҳамширага Седатбейнинг вафоти ва қизнинг йўқолгани билан боғлиқ аҳволни маълум қилди. Улар энди биргалашиб Гузин хонимни асрашга ҳаракат қилардилар.

Шу пайт Салма хоним уйнинг дарвозаси олдида шофёрнинг биров билан жанжаллашаётганини кўриб гапирди:

– Аҳмад афанди, амакимнинг касаллигини билмайсизми? Бу жанжалнинг нима кераги бор?!

Шофёр асабийлашиб Салмага:

– Кичик хоним, бир ҳаммол бола Ведатбей билан учрашмоқчи экан. Мақсадини сўрасам, тузукроқ тушунтирмаяпти, – деди.

Салма хоним рўпарасидаги 10-11 ёшлардаги озғин, елкасида сават осиглиқ бошяланг, ялангоёқ юкчига

қараб:

- Укам, нима истайсан, менга айт?! – деди.
- Газетадаги эълон бўйича хабарим бор эди...
- Яхши, менга айтақол.
- Йўқ, мен фақат Ведатбейга айтаман!..
- Мен унинг жияниман... амаким бетоблар, шунинг учун менга айтавергин!

Нарироқдан эшитилган "Майли!" деган овоз бу суҳбатни бўлиб қўйди. Салма хоним ортига ўгирилганида зинапоянинг бошига келиб турган амакисини кўрди. Ведатбей иккинчи қаватдаги Гузин хонимнинг хонасида ётгани учун суҳбатни эшитиб қолиб, пастга тушиб улгурганди.

- Салма, ичкарига олиб кир! – деди у.
- Ҳаммол йигит ичкарига қадам қўйганда Салма:
- Саватингни шу ерда қолдир! – деди.
- Бўлмайди, қимматга сотиб олганман.
- Ташвишланма, ҳеч нарсa қилмайди.
- Э-э, опа... Қўймадингиз-да, нима мен ярим кечаси келганим йўғ-у...

Ноилож ҳаммол болани ичкарига олиб киришди. Бола ичкарига киргач, атрофга ҳайрон бўлиб қаради. "Вой-бў... Ҳамма жойдан дори ҳиди келиб турганини айтмасак, саройга ўхшаркан..." хаёлидан ўтказди у.

Унга қараб турган Ведатбей гап бошлади:

– Ўғлим, кўп куттирмасдан гапларингни гапиравергин. Кўряпсан, мен касалман, – деди.

Бола елкасидаги саватини тушириб, камзулини терс ўгириб устига ўтириб олди. Кейин дадиллик билан гапира кетди:

– Амаки, менга қаранг... Бозорда мени ҳаммол Яшар дейишади. Тахтақалъада юк ташувчилик қиламан. Отам

ҳам ҳаммол ўтганлар... Иш қилиб юрган пайтларида йиқилиб ўлган эканлар. Худди сизга ўхшаган яхши одам эдилар, энди уларнинг ўрниларига мен ҳаммоллик қиляпман.

Салма хоним безовталаниб "Бўлсанг-чи, тезроқ" оҳангида:

– Яхши, яхши... ишингни Худо ўнгласин, – деди.

– Э-э, гапимни бўлмасангиз-чи, опа. Тушунтиряпман-ку ҳаммасини, мен ҳам ишимни ташлаб шу ерга келдим.

Боланинг жаҳли чиққанини кўриб Ведатбей:

– Салма, ўз ҳолига қўй! Ўзи хоҳлагандек гапираверсин. Сен эса менга дориларимни бер, бошқа чи-долмайман, – деди.

Ведатбей Салма хоним келтирган дорини ёнидаги бир стакан сув билан ичди.

Бола сўзлашда давом этди:

– Мени ҳаммол Яшар дейдилар, лекин кўпда бу ишни қилмайман. Шунинг учун лақабим "Ҳаммол", холос. Онам ва укамга мен қарайман, синглимни мактабга ёздирдим. У қиз бола-ку, менга ўхшаган ўғил бола бўлсаки, ўқишни кўчада ўрганса...

Шу пайт эшик очилиб Сабрибей ва шофёр кўринди. Уларнинг бетоқатлик билан туришларига Ведатбей вазмин қараб турарди. Яшар яна сўзида давом этди:

– Кеча бир нон билан тўрт-беш дона зайтун ва узум ҳам олиб еб ўтиргандим, мева сотувчи қиз узум ўраб берган газетадаги эълонни ўқиб қолдим. Унда бир қиз йўқолгани ҳақида ёзилган экан...

– Тушунтирсанг-чи, ўғлим... – деди Ведатбей.

– Мен эртасанга айтмаяпман-ку, ахир. Янги масжиднинг рўпарасида борга ўхшаш жой бор-у, ўша жойдаги жўхори бозорга туташган ерда ошпазларнинг дўкони бор. Мен у жойга жуда кўп бораман.

– Гапир, ўғлим, гапир, – деди Ведатбей сабрсиз-

лик билан.

— Мана гапиряпман-ку, имкониятим бўлганда ўша ерда овқатланардим. Ўша куни ҳам шундай қилдим. У ёқ-бу ёққа қарасам, нарироқда бир қиз ўтирибди. Ёнида катта сумка, сумканинг ичида турли пакетлар бор эди. Газетадаги эълонни ўқиганим ёдимга келди. Лекин қизнинг эгида зангори эмас, сариқ кўйлак бўлиб, бошида қирмизи дуррачаси бор эди. Ўйлаб юрагим сиқилди-да, ёнига бориб: "Синглим, сенинг отинг нима?" деб сўрадим. У: "Гулчин", деди. "Бу ерда нима қиляпсан?" дедим, у: "Холам у-бу нарсалар олиб келгани кетган эди, шуни кутяпман", деди.

Боядан бери боланинг ҳамма гапларини кўзлари юмуқ ҳолда жим эшитаётган Вадатбей Яшарнинг бу сўзларидан кўзларини зўрға очди-да:

— Гапиравер, ўғлим, тўхтама! — деди.

— Ҳа, ҳа, шундай қиляпман. Қизча менга жуда ёқиб қолган эди. У кўзларини катта-катта очиб менга ҳайрон бўлганча қараб турарди. У рўмолчага ўралган бир қўғирчоқни маҳкам бағрига босиб олганди. Бундай қўғирчоқ бозорники эмасди, албатта. Бошига ёлғондакам соч ўрнатиб тикилган, қош-кўзлари эса қаламда чизилган қўғирчоқни рўмолчага ўраб олган эди. Ташвишлангандек нега қўғирчоғининг қўли йўқ эканини сўрасам, у: "Қўллари бор!.. Мен уни шамолламасин, деб ўраб қўйдим", деди. Кейин гаплашиб ўтирганимизда мен: "Қани, қўлини бир кўрсатгин", дегандим, у бўлса: "Шамоллаб қолади, кўрсатолмайман, ака, қўғирчоғим касал", деди. "Нима қилиб касал бўлди, иссиғи борми?" дедим. "Қўли оғрияпти..." деди у. "Сиз тарафда дўхтир йўқми?" дедим. У индамай қолди-да, кейин: "Олиб боролмайман. Мен унинг синган қўлини бировга кўрсатгим келмайди", деди-да, йиғлаб юборди...

Бироз тин олганидан кейин Яшар бошини чайқаган-

ча гапиришда давом этди:

– Мен қизчангиз билан гаплашиб тургандим, ёнимизга бошига рўмол ўраган аёл келди. Харид қилган нарсаларини у сирли челақнинг ичига қўйди-да, менга ёмон қараш қилиб: "Ишингга борсанг-чи!" деди.

У бир оз ўйланиб турди-да, Ведатбейга қараб деди:

– Ака, энди бундай... Мен Гулчинни кўрдим, аммо унинг эғнида мовий эмас, сариқ қўйлак бор эди.

Ведатбей Салмага пул келтиришини буюрди. Яшар пулни олди-да, ўз ишига кетди. Ҳа, ҳаммол Яшар кетганди, лекин Ведатбей эса ётоқхонасида суратдек ётарди. Унинг кўзлари тула ёш эди.

Салмахоним болани кузатгач, яна қайтиб хонага кирди. Бир оз ўйланиб тургач, амакисига яқинлашди.

– Амакижон! – деди у.

– Нима гап? – деб у кўзларини очди.

– Амакижон, ўтинаман... Эсингизда бўлса, ўша аёл бир талай бўзларни отам ёқиб юборганини айтган эди-ку.

– Ҳа, кўргандик... баъзи ерлари ёнмай қолган, ўрта қисмларида эса қон излари ҳам бор эди.

– Ҳа, яшанг! Энди мени яхшилаб эшитинг. Умидсизликка тушмасдан ҳаракат қилайлик, чунки янгам қизини кутяпти. Вадиа ҳамшира ва Фаросат халфа эса жаноза муносабати билан Гулчинни олиб боролмаганимизни айтиб турибдилар. Сиз эса мен ечимини топишга уринаётган бир масала ҳақида ўйлашни истамаяпсиз.

– Мен ҳам иложсиз бандаман, тўғриси, ўлгим келяпти, – деди Ведатбей.

Унинг бу гапидан сўнг Салма жим бўлиб қолди. Орадан бир оз вақт ўтгач, Ведатбей кўзларининг устидан қўлини олди-да:

– Мақсадинг нима? – деб сўради.

– Биз газетадаги эълонда қўлсиз қўғирчоқ ҳақида ёзмаган эдик-ку, ахир. Яшарнинг эса "Қизнинг оти Гулчин бўлиб, қучоғида қўлсиз қўғирчоғи бор эди", деганини эсласангиз-чи!..

Ведатбей илкис ўрнидан турди-да, яхшилаб жойлашиб олгач:

– Охири бахайр бўлсин! Қўлсиз қўғирчоқни биз ўзимиз ҳам кўрмаган бўлсак... – деди.

– Орамизда фақатгина халфа ўша қўғирчоқ ҳақида гапирди. Гулчин уни кераксиз нарсаларнинг орасидан олган экан. Ҳа, бу ҳаммол йигит бизга ёлғон гапирмади. Мен ишонаманки, ўша қиз – Гулчин!

– Қизимнинг кийимларини отанг печкада ёқмаганмиди, ахир?!

– Ўзингиз бир ўйлаб кўринг, амаки. Фаросат халфа Гулчиннинг қўлсиз қўғирчоғи дастрўмолга ўроғлиқ эканини айтдимиз?

– Ҳа, шундай, лекин анави... қонли кўйлак-чи?

– Биладан, аммо бу ерда қўлсиз қўғирчоқ борлиги аҳамиятли-ку.

– Уфф, ақлдан озаман, Салма!

– Ҳаммол бола Гулчиндан қўғирчоғининг отини сўраган экан. Агар ижозат берсангиз, буни ҳам мен Фаросат халфадан сўраб биладан.

– Сўра, қандай қилиб бўлса ҳам, топ, топ!..

Салма хоним касалхонага телефон қилиб Фаросат халфани чақиртирди. Аёл жуда хавотирда эди, шунинг учун безовталиқ билан гапира кетди:

– Кичик хоним! Янгангизнинг аҳволи яхшиланаяпти-ю, фақат "қизим" деяпти-да...

– Ҳамма воқеалардан, ахир, ўзингиз хабардорсиз-

ку. Бу ерда амаким ҳам оғир аҳволда бўлса. Ҳа... мен сиздан Гулчиннинг қўғирчовининг исми нима эканини сўрамоқчи эдим.

– Вой, қизим-ей... сўрагани бошқа нарса топа олмадингизми?

– Фаросат халфа, агар билсангиз, айтинг!..

– Севим!.. Қўлсиз қўғирчовининг оти Севим эди, - деди халфа.

Ведатбей телефондаги суҳбатни диққат билан эшитиб ётаркан, аста-секин ақли ёришиб бораётганини ҳис қилди. У ўрнидан туриб, оёқларини каравотдан туширди, қўллари билан пешонасини ушлаганича бир оз ўйлашиб турди. Кейин:

– Салма, қидирув эълонида Гулчиннинг исми бормиди? – деди.

– Ҳа.

– Қўлсиз қўғирчоқ ҳақида эса ёзилмаган-а?

– Йўқ.

– Қўлсиз қўғирчовини қиз дастрўмолга ўраганча кўксиди тутганини ҳам бу ҳаммол бола билмасди...

– Ҳа, афандим.

– Мовий кўйлак у ерда йўқ эди-ку.

– Ҳа.

– Унда отанг ўша мовий кўйлакни нега ёққан?

– Билмайман, амаки. Холидни Эренкўйдаги уйга сиз ўзингиз олгансиз-ку, шундайми?

– Ҳа... бу гапингни қандай тушунай?

– Хаёлимда бир даҳшатли ўй бор-у, аммо бунга айтишга тилим бормади. Отам Гузин хонимни сиздан ажратишни хоҳларди. Агар бунга эришса, Гулчинни ҳам йўқотиб, фақат ўзи сизнинг меросхўрингиз бўла оларди-да!..

– Ҳа, даҳшатли режа.

– Сизни бу ерда сақлаб ё ақлдан оздирарди, ё бир талай заҳарларга дучор қилиб ўлимингизга ҳам муваффақ бўларди.

– Ҳа, бу ишни у аниқ эпларди.

– Энди ҳаёлимга яна бир ўй келяпти. Холид болани олиб кетгани аниқ. Қамалиб чиққани учун ҳеч ким унга иш бермаётган эди. Ўзи шу кезларда оч йиртқичдай изғиб юрган эди.

– Бўлиши мумкин.

– Сиз эса унга парвариш қилиши учун боғни бериб, яхшигина ойлик ҳам тайин қилдингиз.

– Ҳа, шундай.

– Отам билан қаерда қандай танишганини билмайман-у, аммо Холид афанди топган эшигини йўқотадиганлардан эмас!..

– Наҳотки?!

– Ўйлашимча, у отамдан пулни олиб, қизни ўлдириши ва ўзи йўқ бўлиши керак эди. Шунинг учун қизни бошқа ерга олиб боришга мажбур бўлган. Эртақлардаги каби қизнинг кийимларини ечиб, қанақадир қонга булғаб, отамга олиб бориб, пулларни олмоқчи бўлган. Отамнинг ўлганини эшитиб эса, энди қизни бизга олиб келади.

– Олиб келмайди, чунки айби очилади-ку.

– Келтиради, деб умид қиламан. Кўнглим сезяпти, афандим, Гулчин тирик!..

ЭР-ХОТИН

Бир ҳафта давом этган мунтазам парваришдан сўнг Гузин хонимнинг аҳволи анча яхшиланган эди.

Махсус хонада парваришга олинган ёш жувоннинг ёнида ҳамшира Вадиа хоним билан Фаросат халфа бор эдилар. Аёлга Вадатбейнинг келиши ҳақида телефонда билдирилганидан кейин Гузин хоним анча ўзини ўнглаб

олган эди.

— Кошки эди, мени бу ҳолимда кўрмаса, — дерди у хижолат билан.

Ведатбей хонага киргунига қадар аёл орқасига қўйилган ёстиқларга ярим суянганча ўтириб олди. Ведатбей каравотга яқинлашиб аёлнинг қўлини тутди. Ҳамон оташ каби ёнаётган бу қўлларни у лабига босди. Кейин секин-секин гапира бошлади:

— Гузин хоним! Акам... иккимизни ҳам мана шу ҳолга келтирганди, лекин Аллоҳ унинг жазосини берди...

Ведатбейнинг кўзларида ёш бор эди. Буни кўрган Гузин хоним ҳам ўз навбатида деди:

— Заҳмат чекиб бу ерларгача келганингиз учун сиздан миннатдорман, бей афанди. Нега Гулчинни олиб келмадингиз?

— Сизни бу ҳолатда кўришини, умуман олганда касалхонага келишини ногўфри деб билдим. Кейин... ўзи ҳам парваришга муҳтож.

— Мен қизимга қўлимни ҳам теккизмайман! У ҳам мени кўрсин! Бу менинг сўнгги орзуим, ахир...

— Бош шифокор билан учрашдим. Бир ҳафта ичида сизни уйга олиб кетамиз. Ҳар куни бир шифокор ҳолингиздан хабар олиб туради. Вадиа хоним ҳам сиз билан бирга қолади. Яна озгина сабр қилинг, илтимос! Бизнинг ҳаётимиз ҳам сизнинг саломатлигингиз билан боғлиқлигини унутманг. Аввало мени айбламаслигингизни илтимос қиламан. Акам ўз нафсини ўйлаганча севимли нарсаларимдан айириб, кейин мени ўлдирмоқчи бўлгани ойдинлашди. Сизга қилинган тазйиқларда менинг ҳеч бир иштироким йўқ, бунга Аллоҳ шоҳиддир. Мени авф этишингизни яна бир бор илтимос қиламан! — деди Ведатбей.

Унинг бу гапларини жимгина эшитиб турган аёл:

– Бугунгача мени деб азият чекиб келдингиз. Ҳозир эса менга бир оз бўлса ҳам, яшаш умидини бердингиз, бей афанди. Энди яхши бўлишга ғайрат қиламан, – деди ҳорфин овозда.

Вадиа хонимнинг ишораси билан зиёрат тугади. Ведатбей Гузин хонимни қўлидан ўпаркан, кўзларидаги икки томчи ёш аёлнинг оташдек қизиган сўлғин қўлига томчилади.

Ведатбей ташқарига чиққанида Гузин хонимнинг аҳволи шу даражагача етиб келгунича уни бирор марта ҳам кўрмагани, хотини эса ўлим билан юзма-юз келиб улгургани ҳақида ўзича ўйларди.

Ведатбейни лифтгача кузатиб чиққан Вадиа хоним пастга тушаркан:

– Касалхонамиз шифокорлари Гузин хонимни қутқариш учун барча имкониятларни ишга соладилар. Менга ишонинг, бей афанди. Юртимиздаги бошқа мутахассис шифокорларни ҳам чақириб, маслаҳат қилдилар. Шунинг учун умидимизни узмаймиз, албатта. Имконингиз борица, қисқа фурсатда қизингизни топиб келишингизни ҳам ўзингизга айтмоқчи эдим. Фаросат хонимдан эшитишимча, сизни оқ оғуга ўргатиб, кейин руҳий хастахонага жўнатмоқчи бўлган экан. Ўша пайтларда сизга тазйиқ қилган акангиз ўз-ўзидан давлатингизга эга бўлар эди, тўғрими? Рўй берган тасодифий фалокат эса сизларни қутқариш учун Аллоҳ томонидан қилинган ёрдамдир. Шунинг учун сиз ҳам энди ўзингизни қўлга олинг-да, астойдил ҳаракат қилинг! – деди.

Ведатбей ташқарига чиқиб, касалхона эшиги ёнида кутиб турган машинага ўтирган заҳоти деди:

– Бу бола шу кетганча кетиб, топилмади-да, Аҳмад афанди.

– Сабрибей ҳам қидирди, мен ҳам топа олмадим, бей афанди. Охирги бир ҳафта ичида бу болани Тахтақалъада ҳам, Миср бозори атрофида ҳам бирон киши кўрмабди-я... Ялангоёқ юргани учун оёғига бир нарса кириб кетган экан. Бир неча кун оёғига бўз бойлаб юрибди, кейин қараса, оёғи шишиб кетибди. Шериклари ҳам унинг уйини билишмас экан-у, аммо ҳаммол Яшар деса, ҳаммалари танишар экан... – деди.

Ҳаво совуқлигидан ёғингарчилик бўлиши тайин эди. Ведатбей ўзига анча катта бўлиб қолган қўлқопининг ичида ҳам қўллари совқотаётганидан тепа сочи тикка бўлиб борарди.

Уйига келган заҳоти оромкурсига узанди.

– Яхши бориб келдингизми, амаки? – деди Салма.

– Тамом бўлибди-я, бечора... марвариддек қиз эди-я! Отанг уни ҳам, мени ҳам мана шу ҳолга келтирди.

– Амаки, мен отамнинг ўлимига, аксинча... севиндим. Унинг учун кўзларимдан бир томчи ҳам ёш тўкилмади. Отамнинг дастидан онам не кунларни кўрганини-ку сизга гапирмай қўя қолай. Онам бечора оғир аҳволга тушиб ўлди-ю, ундан қутулиб кетди. Сизга мен айтмагандим, у хотиннинг уйига борганимизда дини ва миллати бутунлай бошқа бўлган ўша хотин ҳам отамдан роса шикоят қилган эди. Аёлнинг уйида қолган кечаларда фақат майхонага борар, у ерда Холид афанди иккови ичишар экан, – деди қиз.

– Нега буни аввалроқ айтмадинг?!

– Ўшанда сиз мовий кўйлак парчасини кўриб беҳуш йиқилгандингиз-да. Аёл эса бу ҳолингизни кўриб: "Эҳ нодон, ахир, тўрт ёшли норасидадан нима истардинг?!" деб бақирганини эшитгандим, амаки. Сиз беҳуш пайтингизда мен Аҳмад афандидан илтимос қилгандим. Шунинг учун у бориб, аёл билан яна учрашиб келди. Отам доим

Холид афанди билан ўтирадиган майхонани суриштирибди. Натижаси яхши бўлишига умид қилдим, чунки сизнинг аҳволингиз жуда оғир эди-да...

– Гулчинни Холид афанди олиб кетганини энди биламиз, балки уни ўша аёлнинг қаҳвахонасидан топармиз. Майхонаси ўзи қаерда экан?

– Саматяда Барбар майхонаси деб аташаркан. Мана шу ном билан ҳамма билар экан. Кейинчалик ўз номига ўтказиб олиш мақсадида Рум исмли кекса хотин бошқарармиш. У ерда тайёрланган нарсалар отамга маъқул бўлгани учун яқиндан танишиб қолишган экан.

– Салма, мен ўша ерга боришим керак. Энди ҳамма ишларни ўзим бошқараман!..

– Амакижон, тонгдан бери ҳеч нарса емадингиз-ку...

– Ҳа, овқатланишга ҳозир тушаман. Аввал бирор нарса еб, кейин Сабрибей билан кетаман.

Ведатбей анча йиллардан бери тушмаган қуйи қаватдаги овқатланиш хонасига биринчи марта ўзи тушиб борди. У ерда Ведатбейни ошпаз ўз ёрдамчилари билан ва бошқа хизматчилар ҳурмат юзасидан худди аскарлардек кутиб турардилар. Ведатбей дастурхонга ўтирди-да, Сабрибейга:

– Сиз ҳам ўтиринг! – деди.

– Бей афанди, сиз бемалол ўтираверинг! Мен... шундай ҳам яхши турибман, – жавоб берди у.

– Ахир, менинг бировдан ортиқ жойим йўқ-ку. Мен ҳаммангиздан миннатдорман, ўтиринг, Сабрибей! Овқатланиб бўлганимиздан кейин сиз билан биргаликда майхонага кетамиз. Дарвоқе, Аҳмадбейга ҳам овқат келтиринглар!..

Овқатланиш хонасининг деворларида ҳар хил манзаралар, борлиқдаги мавжудотлар акс этти-

рилган расмлар бор эди. Шифтдан то стулнинг устигача осилиб турган салобатли пардалар ва буфетда ярқ-ярқ ёниб турган жилокор биллурлар хонага ажиб бир фусункорлик бахш этиб турарди.

Ташқарида қор майдалаб ёғарди. Ведатбей ўзига берилган котлет ва варақини ейиш билан овқатланишни тугатди. Дастурхондан турмасидан аввал атрофдаги хизматкорларга қараб:

— Аввало ҳаммангизга миннатдорчилик билдираман. Кейин яна айтадиган гапим шуки, кимнинг қандай муаммоси ёки мақсаду муддаоси бўлса, бемалол Сабрибейга айтаверсин!.. — деди.

Атрофдаги одамларнинг барчаси бир овоздан "Соғ бўлинг, бей афанди!.." дейишди. Бир оздан сўнг Сабрибей билан иккови машинага миндилар.

— Аҳмад афанди, Саматяга кетдик, — деди Ведатбей.

Шофёр бир-икки марта Ведатбейни ўша ердан олгани учун майхонани биларди. Бир бинонинг пастидаги кўримсиз, аммо жуда кенг жой майхона ҳисобланарди. Романларда ёзилганидек, у ерда қатор-қатор ичимлик учун токчалар, бўш ёки тўлалагини билиб бўлмайдиган шароб бочкалари, каттагина столлар бор эди. Ичкаридан эса ичкилик ҳиди уфуриб турарди. У ерда салобатли бир йигит ерларни супуриб, қўлидаги бўз латта билан столлар устини артиб юрарди.

Ведатбей ва Сабрибей чамаси ўн поғонали зинадан бино остидаги ўша майхонага тушдилар. Деворларда аёлларнинг расмлари бўлиб, улар жуда ҳам кир бўлиб кетганди.

Шу пайт кекса бир одам шубҳали ҳолда ошхона эшигини очиб ичкарига кирди. У Аҳмад афандини дарҳол таниган эди.

Ведатбей унга ўзини таништириб:

– Мен сизнинг мижозларингиздан бири Седатбейнинг укасиман, – деди.

Кекса Рум эса оғир оҳангда:

– Билдим, афандим! Мен унинг вафотига жуда ачиндим, бошингиз омон бўлсин!.. – деди.

– Сиз ҳам соғ бўлинг!

– Мени бундай ишларга алоқам йўқ, бу ерда мени ҳамма билади... – деди у тўсатдан.

– Биз ҳам сизни айбдор демаймиз, шунинг учун ҳам Холидни қидириб юрибмиз...

– У одам бизнинг ёнимизда ишларди. Ўнг қўлининг устида расми бор. Нима десам экан, ҳа... юрак устига урилган ханжарнинг расми!.. Бу ёққа ҳар замонда келарди, биламан, афандим. У ўзига тузукроқ иш қидириб юрган эди, кейин қаёққадир йўқолди. Эй, бу ер майхона бўлса, ҳамма бир-бирини танийди-да. Мен мижозларни ҳеч ажратмаганим учун Холид афандини ҳам яхши танийман. Унинг юзида устарадан бўлган яранинг изи бор. Ҳозир Калйопидаги ўзининг уйида бўлса керак, менимча...

Ведатбей майхона хизматчиларининг биридан сўради:

– Холид билан акам Седатбей бу ерга охирги марта қачон келишди, эслай оласанми?

– Афандим, ўша куни Седатбей бу ёққа анча аввал келган эди. У биздан ароқ сўради, биз ҳам "Эрталаб бўлса, ароқни нима қилади?" деб ўтирмасдан бердик. У бир столнинг ёнига бориб ўриндиққа ўтирди-да, ича бошлади. Кейин мендан "Холид келдими?" деб сўради...

– Холид ўшанда бу ерга келдими?

– Ҳа, у келганидан кейин иккиси барабар ича бошлашди, афандим...

Ундан бу жавобни олгач, нарироқдаги жойларни тар-

тибга келтираётган йигитга қараб:

– Бу ерга Холид афанди охирги марта қачон келди?
– деб сўради.

– Тахминан ўн кундан ошди, афандим. Аввал Седатбей келганди, кейин Холид келди. Негадир икковлари жанжаллашдилар, – деб гапирди йигит.

– Ҳа... бўлди, – деди хизматчи ва гапида давом этди: – Холид Седатбейга бир пакет келтирди. Ичида нима борлигини билмайман-у, уни стол устига қўйди.

– Нега жанжаллашдилар?

– Холид негадир "Мен бунақа иш қилолмайман, қанақа амакисан ўзи?! Ахир, ҳайвонлар ҳам боласига шундай қилмайди-ку!..." деб бақирди. У шундай деб газетага ўроғлиқ пакетни стол устига қўйди. Кейин Седатбей ундан "Бу жойларда сенинг жонингга оро кирадиган мендан бошқа бирор киши борми? Қани ўша пул ёки иш, қани?!" деб сўради-да, кейин унга бу ишда миллионлар борлигини айтиб, ўзи рози бўлганини эслатди. Шундан кейин менга ароқ келтиришимни буюрди. Мен кўрганимда Холид афанди жуда терлаб кетган эди. Шунинг учун ундан "Сенга нима бўлди?" деб сўрасам, у менга ҳатто қайрилиб ҳам қарай олмади. Седатбей сигаретага олов ёқаркан, идишдаги ароқни ичиб, келтирилган пакетнинг бир четини йиртиб кўрди ва негадир "Бўлди!..." деди. Шундан кейин Холид ҳам қанақадир пул сўради. Седатбей эса "Кечқурун Калйопидаги ўша жойга бориб, пулларингни олиб кетгин!" деди. Хайрлашмасларидан аввал Седатбей Холидга бу атрофларда кўринмаслигини тайинлади. Агар кўринадиган бўлса, ишни бузиб қўйиши мумкинлигини қаттиқ уқтирди. Мен билган бор гаплар шу, холос... – деб сўзларини тутатди йигит.

Нариги стулда ўтирган Аҳмад афандига Вадатбей бир қараб олди-да, йигитдан яна сўради:

– Бу ердан баравар чиқдиларми?

– Йўқ, бей афандим. Аввал Холид чиқиб кетди. Уни кузатганидан кейин Садатбей яна иккита идишдаги ароқни ичди-да, тамоман ҳушини йўқотгудек бўлди. Ўзини базўр тутганча пулини берди-да, Холид олиб келган пакетни кўтарганча бу ердан чиқиб кетди.

– Холид афанди қаерда яшайди? – сўрашда давом этди Вадатбей.

– Билмадим, узоқда бўлиши керак, чунки баъзи-баъзида кеч қоларди. Шунда Садатбей сабабини сўраганида уйдан бу ергача келиш осон эмаслигини гапирарди.

– Уйи қайси томонда экан?

– Мен билмайман-у, аммо ҳар замонда биздан ароқни олиб ўша ерга кетарди.

– Садатбейнинг ёнидаги ўша ҳамроҳининг яна кими борлигини биласизми?

– Биз бу ерда таъмир ишларини олиб бораётган пайтимизда сувоқ ишини қилган бир одам бор эди. Эшитишимча, ўша уста Холиднинг поччаси эди...

– Холидни танийдиган яна бирортаси борми?

– Йўқ, афандим.

...Энди суриштириладиган ҳеч нарса қолмаган эди. Учта эркак майхонадан чиқишга чоғланаркан, Сабрибей стол устида озгина пул қолдирди. Хизматчи ҳам уларни зинапоя олдиғача кузатиб, оқ йўл тилади.

Машинага чиқишганидан кейин Вадатбей:

– Бу гапларни эшитиб ҳеч бир умидим қолмади, – деди тушкунлик билан.

– Бей афандим, ўша ҳаммол бола қўлсиз қўғирчоқни, ахир, ўз-ўзидан гапирмагандир. Агар қизни кўрмаса,

бизга ўша гапларни гапирармиди? – деди Сабрибей.

– Хўп, унда мовий кўйлак-чи?!

– Менинг фикримча, Холид қизни ўлдирмаган-у, кийимини алмаштирган, холос.

– Ие, кийимини алмаштириб нима қилади?

– Седатбейга ҳамма ишни битирганини кўрсатиш учун-да...

МЕН ГУЛЧИН ЭМАСМАН

Ведатбей иложсизлик ва минг бир ўйлов ичидан чиқиб кетишга тиришарди. Хонадондаги барча телефонлар иккинчи қаватдаги Гузин хоним чиқарилган, кейин эса Ведатбей жойлаштирилган хонага боғланган эди.

Салма хоним хона ичида амакисининг безовта кезишига ачиниш билан қараб турарди. Телефон жиринглаган эди, Ведатбей жиянидан аввал дастакка қўл узатди. Ташқарида эса Аҳмад афанди Сабрибей билан гаплашиб туришарди.

Маълум бўлишича, ҳаммол бола яна келиб, Ведатбей билан учрашишни истаётган эди. Ведатбей пошиб зина-поя ёнига борди-да:

– Сабрибей, ўша болани юқорига чиқаринг! – деди.

Бир оздан сўнг Яшар Сабрибей билан бирга юқорига чиқди. Боланинг оёқлари тоза кўринса ҳам, бир қадар ифлос эди. Иштонининг почалари нам бўлиб, бошидаги тер томчилари афтига оқиб тушаётган эди.

Хонага кириб келгунича у атрофга бирма-бир назар солиб келди. Кейин Ведатбейга қараб:

– Бу ер Вали Қўноғидан ҳам баттар экан-ку. Ҳеч кимни ичкарига қўйишмайди-я, тавба. Мен шунча

ишни ташлаб бу ёққа бекорга келдимми? Шунинг ўрнига иккита иш қилсам, кундалик пулимни топардим. Уйда ота-онам кутиб ўтиришибди, ахир... – деди.

– Ташвишланма, зарари йўқ. Қани айт-чи, бизга бирор хабар келтирдингми? – деди Вадатбей.

Бола Салма хонимга ажойиб бир қараш қилди-да, гап бошлади:

– Жонингни севай, опажон. Аввалги келганимда менга беш дона йигирматалик пул бергандинг. Уларни шундайлигича ота-онамга олиб бориб бердим. Пулларнинг биттасига резина этик олиб беришди. Мен уни кийиб ишга чиққан куним қор тагида кўринмай кетган шиша синиғи товонимга кириб кетди. Маст одамларнинг бири ароқ шишасини ерда синдиргандир-да. Шунинг учун тўрт кун ишга чиқа олмадим...

– Бизга бирор хабар олиб келдингми? – деди қиз бесабрлик билан.

– Келтиришга-ку келтирдим-а, аммо айтишга ўзим ҳам ҳайрон бўлиб турибман-да. Анави қиз бор-у, ҳалиги сиз эълон берганингиз-чи... мен уни яна кўрдим!..

– Гапир, ўғлим!.. Қерда кўрдинг? – деди Вадатбей ҳам ошиқиб.

– Султонаҳмадда... Ўша кун Тахтақалъадаги бир улгуржи савдогар дафтар, қалам олган экан. Ўша менга мурожаат қилиб, ҳамма юкларини орқамга жойлаштирди. Кейин биз Султонаҳмад йўлидан кетдик. У одам олдинда юриб борар, менга қараб: "Юрсанг-чи, ўғлим! Дўконни очиқ қолдириб келганман", дейди. Ахир, юклар унинг орқасида эмас, менинг елкамда-ку. Ерлар сирпанчиқлиги учун оёқларим тойгани етмагандек, оғирлигидан елкамдаги юк ғичир-ғичир қилар эди, – деди бола.

Боланинг гапларини диққат билан эшитаётган Ведат-бей қизга қараб:

– Салма, менга мушеккин бер! – деди.

Салма хоним шишадаги дорилардан бирининг қопқоғини очди-да, қопиқчага қуйиб амакисига узатди. Унинг ёнида Сабрибей исмига номуносиб бесабрлик билан зўрға турарди. Шундан бўлса керак, болага қараб:

– Ўғлим, қизни қаерда кўрдинг, тезроқ гапирсанг-чи!.. – деди тутоқиб.

– Ие... мен эртак эмас, ахир, ўшани айтяпман-ку. Бу ерга бекорга келмагандирман, тўғрими? Хуллас, инқиллаб-синқиллаб ўша кишининг орқасидан кетаётиб қарасам... бир машинанинг орқасида Гулчин ўтирибди. Юкни дўконга тушириб, яна орқага қайтдим. Султонаҳмад боғининг қаршисидаги ўша жойга борганимда такси ҳалиям турганди. Машинага яқинлашганимда қиз мени кўриб дарров таниди. Балки саватимдан танидимикин-а? Қор ёғаётгани учун қизнинг эғнида пальтога ўхшаш кийим, бошида эса шапкага ўхшаш жунли бош кийим кийгизилган эди. Биласизми, мен уни кўзларидан танидим!..

– Кўзларининг ранги қанақа эди? – сўради Салма.

– Яшил-да, опажон...

– Хўп, яна қандай белгисидан танидинг?

– Кўзларидан... кейин қўғирчовидан! Мен сизларга машинага чиқдим, дедим-ку. Чиққанымдан кейин уни гапга солдим. Мен ўша суҳбатни айнан келтираман. "Сен бу ерда нима қиялпсан?" сўрадим мен. "Зайнаб холам мени бу ерга олиб келди. Мана шу жойдаги бир хотин мени онамга олиб бораркан", жавоб берди у. "Ойинг қаерда?" дедим. "Касалхонада", деди. "Қайси касалхонада?" дедим. "Билмайман, негадир ҳамма мени "Онангга олиб

бораман!" дейди, аммо ҳозиргача ҳеч ким олиб бормади. Шунинг учун қайси касалхоналигини мен ҳалиям билмайман..." деди. "Ойингнинг исми нима?" дедим. "Гузин", деди у. "Қаерда турасизлар?" деб сўрадим. "Фаросат хонимнинг уйида" деди. "Фаросатхоним қаерда?" дедим. "Уйида..." деди. "Уйи қаерда?" десам, "Кўчада..." деди. "Сен у ёққа нега бормайсан?" дедим. "Мени у ердан Холид амаки олиб кетди. У менга ойимни кўрсатишини айтди-ю, ёлғончи... ҳали олиб бормади-я!" деди. "Ким у Холид амаки?" десам, "Бизнинг боғ ҳовлимизда боғбонлик қилар эди. Боғимизда катта-катта ўриклар, чиройли гуллар бор. Ҳар гал боққа кирганимда у менга биттадан ўрик берарди. Пишганида ўртасидан бўлиниб кетадиган ўша ўриклар бирам ширин эдики..." деди. "Энди ўша Холид амаки қаерда?" дедим. "Мени Зайнаб холага қолдирди-да, ўзи қаёққадир кетди", деди. "Гулчин, нега отангнинг олдига бормайсан?" десам, "Мени исмим Гулчин эмас, Фотима!" деди. "Ие, сен Гулчин эмасмидинг?" дедим. "Жим, ҳеч ким билмасин!.. Бўлмаса, мени онамга олиб боришмас экан, тушундингми?" деди у. "Қўғирчоғингнинг ҳам исмини ўзгартирдингми?" дедим. "Унинг исми Севим, қўғирчоғим гапирмайдиган бўлгани учун унинг исми ўзгартирилмади", деди. "Қўғирчоғингнинг қўли ҳалиям тузалмадими?" дедим. "Ҳа, тузалмади... Ойим унга қўл тикмоқчи эдилар, аммо мен кўнмадим", деди. "Нега?" сўрадим мен. "Севимнинг жони оғрийди-ку", деди. "Хўп, яхши, лекин ҳозир бу ерда нимани кутяпсан?" дедим. "Зайнаб холам ичкарига кириб кетган эди, ўша хотин билан гаплашади-да", деди. "Ҳайдовчи қаерда?" дедим. "Шу атрофдаги бир жойга чой ичиш учун кириб кетганди..." деди.

Ҳаммол бола қиз билан бўлган суҳбатни шу ерга етказганида ўз ҳолатини бир тузатиб олди-да, яна гапирришда давом этди:

– Шу пайт рўпарамиздаги уй эшигидан Зайнаб хоним чиқиб қолди. Эғнида иссиқ кийим бўлиб, бошига рўмол ўраб олган эди. У мени кўриб бир ёмон қараш қилди-да, "Яна сенми?!.. Шу ҳавода елкангдаги юк билан бу ерда нега ўралашиб юрибсан?! Бор, ишингни қил!" деди. Мен ҳам бўш келмасдан "Юк олиб боргандим, хола", дедим. Ўрнимдан қўзғалаётиб юриб кетаётган машинанинг рақамларини ёдлаб олдим!

– Қандай қилиб ёдладинг?

– Кўчада бекорга юрмаймиз, қизни қидираётганингиздан хабардор эдим-ку. Ҳа, онаси касалхонада ётган экан, нега хабар беришмайди? Исмини ўзгартирганлари нимаси, ахир?! Бу гуноҳ-ку!

– Машинанинг рақамлари қанақа эди? – шошиб сўради Салма хоним.

– Эсимдан чиқиб қолишини ўйлаб бир қоғозга ёзиб олган эдим, мана! Ҳа, яна бир гап бор. Мен йўл чеккасида турган эдим, ўша такси ёнимдан ўтиб кетди, аммо ичида Гулчин йўқ эди. Қизни ўша ерда қолдиришган, менимча.

– Қаерда?

– Зайнаб хола кириб чиққан ўша уйни айтяпман-да.

– Ўша жойни эслаб қолганмисан?

– Албатта-да, эшигида бир докторнинг исми ёзиллиқ эди. Оқ жойга сариқ ҳошия билан "Рағиб Сумар" деб ёзилганини айтяпман-да.

– Бу гап билан Гулчинни ўша ерда қолдиришган демоқчимисан?

– Мен қаердан билай, опа, машинанинг ичида йўқ эди-да. Шунинг учун...

– Бошқа бола бўлмасин яна...

– Э-э, кўзларингни севай, опажон! Мен бу ерга бе-

корга келмадим. Бу – ўша қиз!.. Унинг исмини ўзгартиришган, холос. Агар Гулчин эканини айтса, ойисига олиб боришмас эмиш... Кўряпсизми, бу ерда бир сирли гап бор!

– Нима сири бор?

– Ўша қизни Холид деган одам ўғирлаган, менимча. Қиз айтган ўрикли боғ қаерда бўлса, у ўша ерда боғбонлик қилади.

– Машинанинг рақамини олганингдан қандай наф бор?

– Бизнинг ҳам миямиз ишлайди, опа. Жадвалда таксилар бирма-бир қайд этилгани учун ҳайдовчини дарров топишади. Кейин ўз-ўзидан маълумки, ҳайдовчи ҳам аёлни қаерда қолдирганини айтади.

– Сен қаерда яшайсан?

– Бўздўғон камари бор-у, ана ўша ерда. Ункапа кўпригидан тушаверишдаги чап томонда жойлашган Филтепанинг атрофидаги уйлардан биридамиз. Онам уйда жуда кам бўлади, нима қилсин? Соппа-соғ одам бўлганидан кейин баъзан қўни-қўшниникида, баъзан эса бошқа ишлар билан овора бўлиб юради.

– Салма, бу болага ҳозир озроқ пул бергин, кейин ўзимиз яна топиб оламиз, – деди Ведатбей.

– Хижолат қилдингиз-да, мен бу ерга пул учун келмадим. У қиз менга жуда ёқиб қолган эди, холос.

– Қизни топамиз ўғлим, иншааллоҳ...

– Энди менга рухсат...

Ҳаммол Яшар уйдан чиқиб кетди. Салма хоним болани кузатиб хонага кирганида Сабрибей хонада ўтирганди. Ведатбей секин гап бошлади:

– Қизнинг исмини ҳам ўзгартирибдилар, энди нима қиламиз? Агар аҳамият берсангиз, бу боланинг гаплари

ёлвон эмас. Гулчин бечора ҳатто баргак ўрикларгача гапирган. Қизнинг исми, кўриниши ва кийимини ўзгартирибдилар-у, аммо... қўлсиз қўғирчоқ ҳамон унинг қучоғида. У Фаросат хоним ва онасининг исмини ҳам айтган, буларни Яшар ўйлаб топмаган, тополмасди ҳам!..

— Амаки, нима қиламиз? Бу болага ҳар қанча қилсак ҳам, оз. Истамбулнинг оддий боласи бўлган бу зийрак ҳаммол бола қизнинг кўзлари яшил эканини ҳам айтди-ку. Шунинг учун тезлик билан ҳаракат қилишимиз керак! — деди Салма.

Ведатбей ўша заҳоти қўлига телефонни олиб, ҳоким муовини бўлиб ишлайдиган яқин дўсти билан боғланди ва:

— Дўстим, қора такси ҳайдайдиган бир шофёрни топишимизга ёрдам беринг! Бу ҳаётий масала билан боғлиқ, албатта. Ҳайдовчидан шикоятимиз йўқ, бизга машина борган жой муҳим бўлгани учун ундан айрим нарсаларни сўрамоқчимиз, — деди-да, машинанинг давлат рақамини берди.

Ведатбейнинг таниши дарҳол чора-тадбирларни кўриб, натижасини айтадиган бўлди. У телефон дастагини жойига қўйиб:

— Муаммонинг далилий ечими юзага чиқди, энди дунё қадар умидимиз бор. Оҳ, кошкийди, Гузин хонимдан ҳам шундай умидимиз бўлса... — деди ватати оҳангда.

Салмахоним касалхонада Вадиа ҳамшира билан гаплашди.

— Ухлаяпти... Асти сўраманг, минг қийинчилик билан овқат едирыпмиз. Зарур нарсаларнинг ҳаммасини қиялпмиз-у, аммо аҳвол бирдек. Ўзгариш бўлиши учун янаям ҳаракат қилишяпти. У алаҳсираб фақатгина қизи-

ни сўраяпти, уни топдингларми? – деди.

– Амаким ҳам шунга жуда ғамгин бўлиб юрибди-да, – деди қиз ўйчан.

Бир соатдан сўнг йўл ҳаракати инспектори Ведатбейни сўради ва:

– Бей афанди, сиз сўраган таксининг эгаси Козим деган одам бўлиб, Ғози Усмонпошшодаги уйлардан бирида турар экан. Козим афанди Анқарага бир мижоз олиб кетгани учун ё бугун кечқурун, ё эртага тонгда кела олишини айтишди, – деди.

Ведатбей миннатдорчилик билдириб телефонни қўйди.

– Эй, яна кутарканмиз-ей... Бу машаққатлар ичида одамга ҳар дақиқа ўлим азобидек туюлади, – деб пичирлади.

Кечки овқат пайтида ошхонага тушиб борди. Ошпаз Ведатбейнинг энг севимли егуликларини тайёрларди. Ведатбей бир жойда туролмас, ҳадеб ўтирган ўрнидан туриб, у ёқдан-бу ёққа безовта кезарди.

Уйдаги телефонлар ҳаммаси бир-бирига параллел бўлгани учун ташқаридан кимдир қўнғироқ қилса, ҳаммаси бирданига жиринглаб одамни шоширарди.

Овқатдан кейин қилинадиган ҳеч бир иш йўқлиги учун ҳамма ўз хонасига кириб кетди. Шундай бўлса-да, ҳар бир хонада биттадан одам хабар кутганча телефоннинг олдида ухлаб-ухламай ётарди.

Уйқусиз кеча секин ўтди. Ведатбей бирорта кийимини ҳам ечмаган эди. У худди қизидан бир хабар олгудек бўлса, кўриш учун ўша заҳоти югуришга тайёр бўлиб ўрнига ётиб олган эди.

Эртаси кун соат саккиз яримларда телефонлар бирдан жиринглаб қолди. Ведатбей тезлик билан

дастакни олди. Инспектор Ведатбейдан Козимбей билан учраштириш ниятида уй манзилини сўрамоқчи бўлган экан.

Ведатбей ҳоким муовинига манзилни берди. Йўл ҳаракати ходимларидан бири шофёр билан йўлга чиқаётганини эшитганида Ведатбей ҳушини йўқотаёзди. Пастки қаватдаги хонага тушган Ведатбей уларни сабрсизлик билан кута бошлади. Салма хоним амакисининг ёнида, Сабрибей эса хонанинг бир бурчагида фармон кутган одамдек турардилар.

Аҳмад афанди машина тўхташи учун уйнинг атрофидан жой тайин қилган эди. Вақтни йўқотмаслик учун ўзи уларни ўша жойда кутиб турарди. Орадан ўн беш дақиқа ўтгач, Аҳмадбейнинг ишораси билан Козимбей олиб келинган машина тўхтади.

Автомашинани бир чеккага қўйганларидан кейин уй томонга юрдилар. Козимбей деганлари негадир бир оз хавотирда эди. Уларни Сабрибей кутиб олди ва:

– Бу томондан келинглар, – деди хушмуомалалик билан.

Йўл ҳаракати ходими билан Козимбей меҳмонхонага кирдилар.

ГУЛЧИННИ ИЗЛАГАНЛАР

Келган меҳмонларни Ведатбей ўтирган ўрнида бош ишораси билан кутиб олди. Салма хоним уларга ўтиришлари учун жой кўрсатди. Негадир Козим афанди қўрқувда эди.

Ведатбей секин гап бошлади:

– Бир воқеа бўлиб ўтганди... Сизларни бу ерга олиб келиб чарчатганимиз учун аввало узр сўраймиз, албат-

та. Оилавий масала бор эди, сизларни излашимизнинг сабаби ҳам шунда...

Кейин Козимбей деб таништирилган шофёрдан сўради:

– Сиз Султонаҳмадга бир аёл ва қизчани олиб борганмидингиз?

– Бей афанди, автомашинамда ҳар куни ҳар ерга йўловчиларни олиб бораман-у, аммо улар кимлигини билмайман, – жавоб берди Козимбей.

– Доктор Рағиб Сумар яшайдиган кўп қаватли уйнинг олдида турдингиз. Зайнаб хоним тушиб, уй ичига кириб кетди. Сиз ҳам қизчани автомашинада қолдириб, ўша атрофдаги жойга чой ичгани кириб кетдингиз. Қайтишда эса фақатгина Зайнаб хоним бор эди, тўғрими?

Йўл ҳаракати ходими Козим афандига жим қараб турарди. Унинг авзойи бузуқдек эди. Ведатбей гапиришда давом этди:

– Сизга бирон-бир айб қўймоқчи эмасмиз. Биз фақатгина Зайнаб хонимни излаяпмиз.

– Зайнаб хоним Ғози Усмонпошшода яшайди. Машинамга йўловчи сифатида мингани учун истаган жойига олиб бордим-да, пулини олавердим, – деди у.

– Хўп... – деди Ведатбей, – йўлда бирор нарса ҳақида гаплашдингизми?

– Мен қизча ҳақида сўрадим, у эса қизни бир танишига қолдирганини айтди.

– Таниши ким?

– Менга айтмади.

– Зайнаб хонимни кўрсангиз, таний оласизми?

– Ҳа, Ғози Усмонпошшода яшайди, деб айтдим-ку. Ўша жойдан бўлганим учун у ҳам менинг такси ҳайдашимни билади. Эри иморат устаси, уни ҳам танийман.

– Уйини биласизми?

– Мана шуни айтолмайман-да, билмайман, деганим тузукроқ... – деди у андиша билан.

– Нима учун тортинаётганингиз сабабини билсак бўладими?

– Уста иззат-нафсли, ниҳоятда ориятли, яхши одам-да! Зайнаб хоним ҳам уйдан кўчага, ҳатто қўшниларникига ҳам ортиқча чиқмайди. Шунга ҳайрон бўлиб турибман. Нима, сиз унинг бирорта қариндошини излаяпсизми ёки ниманидир билишингиз керакми?

– Ҳа... тўғрироғи, аввал судланган бировни қидиряпмиз, қотил бўлиши ҳам мумкин!.. – деди у.

– Ҳа, – деди Козим афанди, – укаси бир неча марта қамоқда ўтириб чиққан. Шунинг учун ҳам бўлса керак, Зайнабхоним қўшниларида уялади. Эри ҳам уйига Холид келишини истамайди, чунки жанжаллашади-да...

– Сиз қизчани у ерда кўрдингизми?

– Ҳа тўғрироғи, у менга "Меникига меҳмонга келган эди", деганди. Кейин ўтган куни Зайнабхоним менга мижоз бўлгани учун икковини Султонаҳмадга олиб бордим-да, кейин Зайнабхонимни ўз уйига қўйиб кетдим.

– У сизга яна бирор нарса демадими? Масалан, қизча ҳақида дейман-да...

Козим афанди бир оз ўйланиб тургач, деди:

– У менга "Бола ҳақида ҳеч кимга ҳеч нарса демаслигингни истайман", деди. Чунки Зайнаб хоним укасидан жуда қўрқади, менимча. Эшитишимча, Холид майхонада... қайси эди-я, ҳа, Саматяда яна "ичкари"га олишибди-ку.

– "Ичкари" деганингиз қаер?

– Қамаб қўйишган, афандим.

– Биз сиз ёки Зайнаб хонимга қарши эмасмиз, фақат қизчани излаямиз, холос.

– Қизни Султонаҳмадда қолдирганини биламану, кимга қолдирганини эса... тўғрироғи, бундай ишларга ҳеч аралашмаганман-да.

– Болани докторга қолдиришганмикин?

– Негалигини билмайману, аммо Зайнаб хоним ўша куни жуда безовта эди.

– Холиддан қўрққан бўлса керак...

– Билмайман, афандим.

– Машинада у қиз билан гаплашдимиз?

– Кўп гаплашмади, фақат қанақадир касалхона ҳақида гапирди. Агар одобли қиз бўлса, онасига олиб боришини таъкидлади.

– Қизнинг исмини айтдимиз?

– Уни Фотима деб чақираётган эди, шекилли.

– Қизни докторга қолдирган, деб айтмоқчимисиз?

– Билмадим, у ерни мен фақат беморлар қабул қилинадиган жой сифатида биламан. Буни ҳам бир марта ўша ерга бемор олиб борганим учун биламан, холос, – деди Козим афанди.

Салма хоним дарров телефонлар билан борлиқ маълумотлар китобчасини қидира бошлади. Бир оздан кейин атрофдагиларга қараб:

– Рағиббейнинг уйи Кадикўйда бўлиб, қабулхонаси эса ўша ерда экан. Бу ерда телефон рақамлари ёзилган экан, – деди мамнун оҳангда.

– Салма, биз Козимбейдан илтимос қиламиз, у бизни Зайнаб хонимнинг уйига олиб боради, шундайми? – деди у Козимбейга қараб.

– Олиб боравераману, аммо бошимга бало бўлмасмикин?

– Бало бизнинг бошимизда... Бировга зарар етказишни биз ҳам истамаймиз. Қани кетдик, бизни олиб боринг!

Ведатбей секин ўрнидан турди. Ташқари оппоқ қор бўлиб, атрофда қаттиқ шамол гувилларди.

– Амаки, бундай ҳавода сиз бормасангиз ҳам бўларди, – деди Салма хоним.

Ведатбей унинг гапларига қулоқ солмади-да, йўл ҳаракати ходимига қараб:

– Сизга чуқур миннатдорчилик билдирамыз. Агар яна зарурат сезилиб қолса, сизни безовта қилишимиз мумкин. Қайтаётганимизда ўзингизга қулай жойда қолдирамыз, – деди.

Ведатбей Салма хоним билан бирга ўзининг машинасига ўтирди, бошқалар эса таксига миндилар. Йўл ҳаракати ходими Эминўнуда тушиб қолди. Козим афанди ишора қилган томонга қараб кета бошладилар.

Тахминан ярим соатча йўл юрилгач, Холижитепадagi икки қаватли уй ёнида тўхтадилар. Кўча оппоқ қор билан қопланган эди. Уй эшигини ишора қилиб кўрсатган Козим афанди пальтосининг ёқасини кўтариб олган эди, чунки у ерда қор бўрони жуда кучли эди.

Эшик очилиб, бошига рўмол ўраган бир аёл ҳайрон бўлиб қараб турарди. Ҳовлида ғира-ширагина ёруғлик бор эди.

Аввал Салмахоним ичкарига кирди.

– Сизни безовта қилдик, хаёлингизга яна бошқа ўй келмасин, – деди у аёлга.

Аёл ҳеч нима дея олмади. Энди ичкарига Ведатбей ҳам кирган эди.

– Хўжайиним уйда йўқлар, – деди Зайнаб хоним.

– Биз эрингизни қидириб эмас, Гулчин учун келдик. Бу одам менинг амаким, Гулчиннинг отаси бўладилар, – деб изоҳлади Салма хоним.

Аёл уларни печкаси ёқилган иссиқ уйига олиб кирди. Ҳаммаёқ озода бўлиб, ерга оддий нарсалар тўшалган эди. Зайнаб хонимнинг оёқ-қўллари титраётганини кўрган Салма хоним аёлга қараб:

— Опа, сиз ҳеч хавотир олманг! Гулчиннинг онаси касалхонада ётибди. Аҳволи жуда оғир бўлиб, фақат қизини кўришни истаяпти, холос. Бизнинг ҳам қанчалик сиқилаётганимизни тушунинг, илтимос. Укангиз Холид Гулчинни олиб кетганидан бери қиз ҳали топилмаганини ўйлаб кўрдингизми? — деб вазиятни ётири билан тушунтирди.

— Бу йигит бир кун мени хонавайрон қилади-да... — деди аёл рўмоли билан кўз ёшларини артаркан, кейин яна сўзлашда давом этди. — Хўжайиним бундай ишлардан нафратланади. Аслида Холидни бу ерга киритмоқчи ҳам эмасдим, аммо унинг қучоғида бир қизча бор эди. Шунинг учун ҳеч кўзим қиймади. У ҳадеб менга "Шу болани олгин, Зайнаб! Нима, уни энди ўлдиришим керакми?" деяверди-да.

Ведатбей устига тўқима ёпқич ёпилган жойга ўтирди. Бу пайтда Салма хоним бир стул олиб улгурган эди. Ведатбей аёлга:

— Зайнаб хоним, Холид такрорий жиноятчи, бу унинг юзидан ҳам кўриниб турибди. Укангиз Эренкўйдаги дала ҳовлимизга келганида эндигина қамоқдан чиққан бўлиб, ҳалоллик билан ишлашни истаган одам эди. Бу йўлни танлагани учун уни рад этиб бўлмасди, албатта. Дала ҳовлимизда боғбонлик қилишини назарда тутиб, уни ишга олдим, кўнглидагидек ойлик тайин қилганман. Тўғри... ора-сира ичиб турса ҳам, ҳалоллик билан ишларди. Шунинг учун бўлса керак, доим яхши одам бўлишга астойдил тиришарди. Энг ёмони шундаки, Холидни менинг акам йўлдан урди. Акам унга буй-

руқ бергани учун у қизимни йўқотмоқчи бўлгани тайин. Қизим йўқолганидан кейин барча оила аъзоларимиз бараварига паришон бўлдик. Биз суриштириб Гулчинни сиз Султонаҳмаддаги бир уйга олиб борганингизни билдик. Нега ёнингизда олиб қолмадингиз, унинг исмини ўзгартирдингиз?

Зайнабхоним фақат титрарди.

– Бир томонда эрим бўлса, бир тарафда жиноятчи укам бор. Дардимни эримга мутлақо айтолмасдим. Агар айтгудек бўлсам, қизчани уйдан кетказишимни сўраши тайин эди. Холид ҳам бир куни шошиб келиб қизни отасига қайтаришини, бирор муддатда озроқ пул тўплаш истаги борлигини айтган эди. Мен жуда оғир аҳволда қолган эдим. Докторнинг ёнида ишлайдиган бир синглим бор эди, шунга олиб бордим. Балоғатга етган қизи борлиги учун қизчага қараб туради, деган эдим... – зўра гапирди Зайнабхоним. Аёл ўзини бир оз тутиб олди-да, яна давом этди, – Худодан топгур Холид қизчанинг бироз кўникишини кутар, шуьгача уни бирор жойда сақлаб туришни истарди. Мен ноилож эдим, шунинг учун қизни ўша синглимга олиб бордим. Ўз навбатида у ҳам ўзининг уйига олиб кетди-да... Ташвишланманг, улар жуда яхши одамлар.

– Уларнинг уйи қаерда? – сўради Салма хоним.

– Оқсаройдаги Лалели деган жойга тушаверишдаги кўчанинг ичида. Шундоққина кўча юзидаги мачитнинг рўпарасидаги қаҳвачи Ҳасаннинг уйи...

– Синглингизнинг исми нима?

– Гулоран.

– Биз билан бора оласизми?

– Ҳозир, афандим, аввал печкани ўчириб келай...

Сабрибей уларни ташқарида кутиб турарди.

– Холид афанди, нега қамалибди? – сўради Ведатбей

Зайнаб хонимдан.

– Газетада ёзилишича, майхоначидан қарзи бўлган экан. Жанжаллашган пайтида бир талай идиш-товоқ синиб кетган экан, – деди аёл.

– Мен бу масалани ҳал қиламан, Зайнаб хоним, – деди Ведатбей.

ОТА БИЛАН ҚИЗ

Бўрон бўлишига қарамай, икки машина ҳам аввал Ай-юбга, у ердан Эминўнуга, кейин эса Оқсаройга кетиб борарди. Козим афандининг таксисида Зайнаб хоним борарди.

Неча йиллардан бери акасининг тазйиқи остида наркотик дориларни қабул қилган, учинчи қаватдан пастга ҳеч тушмаган Ведатбей ўн кун ичида бутунлай ўзгарган эди. Ниҳоятда асабий ва қувватсиз бўлишига қарамай, ҳамма ишни ўзи бошқармоқчи бўлаётганди.

Машинанинг иккови ҳам Лалелига етиб борди. Катта йўлдан бурилиб, кенгроқ кўчага кирдилар. Олдиндаги машинадан аввал Зайнаб хоним тушди.

Кўп қаватли уйнинг биринчи қаватидаги хонадоннинг эшиги оҳиста чертилди. Аввал ичкаридан болаларга хос "Ким у?" деган овоз эшитилиб, кейин эшик очилди. Йўлакда бири балоғатга етган, иккинчиси эса 3-4 ёшлардаги икки қиз туришарди.

Аёлни кўриб ҳалиги қиз:

– Ҳа... Зайнаб хола, сизмисиз? – деди. Зайнабхоним эгилиб қизни қучоғига олди-да:

– Мана, сени онангга олиб борадиган одам ҳам келди! – деди.

Уларга қараб турган Гулчин жуда ҳайрон эди. Юзла-

ри анча салқиган, сочларига оқ оралаган Ведатбейга тикилиб қараб турарди. Кейин иккиланиб:

– Ведатбей... дадам... дадажоним! – деб юборди.

Ведатбей қизини топганидан жуда хурсанд эди. Шунинг учун кўзлари жиққа ёш эди. Ведатбейнинг тиззалари мадорсизликдан букилиб кетар, қизини маҳкам қучоқлаганича ўзини зўрға ушлаб турарди.

Энди уларга хонадон эгасининг қизи ҳайрону лол бўлиб боқарди. Бу ҳолатни кўрган Зайнаб хоним:

– Келинглар, бир жойга ўтирайлик! – деди.

– Агар уни олиб кетишса, онам нима дейди, Зайнаб хола? – деб сўради.

– Онангга айтиб бу ерга қизни мен олиб келгандим, энди ўзим олиб кетяпман. Бу қизалоқ ўзи хархаша қилмадими?

– Ҳар замонда йиғлади...

Ҳаммалари бир хонага ўтишди. Уй ичи имкон қадар безатилган эди. Салма хоним қизни бағрига олди-да, маҳкам қучоқлади.

– Севим қанақа, яхшими?

– Яхши, Салма хола. Ҳеч тўполон қилмадию, аммо қўли оғрияпти-да... – деб тушунтириб қўйди.

– Шунинг учун уни ҳеч қўлингдан қўймаяпсанми?

– Қўймайман-да, холажон!.. – деди тантанавор қилиб.

Кичкинагина хона кўпчилик сиғмайдиган даражада тор бўлгани учун Сабрибей тик туриб қолган эди. Аҳмад афанди ва Козимбей эса хонадан ташқарида эдилар.

Жойида омонатгина турган Сабрибейдан Ведатбей сўради:

– Сабрибей, сигаретингиз борми?

Сабрибей илк марта ўзидан сигарет сўраган миллионер хўжайинига ҳайрон бўлиб, очик қутидаги сигаретларни узатди.

– Раҳмат, Сабрибей, – деди Ведатбей ва Зайнабхонимга юзланиб, – сизга чуқур миннатдорчилик билдираман. Биз энди Гулчинни тез онасига олиб борайлик. Агар Холиднинг бирор қарзи бўлса, дарҳол тўлаб, ҳибсдан қутқаришга ҳаракат қиламан, ишонинг! – деди.

– У, ахир... қизингизни ўғирлади-ку.

– Холид афанди раддор одам бўлганида эди, биз Гулчинни кўра олмасдик. Маълум бўлдики, Холид афанди Эренкўйдаги уйда ўзи ҳар замонда кўриб юрган Гулчинни ўлдиришга ботина олмасдан сизга келтирган. Мен уни бу одамгарчилиги учун мукофотлайман, албатта. Уни бу йўлга бошлаган аслида акам Седатбей-ку!..

Гулораннинг қизи ҳозиргина ўзи дамлаган қаҳвани олиб келди. Шундагина Ведатбей эрталаб нонушта қилмагани ва аллақачон тушлик пайти бўлса-да, овқат ейиш ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаганини билиб қолди.

– Салма, машинадаги телефондан касалхонага телефон қилгин-да, ҳамшира билан гаплаш! Гузин хонимга қизини кўришини айтсин, хўпми! – деди Ведатбей қаҳвадан ҳўплаб.

– Хўп...

Салма хоним ташқарига чиқиб кетмасидан аввал қизни отасига берди-да, Аҳмад афанди билан бирга эшик томон юрди.

– Зайнаб хоним, Гулчинга яхши қараганингиз учун сизга миннатдорчилик билдирамыз. Вақти келиб яна учрашамиз, албатта. Холидни эса яна ўзининг аввалги ишига қабул қиламан, бундан ташвишланманг! Укангиз ҳаётда ўз ўрнини топиши учун ёрдам беришимиз бизнинг инсонийлик бурчимиздир! – деди Ведатбей.

– Бей афанди, Аллоҳ умрингизга барака берсин, илоҳим... – деди у қизариб.

– Аллоҳ сиздан ҳам рози бўлсин! – деб ҳаммалари баравар жавоб беришди.

– Баҳорда сизларни Эренкўйдаги дала ҳовлимизда кутамиз. Мен Холид афандидан, албатта, хабар жўнатаман, Худо хоҳласа.

Ведатбей шундай дегач, Сабрибейга:

– Козим афандига юз минг лира беринг, чунки бугун у ишдан қолди, – деди.

Зайнаб хоним эса аввал Гулчиннинг юзларидан ўпди, кейин бошини силаб:

– Худога топширдим, гўзал қизим! Қўлсиз қўғирчонингга яхшилаб қарагин, хўпми?.. – деб тайинлади.

– Қарайман, Зайнаб хола.

– Онангга мендан салом айтгин!

– Хўп, холажоним, айтаман. Сиз ҳам Холид амакимга салом айтинг!

Зайнаб хоним чиқиб кетаётган пайтида ичкарига Салма кириб келди-да, Ведатбейга:

– Амакижон, янгам анча яхши эмиш. Вадиа хоним айтдики, агар дилидаги дард кетса, аҳволи янада яхшиланармиш. Гузин хонимни ҳамшира учрашувга тайёрлаяпти, – деди. Бу орада Козим афанди ҳам раҳмат айтиб, Зайнаб хоним билан бирга чиқди. Шофёр аёлни уйига қўйиб, кейин ишини давом эттириши керак эди.

Салма хоним эса Гулчинни кийинтира бошлади. Бошига жундан тўқилган бош кийимини кийгазди. Ҳаммалари баравар машинага миндилар. Кетиш олдидан Зайнаб хонимнинг жияни ва Гулчин бир-бирларини ўпиб қўйишди.

Машина касалхона томонга юриб кета бошлади. Салма хоним қизга қараб:

– Гулчин, муштипар онангни ташвишлантирадиган

иш қилмагин, хўпми?! У сени кўрганидан кейин аҳво-
ли янаям яхшиланади, — деди.

Касалхонага борганларида Вадиа хоним дарво-
за олдиға тушиб пойлаб турган экан. У дарров Гул-
чинни қучоғига олди. Хонасига кирганларида Гузин
хоним ўрнида ўтирган эди. Қувватсиз, ҳолдан той-
ган бўлса-да, қизиники каби яшил кўзларида умид
учқунлари ва яшаш орзуси бор эди.

Учрашув жуда оғир бўлди. Вадиа ҳамшира фақат
йиғлар, бош ҳаким эса уларға жимгина қараб турарди.
Гулчинни кўрган Гузин хоним:

— Менга яқинлашма, қизим. Сени... узоқдан кўрсам
бўлди, — деди.

Шунда бош ҳаким ажабланганини яширмасдан деди:

— Қизингизни ўпсангиз бўлади, Гузин хоним. Бунинг
зарари йўқ. Қизингизнинг бу ерга келиши биз қилган
чора-тадбирлардан ҳам фойдалироқдир.

Шифокорнинг сўзларини эшитганларидан кейин
она-бола бир-бирларини маҳкам қучоқлаб олдилар.
Қўлсиз қўғирчоқ ҳамон қизнинг қучоғида, қўлсиз то-
мони эса Гулчиннинг бағрига босибди эди...

Беморнинг хонаси ҳожатхона ва меҳмонларни ку-
тиш учун каттароқ бўш жойдан иборат эди. Фаросат
хоним ғамдан адо бўлган бўлса-да, ҳаётдан жуда мам-
нун эди.

Бош ҳаким Ведатбейга изоҳ бера бошлади:

— Бей афанди, бир ҳафтадан кейин хоним афандига
рухсат берамиз, деган умиддаман. Табиийки, мутахассис
шифокор ҳар куни эрталаб хонимдан хабар олади, яъни
даволаш ишлари давом эттирилади.

— Вадиа ҳамшира борса бўладими? Бир оз муд-
дат бўлса-да, у бу ердаги югур-югурдан халос

бўлсин... — деди Ведатбей кулиб.

— Бажонидил бораман... Гузин хонимнинг соғайиб, оёққа турганини кўриш мен учун катта бахт, албатта, — деди ҳамшира.

Гузин хоним анча камқувват бўлгани учун ўзини бир томонга ташлаганича кулимсираб турарди.

— Афандим, — деди Ведатбей бош ҳакимга, — касалхонадан уйга кетгунича биз Гузин хонимдан тез-тез хабар олиб турсак бўладими?

— Албатта, бу хона Вадиа хонимга бириктирилган-ку, хотиржам бўлинг!..

Гулчин ҳамма касалликларга қарши эмланди. Энди унда микробларга қарши курашувчи хоссалар бор эди.

Вадиа хоним изоҳ берди:

— Агар Гузин хоним хоҳласа, Гулчинни ҳар куни кўриб туради. Ўзининг бу ерда қолиши эса ноқулайдир, чунки бу ер касалхона-ку. Мана Гузин хоним ҳам қизини кўрганни учун анча яхши бўлиб қолди.

Унинг бу гапларини эшитиб бемор аёл ҳам:

— Соғайишни, яшашни хоҳлайман! — деди.

Шундан кейин беморни Ведатбей, Салма хоним ва Гулчин бирма-бир ўпиб қўйдилар.

Бир оздан кейин улар машинага чиқиб Жиҳангир томонга кетиб борардилар. Ведатбей неча йиллардан бери энди биринчи марта очликни ҳис қилаётган эди. Шунинг учун уйга кириши биланоқ:

— Овқатланадиган пайт ҳам бўлиб қолди. Қани келинглар, ошпаз тайёрлаган нима нарса бўлса, шуни еймиз, — деди.

Уйда дастурхон тайёр бўлгани учун Ведатбей ҳаммани овқатга чақирди.

— Сабрибей, сизни жуда овора қилдик-да, ўти-

ринг! - деди Ведатбей.

– Йўғ-ей, бей афанди, – деди у.

– Шундай, шундай... Келинг, илтимос! Ахир, буни мен хоҳлаяпман-ку. Дарвоқе, соат аллақачон икки бўлибди-ку. Қани, Аҳмад афандига ҳам овқат беринглар, – деб буюрди Ведатбей.

Хизматчилар худди тинч оққан дарёдек у ёқдан-бу ёққа овоссиз, жимгина ҳаракат қилардилар.

Седатбей ҳаммани қаттиқ тартиб остига олгани учун уйда жуда оғир муҳит юзага келган эди. Ҳозир эса Ведатбей туфайли ака-ука яшаган уйда жуда катта ўзгариш бўлаётганди.

Шу пайтгача хизматкорлар ҳатто аксиришга қўрқар, нималарнидир имо-ишора билан бир-бирларига тушунтирардилар.

Ведатбей ҳаммага бир-бир қараб олгач:

– Бир ҳафта-ўн кундан кейин Гузин хонимни бу ерга олиб келамиз, Худо хоҳласа. Гулчин ҳам айланиб-айланиб охири онасини топди, – деди хиёл жилмайиб.

Гулчин Салма хонимнинг ёнида ўнг қўли билан овқат ер, чап қўли билан эса ҳамон қўлсиз қўғирчоғини қучоқлаб олган эди. Шунда Салма хоним:

– Амакижон! Бугун жуда чарчадингиз, энди бир оз дам олинг... – деди.

– Йўғ-ей, мен ўзимни жуда бардам ҳис қиляпман! Аввал вужудимда довулдек ваҳима бор эди, ҳозир эса... Эртага Холид афандини кўриб келишга бораман, чунки уни тўғри йўлга солиш бизнинг бурчимиз! – жавоб берди Ведатбей.

Отасининг гапларини эшитиб турган қиз бирданига:

– Қўли расмли амакими? Мен уни жуда яхши кўраман!.. – деб юборди.

ОДАМИЙЛИК

Ака-уканинг уйида охирги икки йил давомида бирор марта биров баланд овозда гапирмаган, Седатбейнинг рухсатисиз бирорта одам пастки қаватга тушмаган ёки юқорига чиқмаган эди. Дори ҳидлари ўрнашиб қолган учинчи қаватда эса энди тўрт ёшдаги қизалоқ телефонда онаси билан бижир-бижир қилиб гаплашарди.

— Ойижоним!.. Салма холам ишларини тугатсин, кейин у билан бирга сизнинг ёнингизга борамиз, — дерди у.

Гулчин доим қўлсиз қўғирчоғини бағрига босиб олганча у ёқдан-бу ёққа юрар, "боласи"га ҳадсиз денгиз ва тоғларни кўрсатиб:

— Қара, жоним! Ёз келсин, ўша ёқларга кетамиз. У ерда ҳар хил гуллар, қушлар ва ўрик дарахтлари бор, — деб ғужурларди.

Гузин хоним эса касалхонанинг махсус хонасига келган қизчасининг овозидан қувват олиб кун сайин софайиб борарди. Ўша кезлари Ведатбей Саматядаги қамоқхонага бориб, режадаги зарур ишларни амалга оширган ва туланмаган қарзи учун панжара ортига кирган Холидни қутқарган эди.

Эртаси куни Холид дарров уйга келди-да, Ведатбейнинг оёқларига бош уриб миннатдорчилик билдирди.

Ҳа, тўғри йўлга интилган Холидни аслида Седатбей ёмон йўлга бошлаган эди. У Ведатбейнинг қаршисида йиғлагудек бўлиб гапирарди:

— Судланганим ва одамларнинг ишончини оқлаганим учун ҳеч ким менга иш бермади. Худди тоғдан тушган оч бўридек шаҳарда мен анча изғиб юрдим.

Кейин умид билан сизнинг идорангизга келдим. Ана ўшанда мен Гузин хонимни биринчи марта учратган эдим. Ҳеч бир одамга ёмонликни раво кўрмайдиган, тарбияли, назик қиз эди. Мени сизга ўзи учраштирган эди, эсингиздами? Мен ҳар томондан рад этилганимни ва аҳволимни сизга тушунтирдим. Поччам ҳайдаб юборгани ва опамнинг юзига қаролмаслигимни, аммо тирикчилик қилишим зарурлиги, агар шу кетишим бўлса... қотил даражасига етишим мумкинлигини айтдим. Сиз менга раҳм қилиб, Эренкўйдаги дала ҳовлига юбордингиз. У ерда бир кекса бовбон яшарди. Менга сиз пул бериб, ҳар ойда ойлик олишим ва ўша ердаги хонада яшашимни айтгандингиз...

Холид титроқ овозда мана шуларни айтаётганида хонага Гулчин кирди-да, отасининг рўпарасида турган Холид афандига суркалганча ҳайрон бўлиб сўради:

– Ота, нега Холид амаким бундай йирлаб гапиряпти?

Бу сўзлар Холидни бир лаҳзадаёқ адоий тамом қилган эди. У қизчанинг кичкина қўлларини ушлаганича лабларига босди. Холид афандининг ҳўнтраб йирлашига ҳайрон бўлиб қараб турган Гулчинни Салма хоним ташқарига олиб чиқиб кетди. Шунда Холид афанди:

– Бей афанди, ўшанда қайтадан дунёга келгандек бўлдим... Энди мен учун очлик-яланғочлик, миршабдан кўрқиш деган нарсалар йўқ эди. Ҳамма одамларга ўхшаб эркин ва бахтли эдим. Лекин... марҳум Седатбей акангиз мени ўша ҳаётдан мосуво қилди. У мени бу ерга олиб келганидан кейин фақатгина унинг ҳисобига ишлай бошладим. Аввалги ёмонликлардан қолган ўша ҳислар вужудимдан кетиб улгурмасиданоқ, яна тез фурсатда ёмон одамга айланиб улгурдим. Энди Саматядаги майхонага тез-тез борардим. Оз муддат ичида ўша ердаги кўрқмас ишбилармон бўлиб ҳам улгурдим. Гузин хонимни ёмонлаш ва

иккингишни ажратиш йўлида Седатбейнинг "қисқич-қуроли" бўлдим. Бу одам шу даражада тошбағир эдики, менга қизингизни... ўлдиришимни буюрди. Бўхтон қилиб аёлингизни сиздан айирди-да, уни халфанинг уйига жўнатди. Мен қизни у ердан олиб, кейин ўлдиришим керак эди. Негаки, агар мен ишни якунласам, менга бир миллион лира бермоқчи бўлганди. Бундан ташқари, ўзи алоҳида майхона очмоқчи эди. Ўша биз бориб юрадиган майхонанинг орқасидаги қиморхона ва бир пайтлар ўзи бой берган мол-мулкни қайтариб олмоқчи эди. Мен эса қизчани олишга олдим, лекин ўлдиришга ботина олмадим... Гулчинни опамнинг уйида қолдирдим-да, кийимларини қонга булғаб... Седатбейга "Уни ўлдирдим!..." деб айтдим. Шу орада тўсатдан автоҳалокат туфайли ўзи вафот этди. Мен эса нима қилишимни билолмай, ҳайронлигимча қолдим, чунки у ҳали пулларни бермаган эди. Бир қарорга кела олмасдан вазият яхшиланишини кута бошладим. Бу пайтда сизга қизингизни қайтаришни ҳам ёки ўша пулларни олишимни ҳам билолмай гаранг эдим. Ҳеч нарсани билмасам ҳам, аммо Гулчинни ўлдирилмаслигимни аниқ билардим!.. Бир сабаби раҳмдиллик бўлса, иккинчи сабаби Фаросат халфа мени танирди. У мени Эренкўйдаги дала ҳовли ва уйда ҳам кўрган эди-да. Бунинг устига қўлимдаги расм менинг яширинишимга имкон бермас эди...

Холид афанди асаби бузилганича яна тушунтиришда давом этди:

– Мен эса... сиқилишим натижасида яна ичишни бошладим. Ҳадеб ичавериш натижасида қарзларим кўпайиб кетди. Ўша қарзни ундириб олиш мақсадида устимдан шикоят қилишди. Мени тўғри йўлга бошлаган эса яна сиз бўлдингиз. Бир умр миннатдорман, бей афанди!..

У Ведатбейнинг сабр билан эшитиб турганини

кўриб давом этди:

— Бей афанди! Мен дала ҳовлига борганимда эшик кулфланган, боғбоннинг хонасида эса ҳеч ким йўқ эди. Седатбей кекса боғбонни ҳайдаб юборибди-да, эшикка эълон осиб қўйибди. Эълонда дала ҳовли сотилиши, агар харидорлар бўлса, бу уйнинг манзилига муурожаат қилиши таъкидланган ва Седатбейнинг телефон рақамлари ёзилган эди. Яна бир нарсани айтиб ўтишим керак. У ҳам бўлса шуки, Седатбей бутунлай ҳукмрон бўлмоқчи эди. Аввал сизни кокаин билан ақлдан оздириб, руҳий хастахонага ётқизишни мўлжаллаб юрганди. Агар сиз вафот этадиган бўлсангиз, мол-мулкингизга эгалик қилмоқчи эди. Нима учун билмадим, негадир исмини ҳам ўзгартиришни истарди. Шунинг учун "Седатбей"даги биринчи ҳарфни ўчириб, "Ж" ҳарфини қўярди-да, оғзаки Жедатбей бўлиб юарди. Оқ кукун сотувчи контрабандачиларни у жуда яхши танирди. Ўзи ҳам оз-оздан қўллаб турарди. Аммо кўпинча сизнинг ҳушингиз жойида ё жойида эмаслигини билиш учун бир талай ҳийлалар ўйлаб топарди. Ҳатто бир марта уйингиздаги гиламларни бошқа жойга олиб бормоқчи ҳам бўлди. У ердаги қоровул эса ўша гиламларни фақат сизнинг буйруғингиз билан сақлаётганини айтибди. Мен у одамга таҳдид қилган эдим, аммо у мендан устун чиқди. Шахсий ҳисоб-китобчингиз ҳам сиздан берухсат банкдан пул ўтказишни истамади. Шундай қилгани учун уни Седатбей ҳайдаса-да, у идорангиздан кетмади. У ўз мақсади йўлида астойдил олға интиларди. Мен эса ана шу босқинчилик ишларида Седатбейга ёрдам берардим. Гулчин эса мени яхши маънода енгди, яъни ёвузлашиб кетишимга йўл қўймади. Шунинг учун мен қизни ўлдириб қудуққа ташлай олмадим, бу ишни мен қилолмасдим ҳам!.. Седатбей эса менинг гапларимга ишонди ва хурсандлиидан яна ича

бошлади. Уни охирги марта ўша майхонада кўрганим бўлди.

Ведатбей ҳозиргина гапириб берилган ниҳоятда даҳшатли ва ачинарли воқеа-ҳодисаларни эшитиб бўлгач:

– Қизимни ўлдирмаганинг учун сендан миннат-дорман!.. Агар бу ҳолат такрорланганида эди, яна ҳамма чорани қўллаб бўлса-да, сени инсонийликка-бошлаган бўлардим. Энди сен бугундан бошлаб Гулчиннинг амакиси бўлиб қоласан. Амакиси бўлганда ҳам "қўли расмли амакиси"сан-да, – деди табассум қилиб.

Шундан сўнг Ведатбей Холидга қўлини ўпиши учун изн берди. У ҳозирги уйда қоровул сифатида қоладиган эди. У ердаги сарф-харажатлардан ташқари ойлигини ҳам оладиган бўлди.

Дала ҳовли эшигидаги сотиш билан боғлиқ эълон олиб ташланди. Мурожаат қилган бир неча кишига эса сотишдан воз кечилгани билдирилди.

Ведатбей бир куни ҳаммол Яшарни қидириб топа олмади-да, ўша биринчи учраган жойига хабар қолдирди. Гулчиннинг топилишига сабаб бўлганидан ташқари, чаққон, ақлли ва зийрак бўлгани учун у Ведатбейга жуда маъқул бўлган эди. Орадан бир неча кун ўтиб у уйга келди-да, Ведатбейга:

– Бей афанди, мени чақирган экансиз... – деди.

Ведатбей аввал у билан қўл сиқишиб кўришди-да, кейин унинг рўпарасига ўтирди. Гулчин ичкарига кириб келганида эса ҳайратдан Яшарнинг оғзи очилиб қолди. Бола унга:

– Хўш, энди сенинг исминг нима?.. – деди кулиб. Гулчин Яшар билан кўришди. Бу орада Ведатбей секин гап бошлади:

– Яшар!.. Сенгача ҳеч ким бизга Гулчин ҳақида хабар

келтирмади. Бизнинг аҳволимиз эса ўша кезлари ниҳоятда оғир эди. Гулчинни топишимизга сабабчи бўлдинг, сени чақиртирганимдан асл мақсадим ҳам шу эди. Қанақа истагинг бўлса, шуни амалга ошираман, деб ўзимча ўйлаб юрибман. Қизим эса кунора онасини кўриб келаётгани учун Гузин хоним ҳам анча соғайиб қолди, Худога шукр. Яқинда уни касалхонадан олиб келамиз. Хўп, майли, бу гаплар ўз йўлига. ... Қани айт-чи, сен орзулаган, аммо қила олмаётган бирор режанг борми? – сўради у.

Яшар бироз ўйланиб тургач:

– Амакижон, мен бир ҳаммол бўлсам... Отам ҳам ҳаммол бўлиб ўтган-да, шунинг учун озми-кўпми рўзғорга пулимни топиб юрибман. Сиз ва қизингизнинг хурсандчилиги билан бутун дарду аламларим унут бўлди, бундан бошқа яна нимани ишташим керак-а?! – деди.

Ведатбей эса сўзида маҳкам туриб олганча унинг истаklarини сўрайверди. Яшар анча ўйланиб турганидан кейин бир сабзавот дўкони очиш ва қовун-тарвузга мўлжалланган раста қуриш истаги борлигини билдирди. Агар мана шу ишга зарур бўладиган пулларни қарз сифатида олса, кейин секин-секин қайтаришини айтди. Яшар гапиришда давом этиб:

– Мени қистамайсиз, хўпми, оғабей. Ҳаммолчилик ёмон иш эмас, аммо юк тўла саватни орқалаб кўтариш одамни ағдарилгудек қилади-да. Агар бошимни тўғри тутаман, десам ҳам, ҳеч имкони бўлмайди, денг...

Боланинг гапларини жимгина эшитиб турган Ведатбей:

– Ўғлим, биз дўконни ҳам очамиз, бир ердан сенга тузукроқ уй ҳам оламиз, Худо хоҳласа. Ана кейин онанг ҳам ҳадеб эшикма-эшик юрмайди, фақат роҳат кўради, иншааллоҳ, – деди.

Сабрибей ҳам унинг бу таклифини маъқуллади ва улар Яшарнинг онаси билан учрашишди.

Она-бола ўзлари сиғингандек яшаган ўша кичкина уйни сотишди. Мулкка эгалик ҳақидаги ҳужжат аёлга берилди. Шундан сўнг Яшарга бир дўкон очиш ишлари бошлаб юборилди.

Гузин хоним келгунига қадар бошқарув ишлари билан Салма хоним шуғуллана бошлади. Фаросат хоним эса бўлиб ўтган дилхираликлардан жуда ҳориган эди. Шунинг учун Салма хоним аёлни уйда қолдириб, ўзи Гузин хонимнинг ёнида қолиш учун касалхонага кетди.

У ерга борганида эса Вадиа хоним:

– Мен имконим борича Гузин хонимга қараб турибман. Худога шукр, ҳарорати тушди. Шунинг учун энди у бошқа бировнинг ёрдамига муҳтож эмас, – деди.

Шифокорнинг бу гапларини эшитиб Гузин хоним ҳам дарров:

– Жуда чарчадингиз-а, синглим?! Сизнинг хизматларингизни ҳеч қачон унутмайман! Энди ҳеч бўлмаса, тунлари ухласангиз бўларди. Қачон кўзларимни очсам, фақат сизнинг гўзал юзларингизни кўраман, ҳар дақиқа ёнимдасиз... – деди унга.

Узоқ муддат беморлар парвариши билан шуғуллана-вериб ўз касбининг устаси бўлиб кетган Вадиа хоним ўша – Гузин хонимнинг алоҳида хонага кўчирганидан бери кўнгли хотиржам эди. Охириги кунларда ҳарорати тушган бемор энди хонасида юрар, аста-секин тўлишиб борарди.

Вадиа хоним аёлнинг парваришида овқатланиш тартибига, айниқса, эътибор берар эди. Бундан ташқари, аёлнинг маънавий дунёсини бойитишга ҳаракат қиларди.

Гузин хонимга ҳар тонг қизининг овозини эшитиш бир олам қувонч бағишлар, айниқса, эрининг кунора келиши нур устига аъло нур эди. Ведатбей ўзи ҳали ёш

бўлса-да, сочларининг тамоман оқариб кетгани кейинги пайтларда у чеккан азоб-уқубатлардан далолат эди, албатта.

Энди Ведатбейга ҳамма нарса, яъни Седатбейнинг барча кирдикорлари ойдай равшан бўлган эди.

Орадан кунлар ўтиб, Гузин хоним ўша бир пайтлар ўзи ҳақоратланиб ҳайдалган уйига энди худди қироличалардек тантана билан кириб келди. Седатбей бир пайтлар аёлни Ведатбейнинг ҳамма пуллари қўлга киритмоқчи бўлганликда айблаб, ҳатто буни ҳужжатлар билан исботлаб беришини айтган эди.

Гузин хоним ҳозир ўзини кутиб олишга чиққан одамларнинг олдидан ярим хижолат, ярим хурсандчилик билан ўтиб бораркан, ошпазу эшикбонга ҳам алоҳида-алоҳида табассум қиларди.

Уйга келганидан кейин Гузин хоним оз муддат ўринда ётиши керак эди. У фақат овқат пайтида оиласи билан бирга бўлар, бошқа пайтларда эса эри ёки қизининг ёнида бўларди.

Бу уйда энди Вадиа хоним ҳам худди шу уйнинг аъзосидек бўлиб қолган эди. Бир пайтлар уни уйга киритишни хоҳламаган эшикбоннинг вақти келиб ўзига қандай ҳурмат-эҳтиром кўрсатишини ўшанда билмаган эди, албатта.

Уйнинг ўрта қавати хонадон аъзоларига тегишли ётоқхоналарни ўзида жамлаган эди.

Энди Вадиа хоним ора-сира холасини кўриб келишга борадиган бўлса, Аҳмад афанди унга машина эшигини очиб турарди. Белгиланган вақтда олиб бориб, яна қайтариб олиб келганида Вадиа хоним унга қараб: "Раҳмат, Аҳмад афанди!" дерди.

Гузин хонимнинг аҳволидан доим хабардор бўлган Вадиа хоним бир куни овқат пайтида Ведатбейга қараб:

– Бей афанди, энди сиз аввалги ишингизни давом эттираверинг. Бу соғлигингиз учун ҳам фойдали, албатта. Ҳозирги муҳитдан аста-секин чиқиб кетишингиз сизга аввалги соғлигингизни қайтаради, Худо хоҳласа. Мен сиз истаган вақтгача шу ерда бўламан. Сизга қачон зарур бўлсам, бемалол телефон қилаверинг, хўпми?! – деди.

Ведатбей акасининг ишхонасидан топиб олган ўша кичкина қутидаги оқ кукунни таҳлил қилдирганида у кокаин аралаштирилган дори эканини айтишди.

Вадиа хоним ҳам буни жуда яхши билар эди, албатта. Шунинг учун ҳам сўраганларида у:

– Уйингиз ичидаги тартиб ва муҳитдан шубҳаланган эдим. Бундан ташқари, Ведатбейнинг юзларидаги заҳиллик ва уйқусизлик ҳам шундан далолат эди. Бундан аввал ҳам бир бемор шундай нарсадан фойдаланганини кўрган эдим-да, – деди ўйчан қиёфада.

Уйда бир хона бўлиб, унинг ичи ҳар хил нарсалар билан тўлдириб ташланган эди. Ўша жойни ниҳоятда талабчанлик билан тозалаб, Ведатбей учун ажратишди. Бу ер у уйда қолган кунлари, ё бўлмаса, зарурат сезилганда ишлаши учун мўлжалланди.

Бир пайтлар бу ерда Седатбей оромкурсига ўрнашиб олганча оёқларини ёзув столига қўйиб олар ва қандай қилиб укасининг мол-мулкини тўлалигича қўлга киритишни ўйлаб бот-бот ичарди. Энди эса бу ерда Седатбей эмас, у ўтирган жой ва столнинг ўзи бор эди, холос.

Аҳмад афандининг оиласи ҳам шу уйда ишларди. Улар ҳам вақти келиб ўз хоналарига кириб кетишарди. Ведатбей бошчилик қиладиган уйда энди ҳамма нарса нозик дид билан саранжом безатилган эди.

Фаросат хоним усталик билан уйдаги хизматчи аёл-

ларнинг оғирини енгил қилар, уларнинг зиммаларидаги вазифаларини назокат билан тушунтирганча бошқариб борарди. У ҳеч кимнинг дилини оғритмас, ҳаммасини одоб билан қилишга эришарди.

Фаросат халфа бир куни ўз ёнига икки хизматчини олганча Эренкўйдаги дала ҳовлига борди. Ҳовлининг биринчи қаватидаги бир хонада Холид афанди яшарди. Фаросат хоним унга қараб деди:

– Холид афанди, аёллар бу ерга келишган пайтда сен боғбоннинг хонасида бўлиб турарсан, чунки у ерда ҳеч ким йўқ. Ҳалиги... бемалол ичаверасан, дейман-да...

– Ҳа, тўғри айтасиз, халфа, лекин бир нарсани ҳам унутманг. Мен бу ерда ёлғизман, сизга маълумки, ёлғизликда одамнинг хаёлига кўп ёмонликлар келади. Шунинг учун ё ичкилик ичади, ё ўғирлик қилади. Ичган пайти ҳушёрликни йўқотиб, чарчаганча ухлаб қолади. Бу огоҳлантиршингизни эса мен насиҳат сифатида қабул қиламан. Ҳа, яна бир нарса... ҳалиги менинг ичганимни бей афандига айтманг, илтимос! – деди Холид.

Фаросат халфа Холиднинг хонасини тозалади-да, ичкиликдан бўшаган ҳамма шишаларни йўқотди.

Қишнинг аёвсиз изғиринлари секин-секин тарқаб, ёрингарчилик камайган пайтда Гузин хонимнинг аҳволи аллақачон яхшиланган эди. Бу Вадиа хонимнинг ёрдами билан эди, албатта.

Ҳамшира ҳар куни маълум соатда иккинчи қаватнинг зинапоясида Ведатбейни кутиб олар, кейин иккови қадрдонлардек айланиб юришарди. Шундай кунларнинг бирида ҳамшира Ведатбейнинг қўлидаги сигарет қутисига бир қараб қўйди-да, унга:

– Бугун сал кўп чекдингизми, бей афанди? – деб савол берди.

– Мен бир жойга боргандим, у ерга келган мижозни сигарет билан сийлашди. Бор гап шу... – деди-да, кейин жиддий қилиб, – яшашни мен ҳам хоҳлайман, шунинг учун сиз мени сигаретдан воз кечишимга ундаяпсиз, – деб қўйди.

Ведатбей бу ақлли қизнинг сезгирлигидан мамнун бўлиб ҳазил қилган эди, албатта. Унинг қизга бўлган меҳри шу қадар баланд эдики, ҳатто уни ишдан бўшатиб, шу ерда бўлишига ҳам астойдил рози эди. Бу ҳақда Ведатбей қизга гапирганида ҳамшира самимийлик билан:

– Касалхонада мени кутаётган кўпгина беморлар бор. Бу ёққа эса мен сизларни соғинтирмасдан тез-тез меҳмонга келиб тураман, келишдикми?... – деди кулиб.

Ўша кезларда Гулчин ўзига олиб келинган йиғлаб-куладиган, ҳатто гапириб-юрадиган қўғирчоқларни ҳам рад қилар ва:

– Мен қўлсиз қўғирчоғимни ҳеч нарсага алмаштирмайман. Менга шу бечорагина қўғирчоғимнинг ўзи етади. Шунинг учун ҳам доим у билан бирга бўлавераман!.. – дерди.

МУНЖАРИЖА

КЎЧАДАН КЕЛГАН БОЛА	3
МАРЖОН ШОДАСИ	93
ҚЎЛСИЗ ҚЎҒИРЧОҚ	161

Камолиддин Туғчи

**КЎЧАДАН
КЕЛГАН БОЛА**
қисса

Масъул муҳаррир:
Абдумурод Тилавов

Бадий муҳаррир:
Зухра Ҳамдамова

Муҳаррир:
Адиба Ҳамро қизи

Техник муҳаррир:
Аббос Турсунов

Мусахҳиҳ:
Муҳриддин Ҳамроев

Ношир:
Акмал Нажмиддинов

Нашриёт лицензияси: АИ № 092 - 16.07.07

Теришга берилди: 30.01.2012. Босишга рухсат этилди: 27.03.2012.

Бичими: 84x108 $\frac{1}{32}$. Офсет босма. Times гарнитураси. Шартли бос-
ма табоғи: 14,75. Нашриёт ҳисоб-табоғи: 8,85. Адади: 1000. Буюртма:
№ 21-11. Баҳоси келишилган нархда.

Нашриёт манзили:

"Yurist-media markazi" нашриёти, Тошкент шаҳри, Навоий
кўчаси, 30-уй. Тел.: 244-13-08; 717-76-88. E-mail: yurist-
mediamarkazi@inbox.ru

Босмахона манзили:

«SIRIUS-MEDIA» МЧЖда чоп этилди.

Тошкент ш., Бобур кўчаси, 4-уй.

Қайдлар учун

Қайдлар учун

Қайдлар учун

Қайдлар учун

8500 с.м.

Қайдлар учун